**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ФАНЛАР АКАДЕМИЯСИ МИНТАҚАВИЙ БЎЛИМИ**
**ХОРАЗМ МАЪМУН АКАДЕМИЯСИ**

# ХОРАЗМ МАЪМУН АКАДЕМИЯСИ АХБОРОТНОМАСИ

Ахборотнома ОАК Раёсатининг 2016-йил 29-декабрдаги 223/4-сон қарори билан биология, қишлоқ хўжалиги, тарих, иқтисодиёт, филология ва архитектура фанлари бўйича докторлик диссертациялари асосий илмий натижаларини чоп этиш тавсия этилган илмий нашрлар рўйхатига киритилган

**2023-3/2**
**Вестник Хорезмской академии Маъмуна**
**Издается с 2006 года**

**Хива-2023**

**Бош муҳаррир:**
*Абдуллаев Икрам Искандарович, б.ф.д., проф.*
**Бош муҳаррир ўринбосари:**
*Ҳасанов Шодлик Бекпўлатович, к.ф.н., к.и.х.*

**Таҳрир ҳайати:**

*Абдуллаев Икрам Искандарович, б.ф.д., проф.*
*Абдуллаева Муборак Махмусовна, б.ф.д., проф.*
*Абдуҳалимов Баҳром Абдурахимович, т.ф.д.,проф.*
*Агзамова Гулчехра Азизовна, т.ф.д.,проф.*
*Аимбетов Нагмет Каллиевич, и.ф.д., акад.*
*Аметов Якуб Идрисович, д.б.н., проф.*
*Бабаджанов Хушнут, ф.ф.н., проф.*
*Бекчанов Даврон Жуманазарович, к.ф.д*
*Буриев Хасан Чутбаевич, б.ф.д., проф.*
*Ганджаева Лола Атаназаровна, б.ф.д., к.и.х.*
*Давлетов Санжар Ражабович, тар.ф.д*
*Дурдиева Гавҳар Салаевна, арх.ф.д.*
*Ибрагимов Бахтиёр Тўлаганович, к.ф.д., акад.*
*Жуманиёзов Зохид Отабоевич, ф.ф.н., доц.*
*Жуманов Мурат Арепбаевич, д.б.н., проф.*
*Кадирова Шахноза Абдухалиловна, к.ф.д., проф.*
*Каримов Улуғбек Темирбаевич, DSc*
*Курбанова Саида Бекчановна, ф.ф.н., доц.*
*Қутлиев Учқун Отобоевич, ф-м.ф.д.*
*Ламерс Жон, қ/х.ф.д., проф.*
*Майкл С. Энжел, б.ф.д., проф.*
*Махмудов Рауфжон Баходирович, ф.ф.д., к.и.х.*
*Мирзаев Сирожиддин Зайниевич, ф-м.ф.д., проф.*
*Мирзаева Гулнара Саидарифовна, б.ф.д. Пазилов Абдуваеит, б.ф.д., проф.*
*Рахимов Рахим Атажанович, т.ф.д., проф.*
*Рахимов Матназар Шомуротович, б.ф.д., проф.*
*Рўзметов Бахтияр, и.ф.д., проф.*
*Садуллаев Азимбой, ф-м.ф.д., акад.*
*Салаев Санъатбек Комилович, и.ф.д., проф.*
*Сапарбаева Гуландам Машариповна, ф.ф.ф.д.*
*Сапаров Каландар Абдуллаевич, б.ф.д., проф.*
*Сафаров Алишер Каримджанович, б.ф.д., доц.*
*Сирожов Ойбек Очилович, с.ф.д., проф.*
*Сотипов Гойипназар, қ/х.ф.д., проф.*
*Тожибаев Комилжон Шаробитдинович, б.ф.д., академик*
*Холлиев Аскар Эргашевич, б.ф.д., проф.*
*Холматов Бахтиёр Рустамович, б.ф.д*
*Чўпонов Отаназар Отожонович, ф.ф.д., доц.*
*Шакарбоев Эркин Бердикулович, б.ф.д., проф.*
*Эрматова Жамила Исмаиловна, ф.ф.н., доц.*
*Эшчанов Рузумбой Абдуллаевич, б.ф.д., доц.*
*Ўразбоев Ғайрат Ўразалиевич, ф-м.ф.д.*
*Ўрозбоев Абдулла Дурдиевич, ф.ф.д*
*Ҳажиева Мақсуда Султоновна, фал.ф.д.*
*Ҳасанов Шодлик Бекпўлатович, к.ф.н., к.и.х.*
*Худайберганова Дурдона Сидиқовна, ф.ф.д*

Хоразм Маъмун академияси ахборотномаси: илмий журнал.-№3/2 (99), Хоразм Маъмун академияси, 2023 й. – 198 б. – Босма нашрнинг электрон варианти - http://mamun.uz/uz/page/56

ISSN 2091-573 X
Муассис: Ўзбекистон Республикаси Фанлар академияси минтақавий бўлими – Хоразм Маъмун академияси

© Хоразм Маъмун академиясиноширлик бўлими, 2023

## МУНДАРИЖА
## ИҚТИСОДИЁТ ФАНЛАРИ


**Allonazarov O.N.** Mehmonxona xizmatlari bozorini rivojlantirishning xorijiy mamlakatlar tajribasi 5
**Ashurov M.S.** Risklarni oqilona tasnif qilish - sanoat korxonalarining rivojlanish va taraqqiy etish asosi 9
**Ashurova M.Kh.** Trend analysis of the balance of the industry under the conditions of sustainable development 14
**Axmedova Z.M.** Mahalliy budjet xarajatlari kassa ijrosi hisobi va hisobini takomillashtirish 17
**Hamidov S.K.** O'zbekistonda turistik destinatsiyalar faoliyatini rivojlantirish mexanizmlarini takomillashtirish 20
**Kurpayanidi K.I.** Network interactions in the innovative economy in the conditions of transformation 25
**Maxmudov S.SH., Shukurov U.SH.** O'zbekiston hududlarida qishloq xo'jaligi mahsuloti ishlab chiqarish samaradorligi tahlili 28
**Nazarova G.U.** Aholining ish bilan bandlik darajasini oshirishda raqamli iqtisodiyotning o'rni 33
**Pardayev O'.B.** Sanoat ekotizimlarini simbioz tamoyillariga asoslangan konvergentsiyasi 36
**Saidov J.L.** Aylanma mablag'larni boshqarish 40
**Uktamjonova Z.A.** Sanoat korxonalarida benchmarkingni tashkil qilish zaruriyati 42
**Ziyavitdinov H.H.** Restoranlar – ovqatlanish xizmatini ko'rsatuvchi korxona sifatida 45
**Абдуллаева Д.А.** «Олмалиқ КМК» АЖнинг ташкилий-иқтисодий механизмини такомиллаштириш йўллари ва самарадорлиги 51
**Байниязов Т.Ш.** Сервис соҳасида хизматлар сифати ва рақобатбардошлигини оширишнинг асосий йўналишлари 56
**Баратова Д.А.** Ўзбекистонда тиббий суғурталаш тизимини такомиллаштириш 62
**Бекмирзаев М.А., Исмаилжонов М.Ғ.** Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни барқарор ривожлантиришнинг асосий йўналишлари 66
**Бобожонова З.Ш.** Нефт қазиб олишнинг сўнгги босқичида қудуқлардан нефт ўзлаштиришни ошириш сценарийси ва башорати 69
**Жўраев О.А.** Мева – сабзавот етиштириш ва экспорт қилишда хориж тажрибаси 73
**Иминова Н.** Олий таълим муассасаларида маркетинг ва амалиёт бўлими самарадорлигини ошириш йўллари 79
**Исматуллаев Ж.А.** Минтақалар инвестицион жозибадорлигини баҳолаш бўйича ёндашув ва услубиятлар таҳлили 83
**Леваков И.** Таълим ташкилотлари таркибий бўлинмалари фаолиятида бошқарув жараёнларини интеграциялашуви 87
**Мамарахимов Б.Э.** Ишчи кучини такрор ишлаб чиқаришнинг ўзига хос хусусиятлари ва унга таъсир кўрсатувчи омиллар 92
**Матёқубова Д.О.** Қишлоқ хўжалигини инновацион ривожлантиришнинг илмий – назарий асослари 95
**Норбоев А.И.** Ўзбекистонда ёшлар туризмини ривожлантириш ҳолати ва уни такомиллаштириш йўллари 98
**Нуралиева М.М.** Электронное страхование и его применение в электронной коммерции 101
**Очилов Л.С.** Телекоммуникация хизматлари бозорида нарх сиёсати 104
**Панжиева Н.** Факторы повышения конкурентоспособности региона на основе инвестиционной активности 107
**Раджиев А.Б.** Рақамли иқтисодиёт шаклланиши шароитида статистик ахборот тизимларини ривожлантириб бориш истиқболлари 111
**Раджиев А.Б.** Статистик ахборот ресурслари – бозор иқтисодиёти шароитида статистика фаолиятини тижоратлаштиришнинг объекти сифатида 120
**Рахимов Т.Ж.** Ҳудуд иқтисодий тизимини барқарор ривожлантиришнинг назарий хусусиятлари 126

**Раҳимов О.Б.** Қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари ишлаб чиқариш жараёнида ресурслардан самарали фойдаланиш кўрсаткичларини баҳолаш 130
**Рашидов Р.А.** Кичик бизнес муҳити: тузилиши ва унинг ўзгариши омиллари 133
**Сафаров Ф.А.** Ўзбекистонда хизмат кўрсатиш соҳасининг ижтимоий-иқтисодий самарадорлигини ҳудудлар кесимида баҳолаш йўллари 137
**Сулейманова Ш.А.** Ўзбекистон Республикаси тўқимачилик корхоналарига инновацион технологияларни жалб қилиш муаммолари 141
**Тўхтамишов А.Қ.** Кластер ёндашуви асосида туризм соҳасининг инновацион ривожланиш шарт-шароитлари ва чекловчи тўсиқлар 144
**Уктамов Х.Ф.** Саноат корхоналарининг иқтисодий хавфсизлигини баҳолашнинг ўзига хос хусусиятлари 148
**Усманова З.И.** Ўзбекистон Республикасида туристик-рекреацион салоҳият ва ундан самарали фойдаланиш масалалари 153
**Халикулова Г.Т.** Мамлакат ижтимоий-иқтисодий муаммоларни самарали ҳал этишда суғуртанинг аҳамияти 158
**Халимов Ж.** Минтақа саноатида трансформациялашнинг ўзига ҳос ҳусусиятлари ва аҳамияти 161
**Худайбердиев О.А.** Тадбиркорлик фаолияти инновацион муҳитини ривожлантиришда янгича ёндашув 164
**Шарипов Ғ.** Саноатда электрон тижоратни такомиллаштиришда институционал иқтисодиётнинг аҳамияти 168
**Шарипов К.А.** Озиқ-овқат хавфсизлигини таъминлашнинг концептуал асослари 171
**Шарипов К.А., Валиев М.К.** Кўчмас мулкни давлат томонидан бошқаришнинг хорижий тажрибаси 174
**Шодибоева Д.Ф.** Миллий иқтисодиётда инвестиция рисклари ва уларни пасайтириш йўллари 179
**Эргашева Н.Р.** Аутсорсинг хизматлари бозорини баҳолаш 182

**АРХИТЕКТУРА ФАНЛАРИ**

**Inog’omov B.I., Madirimov X.A.** O’quv binolaridagi sport inshootlari turlari 186
**Jumanazarova M.M., Radjapov B.J.** Xiva saroylarining bugungi davrdagi funktsiyaviy faoliyati 188
**Дурдиева Г.С., Давлетова Ф.Ж.** “Дешон Қалъа” пахса деворини сақлаб қолиш бўйича бажарилган тадқиқот ишлари 192
**Дурдиева Г.С., Худайбергенова Н.К.** Хивадаги анъанавий уйларни асл ҳолатида сақлаш муаммолари ва ечимлари 195

O'UK. 338.482

# MEHMONXONA XIZMATLARI BOZORINI RIVOJLANTIRISHNING XORIJIY MAMLAKATLAR TAJRIBASI

*O.N.Allonazarov, mustaqil izlanuvchi, Urganch Davlat universiteti, Urganch*

***Annotatsiya.*** *Ushbu maqolada rivojlangan mamlakatlarda mehmonxona xizmatlari bozori faoliyatini barqaror rivojlanish tamoyillari asosida tashkil qilishning o'ziga xos jihatlari hamda mehmonxona sanoatida madaniy o'lchovlar, innovatsion va mijozlarga yo'naltirilganlik doirasining konseptual modeli ochib berilgan.*

***Kalit so'zlar:*** *mehmonxona, yashil mehmonxona, mehmona zanjiri, atrof-muhit, mehmonxona xizmatlari*

***Аннотация.*** *В данной статье раскрываются специфические аспекты организации деятельности рынка гостиничных услуг в развитых странах на основе принципов устойчивого развития, а также концептуальная модель культурного измерения, инновационности и клиентоориентированности в гостиничном хозяйстве.*

***Ключевые слова***: *гостиница, зеленая гостиница, гостиничная сеть, окружающая среда, гостиничные услуги.*

***Abstract.*** *This article reveals specific aspects of the organization of hotel services market activities in developed countries based on the principles of sustainable development, as well as a conceptual model of cultural dimensions, innovation and customer orientation in the hotel industry.*

***Key words***: *hotel, green hotel, hotel chain, environment, hotel services*

Rivojlangan mamlakatlarda mehmonxona xizmatlari bozori rivojlanishining tashkiliy-iqtisodiy mexanizmlarini o'rganish, tahlillar natijasida olingan tajribalarni, mamlakatimiz mehmonxona industriyasiga tadbiq qilish bugungi kunning dolzarb masalalaridan biri hisoblanadi. Mehmonxona xizmatlari bozorining xorijiy mamlakatlar tajribalarini o'rganishda butun dunyoda mehmonxonalar industriyasi rivojlanishining zamonaviy tendensiyalari nuqtai nazardan tahlil qilish maqsadga muvofiq. SHu nuqtai nazardan olib qaraganda, biz ushbu bobda mehmonxona xizmatlari bozorini xorij tajribasini o'rganishda, BMTning "Barqaror rivojlanish" maqsadlari [1], mehmonxona industriyasini rivojlanishiga innovatsion va axborot texnologiyalarini keng jalb qilishning ustuvor yo'nalishlariga e'tibor qaratdik.

Barqaror rivojlanish – bu oddiy tamoyilga asoslangan tushuncha hisoblanib, 1987 yilda Brundland [2] hisobotida ta'kidlanganidek, konsepsiya "kelajak avlodlarning o'z ehtiyojlarini qondirish qobiliyatiga zarar yetkazmasdan hozirgi kun ehtiyojlarini qondiradigan rivojlanishi"ni o'z ichiga oladi. Barqaror rivojlanish maqsadi aniq iqtisodiy rivojlanish, ijtimoiy tenglik va atrof-muhitni himoya qilish hisoblanadi. Tadqiqot jarayonida mehmonxona xizmatlari bozori faoliyatini barqaror rivojlanish tamoyillari asosida tashkil qilishning AQSH, Xitoy va Angliya tajribalarini tahlil qildik.

AQSHda ilk bora **Accor** mehmonxonasi 1994 yilda barqaror rivojlanish tamoyillari asosida o'z dasturiga ekologiya strategiyasini kiritgan. Ushbu tashabbus **Accor** mehmonxonasining butun dunyo bo'ylab, barcha manfaatdor tamonlar bilan ishtirokini tahlil qiladigan ko'rsatkichlari kartasini o'z ichiga oladi. U o'zining 170 000 nafar xodimlarini "bitta xodim o'zgarishlar qilishi mumkin" degan g'oya orqali harakatlarini rag'batlantirdi. Unda atrof-muhitni muhofaza qilish bo'yicha maslahatlar, mehmonxona menejerlari uchun o'z xodimlariga tabiatni muhofaza qilish bo'yicha qo'llanmalar nashr qildirgan.

SHuningdek, AQSHning yana bir yirik Hilton mehmonaxonalar korporatsiyasi 2008 yilning iyul oyida butun dunyo bo'ylab o'z biznesining asosiga barqarorlikni yaratish bo'yicha qisqa va uzoq muddatli maqsad va vazifalarni belgilab olgan. Korporatsiyaning kelgusi yillarda barqarorlik ko'rsatkichlarini yaxshilash bo'yicha quyidagi maqsadlarni belgilab olgan:

−mehmoxonalarda to'g'ridan to'g'ri operatsiyalardan energiya sarfini 20 foizga kamaytirish;

−$CO_2$ chiqindilarini 20% ga kamaytirish;

−chiqindilarni chiqarishni 20 foizga kamaytirish;

−suv sarfini 10 foizg kamaytirish.

**Kimpton** mehmonxonalar korporatsiyasi. Ushbu mehmonxona 1981 yilda Bill Klipton tomonidan AQSHning Kaliforniya shtatida asos solingan. Bill Klipton o‘zining aniq biznes modeliga ega bo‘lib, beshta elementli (g‘amxo‘rlik, qulaylik, uslub, lazzat va qiziqarli) falsafaga asoslangan mehmonlarga xizmat ko‘rsatishga shaxsiy yondoshuvni alohida ta’kidlaydi. Uning ijtimoiy ma’suliyat va atrof-muhitni muhofaza qilishdagi ishtiroki mahalliy va milliy notijorat tashkilotlari, jumladan, jamoat yerlari uchun “Trast va chiqindilarni boshqarish” bo‘yicha integratsiyalashgan kengash bilan hamkorlikni o‘zi ichiga olgan.

AQSHning yana bir **Willard InterContinental** mehmonxonasi o‘z faoliyatida barqaror rivojlanish strategiyasini ishlab chiqqan. Uning barqaror rivojlanish strategiyalari o‘z ichiga iqtisodiy barqarorlik, ijtimoiy ma’suliyat va atrof-muhitga ta’siri kabi yo‘nalishlarni qamrab olgan (1-jadval).

**1-jadval**

**Willard InterContinental mehmonxonasining barqaror rivojlanish strategiyasi [3]**

| Yo‘nalish | Maqsad | Strategiya | Taktika |
|---|---|---|---|
| Iqtisodiy barqarorlik | Hissadorlarimiz va mehmonlarimiz uchun yuqori qiymat yaratish | Barqaror sayyohat turar joylari uchun o‘sib borayotgan bozorga kirish orqali daromadlarni oshirish;<br>2. Resurs iste’moli va undan foydalanishni optimallashtirishga intizomni yondoshuvni qo‘llash | 1. Barqaror turar joy va xizmatlarni taklif qiluvchi birinchi mehmonxona sifatida Willardning obro‘sini oshirish;<br>2. Ma’lumotlar bazasini va mijozlar bilan aloqani rivojlantirish |
| Ijtimoiy ma’suliyat | Mehmonlar va xodimlar uchun ilxomlantiruvchi tajriba yaratish | 1. Xodimlar faravonligini ta’minlash<br>2. Mehmonlarni barqaror rivjlanish tamoyillarin qabul qilishga undash | Xodimlarga ish xaqi to‘lashda raqobatbardoshlikni ta’minlash;<br>2. Mijozlar bilan doimiy muloqatda bo‘lib turish |
| Atrof-muhitga ta’siri (iste’mol, chiqindilar, energiya) | Mahalliy va global atrof muhitga ta’sirimizni yaxshilash | CHiqindilarni minimallashtirish, samaradorlikni oshirish, dunyoning tabiiy resurslariga xavf tug‘dirmaydigan tovarlarni sotib olish orqali takomillashtirishga harakat qilish | 1. ISO 14001 sertifikatini olish<br>2. Yuqori nisbiy ta’sir va brendga ega bo‘lgan ekologik tashabbuslarni qo‘llab quvvatlash |

Tadqiqotlarimiz davomida “yashil” mehmonxonalar o‘tish bo‘yicha Xitoy tajrbasini ham o‘rgandik. Bugungi kunda Xitoy “yashil” mehmonxonalar qurish bo‘yicha dunyoning eng rivojlanayotgan davlatlaridan biri hisoblanadi. Xitoyda “yashil mehmonxonalar” konsepsiyasi 1990 yillarning o‘rtalarida paydo bo‘lgan. 1997 yilda ushbu turdagi mehmonxonalar amaliyoti va faoliyati Pekin, SHanxay va Guanjo kabi yirik shaharlarda rivojlana boshladi. 2002 yildan boshlab, Xitoy Xalq Respublikasi mehmonxonalar assotsiatsiyasi ilk marta “yashil mehmoxona” va “yashil mehmonalar reytingi” standartlari e’lon qildi.

Yagona milliy standartlar atrof-muhitni muhofaza qilishning oddiy konsepsiyasini xavfsizlik, sog‘liqni saqlash hamda atrof-muhitni muhofaza qilish uchun kengaytirilgan ushbu turdagi mehmonxonalar an’anaviy konsepsiyasi uchun asosiy yutuq bo‘ldi. Standartlar chiqarilgandan so‘ng, mamlakat mehmonxonalari assotsiatsiyasi mehmonxonalar uchun amaliy ko‘rsatmalar beradigan bir mezonlarni ishlab chiqdi (2-jadval). Bugungi kunda Xitoyda mavjud “yashil” mehmonxonalar maqomini ega bo‘lgan mehmonxonalar suvni tejash, energiya menejmenti, atrof-muhitni himoya qilish, yashil oziq ovqatlar va ichimliklar hamda atrof-muhit menejmenti kabi mezonlar asosida faoliyat ko‘rsatadi.

2015 yildan boshlab, Xitoyning milliy turizm ma’muriyati “yashil mehmonxona”lar uchun (LB/T007-2015) yangi standartlarni ishlab chiqdi. Turizm mehmonxonalari tomonidan tavsiya etilgan yashil standartlar normasi sifatida yangi qabul qilingan “mehmonxonalar reytingi”ni tasdiqlovchi hujjat bo‘lib xizmat qiladi. Bugungi kunda Xitoyning "Green Hotels Tour Around China" hisobot guruhining ma’lumotlariga muvofiq, Tyansin, Dalyan, Kingdao, Xefey, Nankin, CHongking va boshqa shaharlarda “yashil mehmonxonalar” foaliyati ortib bormoqda.

Mehmonxona xizmatlari bozorini rivojlanishining tashkiliy-iqtisodiy mexanizmlaridan yana biri mehmonxonalar zanjiri hisoblanadi. Mehmoxonalar zanjirining tashkil topishi hamda faoliyati bilan bog'liq jarayonlarni xalqaro tajribasini o'rganish, muhim jihatlarini mamlakatimiz mehmonxona industriyasiga tadbiq qilish muhim zaruriyat hisoblanadi.

**2-jadval**

**Mehmonxonalarning atrof-muhitga bo'lgan munosabatini o'lchash mezonlari [4]**

| Mezonlar | Unsurlari |
|---|---|
| Suvni tejash | Zamonaviy suv tejaydigan uskunalarni o'rnatish;<br>Suv resurslardan qayta foydalanish;<br>Suvdan foydalanishda filtrlar o'rnatish;<br>Suv sarflari bo'yicha tartib o'rnatish;<br>Suvni ortiqcha sarflashga chek qo'yish |
| Energiya menejmenti | Elektr energiya yuritish tizimini optimallashtirish;<br>Quyosh, geotermal isitish tizimi kabi energiya tejaydigan texnologiyalarni qo'llash;<br>Xonalarni isitish, termoizolyasiya qilish orqali yoqilg'i energiyasi tejash; |
| Atrof muhitni himoya qilish | Oqava suvlar chiqish darajalarini standartlashtirish;<br>Sovutgichlar va konditsionerlar uchun ekologik toza jihozlardan foydalanish;<br>Yashil maydonlarni tashkil qilish |
| Yashil oziq-ovqatlar va ichimliklar | Gastronomik takliflarda "sog'lom ovqatlantirish" ko'rib chiqish;<br>Yaxshi shamollatish tizimi va ovqat hidlari bo'lmasligi;<br>Organik mahsulotlardan, toza sabzovatlardan foydalanish;<br>Qonun bilan himoyalangan yovvoyi hayvonlar go'shtini sotmaslik;<br>"yashil xizmatlar" qoidalarini ishlab chiqish, "yashil" iste'molni targ'ib qilish, ortiqcha oziq-ovqat mahsulotlarini qadoqlash xizmatini tashkil qilish;<br>Bir martalik ishlatiladigan plastik oshxona anjomlari va sochiqlardan foydalanmaslik; |
| Atrof-muhit menejmenti | Ekologik menejment tizimini samarali tashkil qilish;<br>Jamoat va oziq-ovqat xavfsizligi tizimini samarali tashkil qilish;<br>Yashil oziq-ovqat mahsulotlari tanlash monitoringi tizimini yaratish;<br>Atrof muhit uchun foydali bo'lgan loyihalarda ishtirok qilish; |

Mehmonxonalar zanjiri mehmonxona sanoatida katta rol o'ynaydi. Murakkab tashkilot sifatida mehmonxonalar zanjiri baynalmilal korxonalarning atributlariga ega bo'lib, xizmat ko'rsatish sohasi o'ziga xos xususiyatga ega[5]. Mehmonaxonalar zanjiri butun dunyo bo'yicha kengayishi doir juda ko'p tadqiqotlar amalga oshirilgan[6]. Bugungi kunda tadqiqotchilar "xalqarollashuv"ning asosiy sabablari, omillari va oqibatlarini qidirishda, asosan, mehmonxonalar zanjiri nuqtai nazaridan katta e'tibor berishadi [7].

Xalqaro tajribada zanjirni kengaytirish jarayoni ikki tomonni, mehmonxona zanjir va individual mehmonxonani o'z ichiga oladi. SHunga qaramay, jarayonga uchinchi tomon, ya'ni mehmonxona operatori ham jalb qilingan bo'lishi mumkin. Operator mehmonxonani o'z brendi bilan belgilamasdan, o'z egasi nomidan va zanjir me'yorlariga muvofiq boshqarish uchun javobgardir. Qoidaga muvofiq, xalqaro tajribada mehmonxona zanjirida aksiyadorliksiz/shartnomaviy(franshizing, boshqaruv shartnomasi va marketing konsorsiumi) kirish usullari ustunlik qiladi. Yangi mehmonxonalarni zanjir tarmog'iga qo'shish jarayoni har ikki tomondan (zanjir va mehmonxonalar) teng sa'iy harakatlarni talab qiladi.

AQSH va Yevropaning tajribalariga muvofiq, yuqori darajadagi moliyaviy va savdo xizmatlariga ega bo'lishiga qaramasdan, mehmonxona zanjirlari o'zlarining bozor imjini, bozor ulushini hamda moliyaviy ko'rsatkichlarini oshirish uchun tegishli hamkorlarga ehtiyoj sezadi. SHu nuqtai nazardan olib qaraganda, mustaqil mehmonxonalar mehmonxonalar zanjirining asosiy hamkorlari va mijozlari hisoblanadi [8].

Ish jarayonida mehmonxona xizmatlarini ko'rsatishning innovatsion va mijozlarga yo'naltirilganligi bo'yicha SHveysariya tajribasini bo'yicha tadqiqotlarni o'rgandik. Ma'lumki, SHveysariya mehmondo'stlik sanoatida korporativ madaniyat, innovatsion ko'rsatkichlar va biznes

samaradorligi o‘rtasida juda kuchli bog‘liqlik mavjud. SHveysariyaliklar innovatsiyalarga moyil, shuningdek, mehmondo‘stlik sanoatini boshqarish bo‘yicha ham uzoq yillik tajribaga ega hisoblanadi.

Bugungi kunda innovatsiyasiz mehmondo‘stlik industriyasi raqobatga bardosh beraolmaydi, ammo har doim o‘zgarishlarga bo‘lgan ehtiyoj va ko‘p yillik amaliyotga asoslangan samarali jarayonlarga ehtiyoj o‘rtasida muvozanat mavjud bo‘ladi. Mijozlarning ehtiyojlarini tushunish va qondirishda noyob “innovatsion” tajribalarni keng tadbiq etishda SHveysariya mehmonxona industriyasi bo‘yicha sezilarli tadqiqot ishlari olib borilgan [9]. Tadqiqotlar shuni ko‘rsatmoqdaki [10], SHveysariya mehmonxona industriya xodimlari qaror qabul qilish va tegishli ijtimoiy-madaniy omillarni ushlab turish vakolatiga ega bo‘lishi bilan birga, innovatsion va mijozlarga yo‘naltirilgan hisoblanadi.

1-rasmda SHveysariya mehmonxona xizmatlarini tashkil qilishning madaniy o‘lchovlari, innovatsion va mijozlarga yo‘naltirilgan doirasining konseptual modeli keltirilgan. Ushbu konseptual modelda mehmonxona industriyasida yaxshi o‘rnatilgan ish bilan bog‘liq qadriyatlar (individualizm, kuch masofasi va uzoq muddatli yo‘nalish) va tashkiliy madaniyat (innovatsiya va mijozlarga yo‘naltirilganlik) o‘rtasidagi empirik aloqalarni ko‘rish mumkin.




**1- rasm. Mehmonxona sanoatida madaniy o‘lchovlar, innovatsion va mijozlarga yo‘naltirilganlik doirasining konseptual modeli [11]**

Innovatsiyalar mehmonxona industriyasida yangi g‘oyalar (yangi mahsulot yoki xizmat, yoki ishlash usuli va boshqalar)ni olib kelishi bilan ahamiyatli hisoblanadi. SHveysariya mehmonxonalari menejerlari innovatsiyaga ko‘proq moyil ekanliklari va yetkazib beruvchilar innovatsion hatti harakatlarga eng kuchli ta’sir ko‘rsatishi ko‘pgina tadqiqotlarda o‘z isbotini topgan. Innovatsion faollik, mehmonxona industriyasini samarali faoliyat bilan chambarchas bog‘liq hisoblanadi.

Mehmonxona faoliyatida mijozlarga yo‘naltirilganlik siyosatining amalga oshirilishi, yuqori sifatli xizmat qiymatini yaratish orqali raqobatbardoshlik ustunligini yaratish mumkin bo‘ladi. Mijozlarga yo‘naltirilganlik siyosati moliyaviy biznes samaradorligiga ijobiy ta’sir ko‘rsatadi. Juda ko‘plab tadqiqotlar mijozlarga yo‘naltirilganlik siyosati va innovatsiyalar bir-biri bilan chambarchas bog‘liq ekanligini isbotlagan.

Umuman boshqaruv nuqtai nazaridan, tadqiqot ishidagi natijalar shuni ko‘rsatadiki, mehonxona zanjirlari bir nechta muhim masalalarga katta e’tibor qaratishi lozim. Ya’ni, O‘zbekiston mehmonxonalari “zanjir” mehmonxonalar tarmog‘iga a’zo bo‘lishi uchun franchayzing va boshqaruv shartnomasi kabi nodavlat shakllaridan samarali foydalanishi lozim bo‘ladi. Bu shuni anglatadiki, mehmonxonalar “zanjiri” mahalliy hamkorlarni izlasa, ular franchayzing shartnomalari yoki boshqaruv shartnomalarini taklif qilish orqali ularni jalb qilishlari kerak. SHuningdek, mahalliy mehmonxonalarni mashhur mehmonxonalar “zanjir”iga kirishi marketing jarayonlarini jadallashtirishga xizmat qiladi.

Ikkinchidan, bugungi kunda O‘zbekiston mehmonxonalari mahalliy bozorga moslashuvchan va aniq shartnomalari hamda qulday to‘lovlarni taklif qiluvchi ijobiy imijga ega mashhur mehmonxonalar brendlarini izlamoqda. Bu shuni anglatadiki, potensial sheriklar bilan muzokaralar davomida zanjir vakillari brend qiymatini va uning sho‘‘ba mulkiga qo‘shimcha talabni yaratish

qobiliyatini ta'kidlashlari kerak. Umuman, zanjir mehmonxonalar O'zbekiston bozoriga kirishida mahalliy madaniyatni hisobga olishi, ba'zi mahsulot va xizmat elementlarida mahalliy mehmonxonalarga ko'proq moslashuvchanlikni ta'minlashi lozim.

**FOYDALANILGAN ADABIYOTLAR RO'YXATI:**

1. https://sdgs.un.org/goals

2. Houdré, H. (2008). Sustainable development in the hotel industry [Electronic article]. Cornell Hospitality Industry Perspectives, 1(2), 6-20

3. SB/T 10356-2005 yashil mehmonxonalar reyting mezonlari (XXP)

4. Ivanov, S., Ivanova, M., & Iankova, K. (2015a). Sustainable tourism practices of accommodation establishments in Bulgaria: An exploratory study. Tourismos (forthcoming)

5. Alon, I., Liqiang, N., & Wang, Y. (2012). Examining the determinants of hotel chain expansion through international franchising. International Journal of Hospitality Management, 31(2), 379–386

6. Altinay, L. (2006). Selecting partners in an international franchise organisation. International Journal of Hospitality Management, 25(1), 108–128.

7. Dabeva, T. (2013). Hotel and restaurant franchising. Varna: University of Economics — Varna (in Bulgarian)

8. Ottenbacher, M.C., 2007. Innovation management in the hospitality industry: different strategies for achieving success. Journal of Hospitality & Tourism Research 31 (4), 431–454

9. Hollenstein, H., 2000. Innovation modes in the Swiss service sector: a cluster analysis based on firm-level data. Paper presented at 3rd Workshop of the "Focus Group on Innovative Firms and Networks" OECD Rome, Swiss Federal Institute of Technology Zurich, Zurich, OECD-Project on "National Innovation Systems"

10. Tajeddini, M. Trueman. Managing Swiss Hospitality: How cultural antecedents of innovation and customer-oriented value systems can influence performance in the hotel industry / International Journal of Hospitality Management 31 (2012) 1119–1129

11. Yilmaz, C., Alpkan, L., Ergun, E., 2005. Cultural determinants of customer- and learning-oriented value systems and their joint effects on firm performance. Journal of Business Research 58, 1340–1352

**UO'K 658.11**

# RISKLARNI OQILONA TASNIF QILISH - SANOAT KORXONALARINING RIVOJLANISH VA TARAQQIY ETISH ASOSI

***M.S. Ashurov, i.f.n., dots., Farg'ona politexnika instituti, Farg'ona***

***Annotatsiya.*** *Maqolada korxona faoliyatiga ta'sir qiluvchi risklarni tahlil qilishda risklarni muhimligi va ta'sir darajasini omillar bo'yicha alohida tasnif qilish, risklarni yuzaga kelishi va ta'sir doirasi bo'yicha nazorat etish imkoniyatini o'rganilgan, taxlil qilingan hamda bayon etilgan. Muallif tomonidan o'tkazilgan tahlil natijalaridan, sanoat korxonalarida risklarni tasnif qilishning muammolari va tasnif maqsadlaridan kelib chiqib, sanoat korxonalariga ta'sir etuvchi risklarni bevosita ishlab chiqarish jarayoniga bog'lagan holda amalga oshirish yo'nalishlari taklif etilgan.*

***Kalit so'zlar:*** *risk, risk turlari, risk tasnifi, risk tizimi, sanoat korxonalari*

***Аннотация.*** *В статье при анализе рисков, влияющих на деятельность предприятия, значимость рисков и уровень воздействия отдельно классифицированы по факторам, исследована, проанализирована и описана возможность управления рисками по степени возникновения и масштабам влияния. По результатам проведенного автором анализа проблем классификации рисков на промышленных предприятиях и целей классификации предложены направления реализации, связывающие риски, влияющие на промышленные предприятия, непосредственно с производственным процессом.*

***Ключевые слова:*** *риск, виды риска, классификация рисков, система рисков, промышленные предприятия.*

***Abstract.*** *In the article, the analysis of risks affecting the activity of the enterprise, the importance of risks and the levels of impact are separately classified by factors, the possibility of controlling risks according to the occurrence and the influence was studied, analyzed and described. Based on the results of the analysis conducted by the author, the problems of classification of risks in industrial enterprises and the goals of classification, the ways of implementation are proposed, connecting to the risks affecting industrial enterprises directly to the manufacturing process.*

***Key words:*** *risk, types of risk, risk classification, risk system, industrial enterprises.*

**Kirish.** Risk turlari juda xilma-xildir. Masalan, yong'in va millatlararo kelishmovchiliklarni

uzluksiz xavf-xatari, qonunchilikdagi o‘zgarishlar, ishlab chiqarishni tartibga solish va inflyatsiyaning tebranishi kabilarni risk turlariga kiritish mumkin. Bulardan tashqari zamonaviy dunyodagi iqtisodiy va siyosiy rivojlanish aniqlanishi ancha qiyin va miqdoriy jihatdan baholash qiyin bo‘lgan risk turlarini keltirib chiqaradi. Shu nuqtai – nazardan korxonalar o’zining ishlab chiqarish faoliyati davomida ko’plab riskli vaziyatlarga duch keladi. Biroq barcha risklar ham korxona faoliyatiga birday va bir vaqtda o’z ta’sirini ko’rsatmaydi. Shuning uchun riskning korxona faoliyatiga ko’rsatadigan ta’sirini aniqlash uchun korxonalar risklarni oldindan tahlil qilib boradi. Korxona faoliyatiga ta’sir qiluvchi risklarni tahlil qilishda risklarni muhimligi va ta’sir darajasini omillar bo’yicha alohida tasnif qilish, risklarni yuzaga kelishi va ta’sir doirasi bo’yicha nazorat etish imkoniyatini yuzaga keltiradi.

**Mavzuga oid adabiyotlarning tanqidiy tahlili.** Ishlab chiqarish muammolariga bag‘ishlangan iqtisodiy adabiyotlarda risklarni tasniflashning aniq tizimi ko‘rsatilmagan. Lekin risklarni tasniflashga ko‘p tomonlama yondashuvlar mavjud.

Ilk marta risk tushunchasini va uni tasniflashni amerikalik iqtisodchi olim Dj. Keyns amalga oshirgan. Dj. Keyn riskning xususiy belgilariga qarab ikkita asosiy turga bo‘ldi - bu tadbirkorlik riski va kreditorlik risklaridir [1]. A.Marshall ham o‘z ishlarida asosan bu boradagi masalalarga e’tiborini qaratdi [2].

Riskning guruh omillariga bog‘liqligini tadqiq qilgan va ularni o‘z monografiya va kitoblarida Barux Fishxoff, Djon Kadvani [3], Noori Hamid [4], T. M.Webster, J. K. Norsworthy, S. M.Ward, D. R. Shaw, R. S. Llewellyn, R. L. Nichols, , W. W.Witt [5] lar qoldirgan. Riskni iqtisodiy baholash uslublari bo‘yicha V. M. Bezdenejnix, V. I. Avdiyskiy [6], V. A. Gamza [7], Ye. V. Karanina, N.N. Ilisheva [8], A.A.Kiselev [9] va boshqalar tadqiqot olib borgan. Mamlakatimizda risk muammosi bo‘yicha tadqiqot ishini olib borgan mualliflar Yu. S. Shakirova, O. I.Turdibekov [10], K. I. Kurpayanidi [11], [12], [13], [14] o‘z tadqiqotlari va adabiyotlarida bank riski tasnifini amalga oshirganlar.

Y. Shumpeter amalga oshirgan risk tasnifida risklarni 2 turga ajratadi: ishlab chiqarishda yuzaga kelishi mumkin bo‘lgan texnik uzilishlar, bunga tabiiy ofat natijasida foydani yo‘qotish xavfi ham kiradi; tijoratdagi muvaffaqiyatning mavjud emasligi [15].

K. Nikolas va K. Siropolislar risk tasnifini amalga oshirishda riskni 3 ta yirik guruhga sof risk, chayqovchilik riski va fundamental riskka bo‘ladilar[16] .

Chayqovchilik (dinamik) riski - bu tijorat boshqaruv qarorlarini qabul qilish natijasida asosiy kapital bahosining o‘zgarishi riskidir. Bu kabi o‘zgarishlar ham yo‘qotishlarga, ham yutuqqa olib kelishi mumkin [17].

Sof (statistik) riskning xususiyligi amaliyotda zararni korxona hisobidan qoplanishi bilan xarakterlanadi. Sof (statistik) riskni kelib chiqish sabablarini quyidagicha guruhlash mumkin: stixiyali risk oqibatida korxona aktivlarining zararlanishi (yong‘in, suv toshqini, zalzila, bo‘ron va b); jinoiy xatti-harakat natijasidagi zarar; korxona uchun noxush bo‘lgan qonunchilikdagi o‘zgarishlar; uchinchi shaxs, mol yetkazib beruvchi yoki xaridor faoliyatining to‘xtab qolish xavf-xatari; korxona faoliyatidagi asosiy ishchi – xodimlarning kasallanishi yoki vafoti tufayli ko‘riladigan zarar.

«Innovatsion loyihalash» kitobida V.G.Zolotogorov risk tasnifini quyidagi eng asosiy omillar: oldindan aytib bo‘lmaydigan va aytib bo‘ladigan tashqi omillar, texnik va notexnik, huquqiy va sug‘urtali ichki risk omillari asosida tasniflarni amalga oshiradi [18].

Oldindan aytib bo‘lmaydigan tashqi risklarga quyidagilar kiradi: moddiy-texnik ta’minotni boshqarish doirasida davlatning kutilmagan chora-tadbirlari, atrof-muhitni himoya qilish, loyiha va ishlab chiqarish me’yorlari, eksport va import, tabiiy ofatlar, terrorizm, majburiyatlar-ning bajarilmaganligi va boshqalar.

Korxona faoliyatida yuzaga keladigan risklarni tasnif qilishda D. Ilenkova «Blok prinsipidan» foydalanishni taklif qilgan [19].

Amerikalik olim Jorj Ye.Pinges o‘z kitobida riskni quyidagi yirik turlarga bo‘lishni taklif qiladi, umumiy iqtisodiy risk, inflyatsiya va disinflyatsiya riski, firma va ishlab chiqarish riski va xalqaro risk [20]. Ko‘plab adabiyotlar va ilmiy ishlarda ishlab chiqarish, tadbirkorlik, bank, kredit, innovatsiya, ekologik, mamlakat, soliq va boshqa turdagi risklar alohida ko‘rsatib o‘tilgan [21].

Yu. Osipov riskni uchta turga ajratadi: inflyatsiyaviy, moliyaviy va jarayonli [22]. S. Valaytsev esa o'z navbatida barcha turdagi risklarni ikki guruhga ajratadi: tijorat va texnik risklar [23]. Riskni guruhlashtirishga boshqacha yondashuvlari ham bor, lekin ular ham qoidaga binoan avvalgisidagini takrorlaydi. Biroq riskni aytilgan to'la ifodalamaydi, shuning uchun birinchi navbatda ularni aniq belgilariga asosan guruhlashlari lozim.

Ko'plab mualliflar tomonidan risklarni qaysidir tarmoqqa xos bo'lgan va universal sifat belgilari bo'yicha tasnifi amalga oshirilgan. Ammo ularni tahlil qilib chiqar ekanmiz quyidagicha xulosaga kelamiz: amalga oshirilgan tasnif jarayonlari ko'p ham ilmiy asosga ega emas; mavjud tasniflar riskni to'liq tahlil qilish imkoniyatini bermaydi; amalga oshirilgan tasniflar bevosita ishlab chiqarish jarayoniga bog'lanmagan va umumiy holda amalga oshirilgan; aniq bir sohada yoki tarmoqda amaliyotga tadbiq etish mushkul.

**Tadqiqot metodologiyasi.** Tadqiqotning instrumental va metodik apparati tizimli yondashuv doirasida tadqiqotning mantiqiy va vaziyatli tahlil, ekspert baholash, kuzatuv, guruhlash, taqqoslash kabi umum ilmiy usullarni qo'llashga asoslanadi. Ushbu vositalar tadqiqotni turli bosqichlarida turli xil kombinatsiyalarda ishlatilgan, bu yakuniy natijalar, xulosalar va tavsiyalarning ilmiy ishonchliligini ta'minlashga imkon beradi.

**Tahlil va natijalar.** Korxonalar faoliyatiga ta'sir etadigan risklarni tasnifi quyidagi talablardan kelib chiqib tasnif qilinishi ularni tahlil qilish, boshqarish, ta'sir darajasi va doirasini aniqlashda katta imkoniyatlarni yuzaga keltiradi.




**1-rasm. Ishlab chiqarish turi bo'yicha risk tasnifi**
**(chizma muallif tomonidan amaliyotga tatbiq qilingan)**

Birinchidan, har qanday risk tasnifi aniq maqsadlarga xizmat qilishi kerak. Riskni tasnif qilishdan asosiy maqsad uni pasaytirish mexanizmini yuzaga keltirish,

Ikkinchidan, riskni tasnif qilayotganimizda uni ma'lum, aniq tavsifdagi turlarga, guruhlarga, sinf va kategoriyaga bo'lishimiz zarurdir. Bu bilan biz uchun uni tadqiq etishimiz va baholashimiz

uchun qulaylik tugiladi.

Uchinchidan, har bir risk alohida aniqlanishi va baholanishi kerak, agar risk kanchalik to'g'ri aniqlansa, uni baholash va tahlil etish shuncha osonlashadi.

To'rtinchidan, risk tasnifi «qattiq» tizimda bo'lmasligi zarur, chunki har bir korxona rahbari moliya-xo'jalik faoliyatini amalga oshirish davomida yuzaga kelgan riskni ushbu tizimga qo'shimcha qilish imkoniyatiga ega bo'lishi kerak.

Sanoat korxonalarida risklarni tasnif qilishning yuqorida ko'rsatib o'tilgan muammolariga asoslanib va tasnif maqsadlaridan kelib chiqib, sanoat korxonalariga ta'sir etuvchi risklarni bevosita ishlab chiqarish jarayoniga bog'lagan holda amalga oshirishga harakat qilamiz (1-rasm).

Biz sanoat korxonalarini mahsulot tayyorlash holatiga ko'ra ikki yirik turga, soddadan murakkabga mahsulot ishlab chiqaruvchi V turdagi va murakkabdan soddaga mahsulot ishlab chiqaruvchi A turdagi korxonaga ajratib olamiz. Soddadan murakkabga mahsulot ishlab chiqaruvchi sanoat korxonalari oz xom ashyodan foydalangan holda, ishlab chiqarishning standart jarayonlaridan foydalanib ko'p mikdordagi mahsulotlar ishlab chiqaradi. Bu turdagi sanoat korxonalariga to'qimachilik korxonalari, neftni qayta ishlash, yog'-moy korxonalari, kimyoviy korxonalar, po'latni qayta ishlash korxonalari, qogoz mahsulotlari ishlab chiqaruvchi korxonalar va xakozo korxonalar kiradi.

Murakkabdan soddaga mahsulot ishlab chiqaruvchi turdagi korxonalar ko'plab xom ashyo, komponentlar va qismlardan foydalangan holda oz miqdordagi yoki birlik mahsulot ishlab chiqaruvchi sanoat korxonalari kiradi. Bu tur korxonalariga samolyotsozlik, avtomobilsozlik, priborsozlik, elektronika va hokazo korxonalar kiradi. Ushbu tur sanoat korxonalari o'z faoliyat jarayonlari, boshqaruvning murakkabligi bo'yicha, mahsulot assortimenti jihatidan, foydalanilayotgan texnika-texnologiyalar xususiyati, xom ashyolardan foydalanish jihatlaridan kelib chiqib, o'ziga xos risklarga to'qnash kelishi mumkin.

A turdagi korxonalarga ta'sir etuvchi risklar: korxonada ko'plab turdagi xom ashyo va komponentlardan foydalanganligi tufayli, bu tur korxonalarining mol yetkazib beruvchilari soni ham shunga yarasha ko'p bo'ladi, demakki, mol yetkazib berish bo'yicha shartnomalarni bajarmaslik riski o'ta yuqori bo'ladi; ushbu tur korxonalarida mahsulot ishlab chiqarishdan avval mahsulot ishlab chiqarish loyihalanadi va bu o'z navbatida loyiha riskini kuchaytiradi; ishlab chiqarish jarayonlarini robotlashtirish, avtomatlashti-rilganligi va ish faoliyati o'ta murakkabligi ishchilardan yuqori malakani talab qiladi hamda ushbu xol xodimlar malakasining yetarli emasligi riskini yuzaga keltiradi; mahsulot ishlab chiqarish bir-biriga bog'liqligi va murakkabligi tufayli texnologik risklar ham mavjud; foyda ololmaslik risklari ham yuqori, chunki yakuniy mahsulot bir turdagi mahsulot bo'lganligi sababli, ushbu mahsulotlarning sotilmay qolish ehtimolligi ham bor; korxonada bir necha turdagi xom ashyodan foydalanib bir turdagi mahsulot ishlab chiqarilganligi tufayli bu korxonada xom ashyo ta'minoti riski ham yuqori; bu tur korxonalar, albatta, tarmoq korxonalar bilan iqtisodiy faoliyat olib boradi, ushbu tarmoqlarning birortasida yuzaga kelgan o'zgarishlar tarmoq riskini paydo qiladi; korxona ishlab chiqarish jarayonlarida nazoratning yaxshi yo'lga qo'yilmasligi va uning past darajada ekanligi sababli rejalashtirilmagan ortiqcha vaqt paydo bo'ladi va bu vaqt uchun korxona xaq to'laydi, shuningdek maxsuslashtirishning pastligi, ishlab chiqarishning turli-tumanligi boshqarish harajatlarini ko'paytiradi, bu esa albatta mahsulot tannarxining oshishiga olib kelib, baho riskini yuzaga keltiradi; mahsulotga ko'rsatiladigan xizmat mahsulotni manziliga yetkazib berish xizmati jarayonida mahsulotga jiddiy zarar yetishi mahsulotni yetkazib berishdagi riskni paydo qiladi.

V turdagi mahsulot ishlab chiqaruvchi korxonalarga quyidagi risklar xos: korxonada ishlab chiqarish jarayonida juda ko'p turdagi inventar va murakkab turdagi jihozlardan foydalaniladi, bu texnologik risklarning o'ta yuqori bo'lishiga sabab bo'ladi; ko'p turdagi mahsulot ishlab chiqarilishi, shuningdek mahsulotga servis xizmatining yuqori darajada bo'lmasligi, ko'p hollarda mahsulotning sifatsiz bo'lishi, mahsulotga talab yo'qligi riskini barpo qiladi; ko'p turdagi mahsulot ishlab chiqarilishi tufayli bu tur mahsulotga bo'lgan iste'molchilarning o'zgaruvchan talabiga tez moslasha olmasligi va ishlab chiqarish jarayonlarining maxsuslashganligi, ixtisoslashganligi tufayli raqobat riski yuqori bo'ladi; ishlab chiqarish jarayonlari barqaror va mustaxkam resurslar investitsiyasini talab etganligi sababli, moliyaviy va investitsion riskka moyil bo'ladi; yakuniy mahsulot ko'p

mikdorda bo'lishligi sifatsiz mahsulot ishlab chiqarishga olib kelishi mumkin, bu esa sifat riski paydo bo'ldi demakdir; bitta xom ashyodan foydalanilganligining oqibati, bu xom ashyoning chegaralanganligi riski demakdir; ishlab chiqarilgan mahsulot ko'pligi tufayli bozorni va talabning o'zgaruvchanligining doimo o'rganib bora olish imkoniyatini bermaydi, shuning uchun marketing riski yuzaga keladi; ushbu turdagi korxonalar asosan qayta ishlash korxonalari bo'lganligi sababli bu tur korxonalarda ekologik risk ham yuqori; ishlab chiqarish jarayoni yirik bo'lganligi uchun bu jarayonlar ko'plab kichik korxonalar yig'indisidan iborat bo'ladi, bu esa boshqaruvni samarasiz tashkil etish riskini yuzaga chiqaradi; sotilgan mahsulotga yetarli xizmat ko'rsatilmasligi, reklama qilish imkoniyatini yo'qligi oqibatida mahsulotni sotishda yuzaga kelishi mumkin bo'lgan risk yuzaga keladi.

Ushbu tasnifda ko'rsatib o'tilgan risk turlari korxonalarning xaqiqiy amaliyotida eng ko'p uchraydigan risk turlari hisoblanadi va bu risk turlarining har biri o'ziga xos xususiyati va ta'sir etish doirasiga egadir. Shuning uchun ushbu risk turlariga ishlab chiqaruvchilar ko'proq ahamiyat berishlari va ularning ta'sir doirasi jarayonini doimiy nazorat qilib turishlari foydadan holi bo'lmas edi. Risklarni bu tarzda tasniflash ishlab chiqaruvchi uchun bu risk turlarini to'g'ri baholash, boshqarish va ularning xavf-xatarini kamaytirish chora-tadbirlari ishlab chiqishni yengilashtirishga imkon beradi.

**Xulosa va takliflar.** Riskni tasniflab olish risk tizimida ularni har birining o'rnini aniqlab olish imkonini beradi, risklarni kamaytirish va baholash, nazorat qilish, oldini olish chora-tadbirlarini ishlab chiqish jarayonlarida juda qulaydir. Chunki birinchi navbatda iqtisodiy sub'ektlar bevosita ta'sir etuvchi risklarni xavfli hisoblab, ularni doimiy ravishda nazorat qilib borish, ularni yuzaga keltiruvchi omillarni tahlil qilishga va baholashga jiddiy e'tibor berishi zarur. Zero, umumiy tizimdagi har bir omilning o'rnini belgilab olish, unga muvofiq keluvchi riskni boshqarish uslubini taqqoslashga imkon beradi. Bu sanoat korxonalarida risklarni boshqarishni samarali tashkil etishda muhim o'rin tutadi. Olib borilgan tahlillar shuni ko'rsatdiki, korxonalar o'zining ishlab chiqarish faoliyati davomida ko'plab riskli vaziyatlarni yuzaga keltiruvchi byurokratizm, inflyatsiya jarayoni, soliq tizimi va innovatsiya, investitsiya muhitdagi muammolar duch keladi. Bu kabi muammolar sanoat korxonalarining moliyaviy barqarorligiga o'z ta'sirini ko'rsatadi va riskning paydo bo'lishida asosiy omillar bo'lib hisoblanadi. Shuning uchun mamlakatimiz sanoat korxonalarida ushbu risk omillarini boshqarishni tashkil qilmasdan turib ishlab chiqarishni sobitqadam va barqaror rivojlantirib bo'lmaydi. Chunki ular korxonalarning risk muhitidagi xo'jalik faoliyatiga va ularning iqtisodiy barqarorligiga salbiy ta'sir ko'rsatishi mumkin. Biroq, shunday bo'lishiga qaramasdan O'zbekiston sanoat korxonalarida boshqaruvning zamonaviy kontseptsiyasi bo'lgan riskni boshqarish mexanizmi ishlab chiqilmagan va amaliyotda mavjud emas. Shu nuqtai - nazardan maqolamizda riskni boshqarish mexanizmini takomillashtirish uchun quyidagi chora-tadbirlarni taklif qilamiz: korxonalarning operativ faoliyatida risklarni baholash bo'yicha tarkibiy tuzilmani tashkil etish; davlat tomonidan barqaror soliq siyosatini shakllantirish; innovatsiya jarayonlarini amalga oshirish bilan bog'liq bo'lgan chora-tadbirlarni davlat miqyosida barqaror va shaffof qo'llab-quvvatlash mexanizmini yaratish. Shuningdek, risk muhitida sanoat korxonalarining faoliyatini samarali tashkil etish va ko'zlangan natijaga erishish uchun korxona rahbarlari tomonidan ishlab chiqarish quvvatlaridan foydalanishni oshirish, ishlab chikarish dasturlarini to'liq bajarish va qo'shimcha mahsulot olishga erishish shuningdek, debitorlar hamda kreditorlar bilan ishlashga qaratilgan siyosatni kuchaytirishi kerak.

**FOYDALANILGAN ADABIYOTLAR RO'YXATI:**

1. Кейнс Дж. (1978). Общая теория занятости, процента и денег: пер. с англ./ Общая редакция Милейского А.Г., Осадчей И.М. – М.: Прогресс, 74 б.

2. Маршалл А. (1993). Принципы экономической науки. – М.: Прогресс.

3. Барух Фишхофф, Джон Кадвани. (2021). Риск. Очень краткое введение. - М.: ФГБОУ ВО, 2022

4. Noori, Hamid. (1995). Production and Operations Management: Total Quality and Responsiveness. New York: MC Graw-hill, Inc., 338-343

5. Webster, T. M., Norsworthy, J. K., Ward, S. M., Shaw, D. R., Llewellyn, R. S., Nichols, R. L., & Witt, W. W. (2012). Reducing the risks of herbicide resistance: best management practices and recommendations. Weed Science, 60(SP1), 31-62.

6. Безденежных В. М., Авдийский В. И. (2018) Теория и практика управления рисками организации. -М.: «КноРус»

7. Гамза В. А. (2015). Риск-менеджмент. -М.: Юрайт

8. Каранина Е. В., Безденежных В.М., Илышева Н.Н. (2020). Риск-менеджмент: учебное пособие.- Москва-Берлин: Издательство «Директ-Медиа»

9. Киселев А.А. (2021). Риск-менеджмент. - М.: КноРус,

10. Ашуров М. С.,. (2019). Тенденции формирования многоукладной экономики в Узбекистане // Бюллетень науки и практики, №12 (5). С.305-311.

11. Ашуров, М. С., Курпаяниди, К. И., (2019). «DOING BUSINESS 2019: training for reform» тадбиркорлик муҳити самарадорлигини баҳолаш воситаси сифатида. Экономика и финансы (Узбекистан), (9).

12. Kurpayanidi K., Ashurov M.,. The issue of a competitive national innovative system formation in Uzbekistan. E3S Web Conf., 159 (2020) 04024.

13. Курпаяниди К. И., Ашуров М. С. (2021). Ўзбекистон Республикасининг рақобатбардош миллий инновация тизимини шакллантириш муаммолари // Jamiyat va innovatsiyalar Special Issue – 4

14. Ашуров М. С., Курпаяниди К. И. (2021). Миллий инновация тизимини шакллантиришнинг айрим муаммолари ва ечимлари// "Logistika va iqtisodiyot" ilmiy elektron jurnali, № 3. www.economyjournal.uz

15. Чернова Г.В., Кудрявцев А.А. (2005). Управления рисками. - М.: Проспект. 76 б

16. Сирополис К., Николас К. (1997). Управление малым бизнесом руководство для предпринимателей. - М.: ЮНИТИ – ДАНА. 89 б

17. Балабанов И.Т. (1996). Риск - менеджмент. - М.: «Финансы и статистика»

18. Золотогоров В.Г. (1998). Инвестиционное проектирование. - М.: ИП «Экоперспектива».

19. Ильенкова С. Д. (1999) Методология исследования риска хозяйственной деятельности. - М.: ЮНИТИ – ДАНА.

20. George E Pinches. Essentials of financial Managemant. Harper& Row/ Publishers, New York.

21. Тимофеев Т. (1997) Классификация видов рисков предпринимательской деятельности / Маркетинг. №6, 1997. 108 с./

22. Belaynex A.A. (1995). Kiчik tadbirkorlikni rivojlantirишda xo'jalik taxlikasini hisobga olgan holda boшqariш nomli dissertaцiя avtoreferati.

23. Каримов Н.Ф. (1998). Риски и проблемы формирования прибыли в коммерческих банков. - Т.: Акад. РУЗ. 23 с.

**UDC 330.34; 330.35**

# TREND ANALYSIS OF THE BALANCE OF THE INDUSTRY UNDER THE CONDITIONS OF SUSTAINABLE DEVELOPMENT

***M.Kh.Ashurova, senior lecturer, Bukhara State University, Bukhara***

***Annotasiya.*** *Maqolada korxonalar va ularning balans ko'rsatkichlarini tahlil qilish yo'llari baholangan. Unda korxonalarda balans aktivi va passivi tarkibining trend tahlilini aniqlash yo'llari aniq formulalar orqali, jadvallarda aks ettiriligan.*

***Kalit so'zlar:*** *Korxonalar, balans ko'rsatkichlari, balans aktivi tarkibi, SWOT tahlil.*

***Аннотация.*** *В статье дана оценка компаний и способы анализа их балансов. Показаны способы определения тенденции анализа состава балансовых активов и пассивов предприятий с использованием конкретных формул, таблиц.*

***Ключевые слова:*** *Предприятия, балансы, балансовые активы, SWOT-анализ.*

***Abstract.*** *The article gives an assessment of companies and ways to analyze their balance sheets. Methods for determining the trend in the analysis of the composition of balance sheet assets and liabilities of enterprises using specific formulas and tables are shown.*

***Key words:*** *Enterprises, balance sheets, balance sheet assets, SWOT analysis.*

The Sustainable Development Goals, or Global Goals, are universal measures to end poverty, protect the planet, and bring peace and prosperity to all people. The goals were approved by all UN member states, including Uzbekistan, in September 2015. Among them are 17 goals to be achieved by 2030 and 169 goals.

One of the goals of sustainable development is the process of ensuring responsible consumption and production, rational consumption and the transition to production patterns[1].

Based on this process, we considered the organization of activities in private enterprises, the analysis of balance sheet indicators and the implementation of a trend analysis of balance sheet liquidity.

Trend analysis characterizes the study of the state of the elements and indicators of financial statements for the current period with an indicator of the base year or base year. But this method was developed by Prof. M.K. Pardaev is described in the Financial Analysis textbook as a "spatial" analysis and is described as follows. "Spatial" analysis is the study of an object in comparison with the characteristics of another object. [2]

Traditional methods of direct economic analysis, with full coverage of the issue by analyzing and studying theoretical and practical data related to evaluating the effectiveness of trend analysis of the composition and indicators of balance sheet assets and liabilities of enterprises, also tried to use innovative marketing methods together. First of all, we studied the laws and decisions taken by the state for the creation and operation of enterprises.

The content of the trend analysis was presented by prof. E. Akramov explains as follows. "Trend analysis is a sufficient study of the system of indicators of the financial condition of an enterprise, in the trend of general changes over time. Summarizing the above, we can conclude that: Trend analysis is the study of changes in financial position indicators for the base period and previous years[3].

"AL-JAMI-ASSAXIX" is mainly engaged in the introduction of new production technologies into the economy of Uzbekistan, filling the domestic market with consumer goods, as well as the provision of various commercial services, as a result of which the founders make a profit.

**Table-1**

**Analysis of the dynamics of the balance sheet assets of LLO "AL-JOMI-ASSAXIX"**

| № | Indicators | Beginning of the year | | End of the year | | Difference | |
|---|---|---|---|---|---|---|---|
| | | thousand soums | % | thousand soums | % | thousand soums | % |
| 1 | Average annual cost of fixed assets | 65496,8 | 1,25 | 52968,0 | 0,91 | -12528,8 | -0,34 |
| 2 | Average annual value of intangible assets | - | - | - | - | - | - |
| 3 | Stocks | 1169800,0 | 22,48 | 2936756,99 | 50,69 | 1766956,99 | 28,21 |
| 4 | Receivables | 3309502,8 | 63,62 | 2736905,75 | 47,25 | -571080 | -16,37 |
| 5 | Cash | 656900 | 12,62 | 65820 | 1,14 | -591080 | -11,48 |
| 6 | Total for balance sheet assets | 5201699,7 | 100 | 5792450,74 | 100 | 59075,04 | 0 |

Analysis of trends in the balance sheet of the enterprise was as follows.

The following changes occurred in the analysis of the dynamics of balance sheet assets average annual cost of fixed assets at the beginning of the year it was 65496,8 thousand soums, and by the end of the year it decreased to 52968,0 thousand soums. This is 12528,8 thousand soums less than the previous year. As a result, the share of fixed assets in the total balance was 1,25% at the beginning of the year and 0,91% at the end of the year. The share itself decreased by 0,34%.

The cost of inventory at the beginning of the year amounted to 1169800,0 thousand soums, at the end of the year – 2936756,99 thousand soums. As a result, this indicator increased by 1766956,99 thousand soums.

The share of this indicator in the overall balance was 22,48% at the beginning of the year and 50,69% at the end of the year. As a result, this figure increased by 28,21%.

The amount of accounts receivable at the beginning of the year amounted to 3309502,8 thousand soums, and at the end of the year amounted to 2736905,75 thousand soums. As a result, the indicator decreased to 572597,05 thousand soums.

The share of the indicator in the overall balance was 63,62% at the beginning of the year and 47,25% at the end of the year, which led to a decrease of 16,37%.

The company's cash flow was 656900 thousand soums at the beginning of the year and 65820 thousand soums at the end of the year. As a result, this figure is equal to 591080 thousand soums. As

a result, the share of this indicator in the final balance decreased by 11,48% at the end of the year compared to the beginning of the year. Based on the analysis, the total assets of the enterprise (total balance sheet amount) at the beginning of the year amounted to 5201699,7 thousand soums, and at the end of the year amounted to 5792450,74 thousand soums. As a result, this figure increased to 590751,04 thousand soums.

In the process of summing up the results of the company's activities, we conducted a SWOT analysis using trend analysis data.

**Table-2.**

**SWOT-analysis of of LLO "AL-JOMI-ASSAXIX"**

| | |
|---|---|
| Strengths | 1. The strength of the competitor of Zarafshon LLC in comparison with the network of enterprises is that it has been operating in the construction industry for more than 15 years.<br>2. Entrepreneurship can be effective with the free organization of private business and through the ownership of foreign trading partners. |
| Opportunities | 1. Relative seasonality of the process of providing services to competitors during the year.<br>2. Risk of data loss by competitors (Zarafshan) as a result of providing confidential information. |
| Weaknesses | 1. The possibility of opening branches in districts and cities of the region<br>2. Demand for corporate services is growing from year to year<br>3. Cheapness and quality of services provided by the enterprise in comparison with other services of the enterprise |
| Threats | 1. Disclosure of trade secrets or transfer to other entrepreneurs.<br>2. The risk of termination of the contract by the entrepreneur. |

**Conclusions and offers:** First of all, the state of financial resources must meet the requirements of the market and the development of the enterprise, since financial stability below the level of demand weakens the solvency of the enterprise, leading to a lack of funds for the development of production. Conversely, an excess of financial resources hinders the development of production, leads to an excess of inventories and inventories, and therefore the effective formation, distribution and use of financial resources is the essence of financial stability.

The share of fixed assets decreased by the end of the year. This can lead to a shortage of fixed assets in the enterprise. As a result, there was a decrease in the amount of fixed assets. There have been positive developments in the company. The share and amount of total reserves also increased. In the process of analyzing the trends in the company's activities, a number of positive changes were noted in the balance sheet. As a result of positive changes, there was an increase in the total assets of the enterprise. This growth indicates the stability of the company's financial position. As a result, the company will have the opportunity to expand its activities in the future, introduce new types of services.

**REFERENCES:**


1. https://uzbekistan.un.org/uz/110345-17ta-dunyoni-ozgartirishga-yonaltirilgan-barqaror-rivojlanish-maqsadlari
2. http://arm.sies.uz/wp-content/uploads/2020/12/2-Iqtisodiyot-subyektlari-moliyaviy-holatining-tahlili.-Oquv-qollanma.-2013.pdf
3. http://arm.sies.uz/wp-content/uploads/2020/12/2-Iqtisodiyot-subyektlari-moliyaviy-holatining-tahlili.-Oquv-qollanma.-2013.pdf
4. https://hozir.org/mavzu-moliyaviy-barqarorlik-tahlili.html
5. https://lafayettefirefighters.com/uz/difference-between-trend-analysis-and-vs-comparative-analysis
6. http://nsdg.stat.uz/uz/goal/15
7. http://nsdg.stat.uz/uz
8. https://www.lex.uz/ru/docs/-2004956?otherlang=1
9. https://mintrans.uz/news/prezident-tomonidan-transport-togrisida-gi-qonun-imzolandi
10. https://www.biznesrivoj.uz/articles/pest-tahlili-nima-uni-o-rganish
11. Y. Yergeshev "Iqtisodiy va moliyaviy tahlil" T: 2005y.
12. A.V.Vahobov, G'.A.Ibragimov, U. G.Yakubov "Iqtisodiy tahlil va audit" T: 2015y.
13. Навруззода Л. Oilaviy korxonalarda moliyaviy holat ko'rsatkichlarining samaradorligini baholashning innovatsion yo'llari //Центр научных публикаций (buxdu. uz). – 2021. – Т. 8. – №. 8.

14. Rajabova M., Khodzhaeva D. K. Innovative methods for assessing the financial condition in family enterprises: Khodzhaeva Dilbar Khurshidovna senior lecturer of the Department of Economics of the Service Industry, BSU hodjaevadilbar@ mail. ru Rajabova Mokhichehra Abdukholikovna lecturer of the Department of Economics of the Service Sector, BSU rajabova. mokhichekha@ gmail. ru //Центр научных публикаций (buxdu. uz). – 2021. – Т. 8. – №. 8.
15. Пирназарович А. Ҳ., Ашурова М. Х. Меҳнат ресурслари ва улардан унумли фойдаланиш йўллари //Экономика и финансы (Узбекистан). – 2015. – №. 11. – С. 52-57.
16. Пирназарович А. Ҳ., Ашурова М. Х. Ишчи кучи сифати ва рақобатбардошлигини ошириш йўллари //Экономика и финансы (Узбекистан). – 2014. – №. 9. – С. 18-27.
17. "AL-JOMI-ASSAXIX" MChJ hisobot hujjatlari

**UO'K 336**

# MAHALLIY BUDJET XARAJATLARI KASSA IJROSI HISOBI VA HISOBINI TAKOMILLASHTIRISH

***Z.M.Axmedova, tinglovchi, O'zbekiston Respublikasi bank-moliya akademiyasi, Toshkent***

***Annotatsiya.*** *Maqolada mahalliy budjet xarajatlari, kassa ijrosi va hisobni takomillashtirish yo'llari haqida so'z boradi. Mahalliy budjet xarajatlarini rejalashtirish, g'aznachilik tizimida kassa ijrosi hisobi va hisobni takomillashtirishning siyosiy chora tadbirlari va yangiliklar, takliflar keltirilgan.*

***Kalit so'zlar:*** *Xarajatlarni amalga oshirishga ruxsatnomalar, budjetdan tashqari mablag'lar, budjetdan tashqari fondlar, g'znachilikning axborot tizimi, budjet tashkilotlari, xarajatlar smetasi, shaxsiy g'azna hisobvarag'i, plastic kartochkalar, dasturiy ta'minot, budjet tashkilotlarida ish haqini to'lash,pensiyalar, ijtimoiy nafaqalar, davlat xaridi, ichki nazorat, davlatning moliyaviy nazorati, g'aznachilikning axborot tizimi, budjet tashkilotlarining shartnomalari, mahsulotlar, ishlar, xizmatlar narxi, yuridik va moliyaviy majburiyatlar, budjet mablag'larining samaradorligi, debitor va kreditor qarzdorlik.*

***Аннотация.*** *В статье рассматриваются расходы местного бюджета, кассовое исполнение и пути совершенствования учета. План расходов местных бюджетов, учет кассового исполнения в системе казначейства и политические меры по совершенствованию учета, а также нововведения, предложения.*

***Ключевые слова:*** *Разрешения на осуществление расходов, внебюджетные фонды, внебюджетные фонды, информационная система казначейства, бюджетные организации, смета расходов, личный казначейский счет, пластиковые карты, программное обеспечение, оплата труда в бюджетных организациях,пенсии, социальные пособия, государственные закупки, внутренний контроль, государственный финансовый контроль, информационная система казначейства, договоров бюджетных организаций, себестоимости продукции, работ, услуг, юридических и финансовых обязательств, эффективности бюджетных средств, дебиторской и кредиторской задолженности.*

***Abstract.*** *The article discusses local budget expenditures, cash execution and ways to improve accounting. The plan of expenditures of local budgets, accounting for cash execution in the treasury system and policy measures to improve accounting, as well as innovations, proposals.*

***Keywords:*** *permits for spending, extra-budgetary funds, extra-budgetary funds, treasury information system, budget organizations, cost estimates, personal treasury account, plastic cards, software, remuneration in budget organizations,pensions, social benefits, public procurement, internal control, state financial control, treasury information system, contracts budget organizations, the cost of products, works, services, legal and financial obligations, the effectiveness of budget funds, accounts receivable and accounts payable.*

**Kirish.** 2017-2021 yillarda O'zbekiston respublikasini rivojlantirishning beshta ustuvor yo'nalishi bo'yicha Harakatlar strategiyasining qabul qilinishi respublikamizni ijtimoiy-iqtisodiy rivojlantirishning yani bosqichi boshlanishining asosi bo'ldi.

Harakatlar strategiyasining uchinchi ustuvor yo'nalishi-"iqtisodiyotni rivojlantirish va liberallashtirishning ustuvor yo'nalishlari" deb nomlanadi. Mazkur yo'nalishning 3.1-bandi

“viloyatlar, tumanlar va shaharlarni kompleks muvozanatli ijtimoiy-iqtisodiy rivojlantirish, ularning salohiyatidan samarali va optimal foydalanish”ga mo’ljallangan chora-tadbirlarniamalga oshirishniko’zda tutadi. Jumladan, mamlakat barcha hududlarinijadal rivojlantirish, bunda alohida e’tibor rivojlanish darajasi nisbatan past bo’lgan tuman va shahrlarni, eng avvalo, sanoat va eksport salohiyatini oshirish yo’li bilan jadal rivojlantirish hisobiga mintaqalarijtimoiy-iqtisodiy rivojlanish darajasidagi farqlarni qisqartirish, subvensiyaga qaram tuman va shaharlarni kamaytirish va mahalliy budjetlarning daromad bazasini kengaytirishga qaratiladi.

Shuni alohida ta’kidlash lozimki, iqtisodiyotning rivojlanishi moliya tizimining rivojlanish darajasiga, shu jumladan davlat moliyasining rivojlanish va boshqarilish darajasiga bevosita bog’liq bo’ladi. Moliya tizimining asosiy bo’g’ini hisoblangan davlat moliyasi davlatni iqtisodiy va ijtimoiy vazifalarining bajarilishida, davlat mablag’larini qayta taqsimlash, moliya, transport va aloqa, shuningdek ishlab chiqarish infratuzilmasini rivojlantirishda muhim ahamiyatga ega.

Amalga oshiralayotgan iqtisodiy islohotlar O’zbekistondagi byudjet jarayonini, ya’ni byudjet loyihasini ishlab chiqish, muhokama qilish, qabul qilish, ijro etish va ijrosi yuzasidan hisobot tayyorlashgacha bo’lgan chora-tadbirlarni yanada takomillashtirish, byudjet tomonidan bir yildan ortiq davom etadigan davlat dasturlarini moliyalashtirilishini ta’minlashni yaxshilash, davlat dasturlarini bajarish uchun kerak bo’lgan moliyaviy resurslar bilan bog’lash va byudjet jarayonini oshkoralik darajasini oshirishni taqazo etmoqda.

**Muammoning qo’yilishi** Mahalliy budjet xarajatlari kassa ijrosi hisobi va hisobini yuritish bo’yicha tahlil qilish va amaliy tavsiyalar berish.

Amaldagi qonunchilikka ko’ra Qoraqalpog’iston respublikasining respublika byudjeti, viloyatlarning viloyat byudjetlari va Toshkent shahrining shahar byudjetidan moliyalashtiriladigan xarajatlarni quyidagicha guruhlash mumkin:

1) Ijtimoiy soha va aholini ijtimoiy qo’llab-quvvatlash xarajatlari.

2) Iqtisodiyot xarajatlari. Qoraqalpog’iston respublikasining respublika byudjetidan, viloyatlarning viloyat byudjetlari va Toshkent shahrining shahar byudjetidan moliyalashtirilishi nazarda tutilgan iqtisodiyot xarajatlari quyidagilardir:

3) Qoraqalpog’iston respublikasi vazirlar Kengashi, viloyatlar va toshkent shahar hokimliklari buyurtmachi bo’lgan markazlashtirilgan investitsiyalarni moliyalashtirish xarajatlari.

4) Mahalliy davlat hokimiyati va boshqaruvi organlarinisaqlab turish xarajatlari. Bu xarajatlarga Qoraqalpog’iston respublikasi Jo’qorg’i kengesini, Qoraqalpog’iston respublikasi Vazirlar kengashi, viloyatlar va Toshkent shahar hokimliklari ularning boshqarmalari va bo’limlarini saqlab turish xarajatlari kiritiladi.

5) Qoraqalpog’iston respublikasi respublika byudjetining, viloyatlar viloyat byudjetlarining va toshkent shahri shahar byudjetining zaxira jamg’armalarini shakllantirish xarajatlari. Qoraqalpog’iston respublikasi respublika byudjetining, viloyatlar viloyat byudjetlarining va Toshkent shahri shahar byudjetining zaxira jamg’armalari moliya yili mobaynida iqtisodiy, ijtimoiy-madaniy va boshqa sohalardagi qo’shimcha, ko’zda tutilmagan xarajatlar o’z vaqtida hamda uzluksiz moliyalashtirilishini ta’minlash uchun tashkil etiladi. O’zbekiston respublikasi Vazirlar Mahkamasining, Qoraqalpog’iston respublikasi respublika byudjetining, viloyatlar viloyat byudjetlarining va Toshkent shahri shahar byudjetining zaxira jamg’armalari mablag’lari tegishincha O’zbekiston respublikasining respublika byudjeti, Qoraqalpog’iston respublikasining respublika byudjeti, viloyatlarning viloyat byudjetlari va Toshkent shahrining shahar byudjetiga tushadigan daromadlar hisobidan shakllantiriladi.

6) Davlat yoki jamoat ehtiyojlari uchun yer uchastkalarining olib qo’yilishi munosabati bilan yuridik va jismoniy shaxslarga yetkazilgan zararning o’rnini qoplash xarajatlari. Bunday xarajatlarga ma’lum bir hududni obodonlashtirish yoki zarur hollarda sanoat korxonalari qurish uchun o’sha hududdagi yuridik va jismoniy shaxslarning yer uchastkalarini olish zaruriati tug’ilganda, yetkazilgan zararning o’rnini qoplash nazarda tutiladi.

7) Qoraqalpog’iston respublikasi respublika byudjetining, viloyatlar viloyat byudjetlarining va toshkent shahri shahar byudjetining mablag’lari hisobidan moliyalashtiriladigan tashkilotlar va tadbirlarning xarajatlari. Bu xarajat guruhiga viloyat, tuman va shahar xalq deputatlari kengashiga

o'tkaziladigan saylovlar xarajatlari, siyosiy partiyalarning nizom bo'yicha faoliyatini moliyalashtirish xarajatlari, "Mustaqillik" va "Navro'z" kabi umumxalq bayram tantanalarini o'tkazish xarajatlarini kiritishimiz mumkin.

8) Quyi byudjetlarga beriladigan transfertlar Qoraqalpog'iston respublikasining respublika byudjetidan viloyatlarning viloyat byudjetlaridan va Toshkent shahrining shahar byudjetidan tumanlar va shaharlar byudjetlariga byudjet ssudalari dotatsiyalar, subventsiyalar va o'tkazib beriladigan daromadlar ajratilishi mumkin. O'zbekiston respublikasining amaldagi byudjet qonunchiligiga ko'ra, tumanlar va shaharlar byudjetlaridan esa quyidagi xarajatlar amalga oshirilishi belgilangan:

1) Ijtimoiy soha va aholini ijtimoiy qo'llab-quvvatlash xarajatlari.

2) Iqtisodiyot xarajatlari.

3) Tuman va shahar hokimliklarini hamda ularning bo'limlarini saqlab turish xarajatlari.

4) Fuqarolarning o'zini o'zi boshqarish organlarini saqlab turish xarajatlari.

5) Boshqa xarajatlar, ya'ni qonun hujjatlarida tumanlar va shaharlar byudjetlaridan moliyalashtirilishi nazarda tutilgan ayrim tashkilotlar va tadbirlarning xarajatlari.

**Tadqiqot natijalari** So'nggi yillarda ko'pgina rivojlangan mamlakatlarda davlat moliyasini boshqarish tizimini modernizatsiyalash bo'yicha jiddiy harakatlar amalga oshirildi. islohotlardan ko'zlangan maqsad moliyaviy barkarorlikni ta'minlash maqsadida davlat moliya tizimining unumdorlik va ochiqlik darajasini oshirish, byudjet mablag'laridan oqilona foydalanish, byudjet jarayoni ishtirokchilarining javobgarligini kuchaytirish va eng asosiysi budjetni rejalashtirishning sifatini oshirishga qaratildi.

Mamlakatimizda ham amalga oshirilayotgan iqtisodiy islohotlar byudjet jarayoni nafaqat yil davomidagi ko'zlangan xarajatlarni moliyalashtirishni, balki bir yildan ortiq davom etadigan davlat dasturlarini moliyalashtirilishini xizmat qilishini ta'minlash, davlat dasturlarini bajarish uchun kerak bo'lgan moliyaviy resurslar bilan bog'lash va byudjet jarayonini oshkoralik darajasini oshirish taqazo etmoqda.

Mahalliy budjet xarajatlari kassa ijrosi hisobi va hisobini takomillashtirish orqali byudjet loyihasini mukammal, puxta tuzishga, amalga oshirilayotgan iqtisodiy-ijtimoiy islohotlar, Davlat va hududiy dasturlarni to'liq moliyaviy ta'minlashga, byudjet xarajatlarining samaradorligini oshirishga, ularning aniq maqsadli va manzilli bo'lishiga, byudjet loyihasini keng omma e'tiboriga va muhokamasiga havola etish imkoniyatlariga erishiladi.

Mahalliy budjet xarajatlari kassa ijrosi hisobi va hisobini takomillashtirish orqali byudjet tizimida byudjetlararo munosabatlarni tubdan takomillashishiga, ijtimoiy sohani jadal rivojlantirishga va belgilangan me'yorlarga muvofiq ularni real moliyalashtirishga, mahalliy byudjetlarining daromad bazasini kengayishiga, ularning subventsiyadan chiqarib, mutanosibligi va o'zini o'zi qoplay olishini ta'minlashga, byudjet mablag'laridan maqsadli hamda oqilona foydalanishiga, hududlar iqtisodiyotini modernizatsiyalash va diversifikatsiyalashga, maqsadli investitsiya dasturlarini moliyalashtirishga, hududlarni tabiiy va iqtisodiy salohiyatdan yanada to'liq va samarali foydalangan holda ularni kompleks va intensiv rivojlantirish mumkin bo'ladi.

**Xulosa** muxtasar qilib aytganda, mahalliy budjet xarajatlari kassa ijrosi hisobi va hisobini takomillashtirish natijasida hududlarda turli soha va tarmoqlarni samarali moliyalashtirilishga erishiladi, ularning asosiy xarajatlari yo'nalishlari va belgilangan tadbirlarni rejalashtirish mexanizmi takomillashadi. Mahalliy byudjetlarda xarajatlarni rejalashtirish natijasida mintaqalarning ijtimoiy-iqtisodiy rivojlanishi, yalpi mintaqaviy mahsulot o'sishi, tadbirkorlik rivojlanishi va sarmoyalar jalb qilinishi, yangi ish joylari yaratilishi, uy-joy va kommunal xo'jaligi holati yaxshilanishi va hududlar obodonlashtirilishiga erishish mumkin. Bu, o'z navbatida, mahalliy aholining yashash darajasini o'sishiga, fuqarolarning farovonligini oshishiga olib keladi.

**FOYDALANILGAN ADABIYOTLAR RO'YXATI:**

1. Бюджет ташкилотларида бухгалтерия ҳисоби тўғрисидаги йўриқнома (Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлигида 2010 йил 22 декабрда 2169-сон билан рўйхатга олинган)

2. Xaydarov N.X. Moliya: umumdavlat moliyasi. T.: Iqtisod-moliya, 2009

3. Остонақулов М. Бюджет ташкилотларида бухгалтерия ҳисоби. Ўқув қўлланма. Учинчи нашр. –Т.: Iqtisod-moliya, 2010. –534 б.

4. Nizamiddin Khaydarov. Agricultural Development in Uzbekistan: Agricultural Reforms versus Transboundary Water Issues. Developing Country Studies. ISSN 2224-607X (Paper) ISSN 2225-0565 (Online) Vol.5, No.10, 2015
5. U.Yu. O'roqov, N.M.Anvarov. Mamlakat iqtisodiyotini rivojlantirishda byudjetsoliq siyosatining ahamiyati Barqarorlik va Yetakchi Tadqiqotlar onlayn ilmiy jurnali (ISSN - 2181-2608). 2022
6. Остонақулов М. Бюджет ташкилотларида янги бухгалтерия ҳисоби. –Т.: Янги аср авлоди, 2011.
7. Остонақулов М. Давлат бюджети ғазна ижросининг бухгалтерия ҳисоби. –Т.: «Iqtisodmoliya», 2009.

**UO'K: 379.85:332.14**

# O'ZBEKISTONDA TURISTIK DESTINATSIYALAR FAOLIYATINI RIVOJLANTIRISH MEXANIZMLARINI TAKOMILLASHTIRISH

***S.K. Hamidov, tadqiqotchi, Buxoro davlat universiteti, Buxoro***

***Annotatsiya.*** *Maqolada so'nggi yillarda O'zbekistonda turistik destinatsiyalar faoliyatini rivojlantirish mexanizmlarini takomillashtirish jarayonlari tadqiq etilgan. Tadqiqot jarayonida turistik destinatsiyalar faoliyatini rivojlantirish vazifalarini amalga oshirish modeli hamda turizm klasterlari faoliyatining tashkiliy-iqtisodiy mexanizmi ishlab chiqilgan. Mazkur tashkiliy-iqtisodiy mexanizmlarning turistik destinatsiyalar faoliyatida joriy etilishi faoliyatni tashkil etishda davlat ishtirokidan foydalangan holda shart-sharoitlarni yaxshilash jihatlari hamda umumiy maqsad yo'lida asosiy va qo'shimcha faoliyatni birlashtirish orqali multiplikativ samaraga erishish yo'llari asoslangan.*

***Kalit so'zlar:*** *turizm sohasi, destinatsiya, turistik destinatsiya, turistik korxonalar, tadbirkorlik faoliyati, turistik korxonalar faoliyati, turizm klasteri, turizm marketingi, tashkiliy-iqtisodiy mexanizm, model.*

***Аннотация.*** *В статье исследованы процессы совершенствования механизмов развития деятельности туристических дестинаций в Узбекистане за последние годы. В ходе исследования разработана модель реализации задач развития деятельности туристских направлений, а также организационно-экономический механизм деятельности туристских кластеров. Внедрение этих организационно-экономических механизмов в деятельность туристских дестинаций основано на аспектах улучшения условий с использованием государственного участия в организации деятельности и на способах достижения мультипликативного эффекта путем объединения основной и дополнительной деятельности для достижения общей цели.*

***Ключевые слова:*** *сфера туризма, дестинации, туристские дестинации, туристские предприятия, предпринимательская деятельность, деятельность туристских предприятий, туристский кластер, маркетинг туризма, организационно-экономический механизм, модель.*

***Abstract.*** *The article examines the processes of improving the mechanisms of development of tourist destinations in Uzbekistan in recent years. In the course of the study, a model was developed for the implementation of the tasks of the development of tourist destinations, as well as the organizational and economic mechanism of the activity of tourist clusters. The introduction of these organizational and economic mechanisms into the activities of tourist destinations is based on aspects of improving conditions using state participation in the organization of activities and on ways to achieve a multiplicative effect by combining the main and additional activities to achieve a common goal.*

***Keywords:*** *tourism, destinations, tourist destinations, tourist enterprises, entrepreneurial activity, activity of tourist enterprises, tourist cluster, tourism marketing, organizational and economic mechanism, model.*

**Kirish.** Bugungi kunda turizm sohasida dunyo bo'yicha pandemiyadan oldingi davrga tiklanish davri davom etayotgan bir paytda mamlakatlar soha faoliyatini rivojlantirish uchun hududiy yondashuvlar asosida chora-tadbirlar ishlab chiqmoqda. Jumladan, mamlakatimizda ham soha faoliyatini yanada rivojlantirish maqsadida hukumat darajasida turli ko'rinishdagi chora-tadbirlar va meyoriy-hujjatlar ishlab chiqilmoqda. Pandemiya davridagi kirish va chiqish turizmida kuzatilgan muammolar o'rnini qoplash maqsadida mamlakatimizda ham ichki turizm salohiyatidan maksimal

darajada foydalanishga o‘tildi. Bu borada turistik destinatsiyalar faoliyatini yana rivojlantirish va davlat tomonidan turli ko‘rinishdagi imtiyozlar asosida qo‘llab-quvvatlanishi ayni muddao bo‘ldi.

Bugungi globallashuv sharoitida turistik destinatsiyalar faoliyatini tashkil etish va rivojlantirish soha faoliyatini rivojlantirishning samarali strategiyasini yuzaga chiqarish bilan bog‘liq. Turistik destinatsiyalar faoliyatining rivojlantirish strategiyasini shakllantirish davrini aniqlashning eng asosiy sharti iste’mol bozorining xususiy rivojlanish istiqboli hisoblanadi. Turistik destinatsiyalar faoliyatining rivojlantirish strategiyasini shakllantirish davri rivojlangan mamlakatlar iqtisodiyotida o‘rtacha uch yil doirasida, mamlakatlarning yirik xizmatlar yaratuvchi korxonalar strategiyasini amalga oshirish davri 10 yilgacha bo‘lgan muddatni o‘z ichiga oladi [1].

Turistik destinatsiyalar faoliyatining rivojlantirishda xizmatlarni yaratuvchi korxonalar faoliyatini rivojlanish jarayonining barcha asosiy jihatlarini o‘rganadi. U korxonaning rivojlanish shartlari bilan bog‘liq masalalarni hal etish uchun rivojlantirishning oqilona tashkil etilishini shakllantirishga qaratilgandir.

Turistik destinatsiya faoliyatini rivojlantirishning muhim tomoni shundan iboratki, u xizmat ko‘rsatish faoliyatining turli qirralariga aloqador barcha masalalarni kompleks tarzda rivojlantirishni shakllantiradi. Ushbu rivojlantirish masalalari tor ma’noda xo‘jalik faoliyatining oxirgi natijalariga to‘g‘ridan-to‘g‘ri yoki bilvosita ta’sir etadi. Korxonada xizmatlar yaratish jarayonini takomillashtirishga qaratilgan alohida chora-tadbirlar, qarorlarning faqat rivojlantirish nuqtai nazari bilan qaralishi korxonaning iqtisodiy faoliyati, shart-sharoitlarini to‘la hisobga olgan holda amalga oshirishni ta’minlay olmaydi. Balki, rivojlantirishga bir tomonlama yondashish korxonaning moliyaviy ahvoliga salbiy ta’sir etadi. Shularni nazarda tutgan holda turistik destinatsiyalar faoliyatini rivojlantirishda turistik korxonalar faoliyatining oxirgi natijalariga o‘z ta’sirini ko‘rsatuvchi har bir rivojlanish masalalarini umumlashtirgan holda, kompleks faoliyat tarzida namoyon bo‘ladi [2].

**Mavzuga oid adabiyotlar tahlili.** Turizm sohasida turistik destinatsiyalar faoliyatining rivojlanishi bo‘yicha tadqiqot olib borayotgan tadqiqotchilarning fikriga ko‘ra, turizm sohasi pandemiyadan keyin yana qayta iqtisodiyotning dinamik yo‘nalishiga aylanishi bashorat qilinmoqda, shu nuqtai nazardan turdosh sohalar, ya’ni transport (aviaqatnovlar, temir yo‘l, yerusti transporti, suv transporti, transport vositalarini ishlab chiqish), aloqalar va logizm (aloqa vositalari, AKT, xalqaro munosabatlar, iqtisodiyot rivojini huquqiy ta’minlash, kichik va o‘rta biznes subyektlarini tashkil qilish), infratuzilma (mehmonxonalar qurish, milliy ovqatlanish maskanlari va relaksatsion dasturlarning amalga oshirilishi), xizmat ko‘rsatish sohalari (teatr, musiqa, tarixiy va madaniy obidalar, ovqatlanish maskanlari va mehmonxona biznesi), yangi mehnat bozori, ish o‘rinlarining yaratilishi kabi tarmoqlarning yuksak darajada rivoji uchun turtki bo‘lib xizmat qilishi mumkin [3].

Ilmiy adabiyotlarda destinatsiya atamasi noaniq talqinga ega. Destinatsiya tushunchasi odatda geografik nuqtai nazardan ko‘rib chiqiladi va ma’lum turistik resurslarga ega bo‘lgan hudud sifatida belgilanadi. Bunday holda, destinatsiya atamasi turistik mintaqa, turistik hudud tushunchasi bilan bir xil deb aytishimiz mumkin. Ushbu talqin mijozga yo‘naltirilgan yondashuv bilan bog‘liq bo‘lgan manzilning asosiy xususiyatlarini aks ettirmaydi. Destinatsiya potensial mijoz uchun turistik jozibadorlik nuqtai nazaridan ko‘rib chiqilishi kerak.

Destinatsiya - bu turistlar uchun ma’lum bir jozibadorlikka ega bo‘lgan va turistning ehtiyojlari va talablariga javob beradigan xizmatlar to‘plamini taklif qiladigan geografik hudud [4]. Destinatsiya - bu turistik oqim hosil bo‘ladigan joy, ya’ni turistilar qidiradigan ma’lum bir joy (hudud, suv zonasi, makon). Shu ma’noda, destinatsiya quyidagi savollarga javob beradi: qayerda? (qayerga?) va nima uchun? Belgilangan manzil shuni ko‘rsatadiki, turist sayohat davomida doimiy yashash joyini tark etib, o‘zi rejalashtirgan yangi taassurotlar va hissiyotlarni olishga qiziqadi.

“Destinatsiya” tushunchasi birinchi marta turizmni o‘rganishga tizimli yondashuv doirasida paydo bo‘lgan. Turizm tizimi N. Leyperning umumiy qabul qilingan modeliga muvofiq kamida beshta o‘zaro bog‘liq elementlarning mavjudligini talab qiladi: turistlar; turistlarni yetkazib berish hududi; tranzit hudud; turistik yo‘nalish; turistik industriya.

N. Leyper turistik yo‘nalishlarni “turistilar ma’lum hududning bir yoki bir nechta atributlari va xususiyatlari bilan bog‘liq bo‘lgan turistik tajriba (dam olish tajribasi) olish uchun bir muddat qolishni tanlagan joylar – o‘ziga xos diqqatga sazovor joylar” - deb ta’riflaydi [5].

Bir qator tadqiqotchilar K. J. Metelka [6] , K. A. Gunn [7] destinatsiyani “odam sayohat qiladigan geografik hudud”, “sayyohlik bozori hududi”sifatida belgilaydi. S. Medlikning fikricha “turistlar tashrif buyuradigan mamlakatlar, mintaqalar, shaharlar va boshqa hududlar. Butun yil davomida ularning infratuzilmasi pul topish uchun kelgan rezidentlar va norezidentlarga xizmat qiladi va yil davomida vaqt

xizmatlarning doimiy iste'molchilari-turistlar. Geografik birlikning sayyohlik yo'nalishi sifatida qanchalik muhimligi uchta asosiy omil bilan belgilanadi: diqqatga sazovor joylar, xizmat ko'rsatish va sayyohlik infratuzilmasi, kirish imkoniyati (odatda geografik).Bu uch omil ba'zan "destinatsiyaning turistik fazilatlari" deyiladi [8].

R. Devidson va R. Meytlendning tadqiqotlarida destinatsiya geografik chegaralarga ega ekanligini va "yagona tuman, shahar yoki aniq belgilangan va chegaradosh qishloq, qirg'oq yoki tog'li hudud" ekanligini ta'kidlaydilar [9].

Yuqoridagi fikrlarni umumlashtirgan holda biz tomonimizdan quyidagi mualliflik yondashuvi ilgari suriladi: turistik destinatsiya dam olish yoki sog'lomlashtirish uchun zarur bo'lgan maxsus obyektlar va xizmatlarning katta tarmog'iga ega bo'lgan hududdir. Ushbu yondashuvdan kelib chiqib, turistik destinatsiya mustaqil deb hisoblanishi va turistlar unda qolishlari uchun barcha zarur imkoniyatlarga ega bo'lishi kerak, ya'ni, bu turistik infratuzilma va xizmatlarga ega bo'lgan joy, turist yoki turistlar guruhi tanlaydi va xizmatlar taklif etuvchi tomonidan sotiladi.




**1-rasm. Turistik destinatsiya faoliyatini rivojlantirish vazifalarini amalga oshirish modeli (Muallif tomonidan ishlab chiqilgan)**

**Tahlil va natijalar**

O'zbekistonda turizm sohasidagi holat tahlili sohada bozor munosabatlarini chuqurlashtirish hamda soha tarkibidagi korxonalarni mavjud shart-sharoitdan kelib chiqqan holda samarali faoliyat yuritish tizimiga o'tkazish jarayoni hali nihoyasiga yetmaganligini hamda tizim subyektlarining moddiy-texnik, iqtisodiy hamda huquqiy salohiyat darajasi bozor qonuniyatlari talablariga yetarli darajada javob bermasligini ko'rsatmoqda[10].

Ushbu tahlillar hamda taqqoslash natijalari asosida sohani rivojlantirishning navbatdagi qadami sifatida birinchi o'rinda turizm xizmatlari sohasida bozor munosabatlarini chuqurlashtirish lozim deb hisoblaymiz. Buning uchun biz tomonimizdan turistik destinatsiya faoliyatini rivojlantirish vazifalarini amalga oshirish modeli ishlab chiqildi hamda ushbu modelni tezlik bilan sohada amalga oshirilayotgan islohotlar jarayonida joriy etish tavsiya etiladi (1-rasm).

Modelda keltirilgan har bir konsepsiya uchun tadbirlar majmuidan iborat mexanizmlar orqali bajarilishi ko'zda tutilgan aniq vazifalar belgilangan va ushbu vazifalarni tanlangan mexanizmlar vositasida to'liq amalga oshirilishi sohada bozor munosabatlarining chuqurlashishiga hamda bozor mexanizmlarining amal qilishiga olib keladi.

Sohada faoliyat olib borayotgan tizim ishtirokchilari manfaatlarining qondirilish darajasi tashkiliy-iqtisodiy mexanizmlar samaradorligini ifodalovchi asosiy natijasi hisoblanadi.

Bugungi kunda mamlakatimiz hududlarida mavjud turistik korxonalar faoliyatini samarali tashkil etish uchun klasterli yondashuv asosidagi tashkiliy-iqtisodiy mexanizm taklif etilmoqda. Turistik destinatsiya klasterida, mavjud shart-sharoitlardan kelib chiqib, klasterning asosiy tuzilmasi sifatida turistik xizmatlarni taklif etuvchi turistik korxonalar qaralsa, klaster bilan aloqadagi elementlar sifatida hudud administratsiyasi, klaster tarkibidagi yondosh va qo'shimcha xizmatlarni taklif etuvchi korxonalar hamda klaster rivojlanayotgan hudud yoki mintaqa qaraladi [11].

Ishlab chiqilgan va turistik resurs salohiyati yuqori bo'lgan hududlarda joriy etilishi taklif etilayotgan klasterning tuzilmaviy modeli klasterni turli muhitlar orqali o'zaro aloqada bo'lgan 3 ta tarkibiy tuzilmadan iborat holda bo'lishini hamda har uchala tuzilma o'z vazifalaridan kelib chiqqan holda aniq funksiyalarni bajarishi belgilangan.

Turistik destinatsiya klasterining asosini, ya'ni birinchi tuzilmani klasterning asosiy ishtirokchilari hisoblangan turistik korxonalar, turoperatorlar va turagentlar (klaster yadrosi), klaster administratsiyasi hamda klaster faoliyatini tashkil etishda ishtirok etuvchi jamoatchilik tashkilotlari tashkil etadi.

Klaster shaklida tashkil etilishi taklif etilayotgan hududiy turistik destinatsiya, birinchidan, klaster tarkibiga kiruvchi tadbirkorlik subyektlari faoliyat samaradorligini oshirsa, ikkinchidan, alohida korxonalar faoliyatining bir maqsad yo'lida birlashuvi o'zaro axborot almashinuvi va innovatsiyalar joriy etilishini kuchaytiradi, birgalikda amalga oshiriluvchi faoliyatni muvofiqlashtirish masalalarini osonlashtiradi, mijozlarga xizmat ko'rsatuvchi infratuzilma tizimlarini takomillashtirish imkoniyatlarini kengaytiradi. Turistik destinatsiya klasteri tashkil etilayotgan hududda esa mavjud malakali mehnat resurslari, maxsus soliq rejimlari hamda klaster ishtirokchilari boshqaruvi doirasida investitsiya faoliyati bilan bog'liq yangi moliyaviy tuzilmalar paydo bo'lishi uchun qulay shart-sharoitlarni yaratadi [12].

Yuqorida ko'rib o'tilgan model negizida turistik destinatsiya klasterlarining ichki va tashqi munosabatlarni hisobga oluvchi faoliyat ko'rsatish mexanizmi ma'lum darajada shakllangan va tadqiqot jarayonida ushbu mexanizmni tizimlashtirgan va takomillashtirgan holda foydalanishga tavsiya etildi (2-rasm).

Taklif etilayotgan mexanizmda klaster tizimlarining normal faoliyat ko'rsatishi uchun turistik korxonalarda turistik destinatsiya faoliyatini rag'batlantirish chora-tadbirlari taklif etilgan. Jumladan, klasterni shakllantirish tashabbusini rag'batlantirish, zamonaviy turizm klasterini shakllantirish uchun hududiy turizm administratsiyasini shakllantirish, klaster tarkibiy tuzilishi va turistik mahsulot ishlab chiqarishni targ'ib qilish strategiyasini ishlab chiqish, tayyorgarlik jarayonining uzluksiz va samarali bajarilishini ta'minlash va boshqalar.

Mavjud texnologik va ilmiy infratuzilmaning mustahkamlanishi ilmiy-tadqiqot muassasalari va turistik korxonalar o'rtasidagi integratsion aloqalarni chuqurlashtirishga asos bo'lib xizmat qiladi. Shu bilan birga, ijtimoiy-iqtisodiy institutlarning o'zaro hamkorligi va bog'liqligini oshirish orqali turistik korxonalarni klasterlash jarayonini sezilarli darajada tezlashtirishi mumkin. Klaster

samaradorligining yuqori darajasiga uning subyektlarini rivojlantirishning rag'batlantiruvchi tashkiliy-iqtisodiy mexanizmlar samarali faoliyat ko'rsatgan holda erishiladi. Bunda, turistik korxonalar kadrlarining tahlili xodimlarning yuqori yoshi va oliy o'quv yurtlarida kasb ta'limining ishlab chiqarish jarayonidan ajralib turishini ko'rsatadi. Ushbu muammoni hal etish yangi innovatsion texnologiyalar yordamida raqobatbardosh turistik mahsulotlar ishlab chiqarishni tashkil etishda o'ziga xos turistik korxonalar ehtiyojlariga yo'naltirilgan maxsus dasturlar bilan standart ta'lim dasturlarini to'ldirish orqali yuqori malakali mutaxassislarni maqsadli tayyorlash tizimini ishlab chiqish bilan chambarchas bog'liq.




**2-rasm. Turistik destinatsiya klasterlari faoliyatining tashkiliy-iqtisodiy mexanizmi (Muallif tomonidan ishlab chiqilgan)**

Tadqiqot jarayonida takomillashtirilgan tashkiliy-iqtisodiy mexanizmlarning turistik destinatsiyalar faoliyatida joriy etilishi, birinchidan, faoliyatni tashkil etishda davlat ishtirokidan foydalangan holda shart-sharoitlarni yaxshilashga olib kelsa, ikkinchidan, umumiy maqsad yo'lida asosiy va qo'shimcha faoliyatni birlashtirish orqali multiplikativ samaraga erishish imkonini beradi.

**Xulosa va takliflar:**

1. Maqolada amalga oshirilgan tadqiqotlar natijalari asosida turistik destinatsiya faoliyatini rivojlantirishning iqtisodiy mexanizmlarini takomillashtirish bo'yicha quyidagi ilmiy xulosa va takliflar hamda amaliy tavsiyalar ishlab chiqildi:

2. Turistik destinatsiyalar faoliyatini rivojlantirish orqali sohaning milliy iqtisodiyot makro ko'rsatkichlaridagi ulushini oshirish bugungi kunda iqtisodiyotda tarkibiy o'zgarishlarni amalga oshirishni nazarda tutuvchi Taraqqiyot strategiyasida ham o'z aksini topgan bo'lib, sohada tadbirkorlikni amalga oshirish, turistik korxonalar va turizm infratuzilmasini rivojlantirish orqali turistik xizmatlar hajmini oshirish bo'yicha maqsad va vazifalar belgilangan.

3. Hududlarda mavjud turistik destinatsiya faoliyatini samarali tashkil etish uchun klasterli yondashuv asosidagi tashkiliy-iqtisodiy mexanizm taklif etilmoqda. Turizm klasterida, mavjud shart-sharoitlardan kelib chiqib, klasterning asosiy tuzilmasi sifatida turistik xizmatlarni taklif etuvchi turistik korxonalar qaralsa, klaster bilan aloqadagi elementlar sifatida hudud administratsiyasi, klaster tarkibidagi yondosh va qo'shimcha xizmatlarni taklif etuvchi korxonalar hamda klaster rivojlanayotgan hudud yoki mintaqa qaraladi. Turizm klasterlarining ichki va tashqi munosabatlarni hisobga oluvchi faoliyat ko'rsatish mexanizmi ma'lum darajada shakllangan va tadqiqot jarayonida ushbu mexanizmni tizimlashtirgan va takomillashtirgan holda foydalanishga tavsiya etildi. Taklif etilayotgan mexanizmda klaster tizimlarining normal faoliyat ko'rsatishi uchun turistik korxonalarda tadbirkorlik faoliyatini rag'batlantirish chora-tadbirlari taklif etilgan.

**FOYDALANILGAN ADABIYOTLAR RO'YXATI:**


1. Ҳ.Ботирова, Ш.Тоштемиров. Глобаллашув шароитида туризм хизматларини бошқаришнинг такомиллаштириш йўллари. "BIZNES - EKSPERT". 02.07.2019 й.

2. Орипов А.А. Иқтисодиётдаги рақамли ўзгаришлар шароитида хизматлар соҳасини бошқаришнинг ташкилий-иқтисодий механизмларини такомиллаштириш. Иқтисодиёт фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD) илмий даражасини олиш учун ёзилган диссертацияси. -Тошкент: 2021. -147-б.

3. Сайфутдинов Ш.С. Ўзбекистонда туризм соҳасини барқарор ривожлантириш стратегияси. Иқтисодиёт фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD) илмий даражасини олиш учун ёзилган диссертация. - Тошкент.: 2022. - 14-16-бетлар.

4. Морозов М.А., Морозова Н.С. Моделирование и прогнозирование развития туристских дестинаций. Сервис plus. 2014.Т. 8. №3. - С. 32-39.

5. Leiper N. Tourism management / N. Leiper. – 3rd edn. – Sidney: Pearson Education Australia, 2004. – 326 p.

6. Metelka C.J. The dictionary of hospitality, travel and tourism / C.J. Metelka. – 3rd edn. – Albany: Delmar Publishers, 1990. – P. 46-50.

7. Gunn C.A. Tourism planning: Basics, Concepts, Cases / C.A. Gunn, V. Turgut. – 4th edn. – Routledge, 2002. – 464 p

8. Medlik S. Dictionary of travel, tourism and hospitality / S. Medlik. – 2nd edn. – Oxford: Butterworth-Heinwmann, 1993. – 273 p.

9. Davidson R., Maitland R. Tourism destinations / R. Davidson, R.Maitland. – London: Hodder & Stoughton, 1997. – P.4.

10. Мирзаев А.Т. Туристик-рекреация корхоналари фаолиятини бошқаришнинг иқтисодий самарадорлиги таҳлили // Иқтисодиёт ва таълим. -2019, №6. 214-219-б.

11. Mirzaev A.T. Assessment of cluster formation in management of recreational activity. International Scientific Journal "Theoretical & Applied Science", Philadelphia, USA. 04, (84), 2020. – 605-610-pp.p -ISSN: 2308-4944. http://T-Science.org

12. Mirzaev A.T. Evaluation of innovation capacity resource components in effective management of recreational clusters on the basis of econometric analysis. EPRA International Journal of Research and Development (IJRD). India. Volume: 5 Issue: 7 July 2020. –P.131-137. DOI: https://doi.org/10.36713/epra4790

13. Мирзаев А.Т. Совершенствование системы электронного бронирования как часть цифрования управленческой деятельности туристско-рекреационных предприятий. Бюллетень науки и практики. Нижневартовск, Россия. Т. 6. №8. 2020. – 99-104 б. DOI: https://doi.org/10.33619/2414-2948/57

14. Мирзаев А.Т. Ўзбекистонда туристик-рекреация корхоналари фаолиятини бошқаришнинг ташкилий-иқтисодий механизмларини такомиллаштириш. Ишлаб чиқаришни кластер усулида ташкил этишнинг зарурияти. Бизнес-Daily медиа. -2020, №1. -62-65-б.


**УДК 330.34**

## NETWORK INTERACTIONS IN THE INNOVATIVE ECONOMY IN THE CONDITIONS OF TRANSFORMATION

***K. I. Kurpayanidi, prof., PhD, Fergana Polytechnic Institute, Fergana***

***Annotatsiya.*** *O'zbekiston iqtisodiyotini rivojlantirishning asosiy tendentsiyasi eksport-xom ashyodan raqamli modelga o'tish bo'lib, bu hukumat hujjatlarida o'z aksini topgan - 2022 — 2026 yillarga mo'ljallangan Yangi O'zbekistonning taraqqiyot strategiyasi, 2022 — 2026 yillarda O'zbekiston Respublikasining innovatsion rivojlanish strategiyasi, "Raqamli O'zbekiston-2030" va boshqalar. Maqolada transformatsiya sharoitida innovatsion iqtisodiyotda tarmoqning o'zaro ta'siri muammolari o'rganiladi.*

***Kalit so'zlar:*** *innovatsiya, innovatsion iqtisodiyot, milliy innovatsion tizim, Global innovatsion indeks, tarmoq.*

***Аннотация.*** *Основной тенденцией развития экономики Узбекистана обозначен переход от экспортно-сырьевой к цифровой модели, что находит отражение в правительственных документах - Стратегия развития Нового Узбекистана на 2022 — 2026 годы, Стратегия инновационного развития Республики Узбекистан на 2022–2026 годы, Стратегии «Цифровой Узбекистан-2030» и др. В статье изучаются проблемы сетевого взаимодействия в инновационной экономике в условиях трансформации.*
***Ключевые слова:*** *инновация, инновационная экономика, национальная инновационная система, Глобальный индекс инноваций, сетевое взаимодействие.*
***Abstract.*** *The main trend in the development of the economy of Uzbekistan is the transition from the export-raw materials to the digital model, which is reflected in government documents - the Development Strategy of New Uzbekistan for 2022-2026, the Strategy of Innovative Development of the Republic of Uzbekistan for 2022-2026, the Strategy "Digital Uzbekistan—2030", etc. The article studies the problems of network interaction in the innovative economy in the conditions of transformation.*
***Keywords:*** *innovation, innovative economy, national innovation system, Global Innovation Index, networking.*

**Introduction**. If earlier entrepreneurs or collectives (for example, social classes) were effective economic actors, today society is formed primarily by networks, which is also implemented in the innovative economy. In addition, the concept of the national innovation system (NIS) is often interpreted in such a way that specific investments in the innovation system could give a certain predictable result.

However, the modern approach from the standpoint of the national innovation ecosystem allows us to take into account, firstly, its evolutionary nature, as well as the possibilities of development in accordance with new needs and circumstances; secondly, that this system is subject to change; and, thirdly, the complex interrelations between various participants in the innovation economy are emphasized (including individual entrepreneurs, as well as corporate participants, such as large enterprises and universities) and incentives to create an environment conducive to innovation [1].

The ecosystem approach characterizes innovative subjects of various levels as living social organisms subject to continuous variability under the influence of new motivations of participants and circumstances [2]. The innovation ecosystem, in turn, is considered as a dynamic set of organizations, institutions and their internal relations; it also includes economic agents, their relationships, the innovation environment, consisting of It consists of ideas, technologies, rules of the game, social interactions and culture [3]. At the same time, clusters and network structures are the key organizational forms of innovative interconnections [4].

**Methodology and research.** In the process of preparing the study, general scientific methods of cognition, observation, abstract-logical thinking, a systematic approach, and economic interpretation were used. Methods of a systematic approach to solving problems, as well as analysis, synthesis and unity of logical analysis and dialectical development, historical approach, analysis of the materiality of cognition. statistical hypotheses and relationships, expert research.

**Analysis and results.** So, the innovation economy is defined today, on the one hand, by network interactions in the context of the innovation ecosystem, and on the other hand, by the development and the possibility of rapid dissemination of technologies, primarily digital. At the same time, it is of particular importance how technologies are produced and distributed.

In general, advanced technologies are a group of new technologies that take advantage of digitalization and interaction, which allows them to unite and multiply their impact. These are technologies such as artificial intelligence, the Internet of things, big data, blockchain, 5G, 3D printing, robotics, drones, genetic engineering, nanotechnology and solar photovoltaic installations.

The 2021 edition of the Global Innovation Index presents an up-to-date global innovation rating of 132 economies based on 81 indicators. In this edition, thanks to the new Innovation Tracking System at the global level, the latest global trends in innovation are analyzed. According to UNCTAD, these technologies already constitute a $350 billion market, which by 2025 could grow to

more than $3.2 trillion; in 2018 the largest share belonged to artificial intelligence, drones, solar photovoltaic installations, big data and robotics, and according to forecasts for 2025, the leaders will be the Internet of Things, robotics, solar photovoltaic installations, 5G and artificial intelligence [5].

Advanced technologies can be used to increase labor productivity and improve the quality of life [6]. For example, artificial intelligence in combination with robotics can transform production and business processes: financial companies use the above technologies for making credit decisions, risk management, fraud prevention, personalized banking and process automation, production - for maintenance, quality control and improving the level of manufacturability.




**Fig. 1. Structure of innovations comparative analysis**

In order to assess national capabilities for the use, implementation and adaptation of these technologies, the Readiness for Frontier Technologies Index was developed, which includes five components: the dissemination of information and communication technologies (ICT), skills, research activities, industrial development and access to finance (Fig. 1).

As the analysis based on the innovation potential and the results of innovation of the world's economies shows, only a few economies, mainly with a high level of income, consistently occupy high places. However, individual middle-income economies, including China, Turkey, Vietnam, India and the Philippines, are catching up with the leaders and changing the innovation landscape.

The leaders of the innovation rating are still Switzerland, Sweden, the United States and the United Kingdom. They have been in the top five for the last three years. In 2021, the Republic of Korea entered the top five of the Global Innovation Index for the first time, and four other Asian economies entered the top 15 economies: Singapore (8), China (12), Japan (13) and Hong Kong, China (14), the Russian Federation (45), Kazakhstan (79). The Republic of Uzbekistan is on the 86th position [7].

**Conclusion.** Thus, for the follower countries, the key areas of innovation economy development are: strengthening the NIS, including on the basis of an ecosystem approach, improving industrial policy, digital skills of the population and innovation infrastructure, as well as further expanding access to digital technologies and innovation networks.

**REFERENCES:**

1. Kurpayanidi, K., Abdullaev, A., Ashurov, M., Tukhtasinova, M., & Shakirova, Y. (2020). The issue of a competitive national innovative system formation in Uzbekistan. *In E3S Web of Conferences (Vol. 159, p. 04024). EDP Sciences*.

2. Bjerke, B., & Hultman, C. (2004). *Entrepreneurial marketing: The growth of small firms in the new economic era*. Edward Elgar Publishing.

3. Chernova, O. A., Matveeva, L. G., Gorelova G. V. (2021). Ecosystem approach to managing the processes of innovative development of industry. *Journal of New Economics, 22(2), 44-64.*

4. Scott, S., Hughes, M., & Kraus, S. (2019). Developing relationships in innovation clusters. *Entrepreneurship & Regional Development*, *31*(1-2), 22-45.

5. Technology and innovation report 2021 [Electronic resource]: catching technological waves // UNCTAD. - Mode of access: https://unctad.org/system/files/official-document/tir2020_en.pdf.

6. de Fátima Ferreiro, M., & Sousa, C. (2019). Governance, institutions and innovation in rural territories: The case of Coruche innovation network. *Regional Science Policy & Practice*, *11*(2), 235-250.
7. GII 2021 results The GII helps create an environment that evaluates innovation factors continuously. Global Innovation Index 2021. URL: https://www.wipo.int/edocs/pubdocs/en/wipo_pub_2000-section3.pdf

**UO'T:332.155 (045)**

# O'ZBEKISTON HUDUDLARIDA QISHLOQ XO'JALIGI MAHSULOTI ISHLAB CHIQARISH SAMARADORLIGI TAHLILI

***S.SH.Maxmudov, PhD, Prognozlashtirish va makroitisodiy tadqiqotlar instituti, Toshkent***
***U.SH.Shukurov, tayanch doktorant, Qarshi Davlat Universiteti, Qarshi***

***Annotatsiya.*** *Iqlim o'zgarishlari, pandemiya cheklovlarining joriy etilishi va geosiyosiy notinch vaziyatlar sababli jahon iqtisodiyotida vujudga kelgan tang vaziyat barcha mamlakatlarda ishlab chiqarish omillaridan foydalanish samaradorligini oshirishni taqozo etmoqda. Shuni inobatga olib, maqolada O'zbekiston hududlarida qishloq xo'jaligi tarmog'ida samaradorlikni oshirish masalasi tahlil qilingan. Tadqiqotda xarajatni minimallashtirish va daromadni maksimallashtirishning chiziqli masalasini yechish hamda samaradorlikni baholashda Färe-Primont indeksidan foydalanishning uslubiy jihatlari yoritilib, yirik shoxli qoramol va donli ekinlar yetishtirishda ishlab chiqarish omillari unumdorligi va texnik samaradorligi hududlar kesimida baholangan. Erishilgan natijalarga asoslanib namunaviy hududlarni tanlab olish bo'yicha takliflar ishlab chiqilgan.*
***Kalit so'zlar:*** *texnik samaradorlik, DEA modeli, masofa vektori, ishlab chiqarish chegarasi, chiziqli dasturlash masalasi, Färe-Primont indeksi, qishloq xo'jaligi, namunaviy hududlar.*
***Аннотация.*** *Напряженная ситуация, сложившаяся в мировой экономике в связи с изменением климата, введением пандемических ограничений и геополитическими потрясениями, требует решения вопросов повышения эффективности использования факторов производства во всех странах мира. С учетом этого, в статье проведен анализ повышения эффективности сельскохозяйственной отрасли в регионах Узбекистана. В исследовании представлены методические подходы решения линейной задачи минимизации затрат и максимизации прибыли, а также оценки эффективности с использованием индекса Färe-Primont, на основе которых в разрезе регионов проведен анализ продуктивности и технической эффективности факторов производства в выращивании крупного рогатого скота и зерновых культур. На основе полученных результатов разработаны предложения по выборке образцовых территорий.*
***Ключевые слова:*** *техническая эффективность, модель DEA, вектор расстояния, предел производства, задача линейного программирования, индекс Färe-Primont, сельское хозяйство, образцовые территории.*
***Abstract.*** *The tense situation in the global economy due to climate change, the introduction of pandemic restrictions and geopolitical upheavals requires addressing issues of increasing the efficiency of the use of factors of production in all countries of the world. With this in mind, the article analyzes the increase in the efficiency of the agricultural sector in the regions of Uzbekistan. The study presents methodological approaches to solving the linear problem of minimizing costs and maximizing profits, as well as evaluating efficiency using the Färe-Primont index, on the basis of which, by region, an analysis of the productivity and technical efficiency of production factors in the cultivation of cattle and grain crops was carried out. Based on the results obtained, proposals have been developed for selecting representative regions.*
***Keywords:*** *technical efficiency, DEA model, distance vector, production frontiers, linear programming problem, Färe-Primont index, agriculture, representative regions.*

**Kirish.** O'zbekiston iqtisodiyoti qishloq xo'jaligi bilan uzviy bog'langan bo'lib, bu sohaning YaIMdagi ulushi yuqoriligi bo'yicha jahon mamlakatlari orasida 18-o'rinni egallaydi. Top yigirmatalikda 17 ta mamlakat Afrika qit'asidan, Osiyo qit'asidan esa Afg'oniston va O'zbekiston mazkur ro'yxatdan joy olgan. Biroq bu mamlakatlardan faqat uchtasigina (Nigeriya, Tanzaniya va

O'zbekiston) qishloq xo'jalik mahsulotlarining alohida turlarini yetishtirish bo'yicha jahonning yetakchilari qatoridan joy olgan. Xususan, Nigeriya keshyu yong'og'i, okra, yeryong'oq va shirin kartoshka, Tanzaniya kunjut va shirin kartoshka yetishtirish bo'yicha jahonning yetakchi uch mamlakatidan biri sanaladi. Dunyo reytingida O'zbekiston o'rik yetishtirishda Turkiya va Erondan keyin, ipak bo'yicha Xitoy va Hindistondan keyin, sabzi va sholg'om yetishtirishda Xitoydan keyingi o'rinlarda turadi. Qishloq xo'jaligining mamlakat iqtisodiyotida tutgan yuqori ahamiyati hisobga olinsa, bu sohada innovatsion texnologiyalardan foydalanish, korxonalarni modernizatsiya qilish, pirovardida, ishlab chiqarish omillari samaradorligini oshirish muhim ahamiyat kasb etadi. Samaradorlik iqtisodiy va texnik turlarga bo'linib, texnik samaradorlik mahsulot ishlab chiqarish uchun ma'lum turdagi omillar to'plamidan foydalanish samaradorligini ifodalaydi. Agar firma ishchi kuchi, kapital va texnologiya kabi omillarning minimal miqdoridan maksimal mahsulot ishlab chiqaradigan bo'lsa, u texnik jihatdan samarali faoliyat yuritgan deb hisoblanadi. Iqtisodiy samaradorlik asosan ishlab chiqarish omillari narxlariga bog'liq bo'lib, texnik jihatdan samarali bo'lgan ba'zi narsalar iqtisodiy jihatdan samarali bo'lmasligi mumkin. Umuman olganda, samaradorlik daromadning xarajatga nisbati orqali aniqlanib, uni xarajatni minimallashtirish yoki daromadni maksimallashtirish orqali oshirish mumkin.

Ma'lumotlar konverti tahlili (DEA – Data Envelopment Analysis) samaradorlik bo'yicha eng ko'p qo'llaniladigan uslublardan biridir. DEA uslubiyoti – bu tashkilotlar faoliyati to'g'risidagi ma'lumotlar to'plami bo'yicha o'rganilayotgan birliklar uchun ishlab chiqarish chegaralarini aniqlash va ular faoliyatining texnik samaradorligini baholash mumkin bo'lgan vositadir. DEA modeli qaror qabul qilish birliklari (DMU — Decision Making Units) deb nomlangan mustaqil ishlab chiqarish birliklari faoliyatini tavsiflovchi kuzatuv punktlari to'plamini tadqiq qiladi. Tadqiqotda O'Donnell tomonidan taklif qilingan DEA uslubi asosida TFP (total factor productivity – omillarning yalpi unumdorlig) indeksini hisoblash va texnik samaradorlik (TE)ni aniqlash amalga oshiriladi.

**Adabiyotlar tahlili.** Shephard (1953, 1970) masofa funksiyasi orqali ishlab chiqarish omillari va natijalari to'plamini ifodalab berishi bilan turli xil o'lchov birligida ifodalanuvchi ishlab chiqarish omillarining yakuniy mahsulotga yalpi ta'siri yoki boshqacha aytganda samaradorlikni aniqlashda yangicha yo'nalishdagi tadqiqotlar boshlandi. G.Pyatt (1972) "Shephard bu yerda ishlab chiqarishning cheklanmagan texnik imkoniyatlarini ifodalovchi kirish vektorlarining kichik to'plamlariga chiqish vektorlarini xaritalash orqali aniqlangan texnologiyalar va undan kelib chiqadigan xarajat va daromad funksiyalarini ishlab chiqdi. Uslub, avvalgi jilddan kutilganidek, matematikaga yuqori darajada asoslangan va shuning uchun aksariyat iqtisodchilar uchun tushunarsiz bo'ladi", deb ta'kidlaydi.

O'Donnell (2012) iqtisodiyot va biznes siyosatini samarali ishlab chiqish omillarning yalpi unumdorligi (TFP – total factor productivity) o'zgarishi va uning tarkibiy qismlarini aniq o'lchashni talab qilishini ta'kidlab, samaradorlik indekslarini umumlashtirilgan (agregat) miqdorlar bo'yicha aniqlash uslubiyotini takomillashtirdi. Eng ko'p qo'llaniladigan TFP indekslari bir nechta ahamiyatli cheklovlarga duch keladi. Masalan, Fisher, Tornquist yoki Malmquist indekslari tranzitivlik mezonini qanoatlantirmaydi, bu esa to'g'ridan-to'g'ri vaqtlararo ishonchli qiyoslash imkoniyatini yo'q qiladi. Yangi ishlab chiqilgan Färe-Primont TFP indeksi ushbu xususiyatni qondiradi [Maria Martinez Cillero & Fiona Thorne (2019)]. Martinez va Thorne (2019) Irlandiya mol go'shti sektori, Reziti (2020) Yunonistonda ekin yetishtirish, Switlyk (2021) Polsha sut fermalari, Nguyen, Simioni va Le Van (2019) Vetnam iqtisodiyoti tarmoqlari, Baležentis (2015) Litva oilaviy fermalari samaradorligini baholashda Färe-Primont indeksidan foydalanishgan.

**Tadqiqot uslubiyoti.** Adabiyotlar tahlilidan xulosa qilish mumkinki, TFPni aniqlash daromad, aniqroq aytganda ishlab chiqarilgan pirovard mahsulotni xarajat ya'ni ishlab chiqarish jarayonida sarflangan omillarga nisbati orqali aniqlanadi. Bunda turli o'lchov birligidagi ishlab chiqarish omillari hamda mahsulotni umumlashtirish, yagona indeksga keltirish lozim bo'ladi. Bu masalani yechishda esa xarajat va daromad omillari to'plamini o'zida ifodalovchi masofa vektorlarini umumlashtiruvchi (agregator) funksiyalardan foydalaniladi.

Aytaylik, K T vaqtda kuzatilgan $x_k^t = (x_{1k}^t, x_{2k}^t, \dots, x_{mk}^t)'$ ishlab chiqarish omillarini sarflab (foydalanib) $y_k^t = (y_{1k}^t, y_{2k}^t, \dots, y_{nk}^t)'$ mahsulotni ishlab chiqargan qaror qabul qilish birliklari soni

bo’lsin. Bunda $k = 1, 2, 3$ ...,K DMU indeksi, $t = 1, 2, 3$ ...,T tegishli vaqt davrini, $m$ – omillar soni, $n$ – mahsulot turi sonini ifodalaydi. Bu holatda omillarning yalpi unumdorligi quyidagicha aniqlanadi:

$$TFP_{kt} = \frac{Y_{kt}}{X_{kt}} \quad (1)$$

bunda $Y_{kt} \equiv Y(y_k^t)$ – umumlashtirilgan (agregat) mahsulot;
$X_{kt} \equiv X(x_k^t)$ – umumlashtirilgan (agregat) xarajat (omillar);
$Y(.)$ va $X(.)$ – nomanfiy kamaymaydigan chiziqli-gomogen agregator funksiyalar.

Samaradorlikni baholashning DEA modellari noparametrik bo’lib, shuning uchun ishlab chiqarish chegarasining funksional shakli va xatolik shartlarini taqsimlash bo'yicha farazlarni talab qilmaydi. t davrda mavjud texnologiya uchun ishlab chiqarish masofa funksiyasi quyidagicha aniqlanadi:

$$D_O(x_k^t, y_k^t, t) = ((y_k^t)'\alpha)/((x_k^t)'\beta + \gamma), \quad (2)$$

bunda $\gamma$ – masshtabga qaytishni ifodalab, xususan, $\gamma = 0$ masshtabga o’zgarmas qaytish (CRS - constant returns to scale)ni bildiradi. Yagona yechimga erishish maqsadida $(y_k^t)'\alpha = 1$ deb belgilanadi. Quyidagi chiziqli dasturlash masalasi masshtabga o'zgaruvchan qaytish (VRS – variable returns to scale) asosida ishlab chiqarish masofa funksiyasini baholaydi:

$$D_O(\boldsymbol{x}_k^t, \boldsymbol{y}_k^t, t)^{-1} = OTE_{kt}^{-1} = \min_{\boldsymbol{\alpha},\boldsymbol{\beta},\gamma} (\boldsymbol{x}_k^t)'\boldsymbol{\beta} + \gamma \quad (3)$$

quyidagi shartlarda:

$$\gamma\mathbf{1} + \boldsymbol{X}'\boldsymbol{\beta} \geq \boldsymbol{Y}'\boldsymbol{\alpha}$$
$$(\boldsymbol{y}_k^t)'\boldsymbol{\alpha} = 1$$
$$\boldsymbol{\alpha} \geq \mathbf{0}, \boldsymbol{\beta} \geq \mathbf{0}$$

bu yerda $\mathbf{1}$ – $K^t \times 1$ o’lchamli birlar vektori, $\boldsymbol{X}$ – kuzatilgan ishlab chiqarish omillarining $m \times K^t$ matritsasi, $\boldsymbol{Y}$ – kuzatilgan ishlab chiqarish (mahsulot)ning $n \times K^t$ matritsasi va $\mathbf{0}$ – tegishli uzunlikdagi nollar vektori. $K^t$ – $t$ davrda faoliyat yuritgan qaror qabul qilish birliklari sonini bildiradi. $OTE$ – daromadga yo’naltirilgan texnik samaradorlik (output-oriented technical efficiency).

Xarajat (ishlab chiqarish omillari)ga yo'naltirilgan masofa funksiyasi $t$ davrda keng tarqalgan texnologiyani tavsiflash uchun ishlatiladi:

$$D_I(x_k^t, y_k^t, t) = ((\boldsymbol{x}_k^t)'\boldsymbol{\eta})/((\boldsymbol{y}_k^t)'\boldsymbol{\varsigma} - \delta), \quad (4)$$

bu yerda $\varsigma$ va $\eta$ mos ravishda intensiv o‘zgaruvchilarning nomanfiy $n\times1$ va $m\times1$ o’lchamli vektorlari; $\delta$ – qavariqlik cheklovi. Bu holatda umumlashtirilgan (agregat) omillar $(\boldsymbol{x}_k^t)'\boldsymbol{\eta} = \mathbf{1}$ bilan cheklanadi. Mos chiziqli dasturlash masalasi quyidagicha qo’yiladi:

$$D_I(\boldsymbol{x}_k^t, \boldsymbol{y}_k^t, t)^{-1} = ITE_{kt} = \max_{\boldsymbol{\eta},\boldsymbol{\varsigma},\delta} (\boldsymbol{y}_k^t)'\boldsymbol{\varsigma} - \delta, \quad (5)$$

quyidagi shartlarda:

$$\boldsymbol{X}'\boldsymbol{\eta} \geq \boldsymbol{Y}'\boldsymbol{\varsigma} - \delta\mathbf{1}$$
$$(\boldsymbol{x}_k^t)'\boldsymbol{\eta} = \mathbf{1}$$
$$\boldsymbol{\eta} \geq \mathbf{0}, \boldsymbol{\varsigma} \geq \mathbf{0}$$

bu yerda $ITE$ – xarajatga yo’naltirilgan texnik samaradorlik (input-oriented technical efficiency). Agar narxlar haqida ma’lumot mavjud bo'lmasa, agregatlash uchun keng foydalaniladigan indekslarni qo’llash imkoniyati mavjud bo’lmaydi. Biroq, Malmquist, Hiks-Moorsteen va Färe-Primont indekslari aniq narx to’g’risidagi ma'lumotlarsiz ham ishlatilishi mumkin. Ularda yalpi (agregat) indekslarni yaratish uchun xufiyona narxlar ishlatiladi [Baležentis (2015)].

Faraz qilaylik, $x_0, y_0$ va $t_0$ mos ravishda omillar, ishlab chiqarish va vaqt davrining namunaviy miqdorlarini ifodalaydi. Namunaviy texnologiya tegishli ishlab chiqarish maqsadlarini belgilash orqali aniqlanadi. Masalan, O'Donnell (2011) ikkita namunaviy vektorni yaratish uchun arifmetik o’rtachadan foydalanadi. Namunaviy texnologiya barcha kuzatuvlarni hisobga olgan holda aniqlanadi. Keyin 3- va 5-tenglamalar bilan berilgan DEA modellari namunaviy miqdorlar uchun yechiladi, ya'ni $D_O(x_0, y_0, t_0)$ va $D_I(x_0, y_0, t_0)$ baholanadi. Shunday qilib, oxirgi ikkita masala

namunaviy miqdorlar uchun yechim bo'ladigan qiymatlarni aniqlaydi. Xususan, $\alpha_0, \beta_0$ va $\gamma_0$ 3-tenglamani namunaviy miqdorlarga nisbatan, $\varsigma_0, \eta_0$ va $\delta_0$ esa 5-tenglamani mos miqdorlarga nisbatan yechadi. Hisoblangan optimal qiymatlar mos ravishda 2- va 4-tenglamalarga kiritiladi. Färe, Grosskopf (1990)ga ko'ra, $D_O(x_0, y_0, t_0)$ va $D_I(x_0, y_0, t_0)$ ning birinchi darajali hosilalari (gradientlari) mos ravishda $p_0$ va $w_0$ – mahsulot va ishlab chiqarish omillarining daromad va xarajatlar bo'yicha pasaytirilgan xufiyona narxlari sifatida qaralishi mumkin.

$$\boldsymbol{p}_0 \equiv \partial D_O(\boldsymbol{x}_0, \boldsymbol{y}_0, t_0)/\partial \boldsymbol{y}_0 = \boldsymbol{\alpha}_0/((\boldsymbol{x}_0)'\boldsymbol{\beta}_0 + \gamma_0), \quad (6)$$

$$\boldsymbol{w}_0 \equiv \partial D_I(\boldsymbol{x}_0, \boldsymbol{y}_0, t_0)/\partial \boldsymbol{x}_0 = \boldsymbol{\eta}_0/((\boldsymbol{y}_0)'\boldsymbol{\varsigma}_0 + \delta_0), \quad (7)$$

6–7 tenglamalarda berilgan xufiyona narxlar mos ravishda agregat omillar va mahsulotlarni hisoblash uchun ishlatilishi mumkin:

$$X_{kt} = (\boldsymbol{x}_k^t)'\boldsymbol{w}_0 \quad (8)$$

$$Y_{kt} = (\boldsymbol{y}_k^t)'\boldsymbol{p}_0 \quad (9)$$

**Tahlil va natijalar.** O'zbekiston hududlari orasida aholi jon boshiga qishloq xo'jalik mahsulotlari ishlab chiqarishda Buxoro, Jizzax va Navoiy viloyatlari, qishloq xo'jalik mahsulotlari hajmi bo'yicha Samarqand, Andijon va Toshkent viloyatlari yetakchilik qiladi. Tadqiqotlar shuni ko'rsatmoqdaki, qishloq xo'jaligida foydalaniladigan omillar samaradorligi mamlakat hududlariga ko'ra farq qilib, hajm va jon boshiga olingan ko'rsatkichlar bo'yicha yuqori o'rinda turuvchi hududlarning ba'zilarida samaradorlik ko'rsatkichlari kichik qiymatlarni tashkil etadi.

**1-jadval**

**Färe-Primont indeksi bo'yicha 2017-2019 yillarda unumdorlik darajalari**

| Statistik miqdorlar | Agregat mahsulot **(AO)** | Agregat xarajat (omillar) **(AI)** | Omillarning yalpi unumdorligi **(TFP)** | Maksimal unumdorlik **(MP)** | Xarajatga yo'nalgan samaradorlik **(ITE)** |
|---|---|---|---|---|---|
| Min. | 0,3335 | 0,4581 | 0,3357 | 0,6688 | 0,7112 |
| 1st Qu. | 0,6587 | 1,0676 | 0,5259 | 0,6688 | 0,9169 |
| Median | 0,7592 | 1,2572 | 0,5832 | 0,7681 | 1,0000 |
| Mean | 0,7681 | 1,3019 | 0,5968 | 0,7350 | 0,9532 |
| 3rd Qu.: | 0,8395 | 1,5366 | 0,6661 | 0,7681 | 1,0000 |
| Max. | 1,2720 | 2,2460 | 0,7681 | 0,7681 | 1,0000 |

Tadqiqotda 2017-2019 yillarda O'zbekiston hududlarida qishloq xojaligi tarmog'ining samaradorligi baholandi. Xususan, hududlarda yirik shoxli qoramol va donli ekinlar yetishtirish samaradorligini tahlil qilishda donli ekinlar ekiladigan yer maydoni, hududlardagi qishloq xo'jalik texnikalari, qishloq xo'jaligida band aholi va sarflangan organik o'g'it hajmi ta'sir qiluvchi omillar sifatida tanlab olindi.




**1-rasm. Hududlarda qishloq xo'jaligida omillar yalpi unumdorligi dinamikasi (yirik shoxli qoramol va donli ekinlar yetishtirish bo'yicha)**

Chiziqli dasturlash masalasining natijalari shuni ko’rsatmoqdaki, tahlil davrida umumlashtirilgan mahsulotning minimal qiymati (0,333) 2017-yilda Navoiy viloyatida, omillar yalpi unumdorliginiki (0,336) 2017-yilda Sirdaryo viloyatida kuzatilgan. Umumlashtirilgan ishlab chiqarish omillarining minimali (0,458) 2018-yilda Navoiy viloyatida, omillar yalpi unumdorligining maksimal miqdori (0,768) 2018-yilda Andijon viloyatida qayd etilgan. Jumladan, omillarning maksimal yalpi unumdorligi 2017-yilda Jizzax, 2018-yilda Andijon va 2019-yilda Qashqadaryo viloyatlarida kuzatilgan.

Omillar yalpi unumdorligi bo’yicha 2017-yilda Jizzax, Andijon va Buxoro viloyatlari, 2018-yilda Andijon, Navoiy va Buxoro viloyatlari, 2019-yilda Qashqadaryo, Buxoro va Andijon viloytlari yetakchi hududlar bo’lgan. Jizzax viloyatida 2019-yilga kelib unumdorlik 0,4%ga pasayib, 2017-yilgi 1-o’rindan 5-o’ringa tushib ketgan. Navoiy viloyati unumdorlik bo’yicha reytingda 2018-yilda 2-o’rindan joy olgan bo’lsa, 2019 yilga kelib 2 pog’onaga (4-o’rin) pastlagan. Qashqadaryo viloyatida esa 2017-2019 yillarda unumdorlik 31,7%ga ortib, viloyat 4-o’rindan 1-o’ringa chiqib olgan.

2017-yilgi reytingda Qashqadaryodan keyingi o’rinda (5-o’rin) bo’lgan Qoraqalpog’iston Respublikasi esa 2 yilda 2 pog’ona pastlagan (7-o’rin). Qoraqalpog’istonning reytingdagi o’rni biroz pastlashiga qaramay, respublikada unumdorlik 2019-yilda 2017-yilga nisbatan 15,2%ga ortgan. Bu esa ba’zi hududlarda unumdorlikning o’sish sur’ati yanada yuqoriroq bo’lganidan dalolat beradi. Xususan, reytingda 8-o’rinda bo’lgan Samarqand viloyatida unumdorlik **25,7%**ga ortib, Qoraqalpog’istondan o’zib ketgan va 6-o’rinni egallagan.

Tahlil davrida Sirdaryo, Surxondaryo va Toshkent viloyatlari omillar yalpi unumdorligi bo’yicha so’nggi o’rinlarda bo’lgan. Bular orasida unumdorlik o’sishining eng kichik qiymati (6,1%) Surxondaryo viloyatida qayd etilgan. Toshkent, Farg’ona, Surxondaryo, Namangan va Samarqand viloyatlari xarajatga yo’naltirilgan texnik samaradorlik darajasi past hududlar ro’yxatidan joy olgan. Texnik samaradorlikning minimal qiymati (0,711) 2017-yilda Toshkent viloyatida qayd etigan.

**2-jadval**

**Hududlarning qishloq xo’jaligi sohasidagi reyting ko’rsatkichlari**

| Hududlar | Aholi jon boshiga qishloq xo’jaligi mahsuloti | | | Qishloq xo’jaligi mahsuloti hajmi | | | Menat unumdorligi | | | Omillarning yalpi unumdorligi (**TFP**) | | |
|---|---|---|---|---|---|---|---|---|---|---|---|---|
| | Yillar | | | | | | | | | | | |
| | **2017** | **2018** | **2019** | **2017** | **2018** | **2019** | **2017** | **2018** | **2019** | **2017** | **2018** | **2019** |
| Qoraqalpog‘iston Respublikasi | 13 | 13 | 13 | 13 | 12 | 12 | 13 | 13 | 13 | 5 | 6 | 7 |
| Andijon | 7 | 7 | 5 | 3 | 2 | 2 | 6 | 5 | 5 | 2 | 1 | 3 |
| Buxoro | 1 | 1 | 1 | 5 | 6 | 5 | 2 | 2 | 2 | 3 | 3 | 2 |
| Jizzax | 3 | 3 | 2 | 10 | 10 | 10 | 5 | 4 | 3 | 1 | 5 | 5 |
| Qashqadaryo | 10 | 10 | 10 | 4 | 5 | 4 | 7 | 6 | 6 | 4 | 4 | 1 |
| Navoiy | 2 | 2 | 3 | 11 | 11 | 11 | 1 | 1 | 1 | 6 | 2 | 4 |
| Namangan | 11 | 12 | 11 | 8 | 8 | 8 | 8 | 8 | 8 | 11 | 7 | 8 |
| Samarqand | 5 | 6 | 7 | 1 | 1 | 1 | 3 | 3 | 4 | 8 | 8 | 6 |
| Surxondaryo | 9 | 9 | 9 | 7 | 7 | 7 | 10 | 11 | 10 | 10 | 11 | 13 |
| Sirdaryo | 4 | 4 | 4 | 12 | 13 | 13 | 11 | 12 | 11 | 13 | 12 | 11 |
| Toshkent | 6 | 8 | 8 | 2 | 3 | 3 | 4 | 7 | 7 | 12 | 13 | 12 |
| Farg‘ona | 12 | 11 | 12 | 6 | 4 | 6 | 12 | 10 | 12 | 9 | 9 | 9 |
| Xorazm | 8 | 5 | 6 | 9 | 9 | 9 | 9 | 9 | 9 | 7 | 10 | 10 |

Reyting ko’rsatkichlari tahlili iqtisodiy samaradorlik yuqori bo’lgan hududlarda doim ham omillar unumdorligi yoki texnik samaradorlik yuqori bo’lavermasligini yana bir bor ko’rsatdi. Masalan, Buxoro, Namangan, Sirdaryo va Xorazm viloyatlarida iqtisodiy va texnik samaradorlik ko’rsatkichlari o’rtasida aloqadorlik kuzatilgan bo’lsa, qolgan hududlarda reyting ko’rsatkichlari bo’yicha tafovutlar mavjud. E’tiborli jihati shundaki, omillar yalpi unumdorligi kichik qiymatlarni tashkil etgan ba’zi hududlarda texnik samaradorlik yuqori bo’lgan. Bu esa mazkur hududlarda ishlab chiqarish omillaridan yetarli darajada oqilona foydalanilmayotganini bildiradi.

**Xulosa va takliflar.** DEA uslubi asosida 2019-yil uchun olingan natijalar Namangan viloyati uchun Jizzax hamda Farg’ona viloyatlari, Qoraqalpog’iston Respublikasi uchun Buxoro, Navoiy,

Farg'ona, Toshkent va Andijon viloyatlari, Sirdaryo viloyati uchun Jizzax, Toshkent va Farg'ona viloyatlari, Surxondaryo viloyati uchun Farg'ona va Xorazm viloyatlari, Samarqand viloyati uchun Navoiy, Toshkent, Farg'ona va Xorazm viloyatlari namunaviy hudud sifatida tanlab olish mumkinligini ko'rsatdi.




**2-rasm. DEA uslubi bo'yicha namunaviy hududlarni aniqlash natijalari**

Hududlarning agro-iqlimiy sharoitlaridan kelib chiqib, Namangan viloyati uchun Farg'ona, Qoraqalpog'iston Respublikasi uchun Buxoro, Sirdaryo viloyati uchun Jizzax, Surxondaryo viloyati uchun Xorazm, Samarqand viloyati uchun Navoiy viloyatini namunaviy hudud sifatida tanlab olish tavsiya etiladi.

**FOYDALANILGAN ADABIYOTLAR RO'YXATI:**

1. http://www.differencebetween.net/language/words-language/difference-between-technical-efficiency-and-economic-efficiency/

2. Baležentis, T. (2015). The sources of the total factor productivity growth in Lithuanian family farms: a Färe-Primont index approach. Prague Economic Papers, 24(2), 225-241.

3. Maria Martinez Cillero & Fiona Thorne (2019) Sources of productivity growth using the Färe-Primont decomposition. An empirical application to the Irish beef sector, Applied Economics, 51:36, 3982-3994, DOI: 10.1080/00036846.2019.1588944

4. Nguyen, T. V., Simioni, M., & Le Van, D. (2019). Assessment of TFP change at provincial level in Vietnam: new evidence using Färe–Primont productivity index. Economic Analysis and Policy, 64, 329-345.

5. O'Donnell, C. J. (2012). An aggregate quantity framework for measuring and decomposing productivity change. Journal of Productivity Analysis, 38(3), 255-272.

6. Pyatt, Graham. "Theory of Cost and Production Functions." (1972): 1059-1061.

7. Reziti, I. (2020). Total factor productivity change in Greek crop production using a Färe-Primont index analysis. International Journal of Food and Agricultural Economics (IJFAEC), 8(1128-2020-992), 167-178.

8. Switlyk, M. (2021). Using the Färe-Primont index to measure changes in total factor productivity of dairy farms. Zagadnienia Ekonomiki Rolnej, (3).

9. O'Donnell, C. J. (2011), "DPIN Version 3.0: A Program for Decomposing Productivity Index Numbers." School of Economics, University of Queensland, Australia.

10. Färe, R., Grosskopf, S. (1990), "A Distance Function Approach to Price Ei ciency." Journal of Public Economics, Vol. 43, No. 1, pp. 123–126.

11. Эркаева, Г. П., & Жаҳонгиров, Ш. (2023). Ҳудуднинг ижтимоий-иқтисодий ривожланиши ва тартибга солишнинг назарий асослари. Innovative Development in Educational Activities, 2(2), 115-120.

**UO'K 33**

## AHOLINING ISH BILAN BANDLIK DARAJASINI OSHIRISHDA RAQAMLI IQTISODIYOTNING O'RNI

***G.U.Nazarova, o'qituvchi, Qarshi Muhandislik iqtisodiyoti instituti, Qarshi***

***Annotatsiya.*** *Ushbu maqolada raqamli iqtisodiyot sharoitida aholining ish bilan bandlik darajasini oshirish yo'llari haqida firk mulohazalar yuritilgan. Shu bilan birga, samarali iqtisodiy islohotlar hamda intellektual salohiyat bilan bog'liq bo'lgan sohalardagi bir qator ijobiy o'zgarishlar natijasida sezilarli muvaffaqiyatlarga erishilmoqda.*

***Kalit so'zlar:*** *Raqamli iqtisodiyot, bandlik, makroiqtisodiyot, kichik biznes.*

***Аннотация.*** *В данной статье рассматриваются пути повышения уровня занятости населения в условиях цифровой экономики. В то же время достигнут значительный прогресс в результате эффективных экономических реформ и ряда позитивных изменений в сферах, связанных с интеллектуальным потенциалом.*
***Ключевые слова:*** *цифровая экономика, занятость, макроэкономика, малый бизнес.*
***Abstract.*** *This article discusses ways to increase the employment level of the population in the context of the digital economy. At the same time, significant progress is being made as a result of effective economic reforms and a number of positive changes in areas related to intellectual potential.*
***Keywords:*** *Digital economy, employment, macroeconomics, small business.*

**Kirish.** Mustaqillik yillarida aholi turmush darajasini oshirish, munosib ish o‘rinlari bilan ta'minlash hamda kadrlar tayyorlash masalalariga katta e'tibor berilmoqda. Mehnat bozorida yoshlarga qaratilayotgan alohida e'tibor bois, jami aholiga nisbatan ish bilan ta'minlash ulushi yuqori bo‘lmoqda. Ularga jamiyatda munosib o‘rin topishiga ko‘maklashish va tashabbus ko‘rsatib mehnat qilishini qo‘llab-quvvatlash bo‘yicha tizimli ishlar yo‘lga qo‘yildi. Yaratilayotgan imkoniyatlardan unumli foydalanayotgan yoshlar esa, barcha sohalarda o‘z qobiliyatini namoyon etmoqda. Binobarin, mamlakat taqdiri uchun mas'uliyatni chuqur his etadigan, mustaqil va yangicha fikrlaydigan yosh kadrlarga bo‘lgan ehtiyojni qondirish vazifasi tobora muhim ahamiyat kasb etmoqda.[1]

**Natija va muhokama.** Mehnat bozoridagi vaziyatni xolisona baholash, mehnatga layoqatli aholi sonini xalqaro standartlarga muvofiq aniqlash hamda mehnat resurslari balansini ishlab chiqish tartibini shakllantirishda Davlat statistika qo‘mitasi ma'lumotlari hamda Mehnat vazirligining ish bilan ta'minlash masalalarini o‘rganish natijalaridan foydalanish maqsadga muvofiq. Mehnat resurslari balansi ma'lumotlariga ko‘ra, 2015 yilda respublikaning jami mehnat resurslari 18,3 mln kishini tashkil etib, shundan 99,4 foizi mehnatga layoqatli aholini, qolgan qismi esa ishlayotgan o‘smirlar va pensionerlarni tashkil qiladi.[2]

Bundan tashqari alohida ko‘rsatib o‘tish joizki, mehnat resurslarining 75,3 foiz qismi yoki 13,8 mln nafari iqtisodiy faol aholi toifasiga, shundan 13,1 mln nafari ish bilan band aholi toifasiga kiradi. Bundan ko‘rinadiki, iqtisodiy faol bo‘lgan aholining ish bilan bandlik darajasi 94,8 foizni tashkil et¬moqda. Mehnat resurslari tarkibidagi qolgan 4,5 mln nafari iqtisodiy nofaol aholi bo‘lib, ular ja¬mi mehnat resurslarining 24,7 foiz qismini tashkil qiladi. Yuqorida keltirganimizdek, 2015 yil yakuniga ko‘ra aholining ish bilan bandlik darajasi iqtisodiy faol aholiga nisabatan 94,8 foizni, mehnat resurslariga nisbatan esa 71,4 foizni tashkil etdi.

Mamlakatda kichik biznes rivoji uchun yaratilayotgan shart-sharoitlar va qo‘llab-quvvatlash mexanizmlari samarali ishlayotganligi tufayli, aholining ishbilarmonlik qobi-liyati kengayishi, yoshlarda tadbirkorlik tashabbusi ortishi kuzatilmoqda. Bu jihatlar o‘z navbatida, istiqbolli taklif va tashabbuslarni o‘z vaqtida rag‘batlantirishga katta yo‘l ochib bermoqda. Natijada, ish bilan band aholining aksariyat qismi aynan kichik biznes sohasida mehnat qilmoqda, tarmoqning yalpi ichki mahsulotdagi ulushi esa ortmoqda. KBXT rivojiga keng yo‘l ochib berilganligi aholi bandligining oshishi va daromadlari o‘sishida muhim omil bo‘lish bilan birga, iqtisodiyotni izchil rivojlantiruvchi, jamiyat barqarorligini ta'minlovchi kafolat vositalaridan biriga aylandi.[3]

Bu makroiqtisodiy barqarorlikni ta'minlashga, iqtisodiyot rivojlanishiga, aholining hayot darajasi va sifati izchil o‘sishiga mustahkam zamin yaratmoqda. Daromadlar ortib borishi esa, o‘z navbatida, oilalarning moddiy ahvolini sifat jihatdan o‘zgartiryapti. Bu eng muhim, ta'bir joiz bo‘lsa, ustuvor ahamiyatga ega. Bunda sanoat korxonalarini modernizatsiya qilish, zamonaviy texnologiyalar bilan ta'minlash jahon bozoriga raqobatbardosh mahsulotlar chiqarish imkonini bermoqda.

Qayd etish kerakki, sanoat tarmoqlarini rivojlantirish, chuqur qayta ishlangan mahsulot hajmini ko‘paytirish, qishloqqa sanoatni olib kirishni samarali tashkil etish hududlarda ishlab chiqarish kuchlarini mutanosib ravishda joylashtirish imkoniyatlarini kengaytirmoqda. 2015 yilda aholi bandligi bo‘yicha amalga oshirilgan ishlar natijasida tarmoqlar tuzilmasida quyidagi manzara hosil bo‘ldi:

- sanoatda 1668,3 ming kishi, jami bandlikdagi ulushi 12,8 foiz;

- qishloq va o‘rmon xo‘jaligi ulushi 27,7 foiz;
- qurilishda 1248,5 ming kishi, jami bandlikdagi ulushi 9,6 foiz;
- transport va aloqada 710,7 ming kishi, jami bandlikdagi ulushi 5,4 foiz;
- savdo va umumiy ovqatlanishda 1481 ming kishi;
- ijtimoiy sohalarda 3053 ming kishi, jami bandlikdagi ulushi 23,4 foiz;
- KBXTning jami bandlikdagi ulushi 78 foizni tashkil etdi.

Respublikamizda vaqtincha ishsizlik mavjudligi sabablaridan biri - ishchi kuchiga bo‘lgan talab va taklif o‘rtasidagi nomutanosiblikdir. Ya'ni, ish bilan band bo‘lmagan aholining katta qismi malakasiz xodimlar va mehnat bozoriga birinchi marta chiqayotgan yoshlarni tashkil etmoqda. Aksincha, iqtisodiyot tarmoqlarida yuqori malakaga va ish tajribasiga ega bo‘lgan kadrlarga talab ortib bormoqda.

Iqtisodiy faol aholi bandligini hududlar bo‘yicha taqsimlanishini tahlil qiladigan bo‘lsak, bunda o‘ziga xos jihatlarni kuzatish mumkin.

Birinchidan, Qoraqalpog‘iston Respublikasi (65 %), Jizzax (63,4 %), Namangan (67,5 %), Qashqadaryo (70,1 %) va Surxondaryo (71,4 %) viloyatlarida mehnat resurslarining, ya'ni aholining iqtisodiy faollik darajasi pastligi kuzatiladi. Shuning hisobiga mazkur mintaqalarda band aholining jami mehnat resurslaridagi ulushi respublika ko‘rsatkichiga nisbatan ancha past ko‘rinishga ega. Ushbu holatlar mazkur hududlardagi demografik jarayonning murakkabligi bilan bog‘liq.

Ikkinchidan, hududlar bo‘yicha aholi va mehnat resurslarining notekis taqsimlanganligi sababli ish bilan band bo‘lganlar soniga ko‘ra viloyatlar o‘zaro farqlanadi. Jumladan, yuqorida qayd etib o‘tilganidek, respublika bo‘yicha jami ish bilan band aholining ulushi yuqori bo‘lgan hududlarni Samarqand (11,1 %), Farg‘ona (10,9 %), Qashqadaryo (9,4 %), Andijon (9,3 %), Toshkent (8,8 %) va Namangan (8,3 %) viloyatlari hamda Toshkent shahri (8,4 %)ni tashkil etgan bo‘lsa, Sirdaryo (2,7 %), Navoiy (3,2 %), Jizzax (3,4 %) va Xorazm (5,3 %)ga teng ekanligini ko‘rish mumkin.

Uchinchidan, ishlab chiqarish kuchlari notekis joylashganligi sababli hududiy tarmoqlarda bandlik turlicha ko‘rinishga ega bo‘lib, Toshkent shahri va Toshkent, Farg‘ona, Navoiy, Samarqand hamda Buxoro viloyatlarida aholining sanoat, qurilish, transport sohalarida bandligi nisbatan yuqori. Qishloq xo‘jaligi sohasida esa Surxondaryo, Qashqadaryo, Namangan, Jizzax va Sirdaryo viloyatlarida yuqori deyish mumkin.

Qayd etilgan mulohazalar mamlakatimizda iqtisodiy faol aholining ish bilan bandlik darajasini oshirish lozimligini ko‘rsatadi. Buning uchun esa, «Ishga joylashtirishga muhtoj mehnat bilan band bo‘lmagan aholini hududlar bo‘yicha hisoblab chiqish metodikasi»ni yanada takomillashtirgan holda «Mehnat resurslari, bandlik va aholini ishga joylashtirishning hisobot va istiqbol balansini ishlab chiqish metodikasi»ni ishlab chiqish hamda respublika hududlarida uni amaliyotda qo‘llanilishini joriy etish lozim.

Mehnat resurslari, bandlik va aholini ishga joylashtirishning hisobot va prognoz balanslari quyidagi maqsadlar uchun ishlab chiqiladi:

- aholi bandligini, birinchi navbatda, yoshlarni va mehnatga layoqat yoshiga yetgan va birinchi marotaba mehnat bozoriga kirib kelayotganlar bandligini ta'minlash uchun ish o‘rinlari tashkil etish parametrlarini aniqlash;
- mehnat bozori talab va taklifi balansi va tuzilmasidagi nomutanosiblikni baholash;
- hududlarni ijtimoiy-iqtisodiy jihatdan va iqtisodiyot tarmoqlarini rivojlantirish strategiyasini hisobga olgan holda mehnat bozori istiqbolini aniqlash;
- ta'lim muassasalari tomonidan kadrlar tayyorlash miqdorini aniqlash.

Ushbu metodikada quyidagilar aks ettirilishi lozim:

Birinchidan, O‘zbekiston Respublikasining mehnat resurslari, bandlik va aholini ishga joylashtirish balansining namunaviy tuzilmasi.

Shuningdek, namunaviy tuzilma satrlarida: mehnat resurslari soni, ya'ni iqtisodiy faol va iqtisodiy nofaol aholi soni turlari bo‘yicha; ishchi kuchi taklifi va unga bo‘lgan talab hamda ular o‘rtasidagi farq (balans «+» yoki «-» ) turlari bo‘yicha; toifalar kesimida aholining ishga joylashtirish darajasi bo‘lishi lozim.

Ikkinchidan, mehnat resurslari, bandlik va aholini ishga joylashtirish balansini shakllantirish uchun ma'lumotlar taqdim etish sxemasi. Ushbu sxemada ma'lumotlar mazmuni (nomi)ni, ma'lumotlarni taqdim etuvchi vazirlik va idora nomini, ma'lumotni taqdim etish muddatini hamda qayerga taqdim etilayotganini aniq ko‘rsatib o‘tish maqsadga muvofiq.

Uchinchidan, mehnat resurslari, bandlik va aholini ishga joylashtirish balansini ishlab chiqishning tashkiliy sxemasi. Sxema chora-tadbirlar nomi, amalga oshirish bosqichlari va muddatlari hamda ijro uchun mas'ul tashkilotlarni qamrab olgan holda quyidagi to‘rtta yo‘nalishda bo‘lishi lozim:

- ma'lumot bazasini shakllantirish;
- hisobot balansini ishlab chiqish;
- prognoz balansini ishlab chiqish;
- ularning amaliyotda qo‘llanilishi.

Yuqorida qayd etilgan namunaviy tuzilma va sxemalar ishlab chiqilib, tasdiqlangandan keyin respublikaning mutasaddi vazirlik va idoralari ushbu tuzilma va sxemalar asosida O‘zbekiston Respublikasi bo‘yicha jami va hududlarning mehnat resurslari, bandlik va aholini ishga joylashtirishning hisobot balansini ishlab chiqish lozim.

Shuningdek, hisobot balansidan tashqari mutasaddi vazirlik va idoralar bo‘yicha jami va hududlarning mehnat resurslari, bandlik va aholini ishga joylashtirishning kelgusi yil uchun prognoz balansi ishlab chiqilishi zarur:

- aholi sonining prognoz ko‘rsatkichlari (demografik prognozi);
- mehnat resurslari, bandlik va aholini ishga joylashtirishning hisobot balansi;
- respublika va hududlarni ijtimoiy-iqtisodiy, iqtisodiyot tarmog‘ini rivojlantirish prognoz parametrlari;
- mehnat bozoriga kirayotgan ta'lim muassasalari bitiruvchilari prognoz ko‘rsatkichlari;
- davlat va xo‘jalik boshqaruvi organlari tarmoqlarida kadrlarga bo‘lgan ehtiyojlarni baholash to‘g‘risidagi ma'lumotlardan foydalaniladi.

**Xulosa**. Xulosa qilib aytish mumkinki, yuqorida qayd etib o‘tilgan metodikani ishlab chiqish va uni amaliyotga joriy etish orqali mehnat resurslari, bandlik va aholini, ilk marotaba mehnat bozoriga kirib kelayotgan yoshlarni ishga joylashtirishni har tomonlama, sifatli va ob'yektiv tahlil qilish, ish bilan bandlik darajasini oshirish uchun zamin yaratiladi. Bu esa, an'anaga ko‘ra har yil ish o‘rinlari tashkil etish va aholi bandligini ta'minlash dasturi loyihalarini ishlab chiqishda foydalanish va amaliyotdagi samaradorligini yanada oshirish imkonini beradi.

**FOYDALANILGAN ADABIYOTLAR RO’YXATI:**

1. Qodirov Farrux Ergash o’g’li. Econometric modeling of the development of medical services to the population of the region / Berlin Studies Transnational Journal of Science and Humanities. 2022/5/9. 1.1 Economical sciences.
2. Farrux Qodirov, Xudayar Muhitdinov. Features that increase efficiency in the provision of medical services and factors affecting them. 2022/7/30 журнал Ta'lim va rivojlanish tahlili onlayn ilmiy jurnali 2 Том, 7 Номер страницы 192-199.
3. Umarjonovna, Nazarova Gulruh. "The role of small business in improving the living standard of the population." *Conferencea* (2022): 34-36.
4. Umarjonovna, Nazarova Gulruh. "Methods for increasing the level of employment of the population in the conditions of the digital economy." *E Conference Zone*. 2022.

**UO’K 330**

## SANOAT EKOTIZIMLARINI SIMBIOZ TAMOYILLARIGA ASOSLANGAN KONVERGENTSIYASI

***O’.B. Pardayev, tadqiqotchi, Qarshi muhandislik-iqtisodiyot instituti, Qarshi***

***Annotatsiya.*** *Maqolada sanoat ekotizimlarini simbioz tamoyillariga asoslangan konvergentsiyasiya jarayonlarining yangicha shakllanishinng nazariy asoslari kursatib utilgan. Jahon xo’jaligida simbioz tamoyillariga asoslangan konvergentsiya jarayonlari va birlashmalarning yangicha shakllanishi xalq xo’jaligining turli tarmoqlarining rivojlanishiga sezilarli ta’sir ko’rsatishi asoslab berilgan. Raqamli iqtisodiyot sharoitida simbioz tamoyillariga asoslangan viloyat tumanlarini konvergensiyalash masalalari ishlab chiqilgan.*

***Kalit so'zlar:*** *sanoat ekotizimlarini, simbioz tamoyillari, konvergentsiya jarayonlari, divergentsiya, optimal tartib, kompaniyalarni yaqinlashuvi, Moliyaviy konvergensiya, integratsiya va globallashuv jarayonlari, konvergensiya nazariyasi , zamonaviy tendensiyalar.*

***Аннотация.*** *В статье показаны теоретические основы новообразования процессов конвергенции техногенных экосистем, основанных на принципах симбиоза. Процессы конвергенции, основанные на принципах симбиоза и формирования новых объединений в мировом хозяйстве, оказывают существенное влияние на развитие различных отраслей народного хозяйства. В условиях цифровой экономики разработаны вопросы конвергенции региональных округов на принципах симбиоза.*

***Ключевые слова:*** *промышленные экосистемы, принципы симбиоза, процессы конвергенции, дивергенция, оптимальный порядок, конвергенция компаний, финансовая конвергенция, процессы интеграции и глобализации, теория конвергенции, современные тенденции.*

***Abstract.*** *The article shows the theoretical foundations of the neoformation of the processes of convergence of technogenic ecosystems based on the principles of symbiosis. The processes of convergence, based on the principles of symbiosis and the formation of new associations in the world economy, have a significant impact on the development of various sectors of the national economy. In the conditions of the digital economy, the issues of convergence of regional districts on the principles of symbiosis have been developed.*

***Keywords:*** *industrial ecosystems, principles of symbiosis, convergence processes, divergence, optimal order, company convergence, financial convergence, integration and globalization processes, convergence theory, current trends.*

Sanoat ekotizimni simbioz tamoyillarga asoslangan holda yaratish orqali samarali sanoat ishlab chiqarishni rivojlantirish mumkin. Lekin bir qator shartlarga rioya qilgan holda iqtisodiy ekotizimlarni yaratish butun ijtimoiy ishlab chiqarish samaradorligini oshirishning zamonaviy yo'nalishi sifatida qaraladi. Sanoat ekotizimlarini barqaror rivojlantirishning konvergent konsepsiyasi sanoatni industriyasi 4.0 dan Sanoat industriyasi 5.0 ga o'tish sharoitida shakllantirildi, u tushunchalar, modellar, shuningdek, turli shartlar munosabatlari bilan bog'liq nazariyalar va tushunchalarni birlashtirishni o'z ichiga oladi.

Sanoat ekotizimlari tushunchasi deganda sanoat simbiozi tamoyillariga asoslangan va iqtisodiy tizimning bir turi sifatida, ekotizimining asosiy farqlovchi belgisi bo'lib, sanoat ekotizimlari va barqaror rivojlanish tushunchalarini bir-biriga yaqinlashtirishga aytiladi. Simbioz – esa ikki va undan ortiq turlarning birbiriga foyda keltirib birga yashash. Sanoat simbiozi vosita sifatida turli yo'nalishdagi kompaniyalarni foydalanish uchun bir-biriga yaqinlashtirishga qaratilgan. Bu biologik ekotizimdan farqli o'laroq, sanoat ekotizimida chiqindilar, qayta tiklanadigan energiya manbalari va xom ashyolardan hamkorlikda foydalanish tsikli mavjud bo'lganda taqdim etiladi. Bunga qarab sanoat ekotizimlarining uch turga bulish mumkinligi bilan (yosh, (kombinatsiyalashgan) birlashgan, etuk) farqlanadi. Fazoviy, geografik lokalizatsiya sanoat ekotizimining o'ziga xos xususiyati sifatida belgilanadi. Ekosanoat parklari va sanoat simbiozi tarmoqlari sanoat ekotizimlari namoyon bo'lishining eng ob'ektiv tashkiliy shakllari sifatida belgilanadi. Shu bilan birga, alohida iqtisodiy rejimga ega bo'lish omili va boshqa qo'llab-quvvatlash choralarini kurishda dolzarb masala hisoblanadi.

Sanoat simbiozi – aylanma iqtisodiyot uchun vosita sifatida qullaniladi.

Sanoat simbiozi vositasi asosida aylanma iqtisodiyotni stiklini tashkil qilishdan maqsad, sanoat simbioz modellari asosida chiqindisiz ishlab chiqarish tizimini tashkil qilishdir. Bu maqsadlarga erishish uchun mintaqaviy sanoat simbiozlarini shakllantirishning nazariy va amaliy jihatlarini ko'rib chiqiladi. Qashqadaryo hududida ishlab chiqarish tizimlarini, ularning birlashmalarini, aylanma tsiklni amalga oshirish va tahlil qilish uchun qullaniladi.

Ushbu maqoladan maqsad sanoat simbiozi orqali sanoat ishlab chiqarishni rivojlantirishdan iborat. Sanoat ishlab chiqarishni barqaror rivojlanish kontseptsiyasini ishlab chiqishda besh bosqich evolyutsiyasi xronologiyasidan iborat:

-(birinchi, kirish bosqichi: 18-asr oxiridan 1968 yilda Rim klubining tashkil etilishigacha va BMTning inson muhiti bo'yicha birinchi konferentsiyasi 1972 yilda Stokgolm;

-ikkinchi bosqich: 1973 yildan 1987 yilgacha, unda birinchi marta Brundtland hisobotida barqaror rivojlanishning haqiqiy ma'nosi taqdim etildi;

-uchinchi bosqich: 1990-yillarda barqaror rivojlanishga qiziqish ortgan Brundtlanddan keyingi davr;

-to'rtinchi bosqich: 2015-yilda Barqaror rivojlanish maqsadlarini qabul qilish va 2030-yilgacha zamonaviy barqaror rivojlanish kun tartibini shakllantirish.

-beshinchi bosqich: 2022-2024-yillarga mo‘ljallangan pandemiyadan keyingi tiklanishdan iborat.

Sanoat ekotizimlari kontseptsiyasi doirasida transformatsiyalash (terminologiyani o'zgartirish), ekotizim va klaster o'rtasidagi tarmoqlardan, platformalardan, biznes inkubatorlardan, innovatsion infratuzilmaning turli ob'ektlaridan farqlari aniqlanadi.

Ulardan asosiylari :

-barqarorlikka intilish;

- ekotizimning tashqi ta'sir yoki yordamisiz muvaffaqiyatli rivojlanish qobiliyati;

- kirish uchun to'siqlarning yo'qligi;

-ishtirokchilarning beqaror va o'zgaruvchan tarkibi;

-kuchli funktsional va tarmoqlararo aloqalar;

-o'z-o'zini tashkil etish, gomeostaz va o'zini o'zi boshqarish;

- ishtirok etish, birgalikda evolyutsiya va boshqalar.

Sanoat simbiozi omillari tashqi investitsiyalar ishtirokisiz ham iqtisodiy, ham ekologik, ham ijtimoiy foyda olish imkonini beradi. Samarali kelajakning eng ko'p muhokama qilinadigan tashkiliy va iqtisodiy modellaridan biri sanoat simbiozi modelidir. Industrial simbiozning asosiy g'oyasi ingliz maqolida yaxshi aks ettirilgan "Bir odamning axlati boshqa odamning xazinasi" - "birov uchun axlat, boshqasi uchun xazina" deydi. Sanoat korxonalari, tirik mavjudotlar kabi, metabolizmga ega. Ular faoliyat ko'rsatishi va o'sishi uchun minerallar shaklida energiya va ozuqa moddalarini iste'mol qiladilar. Metall rudalari va uglevodorodlar, biomassa va minerallar va ular organizmlar kabi o'zlarining hayotiy faoliyati natijalarini - mahsulot va chiqindilarni chiqaradilar.

Sanoat simbiozi sohasidagi kashshof Britaniyaning International Synergies kompaniyasi bo'lib, u 2005 yilda NISP dasturini (Milliy sanoat simbiozi dasturi) ishlab chiqdi.

Sanoat simbiozi katta iqtisodiy, ekologik va ijtimoiy foyda olish imkoniyatini beradi.

Hozirgi bosqichda, hozirgi davrda iqtisodiy tizimlarning rivojlanishiga birinchi darajali ta'sir ko'rsatadigan fundamental tushunchalar orasida tadqiqot ta'kidladi:

– barqaror rivojlanish, universal barqaror sanoat rivojlanishi (ISID) va raqamli rivojlanish kontseptsiyalarining konvergentsiyasi (konvergentsiyasi) va glokalizatsiyasi (ko'p yo'nalishli tendentsiyalarning mavjudligi);

– asosiy e'tibor sanoat ekotizimlarini shakllantirish va rivojlantirishga qaratilgan ekotizim yondashuvi kontseptsiyasi;

–texnologik o'zgarishlarni keltirib chiqaradigan to'rtinchi (Sanoat 4.0) va beshinchi (Sanoat 5.0) sanoat inqiloblari tushunchalari.

Keling, yuqoridagi tushunchalarning asosiy nuqtalariga batafsilroq to'xtalib o'tamiz.

Tadqiqot metodologiyasi kontekstual asosdir: tadqiqotchilarning tanlovlarini boshqaradigan munosabatlar, e'tiqodlar va qadriyatlarga asoslangan izchil va mantiqiy asos (arxitektura).

Sanoat ekotizimlarining barqaror rivojlanishini boshqarish metodologiyasihisoblanadi ko'p metodologiya, fanlararo aloqani ifodalaydi tadqiqot bir necha metodologik yondashuvlar uzluksizligiga asoslangan. Metodologiyani asosan bir spektr deb hisoblash mumkin
miqdoriy yondashuv, asosan, sifatli yondashuv

Umuman olganda, metodologiya yechim taklif qilishni maqsad qilgan emas, shuning uchun u usul bilan bir xil emas. Metodologiya texnologik transformatsiyalar sharoitida sanoat ekotizimlarining barqaror rivojlanishini boshqarish muammolarini hal qilish uchun qanday usul,

usullar to'plami yoki eng yaxshi amaliyotlarni qo'llash mumkinligini tushunish uchun nazariy istiqbolni taklif qiladi.




**1-rasm. Texnologik transformatsiyalar sharoitida sanoat ekotizimlarining barqaror rivojlanishini boshqarish metodologiyasi arxitekturasi**
**Manba: muallif tomonidan tuzilgan**

Kontent-funksional kontseptsiyaga rioya qilish ilmiy bilimlarni uslubiy tahlil qilish I.A. Lipskiy va D.Kosten metodologiyasining tuzilishi, sanoat ekotizimlarining barqaror rivojlanishini boshqarish metodologiyasini olti darajadan tashkil topgan arxitektura shaklida taqdim etish maqsadga muvofiqdir.

Ushbu kontekstda sanoat ekotizimining barqaror rivojlanishini boshqarish metodologiyasi arxitekturasi asosiy ma'noni anglatadi.

Atrof-muhitdagi sanoat ekotizimining tushunchalari yoki xususiyatlari, uning elementlari, munosabatlari va uni loyihalash va rivojlantirishning o'ziga xos tamoyillari. Sanoat ekotizimining barqaror rivojlanishining uslubiy arxitekturasi jarayoni bu “[ekotizimning] hayot aylanishida arxitekturani amalga oshirish, saqlash va takomillashtirishda tushunish, aniqlash, ifodalash, hujjatlashtirish, o‘zaro ta’sir qilish jarayoni”. Shu bilan birga, sanoat ekotizimining hayot aylanishi texnologik transformatsiyalar sharoitida sanoat ekotizimlarini barqaror rivojlantirish stsenariy sikllariga muvofiq ko'rib chiqilishi kerak (ushbu tadqiqotning 2.3-bandi).

Iqtisodiy tadqiqotlar doirasida uslubiy (umumiy ilmiy) yondashuvlarning umumiy qabul qilingan yagona tasnifi mavjud emas. Bunday sharoitda muallif texnologik transformatsiyalar sharoitida sanoat ekotizimlarining barqaror rivojlanishini boshqarish metodologiyasi doirasida umumiy ilmiy metodologik yondashuvlar taksonomiyasini ishlab chiqdi (1-rasm).

1-rasm - Texnologik transformatsiyalar sharoitida sanoat ekotizimlarining barqaror rivojlanishini boshqarish metodologiyasi doirasidagi umumiy ilmiy metodologik yondashuvlar taksonomiyasi.

Sanoat ekotizimlarining barqaror rivojlanishini boshqarish metodologiyasining gnoseologik darajasida barqaror rivojlanish bilan bog'liq falsafiy jihatlarni ajratib ko'rsatish va ta'kidlash kerak. Barqaror rivojlanish antropotsen davriga nisbatan ancha yosh tushuncha bo‘lishiga qaramay, barqaror rivojlanishning falsafiy jihatlarini shakllantirishga urinishlar allaqachon faol ravishda olib borilmoqda.

**FOYDALANILGAN ADABIYOTLAR RO'YXATI:**

1. Chertow M.R.(2007) “Uncovering” Industrial Symbiosis/ M.R. Chertow//Journal of Industrial Ecology, 1(1),pp.11-30.

2. Chertow M. Scolarship and Practice in Industrial Symbiosis1989-2014/ M. Chertow,J.Park//Taking Stok of Industrial Ecology. -2016.-Ch.5.-P.87-116.

3. Аврора М.Р. Экологическая экономика и экономика окружающий среды: генезис, соотношение и проблемы/М.Р.Аврора//Творчество молодых ученых.-2017.-№1-3.-С. 161-166.

4. Белова Е.Г. Циркулярная экономика и промышленный симбиоз улучшат благосостояние и сохранят планету/ Е.Г Белова , Л.В.Хорева // Петербург предлагает.-2019.-№3.-С.27.
5. E.Anderson, O.Arfwinsson, V.Bergstrand et al. Industrial Symbiossis in Stenungsund.2013.
6. Branson R. Re-Konstrcting Kalundborg:the reality of bilateral symbiosis and other insights/R.Branson// Journal of Cleniar Produktion, 112,4344-4352,2016.
7. Shveleva N.(2018) “The new business model for circular economy: moving from theory to practice” 18th International multidisciplinary scientific GEO conference SGEM 2018, Sofia, Bulgaria.Vol.18, Issuee 5.3,pp. 919-926
8. Mukhitdinov, H. S., and F. A. Norkobilova. "Prospects for Development of Digital Economy in Entrepreneurship." *Academic Journal of Digital Economics and Stability* (2021): 27-36.
9. Madina Bozorova Xudayar Muxitdinov, Farrux Qodirov “The role and importance of telemedicine in the provision of medical services to the population”// International Conference on Information Science and Communications Technologies ICISCT 2022.
10. Suyunovich, Mukhitdinov Khudoyar, and Norqobilova Feruza Abdihamidovna. "Prospects Of Digitalization Of Craftsmanship Development In The Region." Journal of Pharmaceutical Negative Results (2022): 345-352.

**UO’K 330**

# AYLANMA MABLAG’LARNI BOSHQARISH

***J.L. Saidov, o’qituvchi, Toshkent Davlat Iqtisodiyot Universiteti, Toshkent***

***Annotatsiya.*** *Aylanma mablag’lar aylanmasining pasayishi iqtisodiy oborotga mablag’larni qo’shimcha jalb qilish zaruratini keltirib chiqaradi, chunki tovar aylanmasining har bir kunini ta’minlash ma’lum miqdorda mablag’ talab qiladi.*

*Ushbu maqolada aylanma mablag’larni boshqarish holatini misol yordamida tahlil qilingan bo’lib, ushbu maqsadga erishish uchun aniq korxona va uning boshqaruvini takomillashtirish bo’yicha bir nechta taklif-tavsiyalar berildi.*

***Kalit so’zlar:*** *boshqaruv, aylanma mablag’, iqtisodiy oborot, mablag’, aylanma mablag’ni boshqarish, korxona boshqaruvi*

***Аннотация.*** *Снижение оборачиваемости оборотных средств порождает необходимость дополнительного привлечения средств в экономический оборот, так как обеспечение каждого дня оборота требует определенной суммы средств.*

*В данной статье на примере проанализирована ситуация с управлением оборотными средствами, приведено несколько предложений-рекомендаций по совершенствованию работы конкретного предприятия и его управления для достижения поставленной цели.*

***Ключевые слова:*** *управление, оборотный капитал, хозяйственный оборот, капитал, управление оборотным капиталом, управление предприятием*

***Abstract.*** *The decrease in turnover of working capital leads to the need to attract additional funds to economic turnover, since the provision of each day of turnover requires a certain amount of funds.*

*This article analyzes the state of management of working capital using an example, giving several suggestions-recommendations for improving the management of a specific enterprise and its management in order to achieve this goal.*

***Key words:*** *management, working capital, economic turnover, capital, working capital management, enterprise management*

Aylanma mablag’lar bu kompaniyaning kundalik faoliyatini amalga oshirish uchun ishlatadigan, ishlab chiqarish sikli davomida to’liq sarflanadigan mablag’lardir. Ular odatda inventarizatsiya buyumlari va naqd pullarga bo’linadi. Ular ishlab chiqarish jarayonida bir marta ishtirok etishadi, o’z qiymatini mahsulot tannarxiga to’liq o’tkazadilar, tabiiy moddiy shakllarini o’zgartiradilar.

Aylanma mablag’larni boshqarishning asosiy maqsadi maqbul hajm va tuzilmani aniqlashdir aylanma mablag’lar, shuningdek ularni moliyalashtirish manbalari. Ushbu maqsadga erishish uchun menejer aylanma mablag’lar miqdori bilan likvidlikni yo’qotish xavfi o’rtasida murosani topishi kerak. Likvidlikni saqlab qolish uchun korxona aylanma mablag’larning yuqori darajasiga ega bo’lishi kerak va rentabellikni oshirish uchun korxona foydalanilmayotgan aylanma mablag’lar mavjudligini oldini olish uchun aylanma mablag'lar zaxiralarini kamaytirishi kerak.

Aylanma mablag’larni boshqarishning asosiy modeli mavjud.

*Agressiv boshqaruv modeli.* Kompaniya joriy aktivlarning o’sishiga cheklovlar qo’ymaydi, muhim pul mablag’lariga, xomashyo va tayyor mahsulot zaxiralariga, muhim debitorlik qarzlariga ega - bu holda barcha aktivlarda aylanma mablag’larning ulushi yuqori va aylanma mablag’larning aylanish davri uzoq davom etadi. Amaldagi aktivlarni boshqarish bo’yicha bunday siyosat aktivlarning iqtisodiy rentabelligini oshirishni ta’minlay olmaydi, ammo texnik nochorlik xavfini oshirish masalasini deyarli yo’q qiladi.

*Konservativ model.* Korxona aylanma mablag’larning o’sishini cheklaydi - shundan so’ng joriy aktivlarning umumiy aktivlar tarkibidagi ulushi past bo’ladi va joriy aktivlarning aylanish muddati qisqa bo’ladi. Bunday siyosat korxonalar tomonidan sotuvlar hajmi, tushumlar va to’lovlar muddati, tovar-moddiy zaxiralarning kerakli hajmi va ularni iste'mol qilishning aniq vaqti va hokazo holatlarning etarlicha aniqligi sharoitida amalga oshiriladi. Bunday joriy aktivlarni boshqarish siyosati aktivlarning yuqori iqtisodiy rentabelligini ta’minlaydi, ammo mahsulotni sotish paytida kutilmagan holatlar yuzaga kelganda yoki hisob-kitoblarda xatolik yuz berganda, texnik nochorlik xavfini oshiradi. Joriy majburiyatlarni boshqarishning mo’tadil siyosati uchun kompaniya majburiyatlarining umumiy miqdoridagi qisqa muddatli kreditning o’rtacha darajasi xarakterlidir.

Aylanma mablag’larning mo’tadil siyosati bu tajovuzkor va konservativ modellar o’rtasidagi kelishuvdir.

1. Aylanma mablag’larning tarkibi. Kapital tarkibi - kompaniyaning uzoq muddatli moliyalashtirishning turli manbalaridan olinadigan mablag’lari tarkibi. Turli xil xo’jalik yurituvchi subyektlarda aylanma mablag’larning tarkibi va tuzilishi bir xil emas, chunki ular mulk shakliga, tashkilotning o’ziga xos xususiyatlariga bog’liq.

Aylanma mablag’larning tarkibi har bir elementning ularning umumiy tarkibidagi ulushidir. Aylanma mablag’larning tarkibi operatsion siklning o’ziga xos xususiyatlarini aks ettiradi. Aylanma mablag’larning hajmi va tarkibi ularning aylanmasi va moliyaviy siklning davomiyligiga ta’sir qiladi. Aylanma mablag’larni samarali boshqarish ularning maqbul darajasini belgilashga imkon beradi. Strukturani o’rganish aylanma mablag’lar tarkibidagi kelajakdagi o’zgarishlarni bashorat qilish uchun asosdir.

2. Oqim aylanishida pul. Naqd pul oqimi bu real vaqt rejimidagi pul oqimidir, aslida naqd pul oqimi bu ma’lum bir davr uchun kompaniyaning naqd puli tushumlari va to’lovlari summasi o’rtasidagi farqdir, chunki moliyaviy yil shu davr uchun qabul qilinadi. Naqd pul oqimini boshqarish pul muomalasi konsepsiyasiga asoslangan. Masalan, pul tovar-moddiy zaxiralarga, debitorlik qarziga va yana pulga aylantirilib, kompaniyaning aylanma mablag’lari aylanish jarayonini yopadi. Naqd pul oqimi kamayganda yoki butunlay to’sib qo’yilganda, to’lov qobiliyatsizligi hodisasi paydo bo’ladi. Rasmiy ravishda foydali bo’lib qolsa ham, kompaniya mablag’ yetishmasligini his qilishi mumkin (masalan, kompaniya mijozlari tomonidan to’lov shartlari buzilgan). Bankrotlik arafasida turgan foydali, ammo likvidsiz kompaniyalar muammolari aynan shu yerda bog’liqdir.

3. Joriy aktivlarni boshqarishning asosiy prinsiplari.

Aylanma mablag’larni boshqarish - qisqa muddatli likvidlikni maksimal darajaga ko’tarish uchun joriy aktivlar va majburiyatlarni boshqarishdir.

Aylanma mablag’larni boshqarishning asosiy maqsadi aylanma mablag’larning maqbul hajmi va tuzilishini hamda ularni moliyalashtirish manbalarini aniqlashdan iborat. Aylanma mablag’larni boshqarishning asosiy tamoyillari:

Aylanma mablag’larning kerakli hajmini iqtisodiy jihatdan belgilashga imkon beradigan va shu bilan ularning funksiyalarini muvaffaqiyatli amalga oshirish uchun sharoit yaratadigan me’yorlash.

Aylanma mablag’lardan foydalanish qat’iyan maqsadga muvofiqdir.

Aylanma mablag’larning xavfsizligini, oqilona ishlatilishini va aylanishini tezlashtirishni ta’minlash.

4. Aylanma mablag’larning yig’ma talablari konsepsiyasi.

Barcha turdagi tijorat tashkilotlari kapitalga muhtoj, ya’ni tijorat tashkiloti har qanday biznesni samarali olib borishi uchun zarur bo’lgan binolarda, mashinalarda va jihozlarda, zaxiralarda, debitorlik qarzlarida va boshqa aktivlarda saqlanadigan pullarda. Qoida tariqasida, ushbu aktivlarning

barchasi zudlik bilan sotib olinmaydi, balki ma'lum bir vaqt ichida asta-sekin shakllanadi. Kumulatif (o'sib boruvchi) kapitalga bo'lgan talab - bu korxonaga zarur bo'lgan aktivlarni sotib olish uchun sarflangan umumiy xarajatlardir iqtisodiy faoliyat.

Korxonaning tadbirkorlik faoliyati aylanma mablag'lar aylanmasi ko'rsatkichlari bilan tavsiflanadi. Tovar ayirboshlash nafaqat iqtisodiy faoliyat uchun zarur bo'lgan aylanma mablag'lar miqdoriga, balki zaxiralarni egallash va saqlash bilan bog'liq xarajatlar miqdoriga ham bog'liqdir. O'z navbatida, bu mahsulot tannarxiga va pirovardida iqtisodiyotning moliyaviy natijalariga ta'sir qiladi.

Aylanma mablag'lar aylanmasining tezlashishi ularga bo'lgan ehtiyojning pasayishiga (mablag'larning mutlaq bo'shatilishi) yoki mahsulot, ishlar, xizmatlar ishlab chiqarish hajmining ko'payishiga (mablag'larning nisbiy chiqarilishi) olib keladi, bu esa oxir-oqibat sotishdan tushadigan daromad va foydaning o'sishiga olib keladi.

**FOYDALANILGAN ADABIYOTLAR RO'YXATI:**

1. Ismanov, I. N., & Xabijonov, S. K. U. (2019). Kapital qo'yilmalarga qo'yilmalar hisobini tashkil etish.
2. Malikov T., Olimjonov O. Moliya. Darslik. – T.: "Iqtisod-moliya", 2019.
3. Nurmuxamedova B. Davlat byudjeti. O'quv qo'llanma. –T.: "Iqtisod- moliya", 2018
4. uz.m.wikipedia.org
5. uz.unitinal.com

**UO'K 338.1.001.76**

## SANOAT KORXONALARIDA BENCHMARKINGNI TASHKIL QILISH ZARURIYATI

***Z.A.Uktamjonova, o'qituvchi, Farg'ona politexnika instituti, Farg'ona***

***Annotatsiy.*** *So'nggi yillarda taqqoslash biznesni takomillashtirishning eng samarali usullaridan biriga aylandi va eng mashhur boshqaruv vositalaridan biri O'zbekistonda ish faoliyatini yaxshilash vositasi sifatida benchmarkingdan foydalanadigan tashkilotlar allaqachon paydo bo'lmoqda. O'zbekistonda, xususan, sanoat korxonalari tomonidan ushbu boshqaruv usulidan sust foydalanishning asosiy sabablaridan biri uni amalga oshirishning uslubiy asoslarining yo'qligi hisoblanadi. Shu nuqtai nazardan, taqqoslash usulini qo'llash bo'yicha xorijiy tajribani o'rganish va sanoat korxonalari faoliyatini qiyosiy tahlil qilish metodologiyasini ishlab chiqish juda dolzarb ko'rinadi.*

***Kalit so'zlar:*** *Sanoat korxonalari, strategiya, menejment, benchmarking, raqobatbardoshlik, taqqoslash, korxona, sanoat, boshqaruv, iqtisodiyot.*

***Аннотация.*** *В последние годы бенчмаркинг стал одним из самых эффективных способов улучшения бизнеса и одним из самых популярных инструментов управления.В Узбекистане уже появляются организации, использующие бенчмаркинг как инструмент повышения эффективности. В частности, в Узбекистане одной из основных причин медленного использования данного метода управления промышленными предприятиями является отсутствие методологических основ для его внедрения. С этой точки зрения представляется весьма актуальным изучение зарубежного опыта использования метода сравнения и разработка методики сравнительного анализа деятельности промышленных предприятий.*

***Ключевые слова****: Промышленные предприятия, стратегия, управление, бенчмаркинг, конкуренто способность, сравнение, предприятие, отрасль, управление, экономика.*

***Abstract.*** *In recent years, benchmarking has become one of the most effective ways to improve business and one of the most popular management tools. Organizations using benchmarking as a tool for improving performance are already emerging in Uzbekistan. In Uzbekistan, in particular, one of the main reasons for the slow use of this management method by industrial enterprises is the lack of methodological foundations for its implementation. From this point of view, it seems very relevant to study the foreign experience of using the comparison method and to develop a methodology for comparative analysis of the activities of industrial enterprises.*

***Key words:*** *Industrial enterprises, strategy, management, benchmarking, competitiveness, comparison, enterprise, industry, management, economy.*

**Kirish.** Aksariyat menejerlar uchun "benchmarking" notanish so‘z bo‘lib, taqqoslash boshqaruv usuli sifatida emas, balki raqobatchilarni muntazam tahlil qilish yoki bozorni o‘rganish sifatida qabul qilinadi. Biroq, benchmarking salohiyati katta va bu marketing vositasini iqtisodiy tahlilda muvaffaqiyatli qo‘llash imkoniyati mavjud.

O‘zbekistonda, xususan, sanoat korxonalari tomonidan ushbu boshqaruv usulidan sust foydalanishning asosiy sabablaridan biri uni amalga oshirishning uslubiy asoslarining yo‘qligi hisoblanadi. Shu nuqtai nazardan, taqqoslash usulini qo‘llash bo‘yicha xorijiy tajribani o‘rganish va sanoat korxonalari faoliyatini qiyosiy tahlil qilish metodologiyasini ishlab chiqish juda dolzarb ko‘rinadi.

Jahon amaliyotida to‘plangan ilg‘or xorijiy tajribalardan kelib chiqqan holda, respublikamiz sanoat xoomashyolaridan oqilona foydalanishning ilmiy asoslarini takomillashtirish talab etilmoqda. Shu jihatdan xorijiy mamlakatlar tajribalari asosida mamlakatimiz saanoat korxonalarida benchmarkingdan foydalanib boshqarish mexanizmlarini takomillashtirish yuzasidan ilmiy asoslangan taklif va tavsiyalar ishlab chiqish bugungi kunning dolzarb masalalaridan hisoblanadi.

**Tadqiqotda qo‘llanilgan uslublarning qisqacha tavsifi.** Tadqiqot ishida qiyosiy va iqtisodiy tahlil, iqtisodiy taqqoslash natijalarini tahlil qilish va umumlashtirish, SWOT tahlillaridan foydalanilgan, shuningdek, iqtisodiy-matematik modellashtirish va ekonometrik tahlil usullaridan foydalanilgan amalga oshirildi.

Benchmarking yangi zamonaviy raqobat vositasi va biznesni boshqarish usuli sifatida korxonalarga bozorning boshqa ishtirokchilari bilan o‘zaro hamkorlik qilish, ustunlik vositalarini aniqlash, ularni o‘z faoliyatiga maqsadli joriy etish va o‘sish potentsialidan yaxshiroq foydalanish orqali takomillashtirish imkonini beradi.

Ushbu ishning maqsadi sifatni boshqarishning samarali vositasi sifatida benchmarkingni o‘rganishdir.

Tadqiqot maqsadiga ko‘ra quyidagi vazifalarni ajratish mumkin:

1. benchmarking tushunchasini berish, uning tashkilotlar uchun foydasini ko‘rsatish;
2. benchmarking turlarining tasnifini ko‘rib chiqish;
3. tashkilotlarda benchmarkingning nazariy asoslarini o‘rganish;
4. kompaniyalarda benchmarkingni amaliy qo‘llash tajribasini o‘rganish.

Bugungi kunda qiziqish doimiy ravishda o‘sib bormoqda va muvaffaqiyatli benchmarking tadqiqotlari tajribasini o‘rganishga katta ehtiyoj bor. Tashkilot namunaviy korxonalardan ortda qolayotganini taqqoslash orqali anglab yetishi bilanoq, u bu orqada qolish sabablarini bartaraf etishga yordam beradigan ilg‘or tajribalarni topishga ayniqsa qiziqadi. Bunday ma'lumotlarni olish va tahlil qilish odatda muayyan tashkilotlarning ishini batafsil o‘rganish jarayonida sodir bo‘ladi.

60-yillarda AQSh kompaniyalari eng yaxshi yutuqlarni o‘rganish usullarini joriy qildilar, lekin bu o‘sha paytda benchmarking deb atalmagan. Shunday qilib, IBM kompaniyasi o‘z bo‘linmalari orasida judda katta summaga farq qilishiga e’tibor qaratdi. Jarayonni standartlashtirish uchun kompaniya har bir ishlab chiqarish funktsiyasi (muhandislik, mahsulot dizayni, xodimlar, sifat kafolati, buxgalteriya hisobi va boshqalar) uchun KPI o‘lchovlarini joriy qildi. Yilda bir marta asosiy ko‘rsatkichlarni o‘lchash natijalari korporatsiya bosh qarorgohiga yuborilib, u yerda tahlil qilinib, barcha bo‘limlar faoliyatini taqqoslash uchun grafiklarga chizilgan. Ish yakunida kompaniya shunday xulosaga keldiki, agar kompaniya butun dunyo bo‘ylab tarqalib ketgan filiallarida eng yaxshi tajribani o‘zlashtirsa, barcha mahsulotlarning umumiy tannarxini sezilarli darajada kamaytirish mumkin. Natijada kompaniyaning barcha zavodlarida ishlab chiqarishni birlashtirish amalga oshirildi. Kelajakda bunday tadqiqotlar “ichki marketing” deb nomlandi.

Taqqoslash ob’ektlariga ko‘ra, benchmarking quyidagi turlari ajratiladi:

1. umumiy - faoliyat sohasidan qat'i nazar, korxonalarning jarayonlarini solishtirish imkonini beradi, bu esa tashkilot ichidagi takomillashtirish imkonini beradi;

2. tovar - yetakchi korxonalarning ishlab chiqarilayotgan mahsulotlari bilan solishtirish maqsadida ularning rivojlanishini (iqtisodiy, texnik, ijtimoiy) retrospektiv tahlil qilish imkonini beradi;

3. ko'rsatkichlarni taqqoslash - biznes jarayonlarining asosiy ko'rsatkichlarini bir tarmoqning etakchi korxonalari bilan solishtirish imkonini beradi;

4. jarayonlarni taqqoslash - tafovutlarni va ularni takomillashtirish maqsadida ularning yuzaga kelish sabablarini aniqlash uchun yetakchi korxonalarning ichki jarayonlarini solishtirish imkonini beradi;

5. funksional - bir tarmoqqa tegishli bo'lmagan korxonalarning ayrim funktsiyalarini o'xshash jarayonlar bilan solishtirish imkonini beradi;

6. strategik - yetakchi korxonalarning strategiyalarini o'rganish va tahlil qilish imkonini beradi.

Benchmarking tamoyillariga rioya qilish korxonaning samarali va samarali iqtisodiy strategiyasini yaratish uchun asos hisoblanadi va amalga oshirishning muayyan bosqichini ta'minlaydi.

Zamonaviy mahalliy manbalarga kelsak, ularning mualliflarining kontseptsiyasi haqidagi fikrlari taqqoslash biroz farq qiladi. Ba'zilar nuqtai nazarida benchmarking raqobatbardoshlik kontseptsiyasining evolutsion rivojlanishining mahsuli va mahsulot sifatini yaxshilash dasturlarini ishlab chiqishni o'z ichiga oladi. Boshqalar esa benchmarking strategik rejalashtirish va tahlil qilishning muqobil usuli hisoblanadi deb ta'kidlaydilar. Shu bilan birga, benchmarking deb hisoblash mumkin degan fikr mavjud texnologiyalar, texnologik jarayonlar va ishlab chiqarishni tashkil etish usullarini tadqiq qilish va oshirish maqsadida hamkorlar va raqobatchilarning eng yaxshi kompaniyalarida mahsulotlarni sotish o'z korxonasining samaradorligiga erishishga olib keladi. Benchmarkingni samaradorlikka ijobiy ta'sir ko'rsatadigan eng yaxshi bozor ishtirokchilari tajribasini o'rganish o'z korxonasining marketing faoliyatini sifatli tahlil qilish uchun olingan natijalarni qo'llashni maxsus vosita sifatida ko'rib chiqishni taklif qilamiz.[8]

Fikrimizcha, korxonaning benchmarking maqsadlari quyidagi qoidalardir.

**Xulosa va takliflar:** Shunday qilib, yuqorida aytilganlarning barchasini umumlashtirib, bugungi kunda benchmarking kompaniya boshqaruvining ajralmas elementi ekanligi haqida xulosa qilishimiz mumkin. Bu sifat menejmentida alohida ahamiyatga ega bo'lib, sifat darajasini doimiy ravishda kuzatib borish, mahsulot ishlab chiqarish va xizmatlar ko'rsatishning so'nggi tendentsiyalarini kuzatish imkonini beradi. Bundan tashqari, ushbu vosita undan foydalanadigan kompaniyalarga to'g'ridan-to'g'ri o'rganish, yangi mahsulotlarni, boshqa kompaniyalarning eng yaxshi tajribasini ko'rib chiqish imkoniyatini beradi, chunki u tashabbuskor kompaniya va benchmarking hamkor kompaniya o'rtasidagi hamkorlikni ta'minlaydi.

Afsuski, O'zbekistonda benchmarkingdan kengroq foydalanish, uning korxonalar uchun barcha afzalliklariga qaramay, maxfiy ma'lumotlardan nohaq foydalanish tufayli korxonalarning haddan tashqari yaqinligi to'sqinlik qilmoqda. O'zbekiston biznesida ma'lum bir madaniyat shakllanishi kerak, bu sifatni boshqarish vositasidan eng samarali foydalanish uchun ochiqlik, axloqiylik, halollikni nazarda tutadi.

**FOYDALANILGAN ADABIYOTLAR RO'YXATI:**

1. O'zbekiston Respublikasi Prezidentining 2017 yil 14 dekabrdagi «To'qimachilik va tikuv trikotaj sanoatini jadal rivojlantirish chora-tadbirlari to'g'risida»gi PF-5285-sonli Farmoni. www.lex.uz

2. Gulyamov S.S. Ijtimoiy sohada investisiyalarning samaradorligi. Monografiya. –T: IQTISODIYOT, 2019.

3. Boltabayev M.R. O'zbekiston Respublikasi to'qimachilik sanoati eksport imkoniyatlarini rivojlantirishda marketing strategiyasi: doktorlik dissertasiyasi. – T.: TDIU, 2005. – 242 b.;

4. Maxmudov N.M., Akobirova D. Стратегия инновационного развития промышленности Республики Узбекистан в период модернизации экономики. Monografiya. – T.: Iqtisodiyot, 2011. – 352 b.;

5. Xakimov Z.A. Yengil sanoat korxonalari raqobatbardoshligini marketing strategiyalari asosida oshirish. Iqtisodiyot fanlari bo'yicha falsafa doktori (PhD) ilmiy darajasini olish uchun yozilgan dissertasiya. T.:2017. – 141 b.;

6. Yusupov S.Sh. Kuchli raqobat sharoitida O'zbekiston to'qimachilik sanoati korxonalarini rivojlantirish strategiyalari. Iqtisodiyot fanlari bo'yicha falsafa doktori (PhD) ilmiy darajasini olish uchun yozilgan dissertasiya. T.:2018. – 144 b.

UO'K 338.462

# RESTORANLAR – OVQATLANISH XIZMATINI KO'RSATUVCHI KORXONA SIFATIDA

***H.H.Ziyavitdinov, tayanch doktorant, Buxoro davlat universiteti, Buxoro***

***Annotatsiya.*** *Maqolada ovqatlanish xizmatlarini ko'rsatruvchi restoranlarmimg muhim xususiyatlari tahlil qilingan. Shuningdek, restoranlarning ijtimoiy-iqtisodiy ahamiyati, mazmun va mohiyati, ovqatlanish korxonalari turlarini belgilovchi asosiy mezonlar, sohada amalga oshirilayotgan tarkibiy o'zgarishlar va restoranlarda xizmat ko'rsatishning zamonaviy yo'nalishlari tadqiq etilgan.*

***Kalit so'zlar:*** *Restoran biznesi, restoran toifalari, happy hour, dinner, kofe break, catering, vagon restoranlar, ekspress xizmat ko'rsatish.*

***Аннотация.*** *В статье проанализированы важные особенности ресторанов, предоставляющих услуги общественного питания. Также исследуется социально-экономическое значение, содержание и сущность ресторанов, основные критерии определения видов предприятий общественного питания, структурные изменения в отрасли, современные направления обслуживания в ресторанах.*

***Ключевые слова:*** *ресторанный бизнес, категории ресторанов, счастливый час, обед, кофе-брейк, кейтеринг, вагон-рестораны, экспресс-обслуживание.*

***Abstract.*** *The article analyzes the important features of restaurants providing catering services. It also examines the socio-economic significance, content and essence of restaurants, the main criteria for determining the types of public catering enterprises, structural changes in the industry, modern directions of service in restaurants.*

***Key words:*** *restaurant business, categories of restaurants, happy hour, lunch, coffee break, catering, wagon restaurant, express service.*

O`zbekiston Respublikasida amalga oshirilayotgan bozor islohotlari asosida iqtisodiyotda tadbirkorlik faoliyatini erkinlashtirish, mamlakatda iqtisodiy-ijtimoiy tuzilmalarni zamonaviylashtirish va makroiqtisodiy barqarorlikni ta'minlash hisobiga barqaror iqtisodiy o'sishga erishish o`ta muhim vazifa sifatida belgilangan. Bu esa albatta, iqtisodiyotda erishilgan natijalar sifatida bozor munosabatlarining shakllanishi, iqtisodiyotdagi keskin tuzilmaviy o'zgarishlarning amalga oshirilishi, turli mulkchilik shakllarining takomillashuvi, shuningdek, mamlakat yalpi ichki mahsulotida xizmat ko'rsatish sohalari ulushining ortib borishi kabi ko`rsatkichlarda o`z ifodasini topmoqda.

Bozor munosabatlariga o'tishning hozirgi bosqichida aholiga xizmat ko'rsatuvchi tarmoq va sohalarning o'rni va ahamiyati tobora ortib bormoqda. Chunki aholiga xizmat ko'rsatuvchi bunday tarmoqlar muhim ahamiyat kasb etib, boshqa sohalarning rivojlanishiga sezilarli ravishda hissa qo'shadi.

2022-2026 yillarda O'zbekiston Respublikasini yanada rivojlantirish bo'yicha Harakatlar Strategiyasida ham xizmatlar sohasini jadal rivojlantirish, iqtisodiyotda uning roli va ulushini oshirish, xizmatlarni diversifikasiya qilish va sifatini yaxshilash kabi vazifalarni amalga oshirish iqtisodiyotni rivojlantiruvchi asosiy yo'nalishlardan biri sifatida ko'rsatib o'tilgan [1].

Mamlakatimizda iqtisodiyotning strategik sektori bo'lgan turizmning barqaror rivojlanishini ta'minlashda sayyohlarga xizmat ko'rsatish ko'lamini kengaytirish, hamda ular uchun qulay imkoniyat va shart-sharoitlar yaratish maqsadida yangi turistik majmualar, jumladan mehmonxonalar va ovqatlanish korxonalari uchun katta miqdordagi mablag'lar ajratilmoqda.

Zamonaviy sharoitlarda umumiy ovqatlanish korxonalari faoliyatini samarali tashkil etish turizm rivojida hal qiluvchi ahamiyat kasb etib bormoqda. Mamlakatimizda ovqatlanish korxonalari hajmining ortib borishi bilan birga ularda ko'rsatilayotgan xizmatlarga bo'lgan talab ham ortib bormoqda.

Umumiy ovqatlanishning o'rni, uy sharoitida ovqat tayyorlashdan va shu asosda umumiy ovqatlanishdan foydalanuvchilarni vaqtini tejash va bu vaqtni madaniy-maishiy ishlarga sarflash,

malakasini oshirish, kitob o'qish, fikr doirasini kengaytirish uchun yo'naltirishi mumkinligida yaqqol ko'rinadi. Hozirgi paytda ovqatlanish korxonalarida ko'rsatilayotgan xizmatlarni yanada rivojlantirish, iste'molchilar xohish va istaklarini atroflicha va chuqur o'rgangan holda hamda unga mos ravishda tashkil etish bugungi kun talabi hisoblanadi.

Ilmiy adabiyotlarda umumiy ovqatlanish korxonalari ma'lum turdagi korxona xizmatining o'ziga xos belgilarining mujassamlanishi, mijozlarga ko'rsatilgan xizmat sifatining darajasi va sharoiti bilan ifodalanishi qayd etilgan. Xizmat ko'rsatish sohasini rivojlantirishning ilmiy-metodologik masalalarida xorijlik olimlardan[2]: I.V.Mixalyov, A.B.Polyanin, T.D.Burmenko, N.N.Danilenko, T.A.Turenko, V.A.Polotnikov, M.G.Ivanenko, D.R.Xayrulina va boshqalar tomonidan tadqiq etilgan. Ushbu muammolarni o'rganishga O'zbekistonlik olimlardan[3]: B.Abdukarimov, M.Q.Pardaev, M.E.Po'latov, Q.J.Mirzaev, O.M.Pardaev va boshqalarning ilmiy ishlari bag'ishlangan. Restoranlarning milliy iqtisodiyotdagi o'rni hamda ko'rsatiladigan xizmatlar sifati va samaradorligini oshirishning fundamental masalalari ko'plab xorijlik olimlar tomonidan tadqiq qilingan[4], jumladan, V.A.Baranovskiy, L.P.Baskov, N.P.Dmitrevskiy, V.I.Bagusheva, A.T.Vasyukova, V.I.Pivovarova, K.V.Pivovarov, J.Erdosh, V.A.Sidyakova, K.P.Kondratyev, L.S.Kucher, L.M.Shkuratova, V.V.Usov, I.G.Shevelyova va boshqalar. Mamlakatimizda umumiy ovqatlanish korxonalari faoliyati hamda xizmat ko'rsatish sohasida ovqatlanish xizmatini samaradorligini oshirish muammolari: D.X.Aslanova, T.A.Xudayshukurov, N.N.Muminov, T.S.Sharipov, I.X.Shukurov[5] va boshqa olimlar tomonidan o'rganilgan. Yuqorida keltirilgan olimlarning ilmiy tadqiqotlari ushbu yo'nalishda qilingan ilmiy nashrlar ichida o'z o'rni va ahamiyatiga ega hisoblanadi.

Umumiy oqatlanish korxonalari ichida restoran, kafe va bar asosiy o'rinni egallaydi. Bular aholining hordiq chiqarishini tashkil etishda muhim ahamiyat kasb etadi. Mazkur turdagi ovqatlanish korxonalriga odamlar faqat ovqatlanish uchungina emas, balki hayotidagi muhim voqealarni, u yoki bu jamoa a'zolarining quvonchiga sherik bo'lish, to'y tantanalarini o'tkazish, ish bo'yicha yoki rasmiy uchrashuvlar o'tkazish, shuningdek, dilkash do'stlar davrasida dam olish uchun yig'iladilar.

Korxonalarning turini belgilashda quyidagi mezonlarga e'tibor qaratiladi (*1-rasm*).




**1-rasm. Ovqatlanish korxonalari turlarini belgilovchi asosiy mezonlar (Muallif ishlanmasi)**

Bugungi kunda umumiy ovqatlanish korxonalari orasida restoranlarning o'rni nihoyatda muhim ahamiyat kasb etib borib, ularning soni ortib borib hamda ularda ko'rsatilayotgan xizmatlar hajmi va sifati ham tobora ortib bormoqda. Restoranlarning faoliyat doirasi va unda band bo'lgan xodimlar soni jihatidan turizm sohasining muhim tarmog'i hisoblanadi. Restoranlarning faoliyati iste'molchilar talabi, xohish va istaklarini qondirish bilan bevosita bog'liq bo'lganligi uchun tashkiliy-iqtisodiy, texnik va moliyaviy masalalar ushbu sohaning hal qiliuvchi omillar bo'lib hisoblanadi.

Restoranlarning o'ziga xos xususiyatlari va ular haqida to'liq hamda batafsil ma'lumotga ega bo'lishda restoranlarning shakllanishi va rivojlanish tarixini o'rganish maqsadga muvofiqdir. Restoranlarning ilk turlari xitoyliklar tomonidan o'ylab topilgan. Dunyodagi eng qadimgi restoranlari

1153-yillar atrofida Xitoyda bunyod etilganligi haqida ma’lumotlar ilmiy adabiyotlarda o’z aksini topgan.

G’arb mamlakatlari tajribasiga nazar tashlaydigan bo’lsak, u mamlakatlarda restoranlar juda mashhur bo’lib, aksariyat hollarda faqat sayyohlar tashrif buyurishgan. Mahalliy aholi orasida esa restoranlarga borib ovqatlanish holatlari ko’p kuzatilmagan. XVIII asrga kelib esa restoranlarning asosiy maqsadlari ovqatlar tayyorlash va ovqatlanish xizmatlarini ko’rsatish bo’ldi. Internet nashrlarida ko’rsatilishicha, dunyodagi eng qadimiy va faoliyat yuritayotgan restoran – bu 1725-yilda Ispaniyaning Madrid shahrida bunyod etilgan “Sobrino de Botin” restorani hisoblanadi. Restoran so’zining paydo bo’lishi Fransiya mamlakati bilan bog’liqdir.

Rossiya Federatsiyasida restoranlarning paydo bo’lishi XIX asrning 20-yillariga to’g’ri keladi. Bunda mehmonaxonalar qoshida restoranlar tashkil etilgan bo’lib, ular asosan mehmonxona mijozlari uchun xizmat ko’rsatishgan.

Restoranlarning o’ziga xos xususiyatlarini tadqiq etishda ularning bir-biridan farqlanish jihatlarini o’rganish lozimdir. Restoranlar bir-biridan quyidagi xususiyatlari bilan farqlanadi:

1. Tayyorlanadigan ovqat va taomlar assortimenti bo’yicha;
2. Joylashgan joyi bo’yicha.

Restoranlarning joylashgan joyi bo’yicha turlari quyidagi rasmda ko’rsatilgan (2-rasm).




**2-rasm. Restoranlarning joylashgan joyi bo’yicha turlari (Muallif ishlanmasi)**

**Shahar restoranlari** shahar ichida joylashgan bo’lib, faqat belgilangan ma’lum vaqtlarda ishlaydi. Ularda taom, gazaklar, ichimliklarning keng assortimenti tavsiya etilib, asosan tushlik va kechki ovqatlar tayyorlanadi.

**Vokzal restoranlari** temir yo’l vokzallarida joylashib, iste’molchilarga bir maromda (kecha-yu kunduz) xizmat ko’rsatadi. Lekin ularda taomlar, gazak va ichimliklarning cheklangan turi bo’ladi.

**Kema restoranlari** asosan turistlar va yo’lovchilarga xizmat ko’rsatishga mo’ljallangan bo’ladi. Mazkur turdagi restoranlarda nonushta, tushlik va kechki taomlar tayyorlanib, turli xil taomlar, qandolat mahsulotlari, salqin ichimliklar, yo’lda kerak bo’ladigan buyumlar va anjomlar sotiladi.

**Vagon-restoranlar** uzoq masofalarga qatnaydigan temir yo’l poyezdlarida faoliyat ko’rsatadi. Bunday turdagi restoranlar bir sutkadan ortiqroq safarga boruvchi yo’lovchilar uchun xizmat qiladi. Kupe-bufetlar esa bir kecha-kunduzdan kam yo’l yuradigan poyezdlarda bo’lib, ular uchun poyezdda ikki-uchta kupe savdo qilish va yordamchi xona sifatida ajratiladi. Ularda asosiy assortimentlar: buterbrod va sendvichlar, tuxum, sut mahsuotlari, sosiskalar, choy, qahva bo’ladi, qandolat va non mahsulotlari, alkogolsiz ichimliklar, sharbatlar, meva va boshqalar hisoblanadi.

**Avtosayyohlar uchun restoran** katta yo’l chorrahalarida, yirik avtostansiyalarda joylashgan bo’lib, sayyohlar bu yerda ovqatlananib, hordiq chiqaradilar.

Ilmiy adabiyotlarda restoranlar umumiy ovqatlanish korxonasining yirik subyekti sifatida ularda ko’rsatiladigan xizmatlar sifatiga ko’ra turli toifalarga bo’linishi hamda ularning har birida turli xil ko’rinishdagi xizmatlar ko’rsatiladi (3-rasm).




**3-rasm. Retoranlarning toifalarga bo’linishi (Muallif ishlanmasi)**

Restoranlarning lyuks toifasida yuqori xizmatlar ko'rsatilib, restoranda buyurtma va firma taomlaridan tashqari taomnomada yozilmagan taomlarning buyurtmasi ham qabul qilinadi.

Ushbu toifadagi restoranlarda qo'shimcha xizmatlar bo'lishi lozim. Jumladan, bayram taomlari tayyorlash va xizmat uyushtirish, ovqat yetkazib berish xizmati, taomlarga buyurtmalar qabul qilish, ma'lum muddatga joyni band qilib qo'yish, mijoz iltimosiga ko'ra taksi chaqirib berish, gul hamda sovg'alar sotish va boshqalar.

Lyuks toifadagi restoranlarda bino ichki bezagining oliy darajada bo'lishi, ko'zni qamashtiradigan chiroy, xizmat ko'rsatish sohasining kengligi, noyob assortiment, ko'ngildagidek buyurtma va firma taomlarining bo'lishi, restoran mahsulotlari, buyurtma va firma ichimliklarining keng assortimenti kabi xususiyatlari mavjud bo'lishi lozim. Lyuks toifadagi restoranlar uchun oshxona idish-tovoqlari, priborlar maxsus buyurtma bo'yicha tayyorlanadi. Lyuks va oliy toifadagi restoran taomnomasi bosmaxonada chop etilishi zarur [9].

Shuningdek, lyuks va oliy toifadagi restoranlarda turli manzarali badiiy materiallar, optik yoritkichlar, rangli diapozitivlar, fotosuratlar ham bo'lishi lozim. Bunda restoranning xususiyatlari yaqqol ko'rinib, o'ziga xos xususiyati va mijozlarga ko'rsatiladigan xizmat majmui aks etadi.

Lyuks toifadan farqli o'laroq, oliy toifa restoranida banket zali, bar, kokteyl bo'ladi. Restoran ichi chiroyli bezatilgan bo'lishi lozim hamda ushbu toifadagi restoranlarda orkestr chiqishiga mo'ljallangan joy, mijozlarning yaxshi dam olishi uchun teatr guruhlarining konsert dasturlari mavjud bo'lishi darkor.

Yuqoridagi ikki toifadan farqli ravishda birinchi toifadagi restoranlarda vitrinalarni bezash nisbatan oddiyroq bo'ladi. Ushbu toifadagi restoranlarda metalldan yasalgan idishlardan foydalaniladi, oshxona idishlari zanglamaydigan po'lat va chinnidan yasaladi. Restorandagi mebellarning asosiy turlari bo'lgan ikki, to'rt, olti kishi sig'adigan stollar, restoran kreslolari, divanlar, ofitsiantlar uchun servantlar, guldonlar, xizmat uchun stollar bo'lishi mumkin.

Yuqorida keltirilgan ma'lumotlardan shunday xulosa qilish mumkinki, restoranlar mijozlarga nafaqat ovqatlanish xizmatlarini taqdim etadi, qolaversa ularning madaniy hordiq chiqarishlarini ham ta'minlashga yordam beradi.

Amerikaliklar restoranlarni quyidagi ikki xususiyati orqali tasniflashadi:

**1.** To'liq servisli restoranlar keng tanlovli taomlar, yuqori darajadagi oshxonalari bilan ajralib turadi. Mazkur turdagi restoranlar rasmiy va norasmiy bo'lishi ham mumkin. Bunday restoranlarda asosan fransuzcha va italyancha kulinariya an'analari qo'llaniladi.

**2.** Ixtisoslashgan restoranlar biror-bir tipda, masalan, tez, ommaviy, kundalik xizmat ko'rsatish yoki milliy taomlar tayyorlashga ixtisoslashgan bo'ladi.

Bugungi zamonaviy sharoitlarda restoranlar faoliyatini samarali tashkil etishda xizmat ko'rsatishning zamonaviy usullarini joriy etish maqsadga muvofiq hisoblanadi. Sohaga oid adabiyotlarda restoranlarda xizmat ko'rsatishning an'anaviy va noan'anaviy usullari mavjud ekanligi qayd etilgan. Restoranlarda xizmat ko'rsatishni tashkil etishning noan'anaviy usullari bugungi kunda har doimgidan ham tobora muhim ahamiyat kasb etib bormoqda. Noan'anaviy (progressiv) usullarning zamonaviy turlari va ko'rinishlariga misol tariqasida quyidagilarni ko'rsatish mumkin:

- Shved stoli;
- Eskpress zal;
- Ekspress stol;
- Biznes-lanch (business lunch);
- Dam olish kunlari uchun branch;
- Auksion va taqdimotlar;
- Kofe breyk;
- Happy hour (baxtli daqiqa);
- Linner;
- Diner va boshqalar.

Hozirgi globallashuv sharoitida zamonaviy restoranlarda mijozlarga maksimal ravishda sifatli xizmat ko'rsatish maqsadida shved stoli taklif etiladi. Ushbu xizmat mijozlarga ovqatlardan va ko'p turdagi mahsulotlardan tatib ko'rish imkoniyatini taqdim etadi. Xizmat ko'rsatishning Shved stoli

ko'rinishi guruh bo'lib tashrif buyuruvchilar (konferensiya, kongress ishtirokchilari) uchun qulay hisoblanadi.

Shved stoli ko'rinishidagi nonushta uchun 15-20 daqiqa, tushlik va ovqatlanish uchun 20-30 daqiqa vaqt ajratiladi. Mazkur turdagi xizmat ko'rsatishda tashrif buyuruvchilar buyurtma qilingan taom va hisob chekini kutishmaydi. Chunki shved stolini tashkil etish uchun alohida zal yoki zalning xizmat ko'rsatishga qulay bo'lgan bir qismi ajratiladi.

Ekspress xizmat ko'rsatish ham ko'p miqdordagi mijozlar, ya'ni konferensiya, simpozium va seminarlarni o'tkazishda amalga oshiriladi. Ekspress xizmat ko'rsatishda nonushta, tushlik va kechki ovqatlarni o'tkazishda foydalaniladi. Taomnomalar belgilangan ovqatlanish rejimiga qarab avvaldan tuzilib, buyurtmani hisobga olib taxminiy stellar servirovka qilinadi, shuningdek taomlarni tarqatish ishlari taomnomaga uyg'un ravishda ishlab chiqiladi.

Ekspress zal esa o'rindiqlar soni uncha ko'p bo'lmagan restoranlarda mijozlarga tez va zudlik bilan xizmat ko'rsatishga mo'ljallangan bo'lib, bunday turdagi xizmat shved stolidan foydalanilmaydigan joylarda amalga oshiriladi. Mijozlar zalga kirishi bilanoq taomnoma bilan tanishib, variantlardan birini tanlaydi va ularga xizmat ko'rsatadigan ofitsiantga taqdim etishadi. Bunda xizmat ko'rsatish yevropa usulida taqdim etiladi.

Business lunch (Biznes-lanch) mijozlarga ma'lum vaqt davomida arzon narxlarda xizmat ko'rsatishga mo'ljallangan bo'lib, ushbu xizmat turi dam olish kunlaridan tashqari har kuni o'tkaziladi. Ushbu xizmat turning taomnomasida tayyorlanishi qiyin bo'lmagan ovqatlar kiritiladi. Mijozlarga asosan 3 xil taomlar taklif etiladi. Mazkur xizmat narxi avvaldan aniqlanib, kofe va choy narxlari ham bunga kiritiladi. Xizmatlar yevropacha uslubda taqdim etiladi, shuningdek iste'molchilar talabiga ko'ra alkogolli ichimliklar ham taqdim etilishi mumkin.

Taqdimotlar turli ko'rgazmalar, universitetning ochilishi, korxona yoki banklarga asos solinishi maqsadida tashkil etilishi mumkin. Taqdimotlar press konferensiiya shaklida bo'lib, konsert va estrada dasturlari ham kiritiladi. Taqdimotning ikkinchi qismida esa kokteyl, furshet, bufet-tushlik yoki shved stoli asosida sovuq taomlar gazaklar bilan taqdim etiladi.




**4-rasm. Restoranlarda xizmat ko'rsatishning zamonaviy yo'nalishlari (Muallif ishlanmasi)**

Kofe breyk esa restoranlar tomonidan konferensiya, yig'ilish, ish yuzasidan muloqotlar o'tkazuvchilarga xizmat ko'rsatish uchun tashkil etilishi mumkin. To'g'ri turtburchakli yoki aylana stolga gullar bilan bezatilib taomlar furshetdagidek taqdim etiladi. Bunda mehmonlar taomlarni tik oyoqda iste'mol qilishadi.

Happy hour (baxtli daqiqa) xizmati ichimliklarga 50 foizli chegirma bilan taqdim etilib, har juma kunlari amalga oshiriladi. Ayrim hollarda barlarda shved stoliga o'xshash tarzda portsiyalangan gazaklarning keng turdagi assortimenti taqdim etiladi. Xizmat ko'rsatishning so'ngida mijozlarga bosh oshpaz tomonidan turli ko'rinishdagi chegirmalar ham beriladi.

Linner xizmat turi asosan mehmonxonalardagi mijozlar uchun mo'ljallangan bo'lib, ular turli sabablarga ko'ra business lunchga kech qolgan taqdirda tushlik yoki kechki ovqat uchun linner taklif etiladi. Ushbu xizmat turi shved stoli nazarda tutilib, uning narxi avvaldan kelishiladi. Buning tarkibiga shampan va boshqa vinolar, sharbatlar, mevali ichimliklar kirishi mumkin. Mazkur xizmat turi yakshanba kunlari 14-19 soati oralig'ida o'tkazilishi mumkin.

Bozor munosabatlari tobora chuqurlashib borayotgan hozirgi sharoitlarda restoranlarda rivojlangan va zamonaviy xizmatlar ko’rsatishning asosiy yo’nalishlari ham mavjud bo’lib, ular quyidagi 4-rasmda aks ettirilgan.

Konseptual ovqatlanish korxonasi (restoranlar) interyeri ekzotik yoki milliy uslubda bezatilib, taomnomada esa turli xil oshxona uslublaridan foydalaniladi. Konseptual ovqatlanish korxonasi g’oyasi mijozlarga ishlab chiqilgan menyuga mos ravishda belgilangan mavzu asosida belgilangan xizmat ko’rsatishni tashkil etish maqsadida shakllantiriladi.

Bugungi kunda juda rivojlangan virtual oshxonalarda taomlarga buyurtmalar internet tarmog’i orqali olinib, yetkazib beriladi. Zamonaviy texnologiyalar mijozlarga internet tarmog’i orqali restoran saytiga kirib taomlar va ularning narxi, zalning umumiy ko’rinishi hamda stollar joylashuvi haqidagi ma’lumotlarni komyuter ekrani orqali tanishib olishlari mumkin.

Mijozlarning internet tarmog’i orqali stollarni band qilishi, vizual tarzda menyuni tahlil qilishi, xohishlariga ko’ra o’rtoqlashishi va boshqa imkoniyatlari ham paydo bo’ladi. Turli suratlar orqali mijozlar restoran zalidagi har bir stol bilan tanishish imkoniyatiga hamda taomlar tayyorlash uchun ishlatilgan mahsulotlarni ko’rish imkoniyatiga ham ega bo’ladi.

Restoranlarda xizmat ko’rsatishning zamonaviy texnika va texnologiyalar orqali tashkil etilishi, mijozlarni jalb qilish hajmini oshirishga yordam beradi, shunigdek savdo hajmining ortishi ham kuzatiladi.

Yuqoridagilarning barchasi mijozlarning ko’z o’ngida taomlarni tayyorlab berish xizmatlarini tashkil etishga tegishli hisoblanadi. Buning uchun mehmonlarning e’tiborini tortish uchun taqdim etilayotgan taomlar to’g’risida ma’lumotlarnig to’g’riligi taomnomadagi rasmi hamda xodimlarni ushbu jarayonni o’tkazish uchun o’qitish zarur bo’ladi. Taomlarni mehmonlarning ko’z o’ngida tayyrlash uchun tajribali oshpazlar kerak bo’ladi. Restoranlarda zamonaviy xizmat ko’rsatishga “keytering” tizimidagi joyiga borib xizmat ko’rsatishni tashkil etishni kiritish mumkin. “Keytering” restoranlar ishchi-xodimlari harakatini anglatib, turli qabul marosimlarini tashkil etish, restoran tashqarisida banket uyushtirish yoki sport o’yinlarida xizmat ko’rsatish va boshqa dabdabali tadbirlar uchun ovqatlanish mahsulotlarini, ichimliklar va boshqalrni taqdim etishni nazarda tutadi.

Xulosa o’rnida ta’kidlash mumkinki, “bilimlarga asoslangan iqtisodiyot”ga o’tish sharoitida turizm sohasining barqaror rivojini ta’minlashda restoranlar faoliyatini taraqqiy ettirish obyektiv zaruriyatga aylandi. Chunki restoranlar nafaqat xalqaro turizmning rivojlanishiga, qolaversa ichki (mahalliy) turizmning rivojlanishida muhim o’ringa ega bo’lib hisoblanadi.

Shu sababli, restoranlar sohasini rivojlantirish asosida ularni umumiy ovqatlanish korxonalarining yirik bir subyekti sifatida qarash, restoranlar faoliyatini tashkil etishning ilg’or xorijiy tajribalarini hisobga olish va ulardan mamlakatimizda foydalanish imkoniyatlarini tadqiq etish darkor. Shuningdek, restoranlarda xizmat ko’rsatishni tashkil etishning zamonaviy usullaridan foydalanishni takomillashtirish ayni muddaodir.

**FOYDALANILGAN ADABIYOTLAR RO’YXATI:**


1. O’zbekiston Respublikasi Prezidenti Shavkat Mirziyoyevning Oliy Majlisga Murojaatnomasi. 2020-yil 24-yanvar. https://president.uz/uz/lists/view/3324
2. O’zbekiston Respublikasi Prezidentining 2022 yil 28 yanvardagi “2022-2026 yillarga mo’ljallangan yangi O’zbekistonning taraqqiyot strategiyasi to’g’risida”gi Farmoni.
3. Aslanova D., Xudayshukurov T., Mo‘minov N. Dunyo xalqlari ovqatlanishining o‘ziga xos xususiyatlari. O‘quv qo‘llanma. - T., 2006. – 7-198 b.
4. Ivatov I. Restoran menejmenti. O‘quv qo‘llanma. - T.: Iqtisodiyot, 2007. – 17-150 b.
5. Mamatqulov X. M. Mehmonxona va turistik komplekslarda xizmatlarni tashkil etish. O‘quv qo‘llanma. - S.: SamISI, 2012. – 340 b.
6. Safayeva S. Restoran biznesi marketingi. O‘quv qo‘llanma. - T.:TDIU, 2014. – 284 b.
7. To’xliyev I.S., Hayitboyev R., Safarov B.Sh., Tursunova G.R. Turizm, Darslik, - T., 2014. - 389 b.
8. Sharipov T.S. Umumiy ovqatlanish korxonalari samaradorligini oshirishning tashkiliy-iqtisodiy mexanizmlarini takomillashtirish (Samarqand viloyati misolida). Iqtisod fanlari nomzodi ilmiy darajasini olish uchun dissertatsiya avtoreferati. - S.: SamISI, 2010.
9. Abidova D. Restoran servisini tashkil qilish. – T., 2010.
10. Qurbonov J.M. Ovqatlanish korxonalari jihozlarining ekspluatatsiyasi. Darslik. – T.: “IQTISODIYOT-MOLIYA”, 2011. – 376 b.
11. “Ресторанный сервис. Основы международной практики обслуживания для профессионалов и начинающих”. Изд. Центрополиграф. - М.: ЗАО, 2003 г.-188 с.

12. Экономика гостиниц и ресторанов: Учеб. пособие/ О.П.Ефимова, Н.А.Ефимова; Под. Ред. Н.И.Кабушкина. - М.: Новое знание, 2004. - 392 с.

**УЎК 332**

# «ОЛМАЛИҚ КМК» АЖНИНГ ТАШКИЛИЙ-ИҚТИСОДИЙ МЕХАНИЗМИНИ ТАКОМИЛЛАШТИРИШ ЙЎЛЛАРИ ВА САМАРАДОРЛИГИ

***Д.А.Абдуллаева, катта ўқитувчи, Тошкент Давлат Техника Университети, Тошкент***

***Аннотация.*** *Мазкур мақолада «Олмалиқ КМК» АЖнинг ташкилий-иқтисодий механизмини фаоллаштириш, уни такомиллаштириш, шунингдек мамлакатнинг иқтисодий тараққий эттиришда корхонани рақамлаштириш инфратузилмасини ҳар томонлама тайёргарлигини оширишда самарадорлигини ошириш йўллари таклифф сифатида таҳлиллар орқали келтирилган.*

***Калит сўзлар:*** *корхонанинг ташкилий-иқтисодий механизми, механизмни фаоллаштириш, иқтисодий тараққий эттириш, солиқ имтиёзлари. маҳаллийлаштириш, маҳсулот диверсификацияси.*

***Аннотация.*** *В этой статье представлены пути активизации организационно-экономического механизма АО "Алмалык КМК", его совершенствования, а также повышения эффективности страны в совершенствовании комплексной подготовки инфраструктуры цифровизации предприятия к экономическому развитию посредством анализа в виде предложения.*

***Ключевые слова:*** *организационно-экономический механизм предприятия, активация механизма, экономический прогресс, налоговые льготы. локализация, диверсификация продукции.*

***Abstract.*** *In this article, ways to activate the organizational and economic mechanism of Almaliq KMK JSC, improve it, as well as increase the efficiency of the country in improving the comprehensive preparation of the enterprise's digitization infrastructure in economic development are presented through the analysis as a proposal.*

***Keywords:*** *organizational and economic mechanism of the enterprise, activation of the mechanism, economic progress, tax benefits. localization, product diversification.*

Олтин қазиб олиш саноати Ўзбекистонда узоқ йиллик тарихга эга. Комбинатда ишлаб чиқарилаётган олтин ва кумуш Лондон қимматбаҳо металлар биржасининг сифат белгисига ва «Илғор етказиб берувчи» мақомига эга. Шунингдек, АҚШнинг «Fitch Ratings» халқаро рейтинг ташкилоти комбинатга «BB» даражасида баҳолаган, «S&P Global Ratings» кредит рейтингни баҳоловчи агентлиги томонидан «B+» даражасида баҳоланган, бу «Олмалиқ КМК» АЖ «барқарор» ташкилот сифатида тан олинишини англатади. Бу каби сифатнинг юқори кўрсаткичи комбинатнинг инвестицион жозибадорлигини ошишига хизмат қилади.

«Олмалиқ КМК» АЖ мамлакатимизда инвестицион жозибадорлиги бўйича энг юқори ташкилотлардан бири саналади. «Олмалиқ КМК» АЖ мамлакатнинг ижтимоий-иқтисодий, молиявий, сиёсий аҳамиятга молик корхоналаридан бири саналади. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2021 йилнинг 30 декабри «2022-2026 йилларда Ўзбекистон Республикасининг инвестиция дастурини тасдиқлаш ва инвестиция лойиҳаларини бошқариш бўйича янги ёндошув ва механизмларни жорий етиш тўғрисида» ги ПҚ-72-сон қарорига мувофиқ «Олмалиқ КМК» АЖ бўйича инвестицион лойиҳаларни амалга оширилиши вазифасини рахбарлар олдига қўйилди. «Олмалиқ КМК» АЖ 3 та инвестицион лойиҳани қабул этди. Унинг қиймати 5158,8 млн АҚШ доллар бўлиб, унинг 2712,5 млн. АҚШ доллар миқдори ўз маблағлари ҳисобидан, 217,1 млн. АҚШ доллари Ўзбекистон Республикаси Бюджети Фондидан, 24,7 млн. АҚШ доллари тижорат банкларининг кредитлари ҳамда 2204,5 млн. АҚШ доллари тўғридан-тўғри хорижий кредитлар ҳисобидан шакллантирилди. (1-жадвал)

«Олмалиқ КМК» АЖда шунингдек, маҳаллийлаштириш дастури юзасидан 90дан ортиқ лойиҳалар қабул қилинган бўлиб, тасдиқланган маҳаллийлаштирилган маҳсулотлар ишлаб

чиқариш прогнозига кўра 19,2 млн. АҚШ доллари миқдорида пул маблағни тежайди. «Олмалиқ КМК» АЖ инвестицион ва маҳаллийлаштириш дастури доирасида кўплаб ишлар амалга ошираётган бўлсаларда, ташкилотнинг ташкилий-иқтисодий механизми мажмуавий мужассамлаштирилмаган, шу боис уни ишлаб чиқиш тавсия этилади. Бунда мажмуавий ташкилий-иқитисодий механизми ўз ичига зарурий бошқарув жиҳатларни инобатга олиши мақсадга мувофиқ саналади. (1-расм)

**1-жадвал.**

**«Олмалиқ КМК» АЖнинг инвестицион лойиҳалари**

| № | Инвестицион лойиҳа номи | Лойиҳа тадбиқ санаси, муддати | Инвестицион лойиҳа асоси | Инвестицион лойиҳани киритиш мақсади |
|---|---|---|---|---|
| 1 | «Ёшлик-И» конини ўзлаштириш | 2017-2024 йй | 01.03.2017 й. ПҚ-2807 | Янги истиқболли олтин, ноёб металл конларни очиш |
| 2 | «Олмалиқ КМК» АЖ асосий ишлаб чиқариш қувватларини қайта қуриш ва барқарорлаштириш дастури | 2018-2025 йй | 30.09.2018 й. ПҚ-3954 | Корхона фаолиятини барқарорлаштириш |
| 3 | Ангрен кон бошқармаси «Қизил-Олма» ва «Разведочная» шахталарида «Тоғ-кон диспетчери» диспетчерлик назоратининг автоматлаштирилган тизимини жорий этиш | 2022 й. | 28.04.2020 й. ПҚ-4699 | Техник хавфсизлик талабларни бажариш |




**1-расм. «Олмалиқ КМК» АЖнинг ташкилий-иқтисодий механизми**

Ташкилий-иқтисодий концепцияда режалаштириш блоки ўз ичига 6 та режалаштиришни функционал йўналиш сифатида ажратилиши ҳар бир механизмни стратегик фаолият олиб боришида ижобий натижалар бериши кутилади. Бунинг боиси, ишлаб чиқаришни режалаштириш иш фаолияти, ундаги техник жиҳозланиш, малака ошириши ва малакавий тўлқинда ишчиларнинг фаоллиги занжири, асосий фондни бошқаришни режалаштиришда ишлаб чиқаришни жиҳозлаш, уларнинг эскириши ва янгиланиши фондининг режали олиб борилиши инобатга олинади. Бу стратегик бошқарув ва механизмни фаоллаштиришда энг зарурий режалар мажмуини мужассамлаштиради. Шунингдек, ташкилий-иқтисодий концепцияни янада такомиллаштириш мақсадида молия ва савдони бошқаришни режалаштириш, омбор ва харидларни бошқаришни режалаштириш ҳамда тезкор ҳолатларда

ҳар қандай вазиятга тайёргарликни ошириш учун оператив бошқарувни режалаштириш кўзда тутилган.(1-расм)

Омбор ва харидларни бошқаришни режалаштиришда «Олмалиқ КМК» АЖнинг давлат ва корпоратив харидларнинг асосий принципларига риоя этган ҳолда олиб борилади. Давлат буюртмачисининг асосий касбий маҳорати принципи корхонадаги бўлинмалар ходимларининг тегишли жойда фаолият олиб бориши, маҳорат касб эта олиши ҳамда босқичма-босқич амалий тажрибага эга бўлиш имкониятини яратиб беришини назарда тутади. Асосланганлик принципи буюртмачилар олдидаги вазифа ва мажбуриятларни бажара олиши ва низоларсиз битимларни амалга оширишни назарда тутилади. Молиявий маблағлардан фойдаланишнинг оқилона, тежамкор ва самарадорлиги принципи ҳамда очиқлик ва шаффофлик принципи ҳар бир ташкилотнинг асосий принципларидан бири саналади. Шунингдек, тортишувлик ва холислик, мутаносиблик, харид тизимининг ягоналиги ва яхлитлиги принципи омбор ва харидларни бошқаришда зарурий хизмат кўрсатувчи принциплар саналади. (1-расм)

Маълумки, ҳар бир ишлаб чиқариш жараёни салбий ва ижобий ҳолатда бўлишидан қатъий назар, рағбатлантиришни тақозо этади. Салбий ҳолатда у ишлаб чиқариш жараёнини ижобий ҳолатга айланишига, ижобий ҳолатда янада ташкилотнинг барқарорлашувига хизмат қилиши кўзда тутилади. Шунга кўра, рағбатлантирувчи моддий ва маънавий фаолиятни кенгайтириш корхонада ташкилий-иқтисодий механизмнинг асосий ричаги вазифасида намоён бўлади. Унинг манзилли йўналтирилиши ишчи кучини бошқаришни режалаштириш занжирига боғланган бўлиб, бу билан ишчиларнинг фаол меҳнат фаолиятига таъсир этиш эҳтимоли ортади.

Ишлаб чиқаришни доимий замонавий ва илғор технологиялар билан таъминлаш асосий фондни бошқаришни режалаштириш блокига узвий боғлиқ бўлиб, унинг таркибий тегишлилиги айнан мазкур режалаштириш занжирини қамраб олади. Асосий фондни режалаштиришда ишлаб чиқариш фаолияти учун зарурий технологиялардан ташқари, инновацион техника-технологияларни жалб этган ҳолда ишлаб чиқариш шароитини ва эргономикасини тўлдириш, бошқарув бўғинининг барча элементлари учун натижавийлик келтиради.

**2-жадвал.**

**Асосий фонд юзасидан Олмалиқ КМК маълумотлари**

| № | Кўрсатцичлар номи | 2017 | 2018 | 2019 | 2020 | 2021 |
|---|---|---|---|---|---|---|
| 1 | Асосий фонднинг ўртача йиллик қиймати (млрд.сўм) | 335 | 341 | 344 | 345 | 349 |
| 2 | Маҳсулот ишлаб чиқариш ҳажми (т, олтин) | 65 | 67,8 | 67,9 | 79,1 | 79,3 |
| 3 | Фонд қайтими коэф. | 0,19 | 0,198 | 0,197 | 0,23 | 0,23 |
| 4 | Фонд самарадорлиги коэф. | 5,15 | 5,03 | 5,07 | 4,36 | 4,4 |
| 5 | Фонд билан таъминланганлик | 0,19 | 0,192 | 0,19 | 0,18 | 0,185 |
| 6 | Ўртача ишчилар сони | 1750 | 1770 | 1810 | 1880 | 1880 |

2-жадвалда асосий фонд самарадорлиги коэффициенти 2017 йилдан 2021 йилга қадар пастлаган, бу ҳолатда ташкилий-иқтисодий механизмда асосий фондни бошқариш режадаштиришда маҳсулот ишлаб чиқариш ҳамда ишчиларни ёллашга доир кўрсаткичлар тафовутидан юзага келган. Ишчилар сони ошгани сари маҳсулот ишлаб чиқариш салмоғи сезиларли ошмаган. Бу ҳолатни ҳисобга олган ҳолда режалаштириш тақозо этилади.

Ишлаб чиқаришни маҳаллийлаштириш дастури доирасида солиқ имтиёзларига эга бўлиш бевосита молия ва савдони бошқаришни режалаштириш блокига боғланган бўлиб, молиявий операцияларнинг узлуксизлигида Ўзбекистон Республикаси Қонунчилиги доирасида тежаладиган молия, стратегик дастурлар, инновацион ишланмалар, инвестицион лойиҳалар киритишда бериладиган имтиёзлардан унумли фойдаланиш корхонанинг ўз маблағлари жамғармасининг кенгайиши ҳамда бизнес режадаги бандларини изчил бажарилишида муҳим аҳамият касб этади.

3-жадвалда маҳаллийлаштириш юзасидан «Олмалик КМК» АЖнинг натижалари мамлакат иқтисодиётига салмоқли ҳисса қўшган. Бу кўплаб молиявий тежамкорликда натижавийликни акс эттиради. Бу молиявий имтиёзларни фойдаланишга мутаносибликни таъминлашга ундайди.

**3-жадвал**

**«Олмалиқ КМК» АЖда маҳаллийлаштирилган фаолияти маҳсулотларини ишлаб чиқариш ва экспорт ҳажми (2017-2021)**

| № | Кўрсаткич номи | 2017 | 2018 | 2019 | 2020 | 2021 |
|---|---|---|---|---|---|---|
| 1 | Маҳаллийлаштирилган маҳсулот ҳажми, %да | 100 | 120,7 | 125,2 | 126,1 | 127 |
| 2 | Маҳаллийлаштиришдан экспорт қилинган маҳсулот, тн | 24 | 26 | 29 | 31 | 32 |

4-жадвалда «Олмалиқ КМК» АЖнинг солиқ тўловлари юзасидан харажатлари келтирилган бўлиб, жуда йирик солиқ тўловлари ва ажратмалар тўлаб бориши аниқланди. Шунга кўра, мамлакат иқтисодиётида кўплаб тежамкорлик ва иқтисодий барқарорлигини таъминлашда «Олмалиқ КМК» АЖнинг ўрнини ҳисобга олган ҳолда солиқ имтиёзларидан фойдаланиш тизимига киритилиши лойиҳасини Солиқ Қўмитасига тақдим этишни тақозо этади.

**4-жадвал**

**«Олмалиқ КМК» АЖда солиқ харажатлари кўрсаткичи (2017-2021)**

| № | Кўрсаткич номи | 2017 й | 2018 й | 2019 й | 2020 й | 2021 й |
|---|---|---|---|---|---|---|
| | ҚҚС | 0,139 | 0,139 | 0,137 | 0,134 | 0,140 |
| 2. | Импорт маҳсулотлари учун солиқ (ҚҚС+Акциз) | 0,141 | 0,140 | 0,138 | 0,137 | 0,145 |
| 3. | Дивидент ва фоиз учун солиқ | 0,06 | 0,061 | 0,058 | 0,06 | 0,06 |
| 4. | Иш ҳақи фонди | 2,723 | 2,700 | 2,647 | 2,602 | 2,507 |
| 5. | Зарарли ишлаб чиқариш учун маблағ ажратмаси | 0,14 | 0,13 | 0,014 | 0,014 | 0,013 |

Ишлаб чиқаришни ташкилий-иқтисодий таъминлаш блоки ўз ичига илмий фаолият, инвестицион, инновацион сиёсат ҳамда рақамлаштириш фаолиятини олади. Илмий фаолиятда маълумотлар билан ишлаш занжири корхонадаги барча бошқарув элементини олиб борилиши учун маълумотларни йиғиш, саралаш, таҳлил қилиш ҳамда ундан самарали бошқарувга мақсадли йўналтиришга хизмат қилади. Кон ишларини режалаштириш ва назорат қилиш илмий фаолиятнинг энг йирик қисмини ташкил этиб, унинг тўғри ташкиллаштирилиши ва олиб борилиши ишлаб чиқариш фаолиятининг барқарорлигини 50%дан ортиқ таъминлаб бера олади. Бу фаолият учун махсус техника ва ишланмалар хизмат кўрсатиб, унинг ҳақиқатга яқин бўлишини таъминлашда кўплаб экспертизалар ва тадқиқотлар олиб борила, бу вақт талаб этишини инобатга олган ҳолда ташкиллаштириш ишлаб чиқариш фаолиятидаги тўсиқлар юзага келишини олдини олади. Ушбу ҳолатнинг оперативлигини оширишда лаборатория ахборот тизимини такомиллаштириш тақозо этилгани боис, ташкилий-иқтисодий механизмда унинг иштироки муҳимдир. Лаборатория ахборот тизимини такомиллаштирилиши кончиликда ҳар бир қатлам қазиб ўтишда намуналарни синовдан ўтказиш ва уларни қазиб олиш юзасидан қарорлар қабул қилишда ўрни беқиёс саналади. Шу боис, мазкур занжирдаги фаолиятни илғор техника ва технологиялар билан таъминлаш кончилик ишининг келгуси объектлари, яъни келгуси иш ҳажмини таъминотининг муваффақиятини англатади. «Олмалиқ КМК» АЖда марказий аналитик лаборатория мавжуд бўлиб, унда замонавий таҳлил усулларини ўзлаштириш, асбоб ва ускуналарни модернизациялаш, ходимларни оқилона меҳнатини ва фаолиятини тақсимлаш сингари мақсадларга йўналтирилган. Аммо унинг ахборот билан ишлаш даражаси таҳлил қилинганда, ташкилий-иқтисодий механизмни фаоллаштиришда фақатгина ишлаб чиқаришда қатламларни қазиб ўтишда зарурий таҳлил натижаларини бериш билан чекланганлиги аниқланди. Юқорида келтирилган лабораторияни такомиллаштириш зарурий саналади.

Ишлаб чиқаришни бошқариш тизимини такомиллаштириш бошқарув фаолиятига илмий фаолиятни ривожлантиришга жалб этиладиган ишчи ҳодимлар гуруҳини ташкил этиши кўзда тутилган. Бу корхонада инсон капиталининг ривожланишига, лойиҳалар билан ишлаш узлуксизлиги ҳамда илмий фаолиятдан кенг миқиёсда фойдаланишга хизмат қилади. Инвестицион сиёсат блоки ўз ичига кон технологик объетларни модернизациялаш, ишчилар малакасини ошириш, инновацион ишланмалар лабораториясини ташкил этиш ва изланиш олиб боришни олади. Кон технологик объектларни модернизациялаш замонавий ва илғор

технологиялар харид қилинган, янгиланиш коэффициентига жавоб бера оладиган ҳолатда бўлишини таъминлаш учун зарур саналади. Шунингдек, ҳар қандай корхонада модернизация корхона учун ижобий натижавийликни намоён эта олади.

Ишчилар малакасини ошириш модернизациялаштирилган объектлар билан ишлашда мураккабликлар туфайли ишдаги узилишлар содир этилмаслиги ҳамда ишлаб чиқариш фаолиятининг янада такомиллашувига тайёр ходимлар гуруҳини тақозо этгани боис, уни ташкилий-иқтисодий концепцияда бўлиши муносиб ўрин эгаллайди. Инновацион ишланмалар лабораториясини ташкил этиш ва изланиш олиб бориш корхонада яратилган шарт-шароитдан илмий йўлда унумли фойдаланишни назарда тутади. Унинг салмоқли натижавийлигини ошириш мақсадида алохида лабораторияга жалб этган ҳолда ташкиллаштириш мақсадга мувофиқ саналади. Инновацион сиёсат блоки ўз ичига экзосферавий қазиб чиқариш экологик технологиясини жорий этишни олиб, атроф-муҳит ҳамда аҳолини муҳофаза қилиш мақсадида мақсадли технологик харид ҳамда фойдаланиш сифатида намоён бўлади. Яшил ишлаб чиқаришга амал қилган ҳолда қазиш ишларини олиб бориш экологик муҳофазалашда тежамкорона ва оқилона ресурсларни йўналтириш ҳамда ишлаб чиқаришда экологияга салбий таъсир кўрсатмайдиган ва асоратлар қолдирмадиган ишлаб чиқариш инфратузилмавий таъминотни назарда тутади. Олмалиқ кон-металлургия комбинатида «Рақамли ОКМК — 2030» концепцияси тасдиқланган бўлиб, унга мувофиқ, захира маълумотлар марказини яратишни ҳисобга олган ҳолда мавжуд сервер инфратузилмасини, ОКМКнинг таркибий бўлинмаларида Маҳаллий ҳисоблаш тармоғини, мавжуд компьютерлар базасини ва алоқа тизимларини модернизация қилиш ишлари босқичма-босқич амалга оширилмоқда. Шунга кўра, рақамлаштириш блоки шахтатайёрлов, шахта дистпетцерлик хизмати, тоғ-кон технологик хизматини рақамлаштиришни қамраб олиб, уни амалга ошириш тақозо этилади.

Корхонанинг ташкилий-иқтисодий механизмини фаоллаштиришда корхонани мустаҳкамлашга қаратилган стратегияни жорий этиш кўзланган мақсадга мувофиқликни таъминлайди. шунга кўра, корхонага «Андеррайтинг» стратегияини қўллаш асосида инвесторлар, кредиторлар ҳамда сармоядорларнинг таваккалчилик ҳолатида молиявий жиҳатдан таваккалчиликни сўндирувчи қўллаб-қувватлаш чора-тадбирларни амалга оширишлари назарда тутилади. «Олмалик КМК» АЖ билан жаҳон миқиёсида қизиқувчи ташкилот ва инвесторлар сони кўп бўлиб, улар билан ҳамкорлик фаолиятини йўлга қўйиш ва мустаҳкамлашда «Андеррайтинг» стратегиясини илгари суришда барча устунликларга эга саналади.

Корхонанинг кўрсаткичлари доимий активларга сармоя ва инвестиция қилиш истагидаги корхоналар учун бу талабнинг қатъий юритилиши рақобатбардошлиликни оширишда таваккалчилкни сўндириш омили орқали эришиш муваффақияти ётади. Мазкур стратегик бошқарувни олиб бориш инвесторларнинг қисқа муддатли ҳамкорликка интилишларини олдини олишда ҳам муҳим аҳамият касб этади. Ушбу стратегияни қўллаш корхонанинг сармоядорлари томонидан ҳам рақобат муҳитини шаффофлигини таъминлаш ҳамда рақобатбардош корхона бўлиш учун тегишли эътибор қаратишни талаб этганлиги корхонанинг молиявий жиҳатдан мустақиллигини ошириб боришга ҳамда банклар ва кредиторлар, инвесторлар томонидан муаммовий вазиятларга қарши курашнинг муқобил танловларидан бири саналиб, унинг асосий хусусияти бозорда корхонанинг мустаҳкам ўрнини эгаллашда барчанинг ҳимоясида ва қарамоғида бўлишни тавсифлайди. Андеррайтинг стратегиясини амалга ошириш корхонанинг молиявий фаолияти юзасидан таваккалчиликни сўндиришда шартномаларда қайд этилиши ташқи кучларга қарши курашишда ҳам ўз салмоғини намоён этади. Бунинг учун мазкур стратегияни амалга ошириш давомида банкларнинг ва инвесторларнинг таваккалчиликни пасайтириш чоралари дастури ҳам тақдим этилиши кўзда тутилади. Юқоридагиларни амалга ошириш инвесторларнинг иишончли ҳамкорлиги ҳамда банкларнинг корхона манфаатини ҳимоя қилиши учун хизмат қилишини таъминлайди.

**ФОЙДАЛАНИЛГАН АДАБИЁТЛАР РЎЙХАТИ:**

1. Тарахтиева Г.К. Способы транспортировки нефти и газа //Академические исследования в области педагогических наук. – 2022. – Т. 3. – №. 1. – С. 1004-1008.

2. Тарахтиева Г.К. Оценка инновационного проекта на основе бочевого метода. – 2022.

3. Alisherovna M. K. Attracting investment to regions-An important factor of development //Asian Journal of Research in Banking and Finance. – 2022. – Т. 12. – №. 3. – С. 10-13.

4. Alisherovna M. K. Use of communication networks in the optimization of investment project work //TRANS Asian Journal of Marketing & Management Research. – 2022. – Т. 11. – №. 5and6. – С. 49-52.

5. Абдуллаева Д. Олтин қазиб олиш корхоналарининг ташкилий-иқтисодий механизмини такомиллаштиришнинг жаҳон тажрибаси. «Бизнес ва эксперт» илмий журнали.2022 йил 4-сон, 27-31 бетлар.

**УЎК 336**

## СЕРВИС СОҲАСИДА ХИЗМАТЛАР СИФАТИ ВА РАҚОБАТБАРДОШЛИГИНИ ОШИРИШНИНГ АСОСИЙ ЙЎНАЛИШЛАРИ

***Т.Ш.Байниязов, таянч докторант, Қорақалпоқ Давлат Университети, Нукус***

***Аннотация.*** *Ушбу мақолада сервис соҳасида хизматлар сифатини ошириш, меҳнат салоҳияти ва истеъмолчиларга кўрсатилаётган хизматлар сифатини ошириш, хизмат кўрсатиш жараёнлари интенсивлигини таъминлаш, хизмат кўрсатиш корхонаси учун рақобатдош устунликни таъминлаш ва хизматлар сифатини ошириш омиллари тадқиқ қилинган.*

***Калит сўзлар:*** *сервис итқтисодиёти, ресурс, меҳнат салоҳияти, хизматлар сифати, рақобатдош устунлик, омиллар, хизмат кўрсатиш жараёни, истеъмолчилар.*

***Аннотация.*** *В данной статье рассмотрены факторы повышения качества услуг в сфере обслуживания, повышения производительности труда и качества услуг, оказываемых потребителям, обеспечения интенсивности сервисных процессов, обеспечения конкурентного преимущества сервисного предприятия и повышения качества обслуживания.*

***Ключевые слова:*** *сервисная экономика, ресурс, трудовой потенциал, качество услуги, конкурентное преимущество, факторы, процесс оказания услуги, потребители.*

***Abstract.*** *This article examines the factors that improve the quality of resources of service enterprises, increase labor potential and quality of services provided to consumers, improve service processes, provide a competitive advantage for the service company and improve the quality of services.*

***Key words:*** *service economics, resource, labor potential, quality of services, competitive advantage, factors, service process, consumers.*

**Кириш.** Иқтисодиётни модернизациялашиши, иқтисодий фаолиятнинг ахборот-коммуникация технологияларига асосланган замонавий тармоқларини ривожланиши ва рақобатдошлик даражаси асосан унинг табиий ресурс салоҳияти, меҳнат ресурсларининг сони ва сифати, ишлаб чиқариш (хизмат кўрсатиш)нинг техник-технологик даражаси, бизнес юритиш учун яратилган шарт-шароитларнинг қулайлиги, корхоналарида ишлаб чиқариладиган маҳсулотларга бўлган талаб ҳажми каби бир қанча омиллар билан белгиланади.

Бугунги кунда жаҳонда рақамли иқтисодиётнинг ривожланиши тез суръатлар билан амалга ошмоқда. Рақамли иқтисодиётнинг ривожланиши истеъмолчилар талабини тўлиқ қондириш ва иқтисодиёт соҳалари ва тармоқларида меҳнат унумдорлигини ошириш имконини беради. Электрон тижорат товарлар ва хизматлар реализациясини тезлаштириш асосида инқирозларни олдини олиш имконини беради. Бунда виртуал тўловлар тизими товар айланишини тезлаштиради. Интернет реклама эса ўз навбатида реклама аудиториясини бутун дунё миқёсида кенгайтириш имконини беради.

Шунингдек, ҳозирги шароитда хизмат кўрсатиш корхоналарида рақобатдошлик даражасини ошириш масаласига инновацион ёндашиш талаб этилмоқда. Инновацион технологияларни, замонавий илмий ютуқларни хизмат кўрсатиш тармоқларига жадал жорий қилиш орқали уларнинг ихтисослашувини кенгайтириш ва хизмат кўрсатиш жараёнларини

диверсификация қилиш имконини берадиган янги рақобат устунликларини яратиш зарур. Бу эса соҳада хизмат кўрсатиш жараёнларини оптималлаштириш орқали хизмат кўрсатиш сифатини ошириш долзарб вазифалардан бири ҳисобланади.

Шу нуқтаи назардан Муҳтарам Президентимиз Ш.Мирзиёевнинг Олий Мажлисга Мурожаатномасида «Бир нарсани алоҳида таъкидлаш керак, пандемия даврида иқтисодиётнинг барқарор ишлаши учун тадбиркорлар давлат билан теппа-тенг ҳисса қўшадилар. Шунинг учун барчамиз тадбиркорларга елкадош бўлиб, уларни доимо қўллаб-қувватлашимиз шарт. Бу борада ишбилармонларнинг ҳақ-ҳуқуқларини, айниқса, хусусий мулк дахлсизлигини таъминлаш – барча даражадаги давлат органларининг асосий вазифаси бўлиши лозим» [6] деб таъкидлаганлар. Ушбу вазифалардан келиб чиққан ҳолда хизмат кўрсатиш соҳаси субъектлари фаолиятини ривожлантириш асосида аҳолига кўрсатилаётган хизматлар сифати ва рақобатбардошлигини ошириш муҳим аҳамиятга эга.

**Адабиётлар шарҳи.** Илмий адабиётларда сервис иқтисодиётида ресурслардан самарали фойдаланиш, хизмат кўрсатиш соҳасини ривожлантириш ва аҳолига кўрсатилаётган хизматлар сифатини ошириш, хўжалик юритувчи субъектлар томонидан кўрсатиладиган хизматлар рақобатбардошлигини таъминлаш, хизмат кўрсатиш жараёнларини такомиллаштиришнинг айрим жиҳатлари илмий-назарий ҳамда услубий жиҳатдан тадқиқ этилган.

Пардаев М.Қ. [4, 133 б.] таҳрири остида ёзилган ўқув қўлланмада хизмат кўрсатиш, сервис ва туризм соҳаларини ривожлантириш муаммолари, хизмат кўрсатиш соҳасида меҳнат ресурсларидан самарали фойдаланиш йўллари, меҳнат унумдорлигини ошириш омиллари ва йўналишлари тадқиқ этилган. Шунингдек, мавзуга доир жиҳати бўйича сервис ва туризм соҳаларини ривожлантиришнинг ижтимоий, иқтисодий ва институционал асослари илмий жиҳатдан тадқиқ этилган.

Аванесова Г.А. [1, 215 б.] ўз асарида хизмат кўрсатиш секторидаги иқтисодий ресурслардан самарали фойдаланиш, соҳада ижтимоий-иқтисодий самарадорликни ошириш, истеъмолчиларнинг талабларига мувофиқ уларга кўрсатилаётган хизматлар сифатини ошириш, меҳнат самарадорлигига эришиш йўналишларини тадқиқ этган.

Ерофеева А.П. [8, 141 б.] ўз асарида корхоналарда хизмат кўрсатиш жараёнларини такомиллаштириш, хизмат кўрсатиш соҳаси субъекларининг рақобат устунлигини таъминлаш, соҳада корхоналарида хизматлар сифатини уларнинг истеъмол хусусияти билан боғлиқлиги, хизматларнинг сифатини баҳолаш мезонлари ва кўрсаткичлари, хизматлар кўрсатиш жараёнларини интенсив омиллар асосида такомиллаштириш ҳамда хизмат кўрсатиш корхоналарида персонални бошқариш тизимини модернизациялаш жараёнлари тадқиқ этилган.

Ватолкина Н.Ш. [8, 374-382 б.] ўз мақоласида хизмат кўрсатиш соҳасида «хизматлар сифати» категориясининг моҳиятини ёритиб бериш, хизматларнинг истеъмол хусусиятлари ва сифатининг замонавий моделларини тизимлаштириш, хизматлар сифатини бошқариш ва уларнинг таққослама тавсифига асосланган ҳолда хизматлар сифатини баҳолаш усуллари тадқиқ этилган.

**Тадқиқот методологияси.** Тадқиқот жараёнда сервис корхоналарида ресурслардан самарали фойдаланиш асосида хизматлар сифатини ошириш бўйича иқтисодий тизимлар ва нисбатларни ўрганишга диалектик ва тизимли ёндашув, комплекс баҳолаш, қиёсий ва солиштирма таҳлил, статистик ва динамик ёндашув ҳамда гуруҳлаш усулларидан фойдаланилди.

Шунингдек, сервис корхоналарида хизматлар сифатини ошириш асосида истеъмолчилар талабини тўлиқ қондириш ва хизмат кўрсатиш соҳаси субъектларининг рақобат устунлигини таъминлаш йўналишлари ва усуллари тадқиқ этилди.

**Таҳлил ва натижалар.** Ҳозирги вақтда жаҳондаги мамлакатларнинг ижтимоий-иқтисодий ривожланиши ўзининг моҳияти ва мазмуни жиҳатидан олдинги босқичлардан кескин даражада фарқ қилади. Иқтисодий ўсишнинг янгича талқини жаҳон иқтисодиёти фанида замонавий, концептуал ёндашувларни зарурат этмоқда. Хусусан, сервис

иқтисодиётида самарали фаолият индустриал фаолиятга нисбатан бирмунча кенгроқ тадқиқ этилгандики, бунда биринчи навбатда ижтимоий йўналтирилган фаолият жамиятда аҳоли турмуш даражаси ва сифатини таъминлашга қаратилганлиги билан изоҳланади.

Хизмат кўрсатиш корхоналарида ресурсларнинг сифат таркибини такомиллаштириш меҳнат салоҳияти ва истеъмолчиларга кўрсатиладиган хизматлар сифатини ошириш ҳамда хизмат кўрсатиш жараёнларини такомиллаштириш имконини беради. Салоҳият ресурснинг сифат кўрсаткичлари йиғиндисини акс эттиради, яъни у бир ишчининг салоҳиятли имкониятларини рўёбга чиқариш шаклида инсон омилини фаоллаштириш ва амалиётда қўллашни таъминлашдан иборат. Шунинг учун хизмат кўрсатиш корхоналарида меҳнат салоҳиятини ошириш орқали хизмат кўрсатиш сифатини оширишга катта эътибор қаратилади.

Сервис корхоналарида хизматларнинг рақобатдошлиги унинг сифати ва нархига кўра, шу турдаги бошқа ишлаб чиқарувчилар (хизмат кўрсатувчилар)нинг маҳсулотидан устунлиги билан белгиланади.

Хизмат кўрсатиш корхоналарининг рақобатдаги устунликларини бир қатор омиллар белгилаб беради. Буларни икки гуруҳга ажратиш мумкин:

1) миллий компанияларнинг ривожланиш даражаси;
2) макроиқтисодий бизнес муҳитнинг сифати [7, 14-б].

Швейцариянинг Давос шаҳрида ҳар йили бўлиб ўтадиган Жаҳон иқтисодий форумининг иштирокчилари маърузаларида фирмалар даражасидаги рақобатдошлик тўртта асосий омил билан боғлиқ экани таъкидланади: ресурслар (мамлактда корхона маҳсулот ишлаб чиқаришни йўлга қўйиши учун ресурсларнинг мавжудлиги, ҳажми ва сифати); ташқи рақобат; талаб; тармоқлараро алоқалар.

Бизнингча, худди шундай таърифни кенгайтирилган ҳолда хизмат кўрсатиш корхоналарининг рақобатдошлигига ҳам берса бўлади (1-расм).




**1-расм. Хизмат кўрсатиш корхонасининг рақобат устунлигини ташкил этувчи элементлар (Муаллиф томонидан ишлаб чиқилган)**

Сервис иқтисодиётининг рақобатдошлилиги – бу чуқур рақобат шароитида бозор талабларини қондирувчи, иқтисодий ривожланиш ва турмуш сифатини оширишни таъминлайдиган хизматлар кўрсатиш (ишлаб чиқариш) ҳамда ўрта ва узоқ муддатга иқтисодий ўсишнинг юқори суръатларини таъминлаб туриш қобилиятидир.

Ресрубликамизда иқтисодиётнинг инновацион ривожланиши шароитида рақобатбардошликни оширишнинг асосий омилларидан бири хизмат кўрсатиш корхоналарида хизматлар самарадорлигини ошириш ҳисобланади. Бунда авваламбор, хизматлар кўрсатиш соҳасида мавжуд меҳнат ресурсларидан самарали фойдаланиш асосида истеъмолчиларга хизмат кўрсатиш сифатини ошириш орқали эришилиши мумкин. Истеъмолчиларнинг

кўрсатиладиган хизматлардан қониқиш даражаси хизматлар сифати, унинг бажарилиши ва натижадорлигига боғлиқдир.

Кўрсатилаётган хизматлар сифати – бу истеъмолчиларнинг муайян ва назарда тутилаётган талаб ва эҳтиёжларини қондирилишини таъминлайдиган жараён бўлиб, у хизмат кўрсатиш бўйича тузилган шартномалар тавсифларининг мажмуини ифодалайди.

Бунда хизматлар истеъмолчиларга хизматларни амалга оширувчи ва уни истеъмол қилувчи ўртасида тузиладиган пудрат шартномаси (моддий хизматлар учун) ва хизмат кўрсатиш шартномаси (ижтимоий, моддий хизматлар учун) асосида тақдим этилади. Хўжалик сўбъектлари томонидан бажариладиган хизматлар сифатига тузилган шартнома шартларига риоя қилиш (ишлар номенклатураси, муддати, ишлар сифатига қўйиладиган талаблар) асосида баҳо берилади. Хўжалик сўбъектлари томонидан тақдим қилинаётган хизматлар меъёрий талабларга мувофиқ келиши зарур. Хизматларни ижро этувчи давлат стандартлари, ўрнатилган технологик тартиблар, санитария қоидалари ва бошқа меъёрий ҳужжатларда келтирилган хизматлар сифати инсонларнинг саломатлиги, атроф-муҳит ва мулкка хавфсизлигининг қатъий талабларига риоя қилиш заруратини англатади.

Кўрсатилаётган хизматларнинг сифати уларнинг истеъмол хусусиятлари билан белгиланади ва моддий товарлар сифатига нисбатан анча мураккаб тушунча ҳисобланади. Чунки истеъмолчилар нафақат кўрсатилган хизматлар натижаларини ўзлаштиради, балки бир қатор ҳолларда уни кўрсатиш жараёнинг иштирокчиси ҳам ҳисобланади. Бундан ташқари, аксарият моддий тавсифга эга товарлар андозага ва истеъмолнинг стандарт шартларига йўналтирилган бўлади, хизматлар эса истеъмолчиларнинг шахсий тавсифини ҳисобга олган ҳолда, алоҳида кўринишда ёки якка тартибда амалга оширилади. Хизмат кўрсатиш соҳасида хизматларнинг хусусиятлари объектив тавсифга эга бўлиб, улар асосан уларни кўрсатиш ва истеъмолида намоён бўлади.

Кўрсатилаётган хизматлар сифатини оширишда истеъмолчиларнинг психологик хусусиятлари ҳам муҳим рол ўйнайди. Истеъмолчиларнинг баъзи гуруҳлари улар томонидан зарурий ахборотларни қабул қилиш ва ходимлар йўриқномаларига амал қилишга қодир бўлмайди. Улар баъзи ҳолларда ўзларини агрессив тутади. Хизмат кўрсатиш корхонаси ходимлари истеъмолчиларнинг психологик хусусиятини ўрганиши ва ҳар бир истеъмолчининг психологик хусусиятини ҳисобга олиб, хизмат кўрсатишга ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш талаб этилади. Корхона ходимларининг ҳатти-ҳаракатлари хизмат кўрсатиш сифатининг асосий элементи бўлиб ҳисобланади [3, 86-б].

Хизмат кўрсатувчи ходимнинг айтадиган гапи мазмунли, аниқ, тушунарли ва билимли бўлиши зарур. Сервис бўйича ходимнинг истеъмолчи билан мулоқати шошилмасдан амалга оширилиши зарур. Истеъмолчиларга хизмат кўрсатиш иш этикети қоидаларига қаттиқ риоя қилган ҳолда амалга оширилиши лозим.

Корхона ходимларининг муомала услуби хизмат кўрсатиш сценарийси ва кўрсатиладиган хизматларга мувофиқ бўлиши лозим. Хизмат кўрсатиш бўйича мутахассис яхши хотирага эга бўлиши, аниқ истеъмолчига хизмат кўрсатиш учун зарур бўлган, ўз вақтида ва керакли маълумотларни тўғри етказа олиш қобилиятига эга бўлиши зарур. У ўзини назорат қила оладиган услублар ва фаолият натижаларини, иш жараёнидаги камчиликлар ва сифатни камайиш сабабларини оператив тарзда таҳлил қилиши керак.

Хизмат кўрсатиш корхонасида узининг обруига мос келадиган хизмат кўрсатиш услуби бўлиши зарур. Хизмат кўрсатиш услуби контакт зонасида юзага келади ва ходимларга хос бўлган хизмат кўрсатишнинг амалий усулларини ўз ичига қамраб олади.

Хизмат кўрсатиш корхонаси контакт зонаси фаолиятнинг тавсифи ва моҳиятига мувофиқ келиши лозим. Масалан, техникани таъмирлаш бўйича хизматлар кўрсатадиган корхонанинг контакт зонаси таъмирлаш бўйича маҳсулотни диагностика қилиш имкониятини берувчи техник воситалар ва асбоб-ускуналар, зарурий маълумотларга эга шахсий компьютерлар, ахборот-коммуникация воситалари билан жиҳозланиши лозим. Контакт зонада истеъмолчининг бўлиш вақти ва улар билан хизмат кўрсатувчи мутахассис ўртасидаги муносабатлар, хизматларнинг тавсифи ҳамда уларнинг шакл ва усулларига боғлиқдир.

Истеъмолчилар билан ишловчи ходимларни ўзларини тутишлари, хизмат кўрсатиш қоидалари, корхонанинг корпоратив маданияти, шахсий маданият ва иш тажрибасига асосланади.

Хизматлар сифатини оширишга кўпгина омиллар таъсир кўрсатади. Мазкур омилларга: ходим меҳнатининг сифати; уларнинг малака ва касбий кўникмаларга эгалиги; хизмат кўрсатиш корхонасини жойлашган ўрни, уларнинг иш жадвали, замонавий техника-технологияларнинг мавжудлиги, жиҳозланиш даражаси ва бошқалар.

Хизмат кўрсатиш корхонаси иш сифати ва самарадорлигини ошириш: хизматларни диверсификациялаш; истеъмолчилар эҳтиёжларини тўлиқ ҳисобга олиш; соҳадаги салбий ҳолатларни бартараф этиш; хизматларнинг ижтимоий аҳамиятини ошириш; хизмат кўрсатиш соҳасида тадбиркорликни ривожлантириш; хизмат кўрсатиш соҳаси инфратузилмасини ривожланишига олиб келади.

Хизматлар соҳасида ходим фаолиятини ташкилий жиҳатдан таъминлашнинг моҳияти кўрсатилаётган хизматлар сифатини оширишга йўналтирилган инфратузилманинг ривожланиши билан белгиланади. Хизмат кўрсатиш корхонаси фаолиятини ташкилий жиҳатдан таъминлаш икки йўналишда: меҳнатнинг буюмли ҳамда шахсга оид элементларини ташкил этиш асосида амалга оширилади [2, 380-б.].

Хизмат кўрсатиш жараёнини ташкил этиш элементлари қуйидагилардан иборат:

– корхона бўлимларида хизмат турлари бўйича меҳнатни операцион ва функционал тақсимлаш;
– иш жойларини ижтимоий ва иқтисодий жиҳатдан мувофиқлигини таъминлаш;
– хизмат кўрсатиш меъёрларини ишлаб чиқиш ва такомиллаштириш;
– меҳнат шароитларини яратиш;
– соҳага оид ходимларни танлаш, тайёрлаш ва малакасини ошириш;
– меҳнатни моддий рағбатлантириш тизимини такомиллаштириш;
– хизмат кўрсатишида юқори касбий маҳорат ва маданий савияни шакллантириш;
– хизмат кўрсатиш жараёнида интизом риояларига амал қилиш.

Хизмат кўрсатиш корхонасининг ходимлар билан таъминланганлиги унинг сифат таркибини ривожлантириш асосида амалга оширилади. Ходимларни сифат кўрсаткичлари таҳлили ҳар бир сифат талаби мезони асосида ходимлар сонини аниқлаш билан бирга олиб борилади.

Ходимларнинг сифат таркибини таҳлил қилиш кадрларга бўлган миқдор ва сифат эҳтиёжларини олдиндан билиш ва мавжуд таркибий талабларга мос келиши учун тадбирлар белгилаш (танлаш, ишга қабул қилиш, тайёрлаш, мослашиш, малакасини ошириш, горизантал ва вертикал жойлаштириш, ишдан бўшатиш ва ҳоказо), ходимни ўқитиш ва малакасини ошириш дастурини ишлаб чиқиш учун керак.

Хизмат кўрсатиш корхоналарида меҳнат жараёнини оптималлаштириш ишчи-ходимлар фаолиятининг бир қатор умумий тамойилларига асосланади. Бизнингча, ушбу тамойиллар қуйидагиларни ўз ичига олади:

– илмийлик тамойили – хизмат кўрсатиш жараёнларини ташкил этишда илм-фаннинг охириги ютуқларини амалда жорий этиш;
– комплекслилик тамойили – хизмат кўрсатиш жараёнларини ташкил этишни комплекс ривожлантириш;
– узлуксизлик тамойили – хўжалик фаолиятини ташкил этишда инновацион ривожланиш услубларидан фойдаланиш ва хизмат кўрсатиш жараёнининг трансформациялашувига мувофиқлигини таъминлаш;
– меъёрилик тамойили – хўжалик фаолиятини амалга оширишни меъёрий негиз асосида амалга оширилиши;
– тежамкорлик тамойили – хизмат кўрсатиш сарф-харажатларини оптималлаштириш асосида юқори натижаларга эришиш.

Иқтисодиётни модернизациялаш шароитида хизмат кўрсатиш корхоналари фаолиятини ташкилий жиҳатдан ривожлантиришнинг асосий мақсади ўзаро боғлиқ бўлган ижтимоий-

иқтисодий мақсадларга: рақобатбардош хизматлар сифатини ошириш ва ходимларни танлаш учун корхонанинг имкониятлари ва натижаларига фаол тарзда таъсир этишдан иборат.

Хизмат кўрсатиш корхоналарида хизматлар сифати уларнинг истеъмол хусусияти билан аниқланар экан, хизматларнинг сифати уни ифодаловчи мезон ва кўрсаткичлар билан аниқланади.

Бизнинг фикримизча, хизматлар сифати қуйидаги мезонлари асосида ифодаланади:

– кўрсатилаётган хизматларнинг натижадорлиги (самарадорлиги);

– корхона ходимларининг компетентлигини ошириш;

– хизматларга бўлган истеъмолчилар талабини тўлиқ қондириш;

– истеъмолчиларга кўрсатиладиган хизматлар муддатини қисқартириш ва корхона рентабиллигини ошириш;

– хизмат кўрсатиш жараёнида сифатни назорат қилиш усул ва услубларини такомиллаштириш.

Хизмат кўрсатиш сифати кўрсаткичлари қуйидаги йўналишларда фойдаланилиши мумкин:

– ўрнатилган стандартлар ва техник тартибларда айнан ўхшаш хизматлар гуруҳлари, хизмат жараёнлари, сервис фаолияти, ишчи-ходимлар ва сифатни бошқаришдаги кўрсаткичлар номенклатурасининг шаклланишида;

– хизматларга тегишли ўлчов (назорат) параметрларини бошқариш бўйича қоида ва таклифларни ишлаб чиқишда;

– хизматлар кўрсатиш бўйича натижаларини қадоқлаш, ўраш, юклаш-тушириш ва сақлаш қоидаларини ишлаб чиқишда;

– хизмат кўрсатиш жараёнига экспулуатация ва реклама қилиш тартибларини ишлаб чиқишда.

Хизмат кўрсатиш жараёнида сифат кўрсаткичларининг асосий функциялари бўлиб, хизматлар сифати, ишчи-ходимларнинг хизмат кўрсатиш бўйича фаолияти натижаларини назорат қилиш ҳисобланади. Сифат кўрсаткичлари асосида сифатни назорат қилиш ва баҳолаш амалга оширилади.

Хизмат кўрсатиш натижасининг сифатини амалга ошириш жараёнида фойдаланган материаллар хом-ашё, техника ва технологиялар, истеъмолчиларга хизмат кўрсатувчи ходимларнинг касбий маҳорати ва касбий малакаларига боғлиқ бўлади.

Хизматлар сифати даражасига баҳо беришда улар баҳоси, яратиш ва тақдим этиш харажатлари каби иқтисодий кўрсаткичларни ҳам инобатга олиш лозим.

**Хулоса.** Хизмат кўрсатиш корхоналарида хизматлар сифатини ифодаловчи мезон ва кўрсаткичлар уларнинг истеъмол хусусияти билан аниқланади. Шунга кўра, хизмат кўрсатиш соҳасида хизматлар натижадорлигини таъминлаш, ходимлар компетентлигини ошириш, истеъмолчилар талабини тўлиқ қондириш, кўрсатиладиган хизматлар муддатини қисқартириш, сифатни назорат қилиш усулларини такомиллаштириш мезонлари ҳамда белгили тавсифи, хизматлар хавсизлиги, хизмат натижасини ишончлилиги, ходимлар компетентлиги йўналишалри бўйича кўрсаткичлар таснифи ишлаб чиқилди.

Сервис корхоналарида кўрсатилаётган хизматларнинг сифати уларнинг истеъмол хусусиятлари билан белгиланади. Истеъмолчилар кўрсатилаётган хизматлар уларнинг шахсий тавсифини ҳисобга олган ҳолда, алоҳида кўринишда ёки якка тартибда амалга оширилади. Сервис соҳасида хизматларнинг хусусиятлари объектив тавсифга эга бўлиб, улар асосан уларни кўрсатиш ва истеъмол жараёнида юзага келади.

Кўрсатилаётган хизматлар сифатини яхшилашда истеъмолчиларнинг психологик хусусиятлари муҳим аҳамиятга эга бўлиб, уларнинг баъзи гуруҳлари томонидан зарурий ахборотларни қабул қилиш ва ходимлар йўриқномаларига амал қилишга қодир бўлмайди. Улар баъзи ҳолларда ўзларини агрессив тутади. Сервис корхонаси ходимлари истеъмолчиларнинг психологик хусусиятини ҳисобга олиб, хизмат кўрсатиш жараёнига ўзгартириш ва қўшимчалар киритиши зарур. Корхона ходимларининг муносабати хизмат кўрсатиш сифатининг асосий элементи ҳисобланади.

Ходимларнинг муомала услуби хизмат кўрсатиш сценарийси ва кўрсатиладиган хизматларга мувофиқ амалга оширилиши керак. Хизмат кўрсатиш бўйича мутахассис яхши хотирага эга бўлиши, аниқ истеъмолчига хизмат кўрсатиш учун зарур бўлган, ўз вақтида ва керакли маълумотларни тўғри етказа олиш лаёқатига эга бўлиши крак. У ўзини назорат қила олиши ва фаолият натижаларини баҳолаши, хизмат кўрсатиш жараёнидаги камчиликларни бартараф этиши ва сифатни камайиш сабабларини оператив тарзда таҳлил қилиши ҳамда тегишли хулосалар чиқариши имкониятига эга бўлиши зарур.

Хизмат кўрсатиш корхонаси контакт зонаси фаолиятнинг тавсифи ва моҳиятига мувофиқ келиши лозим. Масалан, техникани таъмирлаш бўйича хизматлар кўрсатадиган корхонанинг контакт зонаси таъмирлаш бўйича маҳсулотни диагностика қилиш имкониятини берувчи техник воситалар ва асбоб-ускуналар, зарурий маълумотларга эга шахсий компьютерлар, ахборот-коммуникация воситалари билан жиҳозланиши лозим.

**ФОЙДАЛАНИЛГАН АДАБИЁТЛАР РЎЙХАТИ:**


1. Аванесова Г.А. Сервисная деятельность: Историческая и современная практика, предпринимательство, менеджмент: учеб. пособие для студентов вузов / Г.А. Аванесова. – М.: Аспект Пресс, 2004. – 317 с.
2. Ватолкина, Н. Ш. Методы оценки качества услуг: сравнительная характеристика / Н. Ш. Ватолкина // Russian Journal of Management. – 2016. – Т. 4., № 3. – С. 374-382.
3. Ерофеева А.П. Модернизация системы управления персоналом на предприятиях сферы услуг. Диссертация на соискание ученой степени кандидата экономических наук. – Великий Новгород: 2014. – С. 141.
4. Пардаев М.Қ. ва бошқалар. Хизмат кўрсатиш, сервис ва туризм соҳаларини ривожлантириш: муаммолар ва уларнинг ечимлари. Ўқув қўлланма. – Т.: «Иқтисод-молия», 2008. - Б. 133.
5. Управления и организация в сфери услуг: теорие и практика»: Servise menedjment and Operation – 2-е межнарод изд. (пер. с англ. нар. наук ряд. В.В. Кулибановой) / К.Хаксивер, Б.Рендер, Р.С.Рассел, Р.Г.Мердик – СПб и. др: Питер бух. 2002. – С. 496.
6. Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг Олий Мажлисга Мурожаатномаси, 30.12.2020. https://review.uz/oz/post/poslanie-prezidenta-uzbekistana-shavkata-mirziyoyeva-oliy-majlisu
7. Ўзбекистон иқтисодиётининг рақобатдошлигини ошириш муаммолари: назария ва амалиёт/ муаллифлар жамоаси: Р.Алимов, А.Расулев, А.Қодиров ва бошқ. – Т.: Konsauditinform-Nashr. 2006, 14-б.
8. Nasimov D.A. Globalisation and flexible employment in developing countries // International Journal of Economics and Science, Volume 2, Issue 7, 2016. – P. 73-82. (SIS, CGIJ OAJI=0,11).


**УЎК 316:61:368.04**

# ЎЗБЕКИСТОНДА ТИББИЙ СУҒУРТАЛАШ ТИЗИМИНИ ТАКОМИЛЛАШТИРИШ

***Д.А.Баратова, катта ўқитувчи, Тошкент давлат иқтисодиёт университети, Тошкент***

***Аннотация.*** *Ушбу мақолада мамлакатимиз Ўзбекистонда тиббий суғурталаш тизмини такомиллаштириш масалалари ўрганилган. Шунингдек, иқтисодий адабиётларда тиббий суғуртани ўрганган хоржий ва маҳалий олимларининг илмий ишлари ўрганилди ва таҳлил қилинди. Қолаверса, мажбурий тиббий суғуртанинг йиллар кесимида қамраб олиш динамикаси таҳлил қилинди. Муаллиф томонидан Ўзбекистон тиббий суғурталаш тизмини ривожлантириш бўйича хулоса ва таклиф ишлаб чиқилди.*

***Калит сўзлар:*** *тиббий суғурталаш, суғурталаш тизмини такомиллаштириш, мажбурий тиббий суғурта, тиббиёт муассасалари, моддий-техник база.*

***Аннотация.*** *В данной статье рассматриваются вопросы совершенствования системы медицинского страхования в Узбекистане. Также были изучены и проанализированы научные работы зарубежных и отечественных ученых, изучавших медицинское страхование в экономической литературе. Кроме того, проанализирована динамика охвата обязательным медицинским страхованием по годам. Автор сделал вывод и предложение по развитию системы медицинского страхования Узбекистана.*

***Ключевые слова:*** *медицинское страхование, совершенствование системы страхования, обязательное медицинское страхование, медицинские учреждения, материально-техническая база.*

***Abstract.*** *This article examines the issues of improving the medical insurance system in Uzbekistan. Also, scientific works of foreign and domestic scientists who studied medical insurance*

*in economic literature were studied and analyzed. In addition, the dynamics of mandatory health insurance coverage over the years was analyzed. The author made a conclusion and proposal on the development of the medical insurance system of Uzbekistan.*
***Keywords:*** *medical insurance, improving the insurance system, compulsory medical insurance, medical institutions, material and technical base.*

**Кириш.** Жаҳон соғлиқни сақлаш ташкилотининг маълумотига кўра, дунё аҳолисининг деярли ярми энг керакли тиббий хизматлар билан тўлиқ қамраб олинмаган. 800 миллиондан ортиқ аҳоли ёхуд дунё аҳолисининг 12 фоизи даромадларининг камида 10 фоизини соғлиқни сақлаш харажатларига сарфлашади.

Технологик тараққиёт тиббиётдаги оғриқли масалаларни ҳал қилаётган бўлса-да, кўплаб давлатларда қашшоқлик аҳоли саломатлиги даражаси кўтарилишига йўл қўймаяпти. Натижада, очлик ва носоғлом яшаш тарзи миллионлаб одамлар ҳаётини қийинлаштирмоқда. Энг оптимал ечимлардан бири мажбурий тиббий суғуртани жорий қилишдир. Бунда молиявий бақувват бўлмаган аҳолининг барча қатлами ҳам тўлиқ тиббий хизмат билан қамраб олинади. Аммо саноқли ривожланган давлатларгина ушбу суғурта турини амалиётга муваффақиятли киритган. Чунки тизимни йўлга қўйиш учун тиббиёт бутун мамлакат бўйлаб бир хил даражада ривожланган бўлиши талаб этилади, бундан ташқари бир қанча иқтисодий-ижтимоий омиллар тиббий суғуртани амалиётга таништиришга халақит қилади [1].

Тиббий суғурта соҳасида дунё амалиётида асосан икки турдаги тиббий суғурта: ихтиёрий ва мажбурий тиббий суғурта амал қилади. Сўнгги йилларда тиббий хизмат нархлари қимматлашиб кетаётганлиги ҳеч кимга сир эмас. Бундай ҳолатда аҳолининг заиф қатламларида юқори малакали тиббий хизматлардан фойдаланиш учун моддий имконият бўлмай қолиши мумкин. Мажбурий тиббий суғуртанинг асосий мақсадларидан бири ҳам айнан мана шу муаммони бартараф этган ҳолда, тиббий хизматлардан фойдаланишда барчага бир хил имконият яратиб беришдир. Мажбурий тиббий суғурта жорий этилиши тиббий хизмат сифатини ошишига олиб келиб, ўз навбатида фуқароларнинг малакали тиббий хизматдан фойдаланиш ҳуқуқини тўлақонли амалга ошириш имконини беради. Содда қилиб айтганда, фуқаро соғлиғи ёмонлашиб қолган ҳолларда тиббий хизматлар учун бирданига катта миқдордаги маблағни тўлай олмаслик хавфини олдини олиш учун мажбурий тиббий суғуртадан фойдаланилади[2].

Мажбурий тиббий суғурта жорий этилиши тиббий хизматлар нархининг арзонлашишига олиб келиб, фуқароларга бир хил нархда хоҳлаган тиббиёт муассасасида сифатли тиббий хизмат олиш имконини беради. Энг асосийси, фуқароларнинг тиббий хизмат учун «ўз чўнтагидан» (out of pocket payments) тўлайдиган пул миқдори камаяди. Ўз навбатида, мажбурий тиббий суғуртада иштирок этаётган фуқаролар соғлом пайти ҳам тўловлар (суғурта мукофоти) тўлашлари мумкин бўлади.

**Адабиётлар шарҳи.** Иқтисодий адабиётларда тиббий суғуртани таърифлаш, одатда, икки усул билан амалга оширилишини қайд этиш лозим. Маълумки, муаллифлар томонидан тиббий суғурта мажбурий ва ихтиёрий амалга оширилиши қайд этилади. Тиббий суғуртани амалиётини такомиллаштиришда иқтисодчи олимлар томонидан илмий жиҳатдан тадқиқ қилинган ва тегишли илмий-назарий ва амалий хулосалар шакллантирилган.

Федорова Т.А., Махтина Ю.Б. Д Русакова О.И., Шойко С.В., Абашин Н.Н., Евсевлеева М.Н. Лупей Н.А., Степанова С.В. ларнинг хулосасига кўра тиббий суғурта тизими икки томонлама қараладиган ёндашув кўп тарқалган: бир томондан, аҳолини ижтимоий ҳимоялаш давлат тизимининг элементи сифатида, бошқа томондан – ушбу мақсадлар учун бюджетдан ташқари маблағлар ажратилишига қўшимча тарзда, соғлиқни сақлашни молиялаштириш ва тиббий хизматларни тўлаш учун пул маблағларини таъминлашнинг молиявий механизми сифатида шакллантириш[3].

Фикримизча, юқоридаги хулоса кўра, тиббий суғуртанинг ҳам, умуман суғуртанинг ҳам моҳиятини очиб беришга ёндашувлардан бирини яққол акс эттиради: у суғурта фаолиятини

суғурталанган шахсларнинг (аҳолининг) манфаатларини ҳимоя қилиш усули (шакли) сифатида кўриб чиқади.

Модонов А.Ф. фикрларига кўра, тиббий суғурта аҳолини ижтимоий ҳимоялаш усули сифатида кўриб чиқади, тиббий суғуртани кўзда тутилмаган суғурта ҳодисалари каби суғурта дастурига киритилган ҳолда тиббий хизматлар учун кафолатланган ҳақ тўлаш учун мўлжалланган мажбурий бадаллар ҳисобидан пул жамғармаларини шакллантириш жараёнидир, деб таърифлайди. Муаллиф тиббий суғуртанинг иқтисодий моҳиятини очиб беради, унинг фикрича, бадаллар ҳисобидан мақсадли жамғармаларини шакллантиришдан ва уларнинг суғурталанган шахсларнинг соғлиғида юзага келган зарарни қоплаш учун жамланган пул маблағлари ҳисобига кафолатлайди[4].

Фикримизча, юқоридаги хулоса кўра, тиббий бадаллари ҳисобидан шаклланган жамғармадан соғлиғи учун керак бўладиган дори-дармонларни сотиб олишга имконият яратади.

Сахирова Н.П. фикрига кўра, тиббий суғуртани алоҳида мувофиқлаштириш тартиби бўлган шахсий суғуртанинг бир тармоғи деб таърифлайди, унинг мақсади фуқароларга суғурта ҳодисаси юзага келганда тиббий ёрдамдан фойдаланишини кафолатлаш, ҳамда суғурта фондининг йиғилган мақсадли маблағлари ҳисобига тиббий хизмат кўрсатиш харажатларини молиялаштириш ҳисобланади[5].

**Тадқиқот методологияси.** Мақолада илмий мушоҳада, тизимли ёндашув ва индуксия ва дедуксия каби тадқиқот усулларидан фойдлаланилди. Жаҳондаги мавжуд усул ва ёндашувлар таҳлилларига асосланиб, Ўзбекистонда тиббий суғурталаш тизмини такомиллаштириш бўйича таклиф ишлаб чиқилди.

**Таҳлил ва натижалар.** Мажбурий тиббий суғуртани жорий этилиши қуйидаги вазифалар бажарилиши лозим:

1. Соғлиқни сақлаш тизимини молиялаштириш мажбурий тиббий суғуртага мослаштирилиши, яъни давлат томонидан махсус суғурта компанияси (фонд)ни ташкил этиш;

2. Тиббий суғурта компаниялари (фондлари) ва даволаш-профилактика ташкилотлари ўртасида муносабатларни аниқ ҳуқуқий тартибга солиш;

3. Мажбурий тиббий суғурта томонидан қопланадиган тиббий хизматлар рўйхатини шакллантириш;

4. Шифокорлар фуқароларни даволашда ўрнатилган клиник протоколлар ва стандартларга бир хилда амал қилиш;

5. Мажбурий тиббий суғурта жорий этиладиган аҳоли қатламлари ва улар тўлайдиган пул миқдорини аниқ ўрнатиши, шу жумладан имтиёзли аҳоли қатламларини белгилаш;

6. Тиббиёт муассасалари ва тиббий суғурта бозори бошқа иштирокчиларининг электрон ҳужжат алмашинувини жорий этиш;

7. Фуқароларга мажбурий тиббий суғуртанинг афзалликлари бўйича тўғри тушунтириш ишлари олиб бориш.

«Мажбурий тиббий суғуртани жорий этиш бўйича 2019 йилги Давлат дастурининг 160-бандида аниқ вазифалар белгиланган. Унга кўра, Соғлиқни сақлаш вазирлигига 2019 йилнинг 1 июлида Қонунчилик палатасига қонун лойиҳасини тақдим этиши лозим. 2018 йил 7 декабридаги 5590-сонли Президент фармонида мажбурий тиббий суғуртани жорий қилиш бўйича махсус ишчи гуруҳ тузилиши топшириғи берилган. Вазирлик қошида ташкил этилган бўлимда мана 6 ойдан бери қонун лойиҳасини тайёрлаш бўйича ишлар олиб бориляпти. Унда 2021 йилдан бошлаб 2025 йилгача мажбурий тиббий суғуртани босқичма-босқич жорий қилиш кўзда тутилган. Суғурталаш 3 босқичда амалга оширилади:

1. Қисқа муддатда - тайёргарлик босқичи (2019-2021 йиллар);

2. Ўрта муддатли истиқболда-мажбурий тиббий суғуртани жорий этишнинг дастлабки босқичи - давлат ва хусусий ташкилотлар ходимларини суғурталаш (2021-2023 йиллар);

3. Узоқ муддатда-мажбурий тиббий суғуртани кенгайтирилган жорий этиш босқичи – ахолининг барча қатламларини суғурта билан қамраб олиш. (2023-2025й.)




**1-расм. Мажбурий тиббий суғуртанинг йиллар кесимида қамраб олиш динамикаси [6]**

1-расмдан кўриниб турибдики, 2021 йилда мажбурий тиббий суғурта аҳолининг 2.5 % ни қамраб олади. Бу 2023 йилга келиб эса 50% ни қамраб олса, 2025 йилга келиб 100% қамраб олади. Бундан кўриниб турибдики, 2025 йилга келиб мажбурий тиббий суғурта мамлакатимизнинг барча ҳудудларига етиб боради. Аҳолининг ўртача ёш даражаси ҳам бир неча ёшга ортади. Абдуқодировнинг таъкидлашича, қонун лойиҳасини тайёрлашда Жанубий Корея ва Туркия давлатлари ижобий тажрибаси асос қилиб олинди ва уни тайёрлашда маҳаллий (шифокор, суғуртачи, молиячи ва бошқалар)ва ЖССТ экспертлари иштирок этди.

**Хулоса** ўрнида айтиш мумкинки, ушбу тизимни жорий қилишдан олдин тиббиёт муассасаларининг моддий-техник базаси бутун республика бўйлаб бир хил бўлиши керак. Пойтахт фуқароси билан чекка қишлоқ аҳолисига тенг даражада тиббий хизмат кўрсатилиши лозим. Бунга бирдан эришиш бўлмайди ва маълум вақт талаб қилади. Ривожланган давлатларда ҳам мажбурий тиббий суғуртани жорий этиш учун 20-30 йиллаб вақт кетган. Ўзбекистон шароитида яқин йиллар ичида тизим йўлга қўйиладиган бўлса, албатта,бошида камчиликлардан ҳоли бўлмайди. Лекин муҳим жиҳати шуки, мажбурий тиббий суғурта тиббиёт ривожи йўлида қўйилган энг дадил қадам бўлиб қолади. Ўзбекистон тиббий суғурталаш тизмини ривожлантириш бўйича хулоса ва таклиф ишлаб чиқилдик:

- бир ой муддатда тиббий суғурта тизимини жорий этиш бўйича қарор ишлаб чиқиш зарур;
- Пойтахтда тиббий суғурта тизими механизмлари жорий этилади тиббиёт муассасалари тўлиқ рақамлаштирилади;
- ҳар бир бемор қачон, қаерда ва қандай даволаниши ҳақида аниқ маълумотга эга бўлиши зарур.

**ФОЙДАЛАНИЛГАН АДАБИЁТЛАР РЎЙХАТИ:**

1. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2022 йил 28 январдаги "2022-2026 йилларга мўлжалланган янги Ўзбекистоннинг Тараққиёт стратегияси тўғрисида"ги ПФ-60-сон фармони. https://lex.uz/uz/docs/5841063.
2. Страхование: учебник / под ред. Т.А. Федоровой. - 2-е изд., перераб. и доп. - М.: Экономистъ, 2005. С. 340.
3. Махтина Ю.Б. Некоторые подходы к определению сущности ОМС. // Страховое дело. 2003. № 2. С. 19.
4. Медицинское страхование:/ Русакова О.И., Шойко СВ., Абашин Н.Н., Евсевлеева М.Н., Махтина Ю.Б. Учеб.пособие. - Иркутское медицинское издательство, 2003. С. 33-34.
5. Лупей Н.А., Степанова СВ. Социальное страхование в России: состояние и проблемы. // Финансовый менеджмент. 2002. № 5. С. 138.
6. Модонов А.Ф. Развитие обязательного медицинского страхования в регионе: Диссертация на соискание ученой степени кандидата экономических наук: 08.00.10. - Иркутск: 2002. С 20.

УЎК: 334:722.1:55

# КИЧИК БИЗНЕС ВА ХУСУСИЙ ТАДБИРКОРЛИКНИ БАРҚАРОР РИВОЖЛАНТИРИШНИНГ АСОСИЙ ЙЎНАЛИШЛАРИ

***М.А.Бекмирзаев, PhD, доц., Наманган муҳандислик-технология институти, Наманган***
***М.Ғ.Исмаилжонов, магистрант, Наманган муҳандислик-технология институти, Наманган***

***Аннотация**. Мазкур мақолада қулай ишбилармонлик муҳитини шакллантириш, кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни ривожлантириш борасида амалга оширилаётган ижобий ишлар, кичик бизнеснинг бугунги кундаги ҳолати ҳамда келгусида уни барқарор ривожлантириш истиқболлари ҳақида баён қилинган.*

***Калит сўзлар:** иқтисодиёт, бизнес, кичик бизнес, тадбиркорлик, барқарор, инновация, ишлаб чиқариш, истиқбол.*

***Аннотация.** В данной статье рассказывается о проводимой положительной работе по созданию благоприятной деловой среды, развитию малого бизнеса и частного предпринимательства, текущем состоянии малого бизнеса и перспективах его устойчивого развития в будущем.*

***Ключевые слова:** экономика, бизнес, малый бизнес, предпринимательство, устойчивое развитие, инновации, производство, перспектива.*

***Abstract.** This article describes the positive work being done to create a favorable business environment, the development of small business and private entrepreneurship, the current state of small business and the prospects for its sustainable development in the future.*

***Keywords:** economy, business, small business, entrepreneurship, sustainable, innovation, production, perspective.*

**Кириш.** Мустақиллик йилларида Ўзбекистон Республикасида иқтисодиётни либераллаштириш, бошқарувнинг замонавий тамойиллари ва механизмларини жорий этиш, қулай ишбилармонлик муҳитини шакллантириш, кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни ривожлантириш йўлидаги ортиқча тўсиқ ва ғовларни бартараф этиш борасида бир қатор ижобий ишлар амалга оширилмоқда.

Кейинги йилларда хусусий мулк мавқеини ошириш ва уни ҳимоя қилиш, ишбилармонлик муҳити ва бизнес юритиш шароитларини янада яхшилашга қаратилган Ўзбекистон Республикасининг ўн бешдан ортиқ қонунларини, жумладан, “Хусусий мулкни ҳимоя қилиш ва мулкдорлар ҳуқуқларининг кафолатлари тўғрисида”, “Тадбиркорлик фаолияти эркинлигининг кафолатлари тўғрисида”, “Тадбиркорлик соҳасида рухсат бериш тартиб-таомиллари тўғрисида” ва бошқа қонунлар қабул қилинди. Мазкур қонун хужжатларига мувофиқ, тадбиркорлик фаолиятини юритиш учун зарур рухсат бериш тартиблари рўйхати ва турлари изчил равишда қисқартирилди. Юқоридаги қабул қилинган қонун ва меъёрий ҳужжатлар асосида тадбиркорликнинг миллий анъана ва урф-одатларимизга тўла мос келадиган янги шаклларини ривожлантириш учун кенг шарт-шароитлар яратилди.

Шу мақсадда қабул қилинган Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Хусусий мулк, кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни ишончли ҳимоя қилишни таъминлаш, уларни жадал ривожлантириш йўлидаги тўсиқларни бартараф этиш чора-тадбирлари тўғрисида”ги Фармони хусусий тадбиркорликнинг иқтисодиётдаги роли ва ўрнини тубдан ошириш, тадбиркорлик фаолиятини ташкил этиш йўлидаги мавжуд тўсиқ ва чекловларни тугатиш, хусусий мулкни ялпи ички маҳсулотда, жумладан хориж сармояси иштирокидаги улушини изчил ошириш учун янада қулай иқтисодий, ҳуқуқий шарт-шароит ва рағбатлар яратишга қаратилган.

**Мавзуга оид адабиётлар таҳлили.** Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни ривожлантиришнинг назарий ва услубий асослари ҳамда уларни такомиллаштириш масалалари хорижий иқтисодчи олимлар А.Смит., Р.Кантильон., Ж.Б.Сей., А.Хоскин.,

Й.Шумпетер., В.М.Власова, С.Ф.Борисов, В.В.Радаев, А.Г.Гранберг, В.Г.Гутман ва бошқаларнинг асарларида ёритилган.

Ўзбекистонда ва унинг минтақаларида кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни ривожлантиришнинг назарий жиҳатлари ва айрим минтақавий хусусиятлари иқтисодчи олимларимиз Ш.Ш.Шодмонов, Т.Т.Жураев, Т.М.Ахмедов, О.А.Абдуллаев, Қ.Муфтайдинов, Х.Айбешов, А.А.Қулматов, Н.К.Мурадоваларнинг илмий ишларида тадқиқ этилган.

**Тадқиқот методологияси.** Тадқиқотда кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектларини барқарор ривожлантириш, унга таъсир этувчи омилларни аниқлаш, кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектларининг барқарор иқтисодий ривожланишининг ижтимоий-иқтисодий ҳолатини таҳлил қилиш, кичик бизнес субъектларининг барқарор ривожлантиришнинг асосий йўналишларини белгилаш ва илмий жиҳатдан асослаш, ташкилий-иқтисодий ва ҳуқуқий механизмлардан фойдаланиш йўлларини ишлаб чиқиш мақсадга мувофиқдир.

**Таҳлил ва натижалар.** Президентимиз Шавкат Мирзиёевнинг 2022 йил 20 декабрдаги Олий Мажлис ва Ўзбекистон халқига Мурожаатномасида қуйидагиларни алоҳида таъкидлаб ўтдилар: “ ... Жаҳонда мураккаб геосиёсий вазият, энергия ресурслари танқислиги кучайиб бормоқда, озиқ-овқатга эҳтиёж ортиб, молиявий ресурслар қимматлашмоқда. Бундай вазиятда, қанчалик оғир бўлмасин, иқтисодий ислоҳотларни қатъий давом эттирамиз, ички имкониятларни тўлиқ сафарбар қилиб, хусусий секторни янада қўллаб-кувватлаймиз. Бунинг учун, энг аввало, тадбиркорлик муҳитини тобора яхшилаш бўйича ислоҳотларни жадаллаштирамиз” [1].

Наманган вилояти ўзининг географик ўрни ва мавжуд шарт-шароитларидан келиб чиққан ҳолда, кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни ривожлантириш учун қулай имкониятларга эга минтақа ҳисобланади. Вилоятда хусусий мулкни ва хусусий тадбиркорликни ривожлантириш ва уларга ҳар томонлама эркинлик бериш бўйича чора-тадбирлар амалга оширилмоқда. Иқтисодиётга кичик бизнес субъектларини ўрни ва улуши муттасил ортиб бормоқда.

Наманган вилоятида 2021 йил 1 январь ҳолатига давлат рўйхатидан ўтган юридик шахс мақомига эга бўлган 22034 та кичик тадбиркорлик субъектлари мавжуд бўлган бўлса, 2022 йил 1 январга келиб уларнинг сони 27314 тага етди. Ўтган бир йил давомида вилоятда 6220 та кичик тадбиркорлик субъектлари ташкил этилиб, 940 та кичик корхонанинг фаолияти тугатилган [2].

Бугунги кунда вилоятда 2022 йил 1 январь ҳолатига, иқтисодиёт тармоқларида ишлаб чиқарилган ялпи ҳудудий маҳсулотда кичик бизнеснинг улуши 73,5 фоизни ташкил этмоқда. Хусусан, бу кўрсаткич саноатда 49,2 фоизни, қурилиш тармоғида 93,5 фоизни ташкил қилган (1-жадвал).

**1-жадвал**

**Наманган вилоятида кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликнинг улуши**

*(умумий ҳажмга нисбатан %да)*

*2022 йил 1 январь ҳолатига*

| Йиллар | ЯҲМ даги улуши | Саноат | Қурилиш | Бандлик |
|---|---|---|---|---|
| 2010 | 76,0 | 42,6 | 84,6 | 78,7 |
| 2011 | 78,7 | 44,9 | 86,2 | 80,2 |
| 2012 | 78,4 | 48,6 | 85,8 | 80,7 |
| 2013 | 79,5 | 50,9 | 92,4 | 81,7 |
| 2014 | 79,7 | 59,9 | 94,2 | 83,0 |
| 2015 | 77,5 | 62,0 | 94,6 | 83,3 |
| 2016 | 78,6 | 69,4 | 95,1 | 83,3 |
| 2017 | 79,6 | 72,6 | 92,4 | 83,5 |
| 2018 | 79,6 | 72,0 | 91,8 | 83,0 |
| 2019 | 75,0 | 56,7 | 95,4 | 83,0 |
| 2020 | 73,7 | 50,0 | 91,3 | 82,0 |
| 2021 | 73,5 | 49,2 | 93,5 | 81,7 |

Умуман олганда, кичик бизнесни жадал ривожлантириш барқарор иқтисодий ривожланишнинг муҳим стратегик вазифаси, мамлакат ялпи ички маҳсулотини

шакллантиришнинг асосий бўғини, аҳолини иш билан таъминлаш ва унинг даромадлари манбаи, миллий фаровонликни таъминлашнинг асосий омилларидан бири ҳисобланади.

Юқоридагилардан кўриниб турибдики, мамлакатимизда, жумладан, вилоятимизда тадбиркорликни ривожлантириш борасида эришилган ютуқлар талайгина, натижалар салмоқли. Бу борадаги ишлар кўлами жорий йилда ҳам янада кенгайтирилади.

Савдо-саноат палатаси вилоят ҳудудий бошқармаси ўз фаолияти давомида тадбиркорликни янада ривожлантириш учун қулай шарт-шароитлар яратиш ва бизнес муҳитини такомиллаштириш борасида бир қанча ишларни амалга ошириб келмоқда, жумладан;

Вилоят тадбиркорларини хорижий шериклар билан ишбилармонлик алоқаларини мустаҳкамлаш;

Маҳаллий товарлар ва хизматларни ташқи бозорга олиб чиқишга кўмаклашиш;

Мавжуд ишлаб чиқаришни техник қайта жиҳозлаш ва замонавийлаштириш мақсадида чет элдан технологияларни жалб этиш;

Тадбиркорлик субъектлари ва палата аъзоларининг манфаатларини ифода этиш ва ҳуқуқларини ҳимоя қилиш йўналишлари бўйича мунтазам ишлар амалга оширилиб келмоқда.

Шунингдек савдо саноат палатаси ташаббуси билан кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектлари фаолиятини янада ривожлантириш уларни қўллаб-қувватлаш борасида қабул қилинаётган қонун-ҳужжатлари мазмун моҳиятини кенг тарғиб этиш, тадбиркорлик субъектларининг ҳуқуқий ва иқтисодий билимларини оширишга кўмаклашиш мақсадида семинарлар, учрашувлар ва давра суҳбатлари ташкил этилиб, уларда тадбиркорлик субъектлари вакиллари иштирок этмоқдалар. Шу жумладан жойларда аёллар ва ёшлар тадбиркорлигини қўллаб-қувватлаш борасида бир қатор амалий ўқув семинарлари ташкил этилмоқда.

Кўриниб турибдики, мамлакатимизда фаолият кўрсатаётган кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик корхоналари нафақат иқтисодий масалалар билан чегараланмай жамиятдаги ижтимоий муаммоларни ҳал қилишда ҳам фаол иштирок этмоқда. Маориф, соғлиқни сақлаш, экологик масалаларини кўзлаб сармоялар ажратиш ва сарфлаш, шунингдек кам таъминланган табақаларни қўллаб-қувватлаш каби ҳайрли ишлар кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектлари эътиборидан четда эмас.

Умуман, тадбиркорликни молиявий қўллаб-қувватлаш борасидаги ишларни давом эттириш мақсадида оилавий тадбиркорлик дастурлари доирасида жорий йилда 6 триллион сўм имтиёзли кредитлар ажратилади. Шунингдек, Ҳукумат томонидан Жаҳон банки билан биргаликда бошланган қишлоқларда тадбиркорликни ривожлантириш дастурини кенгайтириш учун қўшимча 100 миллион доллар йўналтирилди.

Тадбиркорлик фаолияти билан боғлиқ 5 мингга яқин меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатлар қайта кўриб чиқилиб, уларнинг сони қисқартирилади ҳамда энг муҳими "Тадбиркорлик кодекси" ишлаб чиқилмоқда.

**Хулоса ва таклифлар.** Юқорида келтирилган фикр-мулоҳазалардан келиб чиқиб, кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни ривожлантиришнинг асосий йўналишлари сифатида қуйидагиларни келтириб ўтиш ўринлидир:

- Энг аввало, аҳолининг молиявий-тадбиркорлик бўйича саводхонлигини ошириш, иқтисодий билим ва кўникмаларини янада кенгайтириш;
- аҳолини кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик фаолиятига кенг жалб қилиш, эркин рақобат муҳитини яратиш, хусусий мулкчиликни ҳимоя қилиш;
- аҳоли бандлигини таъминлаш йўналишида доимий иш ўрнини қайта тиклаш, янги иш ўринларини яратиш;
- аҳолининг шахсий томорқа хўжаликлари фаолиятини янада ривожлантириш, ерлардан унумли фойдаланиш;
- саноат тармоқларида кооперацияни ривожлантириш ва тармоқнинг рақобатбардошлигини ошириш, ишлаб чиқариш яхлит занжирини яратиш;

- экспорт салоҳиятини ошириш ва валюта тушумларини таъминлаш, бу борада экспортёр корхоналарга кўмаклашиш фаолиятини жадаллаштириш ва бошқалар.

Хулоса қилиб айтганда, белгиланган устувор йўналишлар бўйича комплекс чора-тадбирларни сифатли ва ўз вақтида амалга оширилиши натижасида, мамлакат иқтисодиётининг муҳим бўлаги бўлган тадбиркорликни барқарор ривожланишини таъминланишига ва кейинги йилларда ҳам иқтисодий ўсиш суръатларини янада жадаллашиб боришига замин яратилади.

**ФОЙДАЛАНИЛГАН АДАБИЁТЛАР РЎЙХАТИ:**

1. Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг Олий Мажлис ва Ўзбекистон халқига Мурожаатномаси. 2022 йил 20 декабрь. https://president.uz/uz/lists/view/5774

2. Наманган вилояти статистика бошқармаси маълумотлари. http://namstat.uz

**УЎК 330**

## НЕФТ ҚАЗИБ ОЛИШНИНГ СЎНГГИ БОСҚИЧИДА ҚУДУҚЛАРДАН НЕФТ ЎЗЛАШТИРИШНИ ОШИРИШ СЦЕНАРИЙСИ ВА БАШОРАТИ

***З.Ш.Бобожонова, докторант, Тошкент Давлат Техника Университети, Тошкент***

***Аннотация.*** *Мазкур мақолада нефт ва газ саноати хомаше базасини ошириш мақсадида таклиф этилган сценарий ҳамда алгоритм асосида мамлакат захирасини салмоқли ошириш моделини истиқболини аниқлаш ва иқтисодий асослашга қаратилган.*

***Калит сўзлар:*** *нефт ва газ иқтисодиёти, хомаше базасини ошириш, нефт захирасини ошириш прогрози ва самарадорлиги.*

***Аннотация.*** *В данной статье нефтегазовая отрасль направлена на определение перспектив и экономического обоснования модели значительного увеличения запасов страны на основе предложенного сценария и алгоритма с целью увеличения сырьевой базы.*

***Ключевые слова:*** *нефтегазовая экономика, увеличение сырьевой базы, прогресс и эффективность увеличения запасов нефти.*

***Abstract.*** *In this article, the oil and gas industry is aimed at determining the prospects and economic justification of the model of a significant increase in the country's reserve based on the proposed scenario and algorithm in order to increase the raw material base.*

***Keywords:*** *oil and gas economy, increase the base of raw materials, progress and efficiency of increasing the oil reserve.*

Ўзбекистонда газ қазиб олиш сезиларли даражада ошди, аммо уларнинг юқоридаги бобларда тадқиқ ва таҳлил қилганимиздек қатор ечимга муҳтож жиҳатлари мавжуд. Мазкур муаммоларнинг барчаси ечимга эга, бир жиҳатдан уларнинг самарали ечим топиши учун вақт омилининг ҳам ўрни бор. Замонавий технологик ва экологик меъзонларга жавоб бермайдиган эскирган технологияларни қўллашни бевосита таъқиқлаш, нефт истеъмолининг яқин йиллар ичида эскирган ўзбек НҚИЗ кам утилизация қилинганлиги сабабли маҳаллий ёқилғи ишлаб чиқариш ҳажмининг камайиши ҳисобига ўсиши, нефтни қайта ишлашнинг маржаси сезиларли эмаслиги сабабли, нефтни қайта ишловчи тармоқнинг тўлиқ қувватда ишлаш даражаси келгуси йилларда аста-секин камайиб боришига стратегик ривожлантириш жиҳатидан қараб бўлмайди. Замонавий нефт ва газ корхоналарининг «стратегик ривожланган авлоди»ни яратиш учун авваламбор, ноэкологик бўлсада, эскирган технологиялардан ва хомашёдан фойдаланиб туришга мажбурмиз. Мамлакатда газ қазиб олишнинг ўсиши 2031 йилгача давом этиши кутилмоқда, аммо пастроқ суръатларда (1-расм).




**1-расм. Ўзбекистонда нефт маҳсулотларини ишлаб чиқариш динамикаси (млн.тонна/йилига)**

Нефт ва газни қайта ишлаш орқали хомашё базадан фойдаланишнинг стратегик тизимини ишлаб чиқариш Қандим, Ҳисор конлари ва Устюртдаги янги корхоналарнинг ишга туширилиши орқали таъминланди. Шунингдек, ишлаб чиқариш ҳажми 2021 йилда 2, 2 миллиард АҚШ доллари миқдорида ўсиши кутилмоқда ва қурилиши мумкин бўлган қўшимча янги GTL заводлари ҳисобидан ҳам кутилмоқда. (2-расм)




**2-Расм. Ўзбекистон нефт ва газ захиралари прогнози**

Нефт ва газ конларида пласт босимини камайтириш тенденцияси кузатилмоқда, бу нафақат ривожланишга, балки қўллаб-қувватлаш учун қўшимча капитал қуйилмаларини талаб қиладиган ишлаб чиқариш жадаллиги ҳисобига юзага келган. Ўзбекистоннинг нефт-газ сектори тартибга солинадиган бозор ҳолатида турибди, ривожланган нефт ва газ бозорига ўтиш учун қиймат яратиш занжири тизимини қайта қуриш ва қонунчиликка ўзгартиш киритиш, халқаро иштирокчилар сонини кўпайтириш талаб этилади.

2027 йилга келиб, йилига нефт истеъмоли ўртача 0,5%га ўсиши тахмин қилинмоқда. (3-расм) Бунда Россия, Жанубий Корея ва ХХРнинг йирик хорижий компаниялари табиий газ қазиб олишда иштирок этади, бироқ «Лукойл» мамлакатдаги асосий хорижий инвестор ҳисобланади. Корхоналарга электр энергиясини мавжуд эҳтиёждан ташқари ишлаб чиқаришга имкон бериш мақсадида энергетика ва транспорт инфратузилмасини модернизация қилиш, нефт-газ соҳасида кадрлар тайёрлаш марказлари сони ва сифатини ошириш, хорижий мамлакатларда ходимларни ўқитиш, компаниянинг юқори ва ўрта бошқарувчиларини қайта тайёрлаш, ёлланма менежерларни таклиф қилиш орқали «Ўзбекнефтгаз» АЖ фаолиятини қайта ташкил этиш, бошқарув ходимларига маслаҳатлар бериш нефтни қайта ишлашни чуқурлаштириш технологик мажмуаларини такомиллаштиришга ва мақсадли маҳсулотлар бирлигига нефт истеъмоли улушини камайтиришга, замонавий технологияларни жорий этишга йўналтирилган нефтни қайта ишлаш заводларининг қайта қурилиши ва модернизациясини амалга оширишга асос бўлиб хизмат қилади.

Бурғулаш жараёни бошқаруви самарадорлигини мақбуллаштириш нефт ва газ саноати хомашё базасининг захирасини оширишга таъсир қилади. Мазкур ҳолат юзасидан вазифаларни бажаришда 2-расмда мамлакатдаги нефт ва газ саноатини корхоналарини 2035 йилга қадар стратегик ривожлантиришнинг Концепциясининг матрицали сценарийси (вертикал ва горизонтал интеграция асосида) да келтирилган.

Ҳар бир матрицанинг алгоритмик динамикасида бажариладиган ишларнинг тармоқнинг танланма соҳаси, йўналиши 1 рақами билан белгиланган. 2 рақами остида эса 1 ни ривожлантришда хизмат қилувчи вазифанинг бош мезони, 3;4;5 ларда эса уларнинг амалга оширилишида хизмат қилувчи функционаллик ҳаракатлантириш циклик юзага келади.

4-расмда Унинг матрицали тизими қуйидаги кетма-кетликда тизимлаштирилган: 1 рақам остида фақатгина бош соҳалар нефт ва газни қазиб олиш,уни қайта ишлаш, ташиш ва сақлаш,

сотиш, экологик хавфсизликни таъминлаш танланган. Уларни функционаллаштиришда ташкил этиш, ҳуқуқий меъёрлаштириш вазифаси, молиявий фаолиятни мустаҳкамлашдаги вазифалар ҳамда техник иқтисодий вазифалар жойлашган. Бунда вазифалар рақамлар билан матрицадаги тартибда олиб борилади. Қайта ташкил этишда унинг қаторида жойлашган барча ишлар вертикал ва горизонтал интеграция асосида юритилади: ҳуқуқий жиҳатдан саноатда фойдасиз ва самарасиз ташкилотларни хусусийлаштириш, утилизация технологияларини, жараённи рағбатлантиришда қонуний чекловларни жорий қилиш, йўлдош газ ҳажмини камайтириш (нефт ва газни қайта ишлашда), молиявий жиҳатдан буғ-газ ускуналарини иқтисодий чоралар ёрдамида эксплуатация ва модернизация қилиш (нефт ва газни қазиб олишда), «Лукойл» каби халқаро нефт ва газ компаниялари томонидан амалга оширилаётган инвестицион лойиҳалар (нефт ва газни қайта ишлаш).




**4-расм. Корхоналарнинг стратегик ривожлантиришнинг матрицали сценарийси (вертикал ва горизонтал интеграция асосида) алгоритми**




**5-расм. Нефт ва газ саноати хомашё базасини меди-терм акселератив стратегик ривожлантириш сценарийси**

Шу йўсинда матрицалар вертикал ва горизонтал ҳолатда омилли, функционал ва алгоритмик кесишаверишади. Уларда асосан бажариладиган бош вазифаларини йўлдош бошқаришдаги фаолияти х/+/х/* дек харакат қилади. Шунингдек, бажарилиши керак тадбирлар акс эттирилади. Мисол учун Қандимнинг ишга туширилиши «саноатни ривожлантириш, барқарорлигини сақлаб қолиш, иқтисодий асоссиз лойиҳаларни тарк этиш»нинг ташкилий функциясидир.

Нефт ва газ саноати хомашё базасини меди-терм акселератив стратегик сценарийси узоқ муддатли стратегик ривожлантириш сценарийсининг бажарилишида асос бўлиб хизмат қилувчи стратегик режа, муқобил ечимлар танлови ҳамда фаоллаштириш элементлари сифатида намоён бўлади.

Мазкур сценарийни тузишда қуйидаги қуйидаги техник иқтисодий кўрсаткичлар прогнозлаштирилди:

2026 йилга қадар нефт ва газ захираларининг қазиб олиш 50% дан кўпроқ вертикал бурғулаш дастгоҳи билан бурғуланса, ўсиш суръати 1,008% ни ташкил этади. Телеметрик тизим асосида горинзонтал бурғулаш ишларининг қазиб олишда 50% дан ортиқ қудуқларга сафарбар этилса ўсиш суръати 1,014% ташкил этади. Стратегик ривожлантириш сценарийга биноан иш олиб борилса, рақамлашатриш технологиялари ва JORC захираларни баҳолаш бюросига аъзо бўлиш натижасида нефт ва газ корхоналаранинг инвестицион жозибадорлиги ошади, таваккалчилик коэффициенти тобора пасайиб, ижтимоий ва иқтисодий жиҳатдан корхона соғлошлаштирилади. Инвестицион фаолиятга жалб этилса, ўзини молиялатириш тизимини стратегик ривожлантириш қобилиятигига эга. Нефт ва газ хомашёсини диверсификацион тизимини экологиялаштириш жаҳон бозорида эркин ҳаракат қилиш имконини яратиб беради.




| | 2017 | 2018 | 2019 | 2020 | 2021 | 2022 | 2023 | 2024 | 2025 | 2026 |
|---|---|---|---|---|---|---|---|---|---|---|
| Захираларни қазиб олиш коэффициенти (вертикал бурғулаш) | 0,64 | 0,68 | 0,69 | 0,69 | 0,77 | 0,79 | 0,80 | 0,79 | 0,79 | 0,80 |
| Захираларни қазиб олиш коэффициенти ("Fishbone" технологияси асосида бурғулаш) | 0,74 | 0,79 | 0,81 | 0,81 | 0,81 | 0,81 | 0,82 | 0,82 | 0,82 | 0,83 |
| Захираларни қазиб олиш коэффициенти (горизонтал бурғулаш) | | | | | 1,02 | 1,04 | 1,05 | 1,05 | 1,05 | 1,05 |
| Захираларнинг ҳаётийлик индекси | 0,39 | 0,44 | 0,45 | 0,45 | 0,49 | 0,50 | 0,51 | 0,51 | 0,51 | 0,52 |
| Захираларни бойитиш коэффициенти | 0,34 | 0,32 | 0,32 | 0,33 | 0,33 | 0,32 | 0,33 | 0,34 | 0,34 | 0,33 |
| Захираларнинг молиявий жиҳатдан оқланилиши | 0,52 | 0,54 | 0,55 | 0,51 | 0,52 | 0,52 | 0,55 | 0,55 | 0,55 | 0,55 |

**6-расм. Нефт ва газ саноатида ресурсларнинг захирасини баҳолаш прогнози**

Захираларнинг ҳаётийлик цикли 0,03 ўсиш суратига эга бўлади. Сўнгги йилларда нефт ва газ захиралари пасайиши кузатилган эди. Бу прогноз юқорида келтирилган таклифларни амалиётга тадбиқ этишда кўрсатадиган натижаси саналади. Захираларнинг ҳаётийлик коэффициенти ўсиб боради ва захираларни бойитиш коэффициенти эса деярли ўзгаришсиз қолади. Шу боис, захираларни бойитишга доир дастурлар ва лойиҳалар ишлаб чиқиш талаб этилади. Захираларнинг молиявий жиҳатдан оқланиши коэффициенти 2023 йилдан бошлаб ўсиш суръатига эга бўлади. Аммо захиралар бойитилмаса бу кўрсаткичлар пастлаб кетади ва

ўзини оқламаслиги мумкин. Нефт ва газни ташиш ва сақлашда сценарий асосида юритилиши орқали 1 корхонанинг техник базасини янгилишнинг 0,37 коэффициентни ташкил этади.

**ФОЙДАЛАНИЛГАН АДАБИЁТЛАР РЎЙХАТИ:**


1. Тарахтиева Г.К. Способы транспортировки нефти и газа //Академические исследования в области педагогических наук. – 2022. – Т. 3. – №. 1. – С. 1004-1008.
2. Тарахтиева Г.К. Оценка инновационного проекта на основе бочевого метода. – 2022.
3. Alisherovna M. K. Attracting investment to regions-An important factor of development //Asian Journal of Research in Banking and Finance. – 2022. – Т. 12. – №. 3. – С. 10-13.
4. Alisherovna M. K. Use of communication networks in the optimization of investment project work //TRANS Asian Journal of Marketing & Management Research. – 2022. – Т. 11. – №. 5and6. – С. 49-52.
5. Абдуллаева Д. Олтин қазиб олиш корхоналарининг ташкилий-иқтисодий механизмини такомиллаштиришнинг жаҳон тажрибаси. «Бизнес ва эксперт» илмий журнали.2022 йил 4-сон, 27-31 бетлар.
6. Бобожонова З. Ш., Абдуллаева Д. Инновационное развитие промышленного производства, основанного на синергетическом принципе //Проблемы современной науки и образования. – 2016. – №. 36 (78). – С. 64-66.


**УЎК 338.439.053(476)**

# МЕВА – САБЗАВОТ ЕТИШТИРИШ ВА ЭКСПОРТ ҚИЛИШДА ХОРИЖ ТАЖРИБАСИ

***О.А.Жўраев, таянч докторант, Термиз давлат университети, Термиз***

***Аннотация.*** *Мақолада мева-сабзавот етиштириш ва экспорт қилишда этакчи давлатлар таҳлил қилинган. Аҳолини мева - сабзавот маҳсулотлари билан таъминлашнинг аграр салоҳият даражасига қараб қандай ёндашувларга ажратиш ўрганилган.*

***Калит сўзлар:*** *аграр салоҳият, ишлаб чиқарувчилар, протекционизм, экспортга йўналтирилганлик, оралиқ ёндашув, Экспорт, бозор, қишлоқ хўжалиги, маҳсулотлар, рақобат, минтақа.*

***Аннотация.*** *В статье проанализированы страны-лидеры по производству и экспорту фруктов и овощей. Изучено, как разделить население по способам обеспечения плодоовощной продукцией в зависимости от уровня аграрного потенциала.*

***Ключевые слова:*** *аграрный потенциал, производители, протекционизм, экспортоориентированность, промежуточный подход, Экспорт, рынок, сельское хозяйство, продукция, конкуренция, регион.*

***Abstract.*** *The article analyzes the leading countries in the production and export of fruits and vegetables. It has been studied how to divide the population into different approaches depending on the level of agrarian potential of providing fruit and vegetable products.*

***Key words:*** *agricultural potential, producers, protectionism, export orientation, intermediate approach, Export, market, agriculture, products, competition, region.*

**Кириш.** Янгиланаётган Ўзбекистон учун мева – сабзавот етиштириш, қайта ишлаш ва экспорт қилишни самарали қўллаб-қувватлаш энг муҳим масалалардан бири ҳисобланади. Бизга маълумки ҳар қандай инновацион фаолият давлат томонидан қўллаб-қувватлаш ва рағбатлантиришни талаб этади. Бугунги кунда мева – сабзавот етиштириш ва экспорт қилишда ривожланган мамлакатларда мева – сабзавот етиштириш, қайта ишлаш ва экспорт қилишни қўллаб-қувватлашнинг йўллари, усуллари ва манбалари ишлаб чиқилган.

Хитой, Ҳиндистон, Бразилия, АҚШ, Испания, Мексика, Италия, Индонезия, Эрон, Туркия каби давлатларда мева – сабзавот етиштириш, қайта ишлаш ва экспорт қилишни ва уни инновацион ривожлантиришда давлатнинг фаол иштирокига алоҳида эътибор қаратиб келинмоқда. Ривожланган давлатларда тўпланган тажрибадан кўриш мумкинки, мева – сабзавот етиштириш, қайта ишлаш ва экспорт қилишни қўллаб-қувватлаш бўйича давлат сиёсати иқтисодиётни ижтимоий-иқтисодий ривожлантиришнинг устувор йўналишларидан бири ҳисобланади. Унинг асосий мақсади иқтисодий жиҳатдан барқарор бўлган мева – сабзавот етиштириш, қайта ишлаш ва экспорт қилишни ривожлантириш учун қулай шарт-шароитлар яратишдан иборат. Бунда инновацион ва ижтимоий жавобгарликни бўйнига оладиган мева – сабзавот кластерларини қўллаб-қувватлашга алоҳида эътибор қаратилади.

**Мавзуга оид адабиётлар таҳлили**

Мазкур соҳани тадқиқ қилишда хорижлик олимлар Т.В.Ускова, Р.Й.Селименков, А.Н.Анишенко ва А.Н.Чекавинскийлар[1] дунёда аҳолини мева - сабзавот маҳсулотлари билан таъминлашнинг аграр салоҳият даражасига қараб учта ёндашувга ажратган.

Булар протекционизм, экспортга йўналтирилган ва оралиқ ёндашувлардир(1-расм)[1].




**1-расм. Протекционизм, экспортга йўналтирилган ва оралиқ ёндашувлар**

Таҳлиллар натижасига кўра, минтақада аҳолини мева-сабзавот маҳсулотлари билан таъминлашнинг протекционизм ёндашувининг энг таниқли вакиллари - Япония ва Норвегия, экспортга йўналтирилганники эса - Америка Қўшма Штатлари(АҚШ)дир. Дунёнинг деярли барча давлатлари (масалан, Европа Иттифоқи давлатлари) аҳолини мева – сабзавот маҳсулотлари билан таъминлаш учун оралиқ ёндашувни амалда қўллайди. Бу ёндашувда протекционизм ва экспортга йўналтирилган ёндашувларнинг баъзи унсурлари мавжуд бўлиб, улар орқали оралиқ ёндашувни кузатиб боради. Протекционизм ва экспортга йўналтирилган ёндашувларнинг асосий фарқи, мева-сабзавот ишлаб чиқариши учун давлат томонидан қўллаб-қувватлашнинг улуши жуда юқори. Мисол учун, Япония ва Норвегияда қишлоқ хўжалигини давлат томонидан қўллаб қувватлаш даражаси дунё кўрсаткичлардан юқоридир[3].

2022 - йилги энг яхши мева-сабзавот етиштирувчи 10 та мамлакат рўйҳатини келтириб ўтамиз (1-жадвал)[3].

**1-жадвал**

**Мамлакатлар ва уларни мева-сабзавот етиштириш ҳажми**

| № | Мамлакат | Мева-сабзавот ишлаб чиқариш ҳажми |
|---|---|---|
| 1 | Хитой | 242,793 млн т |
| 2 | Ҳиндистон | 105,97 млн т |
| 3 | Бразилия | 39,758 млн т |
| 4 | Туркия | 24,153 млн т |
| 5 | Мексика | 23,837 млн т |
| 6 | АҚШ | 23,747 млн т |
| 7 | Индонезия | 22,743 млн т |
| 8 | Испания | 19,471 млн т |
| 9 | Эрон | 18,963 млн т |
| 10 | Италия | 17,828 млн т |

**Таҳлил ва натижалар.** Бугунги мева – сабзавот етиштириш, қайта ишлаш экспорт қилишни қўллаб-қувватлаш йўллари, усуллари ҳамда манбалари ишлаб чиқилган давлатларга тўхталиб ўтамиз. Сўнги 40 йил давомида амалга оширилган ислоҳотлардан сўнг Хитойнинг мева – сабзавот ишлаб чиқариш ва қайта ишлаш соҳасидаги ислоҳоти мева – сабзавот маҳсулотлари савдосининг тез ўсишига олиб келди. Энг муҳими, у Хитойда юқори ўсиш ва иқтисодий қайта қуришни бошлади ва 1980-йилларнинг биринчи беш йилида иқтисодиётнинг тез ўсиши жуда муҳим эди. Хитойнинг мева – сабзавот ишлаб чиқариш ва қайта ишлаш соҳасидаги ислоҳоти асосий йўналишлари (2-расм) [2]




**2-расм. Хитойнинг мева – сабзавот ишлаб чиқариш ва қайта ишлаш соҳасидаги ислоҳоти асосий йўналишлари**

Хитойда қишлоқ хўжалик маҳсулотларини ишлаб чиқаришда муваффақиятга эришишнинг асосий омилларидан бири, қишлоқ хўжалиги соҳасида илғор технологияларни кенг жорий этишидир.

Хитойнинг янги аграр сиёсати доирасида аграр соҳа илм-фанини молиялаштиришни кўпайтириш ва узоқ муддатли истиқболда ишлаб чиқаришдаги илм-фан ва технологияларнинг илғор ютуқларини жорий этишни рағбатлантириш режалаштирилган. Аҳолисини қишлоқ хўжалиги ва озиқ-овқат маҳсулотлари билан таъминлашдаги Хитой тажрибаси ноёбдир, чунки мамлакатда дунё аҳолисининг 22 фоизини озиқлантириш вазифаси турибди, бу дунё ер майдонининг 7 фоизини ташкил этади. Агар унинг ҳудудида озиқ-овқат ишлаб чиқарилмаса, ҳатто бутун дунё озиқ-овқат экспорти бу мамлакат аҳолиси эхтиёжларини қондира олмайди. Шу сабабли Хитойда импортга катта боғлиқлик муаммоси мавжуд эмас.

Ҳиндистон ҳар доим ўзининг қишлоқ хўжалиги амалиёти билан машхур бўлиб мева – сабзавот асосий машғулот ҳисобланади. Унинг иқлими хилма-хиллиги турли мева-сабзавотларни етиштиришга ёрдам беради. Миллий боғдорчилик маълумотлар базасига кўра, Ҳиндистон банан, манго ва гуава ишлаб чиқаришда биринчи ўринда туради. Узум, апельсин ва анор ҳам ишлаб чиқаришнинг асосий қисмини ташкил қилади. 2021-2022-йилларда Ҳиндистонда 645 млн долларлик мева етиштирилган.

*АҚШнинг Калифорния штати қулупнай, шафтоли, узум, нектарин, олхўри ва бошқа кўплаб меваларнинг энг йирик ишлаб чиқарувчиси ҳисобланади. Бошқа муҳим мева ва сабзавотлар ишлаб чиқарувчи штатлар Флорида, Мичиган, Орегон, Нью-Йорк, Техас ва Пенсилваниядир. Флорида иқлими лимон ва апельсиндир. Бу цитрус экинлари ва бошқалар учун жуда мос келади. Бироқ сўнгги йилларда АҚШда мева ва сабзавотлар экспорти камайди, олма экспорти эса 105 миллион долларга қисқарган [3].*

Таъкидлаш жоизки, бугунги кунда олиб борилаётганислоҳотлар самарасини янада ошириш, давлат ва жамиятнинг ҳар томонлама ҳамда жадал ривожланиши учун шарт-шароитлар яратиш, мамлакатимиз иқтисодиётини модернизация қилиш ҳамда ҳаётнинг барча соҳаларини либераллаштириш бўйича устувор йўналишларни амалга ошириш мақсадида 2022 йил 28 январда Республика Президентининг ПФ-60-сонли Фармони қабул қилиниб, унда 2022 — 2026-йилларга мўлжалланган янги Ўзбекистоннинг тараққиёт стратегияси ишлаб чиқилди. Унга кўра қишлоқ хўжалигини модернизациялаш ва интенсив ривожлантиришда қуйидаги устувор вазифалар белгиланади( 4-расм)[4].




**4-расм. Унга кўра қишлоқ хўжалигини модернизациялаш ва интенсив ривожлантиришда қуйидаги устувор вазифалар белгиланади**

Ҳозирги кунда аҳолини мева – сабзавот маҳсулотлари билан таъминлаш масаласи ҳар қачонгидан ҳам долзарбдир. Аҳолини мева - сабзавот маҳсулотларига бўлган эхтиёжларни тўла қондириш, озиқ-овқат бозоридаги барқарорликни таъминлашга катта эътибор қаратилди.

Ўзбекистон республикасида 2017-2022 йилларда ишлаб чиқарилган мева ва резаворлар тўғрисида маълумот (5-расм)[6].




**5-расм. Ўзбекистон республикасида 2017-2022 йилларда ишлаб чиқарилган мева ва резаворлар тўғрисида маълумот**

2017-йилда республикамизда жами 2,614,916 млн тонна мева ва резаворлар етиштирилган бўлса, 2022-йилга бориб бу кўрсаткич 2,895,31 млн тоннага етди. Ўзбекистон Республикасида 2017-2022 йилларда ишлаб чиқарилган сабзавотлар тўғрисида маълумот (6-расм)[6].




**6-расм. Ўзбекистон Республикасида 2017-2022 йилларда ишлаб чиқарилган сабзавотлар тўғрисида маълумот**

2017-йилда республикамизда жами 3,255,900 млн тонна сабзавотлар етиштирилган бўлса, 2022-йилга бориб бу кўрсаткич 3,395,310 млн тоннага етди. 2022 йилнинг январь-декабрь ойлари давомида хорижий мамлакатларга умумий қиймати 1 134,3 миллион АҚШ долларига тенг бўлган 1 730,6 минг тонна мева-сабзавот маҳсулотлари экспорт қилинган. Бу эса 2021 йилнинг шу даврidagига нисбатан 18,5 фоиз ошган. Мева-сабзавотлар экспортида қиймат жиҳатидан узум (майизни қўшган ҳолда 24,7 фоиз), шафтоли (6,0 фоиз), помидор (5,1 фоиз), хурмо (4,6 фоиз), пиёз (3,7 фоиз), карам (3,5 фоиз), қовун ва тарвуз (3,3 фоиз) энг катта улушга эга. 2022 йилнинг январь-декабрь ойларида экспортнинг умумий ҳажмида мева-сабзавотларнинг улуши 5,9 фоизни ташкил этган. Ўзбекистон мева-сабзавот маҳсулотларининг асосий импорт қилувчилари Россия (42,5 фоиз), Қозоғистон (18,9

фоиз), Хитой (9,1 фоиз), Покистон (8,8 фоиз), Қирғизистон (3,7 фоиз), Афғонистон (2,7 фоиз) Туркия (2,2 фоиз), Беларус (1,7 фоиз), Озарбайжон (1,2 фоиз), Эрон (1,2 фоиз) ташкил қилади[7].

Юқорида мева-сабзавот етиштириш, қайта ишлаш ва ҳорижга экспорт қилишни давлат томонидан қўллаб-қувватлашнинг хориж тажрибасини таҳлил қилиш бизга мамлакатимизда мева-сабзавот етиштириш, қайта ишлаш ва ҳорижга экспорт қилиш бўйича хорижий тажрибани қуйидаги асосий йўналишларини белгилаш имконини беради: Мева-сабзавотчилик тармоғини давлат томонидан қўллаб-қувватлаш соҳасидаги хориж тажрибасини мамлакатимизда жорий этишнинг асосий йўналишлари қуйидагилар.

- ❖ Янгидан ташкил этилган мева – сабзавотчилик кластерларига биринчи икки йилда фойда солиғидан 50%, кейинги икки йилда 25%гача, 5- йилдан бошлаб тўлиқ тўлаш тартибига ўтиш;
- ❖ Мева – сабзавот етиштириш ва қайта ишлашда инновацион ишланмалар ва лойиҳалар билан банд бўлган ёш тадқиқотчиларга имтиёзли кредитлашга йўналтирилган банклар тизимини яратиш;
- ❖ Мева – сабзавотларни қайта ишлаб чиқаришни ташкил этиш учун зарур бўлган асбоб-ускуналарни лизинг асосида имтиёзли шартларда тақдим этиш;
- ❖ Мева – сабзавотларни жахон стандартларига мос равишда қайта ишлашга йўналтирилган инфратузилма лойиҳаларини амалга ошириш учун молиявий маблағларни тақдим этиш;
- ❖ Мева – сабзавот маҳсулотларини хорижга реклама қилишга хизмат кўрсатувчи маркетинг тизимини ривожлантириш;

**Хулоса.** Таҳлилларимиз натижасида айтиш мумкинки, мева – сабзавот етиштириш, қайта ишлаш ва экспорт қилиш соҳасини қўллаб-қувватлаш бўйича хорижий тажрибани уйғунлаштиришнинг истиқболли йўналишларини шакллантириш, бир томондан, ривожланган мамлакатлар сиёсатида мева – сабзавот етиштирувчи хўжаликларга нисбатан қўлланиладиган илғор технологиялар ёрдамида мамлакатимизда мева – сабзавот етиштириш, қайта ишлаш ва экспорт қилиш фаолияти самарадорлигини ошириш ва бошқа томондан, ушбу сиёсатни табақалаштирилган ёндашувга мослаштириш имконини беради. Шундай қилиб, аҳолини мева - сабзавот маҳсулотлари билан таъминлаш бўйича хорижий тажрибалар озиқ-овқат хавфсизлиги муаммоларини ҳал этишда давлатнинг устувор ролини тасдиқлайди. Мева – сабзавот етиштирувчи етакчи мамлакатларда давлат даражасида аҳолини мева - сабзавот маҳсулотлари билан таъминлашга протекцион ва экспортга йўналтирилган ёндашувлар катта даражада қўллаб-қувватланади. Мева – сабзавот етиштириш ва экспорт қилишда етакчи давлатлар ҳозирги даражасига эришиш учун соҳада бир қатор ислоҳотлар ўтказган ва соҳага инавацион технологияларни кенг жорий этганлиги таҳлил натижасида кўришимиз мумкин.

**ФОЙДАЛАНИЛГАН АДАБИЁТЛАР РЎЙХАТИ:**

1. Т.В.Ускова, Р.Я.Селименков, А.Н.Анищенко, А.Н.Чекавинский “Продовольственная безопасность региона” [Текст]: монография - Вологда 2014 г. 50-54 стр.
2. Sonntag, B.H., Huang, J., Rozelle, S. & Skerritt, J.H. 2015.China’s Agricultural and Rural Development in the Early 21st Century.
3. Canberra, Australian Centre for International Agricultural Research.
4. Food And Agriculture Orgonization of the United Nashion
5. https://www.fao.org/3/cc2323en/cc2323en.pdf
6. 2022 — 2026-йилларга мўлжалланган янги ўзбекистоннинг ТАРАҚҚИЁТ СТРАТЕГИЯСИ тўғрисида. Ўзбекистон Республикаси Президентининг Фармони, 28.01.2022 йилдаги ПФ-60-сонли Фармонига 1-илова. https://lex.uz/uz/docs/-5841063
7. Махима Мишра “ The ten largest fruit and vegetable growing countries in the world ” https://tractorguru.in/blog/top-10-agriculture-production-countries-statistics-of-2022/
8. Ўзбекистон Республикасида 2017-2022 йилларда ишлаб чиқарилган мева ва резаворлар тўғрисида маълумот. https://www.agro.uz/ishlab-chiqarish-diagramma/
9. 2022 йилнинг январь-декабрь ойлари давомида хорижий мамлакатларга мева-сабзавот маҳсулотлари экспорти. https://stat.uz/uz

УЎК 33.37.02

# ОЛИЙ ТАЪЛИМ МУАССАСАЛАРИДА МАРКЕТИНГ ВА АМАЛИЁТ БЎЛИМИ САМАРАДОРЛИГИНИ ОШИРИШ ЙЎЛЛАРИ

*Н.Иминова, ўқитувчи, Тошкент Ахборот Технологиялари Университети, Тошкент*

***Аннотация.*** *Ушбу мақолада бугунги куннинг долзарб масалалардан бири бўлган Олий таълим муассасаларида маркетинг ва амалиёт бўлими фаолиятининг мазмун моҳияти, таълим олувчилар сони йил сайин ортиб бораётганлиги, олий таълим муассасаларида маркетинг ва амалиёт фаолиятини ташкил этиш ва такомиллаштиришга оид маълумотлар келтирилган.*

***Калит сўзлар****: маркетинг, амалиёт, таълим тизими, рақобатбардош, олий таълим, таълим хизматлари*

***Аннотация.*** *В данной статье представлена информация о сути деятельности отдела маркетинга и практики в высших учебных заведениях, что является одним из актуальных вопросов сегодняшнего дня, растущего числа людей, организации и совершенствования маркетинговой и стажировочной деятельности в высших учебных заведениях.*

***Ключевые слова:*** *маркетинг, практика, образовательная система, конкурентоспособность, высшее образование, образовательные услуги.*

***Abstract.*** *This article presents information on the essence of the activities of the marketing and practice Department in higher education institutions, which is one of the pressing issues of today, the increasing number of people, the organization and improvement of marketing and internship activities in higher education institutions.*

***Keywords:*** *marketing, practice, educational system, competitive, higher education, educational services.*

Мамлакатимизда таълим тизимини, жумладан олий таълим тизимини модернизациялаш, уни янги босқичга кўтариш асосида креатив фикрлайдиган рақобатбардош юқори малакали кадрларни тайёрлаш борасида кенг миқёсда ислоҳотлар олиб борилмоқда. Маркетинг бозори деганда потенсиал истеъмолчиларнинг, шунингдек, товарлар ва хизматлар ишлаб чиқарувчиларнинг (рақобатчиларнинг) ўз эҳтиёжларини энг яхши тарзда қондиришга интиладиган талаб ва эҳтиёжлари тушунилади.

Маркетинг – энг кенг тарқалган тушунчалардан бири бўлиб, бозор иқтисодиёти билан бевосита боғланган. Олий таълимда маркетингни қўлланилиши таълим хизматларини турини кенгайтиради ва сифатини оширади, истеъмолчиларнинг бундай хизматларга бўлган талабларини қондиришга имкон беради ва унинг натижасида жамиятдаги таълим даражасини юксалишига хисса қўшади. Мамлакатимизда таълим тизимини, айниқса олий таълим тизимини модернизациялаш, уни янги босқичга кўтариш асосида креатив фикрлайдиган рақобатбардош юқори малакали кадрларни тайёрлаш борасида кенг миқёсда олиб борилаётган ислоҳотлар ва меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатлар фикримизнинг исботидир. Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг Олий Мажлисга Мурожаатномасида "Кадрлар малакасини халқаро меҳнат бозори талабларига мослаштириш мақсадида миллий малака тизими ишлаб чиқилади. Ушбу тизим 9 мингга яқин касблар бўйича кадрлар тайёрлаш имконини беради. Олий маълумот оламан, ўз устимда ишлаб, илмли бўламан, деган, юрагида ўти бор, жўшқин ёшларимизнинг таҳсил олиши учун ҳамма қулайликларни яратишимиз шарт. Шунинг учун мактаб битирувчиларини олий таълим билан қамраб олиш даражасини 2020 йилда камида 25 фоизга ва келгусида 50-60 фоизга етказамиз", дея таъкидлаб ўтганлиги, ушбу мавзунинг долзарблигини англатади, шунингдек, олий таълим муассасаларининг маркетинг амалиёт бўлими фаолиятининг ўрганиш, муаммоларни аниқлаш, хориж тажрибасини тахлил қилиш асосида уни қўллаш ва амалиётга тадбиқ этиш самарадорлигини асослаш муҳим аҳамият касб этади.

Олий таълим муассасасининг маркетинг ва амалиёт бўлими фаолиятининг долзарблиги рақобат муҳити шароитлари билан боғлиқ. Олий таълим (ОТМ) бозорида рақобатнинг

кучайиши, ўз навбатида, университет раҳбариятидан, юқори раҳбариятидан бозорни бошқариш воситаларини ўзлаштиришни талаб қилади. Бугунги кунда бу иш учун махсус ташкил этилган бўлимлар, маркетинг хизматлари (МХ), жамоатчилик билан алоқалари (PR) бўлмаган олий ўқув юрти деярли йўқ.

Олий таълим соҳасида маркетингни ўзига хос йўналишда яъни олий таълим хизматларида аҳоли эхтиёжлари ва талабларини қондиришга қаратилиши тушунилади. Олий таълим фаолиятида маркетингнинг моҳияти ва ундан фойдаланиш заруриятини тушуниш учун олий таълим соҳасида маркетингни шакллантирувчи омиллар ва элементлар комплекс тахлил қилиниши керак. Унинг таркибига маркетингнинг предмети, унинг субъектлари ва вазифаларини, фаолият соҳаси ва олий таълим муассасаларининг таълим хизматлари маркетингининг ҳаракатлари ва объектлари, унинг мақсадли йўналишлари ва муаммоли таркиблари киради.

Олий таълим муассасаларининг таълим хизматлари маркетнинг предмети – бу фалсафа, ақлий фикрлаш ва ҳаракат стратегия ва тактикаси, бозор субъектларининг ўзаро хатти-ҳаракати ва муносабатларидир.

Олий таълим соҳасида маркетинг субъектлари бўлиб, фақатгина таълим муассасалари эмас, ишлаб чиқарувчи ва таълим хизматларини кўрсатиш, истеъмолчилар (жисмоний шахслар, корхона ва ташкилотлар), кенг воситачилар доиралари (жумладан бандлик хизматлари, рўйҳатга олиш органлари, лицензиялаш ва таълим муассасаларини аккредитатсиялаш), шунингдек, жамоат тузилмаси ва институтлари, ҳамда таълим хизматлари бозорини ривожлантирувчилар хисобланади. Олий таълим соҳасида маркетинг субъектлари орасида ажралиб турувчи истеъмолчилардан талабанинг шахсияти, тингловчилар, бошқа таълим салохиятидан нафақат яшаш учун пул топиш ёки таълим салоҳиятидан фойдаланувчилар ва бошқа якуний истеъмолчилар алоҳида ўрин тутади. Олий таълим муассасаларининг таълим хизматлари истеъмолчилари орасида фирмалар, корхоналар, муассасалар ва ташкилотлар, шу жумладан давлат бошқаруви органларини ҳам айтиш мумкин. Улар талабни кўп ёки камлигини шакллантирувчилари бўлиб, улар талабни бозорга тақдим этадилар.

Истеъмолчи ташкилотлар талаб ҳақида таълим муассасаларини хабардор қилиб, қуйидагиларда иштирок этади:

* таълим хизматлари сифатига ва уларнинг бўлажак ходимларига қўйиладиган алоҳида талабларни белгилайди;

* таълим хизматлари сифати ва сифатини баҳолашда иштирок этади, битирувчиларнинг келажакдаги фаолияти учун самарали шароитларни белгилаш ва харажатларни тўлиқ ёки қисман қоплашни таъминлайди;

* тўлов ёки кўрсатилган хизматлар учун компенсатсиянинг бошқа шаклларини белгилайди.

Таълим муассасалари, маркетинг субъекти сифатида бу жараённинг энг фаол иштирокчилари ҳисобланади. Айниқса, таълим хизматлари маркетинги соҳасида давлат ва ижро этувчи ҳокимият органларининг ўрни ҳам катта. Бошқа товарлар ва хизматлар маркетингидан фарқли ўлароқ, бу ерда давлат нафақат маркетинг муносабатлари субъекти, балки ривожланишда фаол иштирок этади ва таълим хизматларини янгилаш ва устувор ривожланиш йўналишларини аниқлайди. Давлат кадрлар тайёрлашда амалга ошириладиган касблар ва мутахассисликлар рўйхатини белгилайди, таълим хизматлари кўрсатишнинг асосий белгилари ва стандартларини шакллантиради. Таълим муассасаларини сертификатлаштириш ва давлат аккредитатсиясини амалга оширади, сертификатлаштириш ва диагностика марказларининг давлат тизимини яратади, яъни сифат кафолати сифатида ишлайди. Иқтисодиёт ва таълимнинг ўзига хос хусусиятларидан келиб чиққан холда хизматлар, таълим хизматлари маркетинги бу - илмий ва амалий фаолият бўлиб, у кўплаб фаолият соҳалари туташувида жойлашган.

Глобал бизнес тенденциялари, тавсифи барча жараёнларнинг тезлашиши, юқори хавф ва ноаниқлик туфайли муҳит, ахборот жараёнларининг юқори тезлиги ва инновацион

ёндашувларни янгилаш тезлиги бутун дунё бўйлаб таълим ривожига тобора кўпроқ таъсир кўрсатмоқда. Бундай шароитда таълим бизнес жамиятда янги иқтисодиётнинг фундаментал асоси, инновацион тенденсияларни тезлатувчи ролини ўйнаши керак. Таълим ишчилар меҳнат унумдорлигининг ошишига олиб келади, уларнинг миллий даромадга қўшган улуши ортиши ўсишда иш ҳақини ошишида намоён бўлади ва бу таълимнинг билвосита фойдаларига боғлиқ. Билвосита, ташқи манфаатлар – бу одамлар маданиятининг умумий ўсиши, жиноятчиликни камайиши, юқори ижтимоий тотувликка эришиш, технологик инновацияларни тарқалиши ва бошқалардир.

Олий таълим хизматлари натижаси – мутахассис бўлиб у бозорнинг махсус махсулотидир. У бозорнинг умумий бозор хусусиятларига эга бўлиб, таълим хизматларининг ўзига хос фарқи шундаки, унинг хусусияти олий таълимнинг маъхсус хизматларидир. Жаҳон бозорида рақобатбардошликни сақлаб қолиш, жамиятнинг ривожланиши ва узоқ муддатли юқори даражада гуллаб яшнаши айнан жамиятнинг таълим даражасидан ва жамиятнинг илмий салоҳиятга муносабати, давлатнинг таълимга бўлган муносабати ва имкониятларига боғлиқ. Шунинг учун махсус таълим хизматлари бозори давлат - сиз мавжуд бўлган мамлакатда тегишли тўпланган билимлар истеъмолчиси сифатида ҳам, таълим натижасидан манфаатдор бўлганлиги сабабли ҳам, давлат ушбу бозорни назорат қилиши ва тартибга солишдан манфаатдор хисобланади. Давлат мамлакатда таълим сиёсатини белгилайди, давлат университетларига солиқ имтиёзларини беради, талаб юқори бўлган касблар рўйҳатини белгилайди, малакали кадрлар тайёрлаш ва таълим муассасаларининг ҳуқуқий ҳимоясини ташкил этади. Сўнгги йилларда бозор фаол ривожланди ва таълим хизматлари бозори ҳам ривожланишда давом этмоқда. Бу соҳада бозор иқтисодиёти қонунлари амал қила бошлади, рақобат муҳити пайдо бўлди, мақсадли аудиториянинг талаблари сезиларли даражада ўзгарди. Кучли инновацион рақобат бозори таълим хизматларини доимий такомиллаштириш ва ривожлантиришни талаб этмоқда. Нодавлат университетлардаги талабалар сони давлат университетларига қараганда деярли беш баравар кам, бунинг асосий сабабаларидан бири аҳолида янги ташкил этилган хусусий олий таълим муассасаларига бўлган ишончнинг камлиги хисобланади. Аммо давлат университетлари ҳам талабаларнинг бир қисмини тижорат асосида ўқитади. Умуман олганда, таълим тизимининг тижорат компоненти олий таълимда бошқа таълим даражаларига нисбатан энг кўлами кенг ҳисобланади. Бугунги кунда замонавий таълим хизматлари бозори жуда катта ва кенг, мамлакатимизда таълим муассасаларининг рўйхатига кўра, бугунги кунда Ўзбекистонда жами 162 та олий таълим муассасалари мавжуд бўлиб, нодавлат олий таълим муассасалари сони 25 тага, хорижий олий таълим муассасалар ва филиаллари эса 30 тага етган.




**1-расм Ўзбекистонда олий таълим муассасалари сони**

Юқорида келтирилган расмда Ўзбекистонда олий таълим муассасаларининг йиллар кесимида сони келтирилган. Мисол учун 2016 йилда олий таълим муассасалари 77 тани ташкил этган бўлса, 2020 йилга келиб бу кўрсаткич 132 тага етиб, 55 тага ортганини кузатишимиз мумкин. 2022 йилда эса 162 тага етганлиги манбаларда келтирилган бўлиб, улардан нодавлат олий таълим муассасалари сони 25 тага, хорижий олий таълим муассасалари ва филиаллари эса 30 тага етганлиги, таълим олишга бўлган талабнинг ортганлигидан далолатдир. Қуйидаги 2-расмда йиллар кесимида Ўзбекистонда олий таълим муассасаларида тахсил олувчи талабалар сонини ортиб бораётганлигини кўришимиз мумкин.




**2-расм. Ўзбекистон олий таълим муассасаларида тахсил олувчи талабалар сони**

2016 йил маълумотларига эътибор қаратадиган бўлсак, олий таълим муассасаларида тахсил олувчи талабалар сони 279 674 тани ташкил этган бўлса, 2017 йилда 314 467 тани ташкил этган, бу кўрсаткич 2020 йилга келиб 590 077 тага етган, бу кўрсаткични 2016 йилга солиштирадиган бўлсак, 310 403тага ортган. Олий таълим муассасаларининг ортиши, ҳамда олий таълим муассасаларида тахсил олувчиларнинг ортиб бориши, таълим тизимида рақобат мухитининг пайдо бўлишига ва соф рақобатнинг ривожланишидан далолат бермоқда. Корхоналар сингари университетлар ҳам ўз олдига бозор улушини, сотиш ҳажмини ошириш, фойдани максимал даражада ошириш ва стратегик жиҳатдан жозибадорлигини ошириш вазифасини қўйиши лозим. Ушбу мақсадларга эришиш учун тегишли буджет ва маркетинг, реклама ва PR фаолиятининг моҳиятини тушунадиган мутахассислардан иборат профессионал жамоалар талаб қилинади. Баъзи университетлар ушбу фаолиятни профессионал маркетинг, реклама ва PR компанияларига топшириб, улкан ютуқларга эришиши мумкин. Ҳозирги замонавий шароитда университетлар маркетинг амалиётини шунчаки эътиборсиз қолдиролмайди.

Олий таълим муассасаларида маркетинг ва амалиёт бўлими фаолиятини такомиллаштириш масалалари мавзуси бўйича олиб борилган тадқиқотлардан қуйидагича хулосалар олиш мумкин бўлди:

1. “Олий таълим тизимини 2030 йилгача ривожлантириш консепсияси”да белгилаб берилган устувор вазифаларнинг ижросини таъминлашда барча олий таълим муассасаларида бугунги меҳнат бозори таклифларини таҳлил қила оладиган, иш берувчилар билан ўзаро манфаатли шартлар асосида алоқаларни ўрната оладиган янги маркетинг хизматини йўлга қўйиш, мавжуд маркетинг бўлимлари фаолиятини қайта кўриб чиқиш, такомиллаштириш, яъни таълим муассасаларида маркетинг хизмати фаолиятини кенгайтириш ва вазифаларини аниқлаштириш, маркетинг соҳасида ишлаётган ходимларни малакасини ошириш ва шу каби бошқа савияни оширувчи чора-тадбирларни қўллаш лозим;

2. Маркетинг бўлимларига малакали мутахассисларни жалб қилиш ҳамда моддий манфаатдорлигини ошириб бориш;

3. Олий таълим муассасаларида замонавий таълим хизматларини жорий этиш ва кўрсатишда инновацион, рақамли технологиялардан кенг фойдаланиш амалиётини ташкил этиш;

4. Таълим ва ишлаб чиқариш интеграциялашувини ҳақиқий маънода таъминлашга эришиш, манфаатли ҳамкорлик йўлларини излаш.

5. Олий таълим муассасаларининг имижи ва рейтинг кўрсаткичларини, шу жумладан унинг ишчанлик обрўсини оширишга қаратилган реклама, PR ва жамоатчилик билан алоқалар йўналишида комплекс тадбирларни ишлаб чиқиши ва амалга оширилиши керак.

**ФОЙДАЛАНИЛГАН АДАБИЁТЛАР РЎЙХАТИ:**

1. Ўбекистон Республикаси Президенти Ш.М. Мирзиёевнинг Олий Мажлисга Мурожаатномаси. - Тошкент, “Халқ сўзи” газетаси, 2020 йил 25 январь. Манба: vvv. press-servise.uz

2. Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Олий таълим тизимини янада ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПҚ-2909-сонли Қарори. - Тошкент, 2017 йил 21 апрель. Манба: http: press-servis.uz.

3. Васенев, Ю.Б. Оценка деятельности субъектов учебного процесса // Информационный бюллетень УМО СПбГУ. - СПб., 2005. Но 6. С. 42-51.

4. Каверина, Е.А. Управление рекламной деятельностью вуза. - СПб., 2007.

5. Каҳҳоров О.С. Олий таълим муассасалари маркетинг фаолияти самарадорлигини бошқариш. “Иқтисодиёт ва инновацион технологиялар” илмий электрон журнали. № 6, ноябр-декабр, 2019 йил. -141 б.

6. Сагинова, О.С., Нефедова О.Б. Как продать образование: восприятие коммуникаций вуза в ситуации принятия решения //Маркетинг услуг. - М., 2005. Н2.

**УЎТ:338.984(045)**

# МИНТАҚАЛАР ИНВЕСТИЦИОН ЖОЗИБАДОРЛИГИНИ БАҲОЛАШ БЎЙИЧА ЁНДАШУВ ВА УСЛУБИЯТЛАР ТАҲЛИЛИ

***Ж.А.Исматуллаев, таянч докторант, Қарши Давлат Университети, Қарши***

***Аннотация.*** *Мазкур мақолада минтақалар инвестицион жозибадорлигини баҳолаш бўйича мавжуд ёндашувлар, минтақалар инвестицион жозибадорлигини баҳолаш усулларидан иқтисодий-математик, омилли таҳлил ва эксперт баҳолаш усулларининг тизимларининг афзалликлари ҳамда камчиликлари ёритилган. Шунингдек рейтинг баҳолаш тизими гуруҳларга ажратилган ҳолда таҳлил қилинган.*

***Калит сўзлар:*** *минтақа, инвестицион жозибадорлик, инвестицион салоҳит, инвестицион риск, иқтисодий салоҳият, рейтинг баҳолаш, қиёсий баҳолаш.*

***Аннотация.*** *В данной статье описаны существующие подходы к оценке инвестиционной привлекательности регионов, преимущества и недостатки систем экономико-математического, факторного анализа и методов экспертной оценки. Также была проанализирована рейтинговая система оценки путем ее разделения на группы.*

***Ключевые слова:*** *регион, инвестиционная привлекательность, инвестиционный потенциал, инвестиционный риск, экономический потенциал, рейтинговая оценка, сравнительная оценка.*

***Abstract.*** *This article describes the existing approaches to assessing the investment attractiveness of regions, the advantages and disadvantages of systems of economic and mathematical, factor analysis and methods of expert evaluation. The rating system of evaluation was also analyzed by dividing it into groups.*

***Key words:*** *region, investment attractiveness, investment potential, investment risk, economic potential, rating score, comparative assessment.*

Минтақа инвестицион жозибадорлигини баҳолаш - бу салоҳиятли инвестор томонидан, баҳоланаётган объект кўрсаткичлари танланган таққослаш базаси билан корреляцион боғланишга эга ёки эга эмаслиги аниқланган ҳолда, инвестицион салоҳият ва инвестицион риск (таваккалчилик)нинг субъектив идрокини аниқлаш жараёни ҳисобланади.

Минтақа инвестицион жозибадорлигини баҳолаш бўйича мавжуд бўлган ёндашув ва услубиятлар таҳлилига таянган ҳолда уларни учта асосий ёндашувга ажратиш мумкин:

1.Мавжудлиги минтақанинг инвестицион жозибадорлигини аниқ белгилаб берадиган фундаментал омилларни аниқлаш (масалан, минтақа имижи, ЯММ динамикаси, ишлаб чиқариш ҳажмлари).

2. Минтақа инвестицион жозибадорлигига ўз таъсири нуқтаи назаридан тенг даражага эга деб ҳисобланадиган бир нечта омилларни ҳисобга олиш. Бунда ҳар бир омил маълум кўрсаткичларнинг конкрет тўплами билан белгиланади (масалан, иқтисодий салоҳият характеристикаси, бозор инфратузилмасининг ривожланганлик даражаси, сиёсий омиллар, молиявий ва бошқа омиллар).

3. Инвестицион салоҳият ва инвестицион риск (таваккалчилик)нинг агрегатлашган ўлчов бирлиги каби инвестицион жозибадорликка таъсир кўрсатадиган кўп сонли омилларни (масалан, ресурс ва хом-ашё, ишлаб чиқариш салоҳияти, сиёсий, иқтисодий риск (таваккалчилик)) таҳлил қилиш.

Кўриб чиқилган ёндашувлар доирасидан минтақа инвестицион жозибадорлигини баҳолаш усулларини учта йирик гуруҳга ажратиш мумкин (1- жадвал):

1) иқтисодий- математик усуллар;

2) омилли таҳлил усуллари;

3) эксперт баҳолаш усуллари.

**1- жадвал**

**Минтақа инвестицион жозибадорлигини баҳолаш усуллари**

| Параметр-лари | Иқтисодий-математик усуллар | Омилли таҳлил усуллари | Эксперт баҳолари усуллари |
|---|---|---|---|
| Усуллар тавсифи | Корреляцион ва дисперсион таҳлил, оптималлаштириш, математик моделлаштириш, тармоқлараро баланс усулларини қўллаш | Моҳиятан бир-бирига яқин бўлган кўрсаткич (омил)лардан таркиб топган йириклаштирилган гуруҳларнинг тузилиши ва таҳлили қилиниши | Тадқиқ қилинаётган субъектнинг миқдорий характеристикалари ва экспертлар (раҳбар ва мутахассислар)нинг асосли фикр-мулоҳазаларининг бир-бирига мослиги |
| Афзалликлари | 1. Маълум бир шаклга келтирилган алгоритм;<br>2. Олинган натижалар-нинг аниқ ва ҳаққонийлиги;<br>3. «Инсон омили» таъсирининг минимал-лаштирилганлиги. | 1. Минтақадаги ҳолатни акс эттирувчи статистик маълумотлардан фойдаланган ҳолда ранжирлаш.<br>2. Кўпчилик омиллар ўзаро боғлиқлигининг ҳисобга олиниши.<br>3. Комплекслилиги | 1. нафақат доимий статистик маълумотлардан, балки бир марталик сифатли маълумотлардан фойдаланиш имкониятларининг мавжудлиги;<br>2. Экспертлар тажриба-ларининг юқорилигига таянган ҳолда маълумот-ларнинг ишончлилик даражасининг юқорилиги. |
| | | 1. Инвестицион фаолиятни амалга ошириш учун яратилган шарт-шароитлари ўхшаш бўлган минтақаларни гуруҳларга бирлаштириш имкониятига эгалиги;<br>2. Олинган натижаларнинг аниқлиги ва тушунарлилиги. | |
| Камчиликлари | 1. Моделга кўрсаткич-ларни киритиш учун ҳеч қандай асоснинг мавжуд эмаслиги.<br>2. Якуний баҳога ҳар бир кўрсаткичнинг қўшадиган ҳиссасини аниқлаш имконининг мавжуд эмаслиги; | 1. Жиддий меъёрий индикаторларни ҳамда ўлчамларни ўрнатишнинг субъектив характерга эга эканлиги;<br>2. Омиллар комбинациясини танлашнинг етарли даражада асосланганмаганлиги; | 1. Экспертлар баҳоларининг субъектив аҳамиятга моликлиги;<br>2. Меҳнат сиғимкорлиги.<br>3. Қийматнинг юқорилиги. |
| | | 1. Рейтинг иштирокчилари орасидаги "реал дистанция" ни аниқлаш имкониятининг мавжуд эмаслиги;<br>2. Кўрсаткичларни аниқлаш услубиятининг шаффофлиги;<br>3. Давлат статистика қўмитаси органлари томонидан маълумотларни йиғиш, гуруҳлаш, ва таҳлил қилишдаги кечикишлар туфайли рейтингларнинг оператив аҳамиятининг паст даражалиги | |

Минтақа инвестицион жозибадорлигини баҳолашнинг турли усуллари орасида қуйидагилар ажралиб туради:

– "Эксперт" РА услубияти;

– Россия Федерацияси Иқтисодий ривожланиш Вазирлигининг ишлаб чиқариш кучларини тадқиқ қилиш бўйича Кенгашининг услубияти;

– Стратегик ташаббуслар Агентлиги услубияти;

– Россия Федерацияси Миллий рейтинг агентлиги услубияти;

– (Бард, Сивелкин, Смаглюкова, Хуснуллин, Климова) муаллифлик услубияти;

– ҳорижий услубиятлар (Euromoney, Forbes, Fitch, Moody's, S&P).

Юқорида келтириб ўтилган услубиятларнинг ҳар бири ўзига хос афзалликларга ва камчиликларга эга ҳисобланади (2- жадвал):

**2-жадвал**

**Минтақа инвестицион жозибадорлигини баҳолаш услубиятларининг афзалликлари ва камчиликлари**

| Афзалликлари | Камчиликлари |
|---|---|
| **"Эксперт" РА агентлиги услубияти** | |
| 1. Инвесторлар учун натижаларнинг очиқлиги ҳамда фойдаланиш имкониятларининг мавжудлиги; | 1. Экспертлар баҳоларининг субъектив аҳамиятга моликлиги; |

| | |
|---|---|
| 2. Минтақалардаги фаолиятларнинг ҳолати билан таниш бўлган экспертлар фикр-мулоҳазаларининг далилларга асосланганлиги;<br>3. Рейтингнинг машҳурлиги (оммавийлашганлиги) ва унинг якуний натижаларининг тан олиниш даражасининг юқорилиги;<br>4. Респондентлар доирасининг кенглиги.<br>5. Ҳорижий инвесторлар томонидан тан олиниш даражасининг юқорилиги (оммавийлашганлиги). | 2. Ўзгарувчан шароитларга нисбатан усулнинг мослашувчанлиги оперативлигининг етарли даражада эмаслиги;<br>3. Иштирокчилар ўртасидаги “реал дистанция” тўғрисидаги маълумотнинг мавжуд эмаслиги.<br>4. Минтақанинг энг муҳим тармоқлари капитал сиғимкорлиги ҳусусиятлари омилининг эътиборга олинмаганлиги;<br>5. Минтақа инвестицион салоҳияти ва рискларини баҳолаш бўйича кўрсаткичларни умумий кўрсаткич шаклига келтиришдаги аниқлик даражасининг пастлиги.<br>6. Меҳнат сиғимкорлиги ҳамда шаффофликнинг мавжуд эмаслиги. |
| **Россия Федерацияси Иқтисодий ривожланиш Вазирлигининг ишлаб чиқариш кучларини тадқиқ қилиш бўйича Кенгашининг услубияти** | |
| 1. Инвестицион жозибадорлик ва инвестицион фаоллик ўртасида ўзаро боғлиқликнинг мавжудлиги;<br>2. Экспертлар фикр-мулоҳазаларининг далилларга асосланганлиги;<br>3. Натижалар ишончлилигини асослаш имкониятининг мавжудлиги;<br>4. Кўрсаткичлар катта қисмининг статистик усуллар билан баҳоланиши. | 1. Минтақанинг энг муҳим тармоқлари капитал сиғимкорлиги ҳусусиятлари омилининг эътиборга олинмаганлиги;<br>2. Экспертлар фикрларининг субъектив аҳамиятга моликлиги.<br>3. Минтақа инновацион салоҳиятини ифодаловчи омилларнинг эътиборга олинмаганлиги;<br>4. Инвестицион салоҳият ва риск (таваккалчилик)ларни ташкил этувчи кўрсаткичларни баҳолашда услубиятнинг шаффоф эмаслиги. |
| **Стратегик ташаббуслар агентлиги услубияти** | |
К.С. Лаудон, Ж.П. Лаудонлар [4] ўз тадқиқот ишларидан ахборот тизимларини ишлаб чиқиш ва иқтисодиёт тармоқларида самарали қўллашнинг методологиясини таклиф қилишган. Уларнинг илмий ишларида ахборот тизимларининг инфратузилмаси, тармоқ технологиялари, ахборот тизимларини лойиҳалаштириш ва ишлаб чиқиш, ахборот технологияларининг инфратузилмаси каби масалалар кўриб чиқилган. Ахборот тизимларини бошқарув жараёнларида қўллаш, уларни тизим-остиларини оптимал лойиҳалаштириш, турли функционал масалаларни ечишда ахборот тизимларидан самарли фойдаланиш каби йўналишларда С.Кеннет, П.Жейнлар [5] ўз тадқиқотларини олиб боришган.

**Тадқиқот методологияси.** Ушбу мақолани ёзишда тадқиқот методологиясининг қиёсий таққослаш, тизимли иқтисодий-статистик, кўпомилли тадқиқотлар усуллари, анкета сўровлари, статистик танловлар, гуруҳлаш, солиштириш усуллари кенг фойдаланилди.

**Таҳлил ва натижалар муҳокамаси (асосий қисм).** Тадқиқотларимиз шуни кўрсатмоқдаки, кўпгина ривожланган ва ривожланаётган давлатларнинг статистика хизматлари ахборот тизимлари ва АКТ-ни ўзларининг ривожланишининг стратегик ресурси сифатида қарашмоқда. МСХлар АКТ инфратузилмасининг ривожланиш даражаси статистик ахборотларнинг сифати ва ўз вақтлилигини таъминлаш борасида уларнинг ишлаб чиқариш имкониятларини аниқлаб беради. Статистика амалиётига янги самарали бизнес-моделларни жорий қилиш билан параллел равишда МСХ ташкилий структурасида ҳам ўзгаришлар бўлиб, унинг асосий мақсади бўлиб АКТ архитектурасига мослаштириш ҳисобланади. Бундай моделларни қуришнинг асосида қуйидаги принциплар ётади:

сервисга йўналтирилган архитектура;

чекланган статистик усуллар ва инструментал воситалар асосида статистиканинг асосий ишлаб чиқариш жараёнларини унификациялаштириш;

статистик маълумотларни сақлашнинг ягона тизимини шакллантириш;

метамаълумотларнинг ягона базасини юритиш.

Миллий САТнинг фаолият кўрсатиши халқаро тажрибасининг таҳлиллари шуни кўрсатмоқдаки, уларни функционал жиҳатдан такомиллаштириш билан бир вақтда статистик фаолиятда ҳам керакли ўзгартиришларни амалга оширишни талаб қилади.

САТни ривожлантиришнинг иккинчи йўналиши бўлиб, статистик маълумотларни йиғиш ва қайта ишлашнинг тақсимланган архитектурасини марказлашганга ўтказиш билан боғлиқдир. Амалиёт шуни кўрсатмоқдаки, тақсимланган архитектура кўпгина техник воситаларни талаб қилиб, улар бир-бирлари билан олдиндан ўрнатилган тартиблар асосида ҳамкорликни олиб боради. Тақсимланган тизим асосида статистик маълумотларни йиғишни йўлга қўйилиши объектлар ўртасидаги трафикларни минималлаштиришни жиддий талаб қилади. Кенгполосли каналларнинг оммавий равишда амалиётга қўлланилиши ушбу чекланишга барҳам берилиб, асосан маълумотларни йиғишнинг марказлашган архитектураси кенг қўлланилмоқда.

Марказлашган архитектуранинг юқорида кўрилганга нисбатан статистик маълумотларни йиғиш тизимини республика ва вилоят даражаларига ўтказилиши билан фарқ қилиб, уларга фойдаланувчиларнинг масофадан туриб бемалол киришлари таъминланади. Бу эса ўз ўрнида статистик маълумотларни йиғиш тизимида маълумотлар оқими ва метамаълумотлар схемасини тубдан оддийлаштиради. Умуман олганда, марказлашган архитектурага ўтиш билан бир қатор концептуал муаммоларни ҳал қилишга эришилади:

узоқ масофада жойлашган ахборот тизимларини мустақил равишда фаолият кўрсатишини таъминлаб бериш учун маълум бир регламент операцияларини бажариш учун уларга хизмат кўрсатишни талаб қилади. Марказлашган архитектурада эса ахборот тизимларидан фойдаланиш учун қилинадиган харажатлар вилоят статистика бошқармасига юклатилади;

тақсимланган архитектурада ахборот тизимларидан кенг фойдаланишда марказий репозитариядаги бўлган ўзгаришлар синхрон равишда ҳудудларда ўз аксини топмайди, яъни натижавий статистик кўрсаткичларни олишда эскирган метамаълумотлардан фойдаланишга тўғри келади. Марказлашган архитектурада эса ушбу муаммо умуман мавжуд бўлмайди, чунки барча тур-даги ахборот тизимлари тўғридан-тўғри марказий репозитарияга улан-гандир;

тақсимланган архитектурада ҳар бир ахборот тизими бирламчи статистик ҳисоботларни сақлаш учун ўзининг бирламчи маълумотларини локал сақлаш имкониятига эга бўлади. Лекин, фойдаланувчиларнинг уларга жисмонан кириш имкониятининг мавжудлиги унда сақланаётган маълумотларни ҳимоялаш даражасини кафолатган ҳолда таъминлаб бермайди.

Қуйидаги 1 расмда статистик ахборотларни йиғишнинг марказлашган архитектураси тасвирланган.

Тадқиқотларимиз шуни кўрсатмоқдаки, статистик ахборотларни қайта ишлаш технологияларига киритиладиган ўзгартиришлар ва “мижоз-сервер” архитектурасига тўлиқ ўтиш давлат статистика органларини техник қайта жиҳозлаш ва истиқболли маълумотларни электрон қайта ишлаш тизимларини ишлаб чиқишни талаб қилмоқда. Бизнинг фикримизча, статистик маълумотларни электрон қайта ишлашнинг янги технологиялари мавжуд техно-логик жараёнлар ва унификациялашган дастурий-технологик воситаларга мос келиши зарур. 1-расмда давлат статистика органлари томонидан “мижоз-сервер” архитектурасини амалга оширувчи локал ҳисоблаш тизимининг намунавий конфигурацияси келтирилган. Шуни таъкидлаш жоизки, тармоқнинг ҳар бир элементи маълумотларни электрон қайта ишлаш ягона техно-логиясининг маълум бир босқичини бажаради. Локал ҳисоблаш тармоғи на-мунавий архитектурасининг устунлиги бўлиб ахборот, ҳисоблаш, телеком-муникация, дастурий ва технологик ресурсларнинг интеграцияси ҳисоб-ланиб, улар ҳар бир вилоят статистика

бошқармаси даражасида мустақил фаолият кўрсатиши ёки ўзаро вилоятлараро кўринишда ҳам юқори даражада ишлаши мумкин. Таклиф қилинаётган ушбу схема техник ва технологик нуқтаи-назаридан локал ҳисоблаш тармоғи воситаларининг самарали фоалият кўрсатиши учун яхши имкониятлар яратиб, статистик маълумотларни қайта ишлашнинг ягона технологиясини жорий қилишни таъминлайди.




**1-расм. Статистик ахборотларни йиғиш тизимининг марказлашган архитектураси [6]**

Статистик ахборот тизимларининг дастурий-технологик воситаларини ишлаб чиқишни унификация қилиш жараёнлари ва уларни тармоқ доирасида бир-бирига мос келишини таъминлаш ҳамда маълумотларни электрон қайта ишлаш процедураларини бирхиллаштириш тармоқ стандартлар тизимини жорий қилишга кўмак бериши керак бўлади. Ҳозирги кунда САТнинг қуйи-даги стандартлари ишлаб чиқилган ва амалиётга кенг жорий қилинган:

"Дастурий-технологик таъминот";

"Кўрсаткичлар маълумотлар банки";

"Тайёр ҳужжатлар банки";

"Технологик маълумотлар базаси";

"Регистрлар учун "сўров-жавоб" режими";

"Дастурий-технологик компонентларнинг ўзаро ҳамкорлигининг массивлари";

"Давлат статистик ҳисоботлари шакллари бланкаларини шакллан-тириш";

"Чиқиш жадвалларининг форматлари";

"Кириш (чиқиш) статистик шаклларини электрон кўринишда тақдим этиш";

"Маълумотларни электрон қайта ишлашга Талаблар";

"Маълумотларни электрон қайта ишлашни ташкил қилишга қўйиладиган масаланинг таркиби".

Стандартларни амалиётга кенг жорий қилиш САТнинг дастурий-технологик

воситаларини ишлаб чиқишни унификациялашга олиб келиб, уларнинг бир-бирига тармоқ доирасида мос келишини таъминлаб, статистика тизимининг туман, вилоят ва республика даражаларида статистик ахборотларни қайт-та ишлаш жараёнларини турларга ажратишни таъминлайди. Шундай қилиб, САТлар архитектурасини ривожлантириш статистика фаолиятига илғор АКТни ва ахборот ресурсларини шакллантиришнинг замонавий усулларини жорий этишга имкон яратади.

Олиб борган тадқиқотларимиз шуни кўрсатмоқдаки, энг замонавий АКТни жорий этиш асосида ахборот ресурсларининг интеграциялашган ахборот тизимини яратишни қуйидаги йўналишлар асосида амалга ошириш лозимдир:

статистика органларида мавжуд муаммоли-йўналтирилган фактографик ва ҳужжатли маълумотлар базаларининг интеграциясини амалга ошириш;

ягона меъёрий-маълумотномавий ахборотлар фонди ва статистик кўрсаткичлар каталоги асосида вилоят ва республика даражаларида статистик маълумотларнинг интеграциялашган базасининг тизимли лойиҳасини яра-тиш;

замонавий телекоммуникация воситалари ва маълумотлар базасини бошқариш тизимини қўллаб-қувватлайдиган вилоят ва республика даражаларида статистик маълумотларнинг интеграциялашган базасининг дастурий таъминотини ишлаб чиқиш;

статистика органларида юқори тезликдаги ҳисоблаш тармоқларидан кенг фойдаланган ҳолда статистик маълумотларнинг интеграциялашган базасини ташкил қилиш ва юритиш.

Юқорида келтирилган истиқболли масалаларни ечишнинг муҳим босқичи бўлиб меъёрий-маълумотномавий ахборотларнинг ягона тизимини яратиш ҳисобланиб, улар САТ ва ДСҚнинг интеграциялашган ахборот ресурсларини шакллантириш учун керак бўлади. Буни лойиҳалаштиришнинг асоси бўлиб автоматлаштирилган маълумотлар банки ҳисобланиб, уни юритиш вилоят ва республика даражаларида тақсимланган ахборотлар фондидан кенг фойдаланиш режимида ташкил қилинади. Бизнинг фикримизча, лойиҳалаштириш мобайнида ДСҚнинг ахборот ресурслари интеграциясини таъминлов-чи янги элемент пайдо бўлади, яъни у статистик кўрсаткичларнинг ягона классификатори ҳисобланиб, уни яқин даврларда ишлаб чиқиш ва амалиётга кенг жорий этиш режалаштирилган. Натижада давлат статистика органларининг ўзаро ҳамкорлик қилиш технологияси ўзгариб, ДСҚнинг ягона электрон ҳужжат айланиш тизими асосида қоғозсиз технологияларни жорий қилишга замин яратилади.

Ҳозирги кунда давлат статистика кузатувлари шакллари электрон план-шетларга босқичма-босқич ўтказилиб борилмоқда ва субъектлардан давлат статистика ҳисоботларини олиш жараёнлари тўлиқ автоматлаштирилиб, онлайн режимини жорий қилиш ишлари бажарилмоқда.

САТнинг туман даражасида фаолият кўрсатиш жараёнларини такомиллаштиришнинг истиқболли йўналишларидан бири бўлиб, корхона ва ташкилотлардан статистик ҳисоботларни йиғишни ташкил қилишнинг электрон тури ҳисобланмоқда. Ушбу технология корхона ва ташкилотларда статистик ҳисоботларнинг электрон версиясини яратишни тақазо қилиб, киритилган ахборотларни назорат қилиш, уни марказий серверга экспорт этиш ва қабул қилинган файлларни алоқа каналлари орқали туман статистика органларига узатишни кўзда тутади. Шуни таъкидлаш жоизки, бу технологияни кенг жорий қилишда қабул қилиб олинган статистик ҳисоботларни туман даражасида фаолият кўрсатаётган ходимларнинг билим даражасининг пастлиги жиддий тўсқинлик қилмоқда. Шунинг учун ҳам, айрим ҳолларда қабул қилинган статистик ҳисоботлар фақат вилоят даражасида таҳлил қилиниб, унинг эгасига белгиланган муддатда электрон шаклда жавоб қайтарилади.

Шу билан биргаликда, ушбу йўналишда ишлар тажрибаси бу технологиянинг нафақат давлат статистика органлари учун, балки ҳисобот топширувчи хўжалик субъектлари учун ҳам муҳокама қилиб бўлмайдиган устун-ликларини кўрсатмоқда. Электрон технологияни кенг жорий қилиш статистика органларига ахборотларни йиғиш тезлигини оширишга олиб келмоқда. Ушбу ахборотларни йиғиш методидан кенг фойдаланиш тақдим қилинаётган ахборотлар сифатини юксалтиришга олиб келади, чунки кор-хона ва ташкилотлар мутахассислари томонидан статистик ҳисоботларни тузиш босқичидаёқ автоматлаштирилган

назоратдан ўтади. Давлат статистика органлари учун маълумотларни йиғишнинг электрон технологиясидан кенг фойдаланиш уларнинг умумий ҳаражатларини жиддий қисқартиришга олиб келади. Шу билан бирга, корхона ва ташкилотлар учун статистик ахбо-ротларни давлат статистика органларига тезкорлик билан тақдим қилишни юксалтириш муҳим ҳисобланади. Корхона ва ташкилотлар раҳбарлари юқо-ридаги ёндашув статистик ҳисоботларни тақдим қилишнинг вақт ҳаражат-ларини қисқартиришга ва ҳисобот интизомини юксалтиришга олиб келиши-ни яхши тушунишади. Статистик ҳисоботларни туман статистика бўлимла-рига етказиб бериш учун иш вақтларини йўқотмайди, чунки улар ўз иш ўринларини тарк этмасдан уларни давлат статистика органларига жўнатиш имкониятига эгадирлар. Бундан ташқари олдинги даврлар учун тайёрланган статистик ҳисоботларнинг электрон версияларини мавжудлиги жорий ҳисо-ботларни корхона бўйича тайёрлаш учун кетадиган меҳнат ҳаражатларини қисқартиришга олиб келади.

Давлат статистика органлари томонидан корхона ва ташкилотларнинг статистик ҳисоботларни топширишда қоғозсиз технологияларга ўтиши кўламини кенгайтириш борасида қуйидаги омилларга жиддий эътибор бериш керак бўлади:

- корхона ва ташкилотларда замонавий компьютерларнинг мавжудлиги;
- уларда локал ҳисоблаш тармоқларининг жорий қилинганлиги;
- глобал ахборот тармоғи бўлмиш Интернетдан кенг фойдаланиш имкониятининг мавжудлиги;
- электрон почта ва бошқа замонавий инструментлардан кенг фойда-лана олишлиги.

Электрон технологияларни кенг самарали жорий қилиш ва улардан фойдаланиш натижасида максимал иқтисодий самара олиш борасида туман ва шаҳар статистика бўлимлари корхона ва ташкилотлар учун жудаям тушу-нарли ва оддий ёзилган инструктив материал тайёрлаб, уларга тарқатиши керак бўлади. Бунда энг асосий мақсаб бўлиб, фойдаланувчилар талабини максимал қондириш, дастурий маҳсулотлардан фойдаланиш йўриқномаларини тақдим қилиш ва уларни керагидан ортиқ материаллар билан таъмин-лаш керак эмасдир. Шу билан бирга туман ва шаҳар статистика бўлимлари ходимлари учун ҳам корхона ва ташкилотлардан статистик ҳисоботларни электрон кўринишда қабул қилиб олиш учун тавсияномалар ишлаб чиқилиши лозимдир. Бу ҳам бўлса бу борадаги ишлар самарадорлигини юксал-тиради ва объектив ҳамда тезкор ҳисоботларни қабул қилиш учун замин яратади.

Тадиқиқотларимиз мобайнида Давлат статистика қўмитаси томонидан давлат статистика ҳисоботларини топширишни яхши йўлга қўйилганига қарамасдан маълум бир муаммолар мавжудлигини кўрсатмоқда.

Биринчидан, корхона ва ташкилотлар томонидан электрон ҳисоботларни топширишнинг регламентлари ишлаб чиқилган ва уларга етказилган бўлса ҳам, ҳисоботларда улар томонидан йўл қўйилаётган камчиликлар туфайли белгиланган ҳисобот топшириш муддатларидан четга чиқиш ҳолат-лари кузатилмоқда.

Иккинчи муаммо бўлиб, ҳозирги кунда статистик ҳисоботларни электорон топшириш борасида фаолият кўрсатаётган “e-Stat 3.0 – автоматлаштирилган ахборот тизими” фақат оффлайн режимида фаолият кўрсатмоқда. Албатта, бу фойдаланувчиларга кўпгина қўшимча имкониятларни беради, лекин ҳозирги шиддат билан ривожланаётган АКТлар шароитида он-лайн режимига ўтиш мақсадга мувофиқ бўлади.

Учинчидан, электрон ҳужжат алмашув ахборот тизимларини аллақачон жорий қилган йирик корхона ва ташкилотларда маълум бир муаммолар вужудга келмоқда. Бундай корхоналарда электрон ҳисоботларни топшириш бўйича махсус дастурий маҳсулотларни жорий қилиш мақсадга мувофиқ эмас, чунки фойдаланувчиларни қўшимча вақт сарфлашга олиб келади. Бу муаммонинг ечими сифатида Microsoft Officeнинг стандарт воситаларини ёки бошқа воситаларни кенг қўллаган ҳолда “e-Stat 3.0 – автоматлаштирилган ахборот тизими”га электрон ҳисоботларни тўғридан-тўғри ўтказиш форматларини ишлаб чиқиш керак бўлади.

Таҳлилларимиз шуни кўрсатмоқдаки, кўпгина йирик корхона ва таш-килотларда ички ҳужжат айланиш тизимларини жорий қилишда таниқли компьютер фирмаларига мурожаат

қилишмоқда. Ушбу жараёнларнинг таҳ-лили талаб кўп бўлган ахборот тизимларини аниқлаб олишга имкон бер-моқда. Аввалом бор “1С” компьютер фирмасининг маҳсулотлари ҳисобланиб, улар бозорда жудаям мустаҳкам ўринни эгаллашди ва корхоналарда бошқарув жараёнларини тўлиқ ахборот қўллаб-қувватлаш учун хизмат қилмоқда. Айрим корхоналар ахборот тизимларини ишлаб чиқарувчиларга статистик ҳисоботларнинг электрон версияларини ҳам шакллантириш бўйича буюртмалар беришади, лекин, улардан фақат корхона ички электрон ҳужжат айланиш тизими доирасида фойдаланиш мумкин бўлиб, статистика органлари томонидан қабул қиладиган ва қайта ишланадиган технологиялар билан монан бўлмайди.

Корхона ва ташкилотлар томонидан статистика органларига давлат статистика ҳисоботларини электрон шаклда топширишда вужудга келадиган яна бир муаммоларидан бўлиб, алоқа каналлари орқали ҳисоботларни уза-тишда маълумотларни ҳимоялаш ҳисобланади.

Бизнинг фикримизча, Давлат статистика қўмитаси ахборот тармоғининг истиқболда ривожланиб бориш архитектураси САТни ривожлантириб боришнинг умумий принциларига мос равишда олиб борилиши керак бўлиб, унда метамаълумотларнинг ягона тизимидан фойдаланиш принципи, маълу-мотларни марказлашган ҳолда қайта ишлаш принципи ва расмий статистик ахборотларни марказлашган ҳолда тарқатиш припципига риоя қилиниши лозим.




**2– расм. Статистик ахборот тизимлари янги авлодининг функционал схемаси[7]**

Метамаълумотларнинг ягона тизимидан фойдаланиш принципи нафақат ДСҚнинг САТ архитектурасини ривожлантиришнинг муҳим принципи ҳисобланади, балки корпоратив ахборот тизими доирасида расмий статистика ахборотларини интеграциясини таъминловчи бўлиб ҳам хизмат қилади. Ушбу принципга риоя қилмаслик ҳар-хил ташкилотларнинг турли статистик масалалардан келиб тушадиган статистик маълумотлар трансформация учун мўлжалланган махсус дастурий воситаларни ишлаб чиқишни талаб қилади. Ушбу муаммолар статистик ахборотлардан халқаро алмашишни ташкил қилиш бўйича масалаларни ечишда ҳам пайдо бўлади.

Статистик маълумотларни қайта ишлашнинг марказлашган принципи бирламчи маълумотларни марказлашган ҳолда қайта ишлашни назарда тутиб, республика даражасига вилоятлар даражасидан маълумотларни олиш ҳисобига амалга оширилади ва вилоят даражасида бирламчи маълумотларни қайта ишлаш ҳажмларини минималлаштиришга олиб келади. Олиб борган тадқиқотларимиз натижасида ДСҚ статистик ахборот тизимларининг янги авлодини самарали фаолият кўрсатишининг функционал схемасининг қуйидаги кўриниши таклиф қилиб қилинмоқда.

ДСҚнинг статистик ахборот тизимларининг янги авлоди қуйидаги замонавий АКТ инфратузилмаси негизида қурилади:

ягона идоравий мультисервисли тармоқ;

ахборот хавфсизлигини таъминловчи тизим;

электрон ҳужжат алмашув тизими;

транспорт тизими;

Интернет – портал.

Юқорида таклиф қилинаётган ахборот тизимларининг фаолият кўрсатиш схемаси асосида ДСҚнинг туман, вилоят ва республика даражаларида самарали фаолият кўрсатиш учун муҳим касб этади. Шулардан келиб чиққан ҳолда корхона ва ташкилотлар томонидан давлат статистик ҳисоботларини йиғишнинг қуйидаги универсал тизими таклиф қилинмоқда.




**3-расм. Статистик ҳисоботларини йиғишнинг универсал тизими[8]**




**4-расм. Махсус ҳисоботларни йиғиш тизими [9]**

Бизнинг фикримизча, давлат статистик ҳисоботларини йиғишнинг ушбу таклиф қилинаётган ёндашуви барча шаклдаги ҳисоботларни йиғиш учун қўлланилиши керак бўлиб, жумладан танланма ва ялпи кузатувларни ҳам қамраб олиши зарур. Бундай ёндашув интервью олиш усуллари асосида статистик кузатувлар амалга оширилаётган бўлса мақсадга мувофиқ бўлади. Ушбу статистик кузатувлар учун қўшимча тизимостилари талаб қилиниб, улар ностандарт бизнес-жараёнларини автоматлаштириш ёки уникал алгоритмларни жорий

қилишга хизмат қилади. Бизнинг фикримизча, САТнинг универсал модулларидан кенг фойдаланишга интилиш керак бўлади, мисол учун 4-расмда келтирилганга ўхшагандек. Ушбу махсус ҳисоботларни йиғиш тизими аввалом бор турли танланма кузатувлар бўйича бирламчи маълумотларни электрон планшетлар асосида йиғишни таъминлайди, қайта ишлашни йўлга қўяди ва ягона жойда сақлашни таъминлаб беради.

Юқорида таклиф қилинаётган модулда САТ таркибига қўшимча равишда респондентлар рўйхатини тайёрлаш тизимостиси киритилмоқда, йиғишнинг асосий воситаси сифатида Call-марказдан фойдаланилмоқда, бошқа барча тизимостилари эса универсал САТдан фойдаланилади. Бизнинг фикримизча, махсус САТлар албатта метамаълумотлар ва хизмат доирасидаги ахборотлардан фойдаланиши керак бўлиб, улар статистик кузатувлар методологияси тизимостиси томонидан генерацияланиб, уларнинг иш фаолияти натижалари ягона сақлаш жойига келиб тушиши шарт.

**Хулоса ва таклифлар.** Олиб борган тадқиқотларимиз натижасида ДСҚнинг статистик ахборот тизимларини янада ривожлантиришнинг асосий стратегик йўналишлари сифатида қуйидагиларни таклиф қиламиз:

методологик таъминотни қўллаб-қувватлаш технологиясини унификациялаш – статистик маълумотларни йиғиш, қайта ишлаш ва тарқатиш ишларини режалаштириш, ташкил қилиш ва олиб боришнинг яхлит метоло-гиясини ишлаб чиқиш ва жорий қилишга йўналтирилган комплекс тадбирлар амалга оширилиб, унда ягона технологик платформага таяниш;

амалий функционалликни ишлаб чиқиш – янги ишлаб чиқилган методология асосида статистик маълумотларни йиғиш, сақлаш, қайта ишлаш ва тақдим қилиш жараёнларини тўлиқ автоматлаштиришни қўллаб-қувват-ловчи комплекс амалий дастурий таъминотларни ишлаб чиқиш;

инфратузилмадан самарали фойдаланишни юксалтириш – ДСҚ САТни нормал фаолият кўрсатишини таъминловчи марказлашган ёндашувни амалга ошириш ва амалий жиҳатларини узлуксиз фаолият кўрсатишини таъминлаб берувчи барча бошқарув даражаларида ахборот тизимлари ва сервисларни яратиш.

**ФОЙДАЛАНИЛГАН АДАБИЁТЛАР РЎЙХАТИ:**

1. "Ўзбекистон Республикаси Давлат статистика қўмитаси фаолиятини такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида" Ўзбекистон Республикаси Президентининг Қарори, 2017 йил 31 июлда № 3165.

2. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 13 декабрдаги "Ўзбекистон Республикаси давлат бошқарувига рақамли иқтисодиёт, электрон ҳукумат ҳамда ахборот тизимларини жорий этиш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида"ги ПФ-5598-сон фармони.

3. "Давлат бошқарувининг очиқлиги ва шаффофлигини таъминлаш ҳамда мамлакатнинг статистика салоҳиятини ошириш юзасидан қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида"ги Ўзбекистон Республикаси Президентининг Қарори, 2019 йил 9 апрелда № ПҚ-4273.

4. "Ўзбекистон Республикасининг миллий статистика тизимини янада такомиллаштириш ва ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида" Ўзбекистон Республикаси Президентининг Қарори, 2020 йил 3 августида № 4796.

5. Ўзбекистон Республикаси Президентининг ""Рақамли Ўзбекистон – 2030 стратегиясини тасдиқлаш ва уни самарали амалга ошириш чора-тадбирлари тўғрисида" 2020 йил 5 октябрдаги ПФ-6079-сон фармони.

6. Laudon K.C., Laudon J.P. Management Information Systems. Managing the digital firm / 12th edition. New York: Prentice Hall. 2016. 677 p.

7. Kenneth C. Jane P. Menedjment information systems. Managing the Digital Firm. Printed and bound by Courier Kendalville in United States of America. Pearson Education Limited 2016.– P. 675.

8. Бегалов Б.А., Жуковская И.Е. Информационно-коммуникационные технологии формирования инновационной экономики и обеспечение ее конкурентоспособности. Монография. Ташкент: Фан ва технология. 2013. - 139 с.

9. Бегалов Б.А., Жуковская И.Е. Методологические аспекты влияния информационного общества на инновационное развитие экономики. Монография. Ташкент: Фан ва технологиялар. 2016. - 134 с.

10. Давлат статистика қўмитасининг йиллик ҳисоботлари асосида муаллиф томонидан ишлаб чиқилган маълумотлар.

УЎК 332.02

# СТАТИСТИК АХБОРОТ РЕСУРСЛАРИ – БОЗОР ИҚТИСОДИЁТИ ШАРОИТИДА СТАТИСТИКА ФАОЛИЯТИНИ ТИЖОРАТЛАШТИРИШНИНГ ОБЪЕКТИ СИФАТИДА

***А.Б.Раджиев, мустақил тадқиқотчи, Кадрлар малакасини ошириш ва статистик тадқиқотлар институти, Тошкент***

***Аннотация.*** *Ушбу мақолада стаистик ахборот ресурслари – бозор иқтисодиёти шароитида статистика фаолиятини тижоратлаштиришнинг объекти сифатидаги маълумотлар кўриб чиқилган, Давлат статистика қўмитаси молия-хўжалик фаолиятининг ҳолати йиллар кесимида таҳлил қилинган, тадқиқот ишлари олиб борилган ва тадқиқот натижалари таҳлил қилиниб, хулоса ва тавсиялар ишлаб чиқилган.*

***Калит сўзлар:*** *ахборт ресурслари, ишлаб чиқариш, бозор иқтисодиёти, тадқиқот, кузатув, статистика органлари.*

***Аннотация.*** *В данной статье рассмотрены статистические информационные ресурсы - данные как объект коммерциализации статистической деятельности в условиях рыночной экономики, проанализировано состояние финансово-хозяйственной деятельности Госкомстата в разрезе лет, исследовательская работа проведен анализ результатов исследований, разработаны выводы и рекомендации.*

***Ключевые слова:*** *информационные ресурсы, производство, рыночная экономика, исследования, мониторинг, органы статистики.*

***Abstract.*** *In this article, statistical information resources - data as an object of commercialization of statistical activity in the conditions of market economy were considered, the state of financial and economic activity of the State Statistics Committee was analyzed in the cross-section of years, research work was carried out, research results were analyzed, conclusions and recommendations were developed.*

***Key words:*** *information resources, production, market economy, research, monitoring, statistical bodies.*

**Кириш.** Сўнгги йилларда статистика соҳасини ислоҳ қилиш борасида иккита Қонун, Ўзбекистон Республикаси Президентининг қатор Фармон, қарор ва фармойишлари ҳамда уларнинг ижросини таъминлашга қаратилган бир қатор ҳукумат қарорлари қабул қилинди. Жумладан, охирги йилларда олиб борилаётган ислоҳотларда статистика тизимининг жудаям муҳимлигини инобатга олиб, 2017 йил 31 июлда № 3165 “Ўзбекистон Республикаси Давлат статистика қўмитаси фаолиятини такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида” Ўзбекистон Республикаси Президентининг Қарори[1] 2019 йил 9 апрелда № ПҚ-4273 “Давлат бошқарувининг очиқлиги ва шаффофлигини таъминлаш ҳамда мамлакатнинг статистика салоҳиятини ошириш юзасидан қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикаси Президентининг Қарори [2] ва 2020 йил 3 августида №4796 “Ўзбекистон Республикасининг миллий статистика тизимини янада такомиллаштириш ва ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида” Ўзбекистон Республикаси Президентининг Қарори[3] қабул қилинди.

Ҳозирги кунда ахборот фаолияти тармоғи технологик ягоналик ва ишлаб чиқарилаётган маҳсулотларининг бир хиллиги жиҳати билан тавсифланмоқда. Миллий иқтисодиётнинг бошқа тармоқлари каби ахборот фаолияти ўзига хос бўлган маҳсулотларни ишлаб чиқаришга ихтисослашган бўлади. Лекин, ахборотнинг ўзи маҳсулот сифатида материал кўринишда бўлмайди, ўз ўрнида у натижавий ишлаб чиқариладиган маҳсулотнинг таркибий элементи ҳисобланиб, уларда ўзининг материаллашганини намоён этади.

Агар, биз ҳозирги кунда станок, самолёт, автомобиль, холодильник каби якуний турдаги маҳсулотларни ишлаб чиқариши ҳақида гап юритсак, улар таркибида ахборотларнинг таркибий элементлари мавжуд бўлиб, улар ушбу ишлаб чиқарилган товарлар билан боғлиқ ҳаражатларни акс этади. Натижада, ахборот соҳаси фаолияти ҳохлаган товарларни ишлаб

чиқаришни керак бўлган бирламчи ахборот ресурслари билан таъминдаб беради.

Ушбу соҳа технологик таркибий элементларнинг ўзига хос жиҳатларига эга бўлиб, иқтисодий-ташкилий ва молиявий, ишлаб чиқариш, технологик ва бошқа циклларни ҳам қамраб олади. Бир вақтнинг ўзида ахборот ресурсла-рини ишлаб чиқариш ҳоҳлаган товар ишлаб чиқариш фаолиятининг муҳим таркиби ҳисобланади. Ахборот соҳаси ўзининг таркибий ҳолати бўйича жа-мият ишлаб чиқаришининг ҳоҳлаган тармоғининг объектив иқтисодий қонунларига мос келади, яъни бу соҳа қуйидагилар билан ифодаланади: ишлаб чиқариш жараёни, маҳсулотни ишлаб чиқариш жараёни, меҳнат предмети, ишлаб чиқаришни ташкил қилиш ва ишлаб чиқарилган маҳсулотнинг йўналтирилганлиги.

Бозор иқтисодиёти шароитида ахборот соҳа фаолияти иқтисодиёти бозор инфратузилмасини ривожлантиришнинг муҳим элементи ҳисобланиб, бозор муносабатлари самарадорлигини анча юксалтиришга ва ахборот фаолиятини бозорнинг муҳим қисми сифатида ажратишга олиб келиб, усиз бозорнинг фаолият кўрсатиши умуман мумкин эмасдир. Шундай қилиб, бугун жамият истеъмолини ахборотлар билан қониқтириш бозор иқтисодиётининг муҳим қисми ҳисобланади.

**Адабиётлар таҳлили.** Ушбу мақолани ёзишда мамлакатимиз ва чет эл олимларининг кўпгина илмий ишлари ўрганилиб чиқилди ва қиёсиё таҳлил қилинди. Статистик ахборот ресурслари – бозор иқтисодиёти шароитида статистика фаолиятини тижоратлаштириш, бошқарув жараёнлари, ижтимоий-иқтисодий масалаларни ечиш ва бизнес-жараёнларни такомиллаштиришда АКТ ва ахборот тизимларидан самарали фойдаланиш масалаларининг назарияси ва услубиётини янада такомиллаштиришда О.Махлуп, С.Кеннет, П.Жейн, К.С. Лаудон, Ж.П. Лаудон, Ж.Ф. Нейман, М.Хаммер, К.Шеннон, Н.Винер, Б.С.Мкнурлин каби чет эл олимлари ўз илмий тадқиқотлари билан улкан ҳисса қўшишган.

К.С. Лаудон, Ж.П. Лаудонлар [4] ўз тадқиқот ишларидан ахборот тизимларини ишлаб чиқиш ва иқтисодиёт тармоқларида самарали қўллашнинг методологиясини таклиф қилишган. Уларнинг илмий ишларида ахборот тизимларининг инфратузилмаси, тармоқ технологиялари, ахборот тизимларини лойиҳалаштириш ва ишлаб чиқиш, ахборот технологияларининг инфратузилмаси каби масалалар кўриб чиқилган. Ахборот тизимларини бошқарув жараёнларида қўллаш, уларни тизим-остиларини оптимал лойиҳалаштириш, турли функционал масалаларни ечишда ахборот тизимларидан самарли фойдаланиш каби йўналишларда С.Кеннет, П.Жейнлар [5] ўз тадқиқотларини олиб боришган.

**Тадқиқот методологияси.** Ушбу мақолани ёзишда тадқиқот методологиясининг қиёсий таққослаш, тизимли иқтисодий-статистик, кўпомилли тадқиқотлар усуллари, анкета сўровлари, статистик танловлар, гуруҳлаш, солиштириш усуллари кенг фойдаланилди.

**Таҳлил ва натижалар муҳокамаси (асосий қисм).** Олиб борган тадқиқотларимиз шуни кўрсатмоқдаки, жаҳон ахборот ресурслари ёки билимлар ахборот ресурслари ҳозирги кунда бозорни самарали ривожлантиришнинг муҳим элементи бўлмоқда. Ахборот ресурслар ва билимлар иқтисодиёти – ахборот фаолияти соҳасини ривожлантиришнинг келажаги ҳисобланади. У иқтисодий ўзаро ҳаракатларнинг барча элементларини, жамият ишлаб чиқаришнинг бошқа тармоқлари билан ахборот фаолияти соҳасининг ўзаро алоқасини белгилаб беради.

Тадқиқотларимиз шуни кўрсатмоқдаки, талаб даражасига эга бўлмаган статистик ахборотлар ҳеч кимга керак эмас ва ҳеч қандай қийматга эга бўлмайди ва аксинча доимий равишда фойдаланилаётган ахборотларнинг қиймати эса юқори бўлиб, кўп ҳолларда улар бебаҳо ҳисобланади. Статистик ахборотларга бўлган талаб ҳам кундан-кунга ортиб бормоқда ва улар статистика органлари тижорат фаолиятининг бозордаги асосий маҳсулоти бўлиб иштирок этмоқда. Статистика органлари истеъмолчиларга статистик ахборот ресурси сифатида статистик ахборотларни қоғоз ёки электрон шаклда, ҳудудларнинг ижтимоий-иқтисодий ривожланиши ҳолати бўйича тўпламларни, турли тармоқларнинг бюллетенлари, йиллик маърузалар тўпламларини сотишни кенг йўлга қўйишган. Қуйидаги жадвалдан кўриниб турибдики, тижорат фаолиятини яхши йўлга қўйган ҳудудлар ҳам мавжуд, яъни Бухоро вилоятида тижорат фаолиятининг жами иш ҳажмидаги улуши – 11,9 %, Тошкент

вилоятида – 17,4 %, Тошкент шаҳрида – 10,9 % ни ташкил қилмоқда. Ушбу тижорат фаолиятидан тушган молиявий ресурсларни ҳудудий бошқармалар ўзининг моддий-техника базасини янада яхшилашган ва ходимларни моддий рағбатлантириб боришлари мумкин бўлади. Ушбу жадвалдан кўриниб турибдики, Жиззах вилояти (1,3 %), Самарқанд вилояти (2,8 %), Навоий вилояти (4,0 %) бу борадаги тижорат фаолиятларини янада жадаллаштириш керак бўлади.

**1-жадвал**

**Давлат статистика қўмитасида молия-хўжалик фаолиятининг ҳолати (2018 йил якунлари бўйича) [6]**

| № | Ҳудудлар номи | Асосий фаолият тури бўйича иш ҳажми, млн. сўм | | | Тижорат фаолиятининг жами иш ҳажмидаги улуши (%) | Хўжалик фаолиятининг бошқа даромадлари, млн.сўм |
|---|---|---|---|---|---|---|
| | | Жами | шу жумладан: Давлат буюртмаси | шу жумладан: Тижорат фаолияти | | |
| 1 | Марказий аппарат | 13 586,1 | 13 184,8 | 401,2 | 3,0 | 109,8 |
| 2 | Қорақалпоғистон Республикаси | 4 247,1 | 4 076,2 | 170,8 | 4,0 | 7,2 |
| 3 | Андижон вилояти | 4 364,9 | 4 044,8 | 320,0 | 7,3 | 16,3 |
| 4 | Бухоро вилояти | 4 073,6 | 3 586,8 | 486,7 | 11,9 | 17,4 |
| 5 | Жиззах вилояти | 3 219,5 | 3 177,9 | 41,6 | 1,3 | 10,8 |
| 6 | Қашқадарё вилоти | 4 297,8 | 3 878,0 | 419,7 | 9,8 | 1,6 |
| 7 | Навоий вилояти | 3 422,7 | 3 284,5 | 138,2 | 4,0 | 0,0 |
| 8 | Наманган вилояти | 3 781,1 | 3 594,1 | 187,0 | 4,9 | 12,4 |
| 9 | Самарқанд вилояти | 4 361,3 | 4 238,3 | 123,0 | 2,8 | 27,7 |
| 10 | Сурхондарё вилояти | 3 758,4 | 3 566,1 | 192,2 | 5,1 | 0,0 |
| 11 | Сирдарё вилояти | 3 048,1 | 2 914,0 | 134,0 | 4,4 | 24,4 |
| 12 | Тошкент вилояти | 5 421,4 | 4 475,4 | 945,9 | 17,4 | 182,8 |
| 13 | Фарғона вилояти | 4 855,6 | 4 553,9 | 301,6 | 6,2 | 41,7 |
| 14 | Хоразм вилояти | 3 494,7 | 3 305,4 | 189,2 | 5,4 | 39,9 |
| 15 | Тошкент шаҳар | 4 174,8 | 3 719,7 | 455,0 | 10,9 | 0,0 |
| | ЖАМИ: | 70 107,4 | 65 600,6 | 4 506,8 | 6,4 | 492,4 |

Одатда турли хилдаги ахборотлар мулкчилик шакли бўйича индивидуал ва жамоавий бўлади. Натижада одатда “ахборот” оддий товарнинг айрим хусусиятларига ўхшаган ва ўхшамаган бўлиши мумкиндир. Умуман олганда, жаҳон ҳамжамиятининг ахборот ва ахборот ресурслари – бу ҳар бир давлатнинг миллий бойлиги бўлиб, ҳозирги ва келажак авлод улар ёрдамида ўзларининг ишлаб чиқаришларини самарали ривожлантириш ва фойда олиши мумкиндир. Шунинг учун ҳам жаҳон ахборот макони ва жамияти ривожланишининг замонавий иқтисодий жиҳатларини кўриб чиқиш билан, аста-секинлик билан ананавий мавжуд оддий меҳнат жараёнлари ва капитални ахборот ва ахборот ресурслари кўринишдаги меҳнатга интеллектуал ҳаражатлар сиқиб чиқариб боради. Натижада, келажакда ахборотларга, келажакда ахборот маҳсулотларига айланган инсоннинг интеллектуал меҳнати ва билимлари истеъмол нархларни яратишнинг манбаи бўлиб хизмат қилади. Шундай қилиб, ахборот ресурсларининг истеъмол хусусиятлари ўзларида миқдор ва сифат, ахборотнинг нархи ва фойдалилигини тавсифлайди. Ахборотнинг қиймати ва фойдалилиги уларнинг тўлиқлилиги, аниқлилиги, тўғрилилиги, янгилилиги, тезкорлилиги ва фойдалилиги билан ифодаланади. Лекин, инсон томонидан ишлаб чиқариш жараёнида ишлаб чиқилган ананавий маҳсулот ва товарлардан ахборот ресурслари бир қатор фарқ қилувчи хусусиятларга эга бўлади.

ДСҚ томонидан доимий равишда истеъмолчилар ўртасида ўтказиб келинадиган ижтимоий сўровларга эътибор берадиган бўлсак, статистик маълумотлардан ҳар куни фойдаланувчилар улуши - 27,7 % ни, ҳар ҳафтада – 14,9 % ни, ойига 1-2 марта деганлар эса - 22,5 % ни ташкил қилмоқда. Чоракда 1-2 марта ишлатамиз деган респондентлар улуши - 9,2 % ни, ярим йилда 1-2 марта деганлар - 6,6 % ни, йилига бир марта ва камроқ – 7,1 % ни ва талаб бўлганда деганлар - 11,8 % ни ташкил қилмоқда.

Бундан кўриниб турибдики, статистик маълумотларга бўлган қизиқиш ва эҳтиёж анча юқоридир. Шунинг учун ҳам статистика органлари ўзлари-нинг статистик ахборот

ресурсларини бозорда тақдим қилиш борасида замонавий маркетинг ва рекламадан кенг фойдаланишса мақсадга мувофиқ бўлади.

**Расмий статистика маълумотларини қанчалик тез-тез ишлатасиз ?**




**1-расм. Статистик ахборот ресурсларидан фойдаланувчилар ўртасида ўтказилган сўровлар натижаси [7]**

Ахборот ресурслари уларни истеъмол қилиш жараёнида сарфланмайди, улар кўп марта ишлатилиши мумкин ва кўп вақт мобайнида сақланиб, фойдаланувчи ва ишлаб чиқарувчилар учун чексиз вақт мобайнида ишлатилиши мумкиндир. Лекин, ахборот ресурслари ҳам эскириш ва уларни бошқа янги-роғига алмаштириш хусусиятларига эгадир. Ахборот ресурсларини ишлаб чиқарувчилар ёки сотувчилар уларни кўп марта сотиши мумкин бўлиб, бир вақтнинг ўзида уларнинг доимий эгалари бўлиб қолишади. Лекин, кўп ҳолларда ахборотлар номатериал объект бўлиб, унинг ўзи сотилмайди, балки ундан фойдаланиш ҳуқуқи сотилади. Ҳудди шу жиҳати билан улар бошқа турдаги товарлар хусусиятидан фарқ қилади. Кўп ҳолларда ахборот ресурслари материал шаклига эга бўлмайди, уларни ушлаб бўлмайди ва уларга тегиб бўлмайди. Агар статистик ахборот бирламчи бўлса унинг нархи бошқача, агар у иккиламчи бўлса эса бошқача нархда бўлиши табиийдир. Шундай қилиб, истеъмолчилар томонидан керак бўлган ахборот ресурсларини излаш уларнинг истиқболдаги қиймати, фойдалилиги, нархи ва аҳамиятлилигини белгилаб берувчи асосий омил бўлади. Шундай қилиб, инсон меҳнатининг интеллектуал маҳсулоти бўлмиш ахборот ресурслари товарга айланиши учун истеъмол қийматига айланиш керак бўлади. Жамиятга фойдали бўлган маълум бир турдаги ахборотни яратиш учун интеллектуал меҳнатни сарфлаш талаб қилинади. Шуни таъкидлаш жоизки, ахборот ресурси ўзига хос товар ҳисобланиб, бошқа истеъмолчига узатилса ҳам, уни бирламчи кўринишда яратганда қолаверади.

Тадқиқотларимиз шуни кўрсатмоқдаки, ахборот ресурслари бир вақтда кўп маротаба истеъмол қилиш хусусиятига эга бўлиб, бу жараёнда улар бирламчи истеъмол қийматини умуман йўқотмайди ва бошқа товарлар эса ўз қийматини йўқотиб, улардан қайта фойдаланиш учун эса уларни кўп марта ишлаб чиқариш керак бўлади. Ахборот ресурсларидан фойдаланишда вақт омили бошқа товарлар каби муҳим аҳамият касб этади. Ахборот ресурслари вақт ўтиши билан эскириб боради ва шунинг учун ҳам улар янги товарлар каби қиймати ортиб бориш тенденциясига эга бўлмайди. Юқорида келтиилган сўровлар натижаларига мурожаат қиладиган бўлсак, истеъмолчилар статистик маълумотлардан қуйидаги мақсадларда фойдаланаётганликлари кузатилмоқда.

**Расмий статистика маълумотларидан қандай мақсадларда фойдаланасиз ?**




**2-расм. Статистик ахборот ресурсларидан фойдаланувчилар ўртасида ўтказилган сўровлар натижаси [8]**

Юқоридагилардан келиб чиққан ҳолда, келажакда давлат статистика ахборот ресурсларини шакллантиришнинг интеграциялашган асосига ўтишда қуйидагилар таклиф қилинади:

хўжалик субъктларини ҳисобини юритишнинг асоси сифатида корхона ва ташкилотлар регистрининг янги функцияларини ривожлантириш;

комплекс статистик маълумотлар базасини шакллантиришда банк, молия, солиқ ва турдаги маъмурий статистикадан фойдаланиш;

давлат хокимияти ва уларнинг ҳудудлардаги таркиблари билан статистик ахборот алмашувини янада фаоллаштириш;

давлат статистика кузатувларининг ташкил қилишнинг янги жиҳатларини ўзлаштириш, унда барча турдаги мулкчилик шаклидаги йирик ва кичик корхоналар ёппасига статистик ҳисобот топшириши йўлга қўйилади ва микрофирмалар эса танланма кузатувларга ўтказилади.

Статистик ахборот тизимлари фаолият кўрсатишини такомиллаштириш, аввалом бор ахборот ресурсларини шакллантиришда замонавий усуллардан фойдаланиш ва статистик фаолиятнинг барча иерархик даражаларида илғор АКТни жорий қилиш билан кузатилади. Бундан ташқари, САТлар одатда давлат статистикасининг ягона ахборот маконини яратишнинг асоси сифатида ишлаб чиқилиб, ундан республика статистика фаолияти режаларини ва турли истеъмолчилар учун ечиладиган масалаларни ҳал қилишда кенг фойдаланилади.

Мамлакатнинг статистик ахборот ресурслари ўз таркибига корхоналар фаолияти, аҳоли ҳаёти, мавжуд табиий ресурслар, молия, интеллектуал мулк ва бошқалар ҳақидаги ахборотларни қамраб олади. Ушбу ахборотлар асосан ДСҚнинг ахборот фондларида, унинг таркибига кирувчи ташкилотларда, давлат органларининг ахборот сақлаш жойларида, алоҳида корхона ва ташкилотларда мужассамланган бўлади. Қуйидаги жадвалда Тошкент шаҳри ва унинг туманларида статистик ахборот ресурсларини сотиш ҳолати келтирилган. Ундан кўриниб турибдики, туманларнинг ахборот ресурсларини сотиш динамикаси бир-биридан тубдан фарқ қилади. Туман статистик бўлимида фаолият кўрсатаётган ҳар бир ходим бўйича сотилган ахборот ресурслари тақсимланганда, айрим туманлар, яъни Миробод тумани - 15,3 млн.сўм, Чилонзор тумани – 15,3 млн. сўм, Юнусобод тумани – 13,9 млн. сўм, Сир-ғали тумани – 13,7 млн. сўмни ташкил қилиб юқори кўрсаткичларга эришиш-ган. Лекин, Бектемир тумани – 6,8 млн.сўм, Олмазор тумани – 9,1 млн.сўм, Учтепа тумани – 9,1 млн.сўм билан анча паст кўрсаткичларни намойиш қилмоқда. Ушбу туманлар статистик ахборот ресурсларини истеъмолчиларга сотиш бўйича фаолиятларини янада жадаллаштиришлари керак бўлади, унда замонавий маркетинг ва реклама воситаларидан кенг фойдаланишлари лозимдир.

**2-жадвал**

**Тошкент шаҳри бўйича статистик ахборот ресурсларини сотиш ҳолати (2019 йил якунлари бўйича) [9]**

| Туманлар номи | Ахборот ресурсини сотиш (пуллик хизматлар ҳажми, млн. сўм) | Ходимлар сони | Бир ходимнинг ўртача ишлагани (млн. сўм) | Ахборот бирлигининг ўртача нархи (минг кўрсаткич/ минг сўм) |
|---|---|---|---|---|
| **Жами:** | **849,2** | **114** | **7,4** | **189,2** |
| Бошқарма | 448,1 | 79 | 5,6 | 369,3 |
| туманлар: | 401,2 | 35 | 11,4 | 79,7 |
| Учтепа | 27,4 | 3 | 9,1 | 92,1 |
| Бектемир | 13,6 | 2 | 6,8 | 204,0 |
| Юнусобод | 55,6 | 4 | 13,9 | 57,8 |
| Мирзо Улуғбек | 25,1 | 3 | 8,3 | 61,1 |
| Миробод | 46,0 | 3 | 15,3 | 90,4 |
| Шайҳонтоҳур | 37,6 | 4 | 9,4 | 88,1 |
| Олмазор | 36,3 | 4 | 9,1 | 79,8 |
| Сирғали | 27,4 | 2 | 13,7 | 96,0 |
| Яккасарой | 23,6 | 2 | 11,8 | 71,9 |
| Яшнобод | 46,7 | 4 | 11,6 | 91,2 |
| Чилонзор | 61,4 | 4 | 15,3 | 58,7 |

**Хулоса ва таклифлар.** Умумий ахборот ресурслари таркибига албатта ушбу соҳанинг барча методологик, меъёрий ва ўқув материаллари кириши шартдир ҳамда ҳалқаро ахборот алмашув асосида олинадиган чет эл манбаларининг ахборотлари ҳам қамраб олинади. Жумладан, вилоятларда ривожланган ахборот инфратузилмани яратиш ўз вақтида бошқарув қарорларини қабул қилиш учун жойларда бўлаётган ижтимоий, иқтисодий ва технологик жараёнларни комплекс таҳлил қилишга кўмак беради. Шунинг учун ҳам рақамли иқтисодиётни жойларда шакллантириш борасида статистик ресурслар унинг таянч элементларидан бўлиб хизмат қилиши лозим.

Олиб борган тадқиқотларимиз шуни кўрсатмоқдаки, интеграцияллашган ахборот ресурсларини шакллантириш нафақат турли даражадаги бошқарув органларига тақдим қилинаётган ахборот сифатини юксалтиради, балки турли фойдаланувчилар ахборот таъминотини ташкил қилишнинг ягона сиёсатини юритишни таъминлайди. Бунинг остида нафақат интеграциялашган ахборот ресурсларини яратишнинг техник ва ташкилий имкониятлари, балки турли фойдаланувчиларнинг маълум бир ахборотларга бўлган истеъмолини мақсадли шакллантириш ҳам тушунилади. Статистик маълумотлар базалари серверлари, АКТ платформалари ва маълумотларни сақлаш қурилмалари учун нарх/унумдорлик кўрсаткичининг жиддий пасайиши аста-секинлик билан "мижоз-сервер" кўпюлдизлик архитектурани кенг жорий қилиб боришга олиб келмоқда. Шулардан келиб чиққан ҳолда ахборот бозорида ўзаро статистик ахборотлар алмашуви технологиясини таклиф қилмоқдамиз. Ушбу ёндашув асосида ягона идоралараро ахборот-статистик тизими яратилади ва унинг платформаси асосида статистик ахборотларни ишлаб чиқувчилар ва улардан кенг фойдаланувчилар ўзаро ахборот алмашувларини йўлга қўйишади.

Юқоридаги мақсадларга эришиш учун САТ доирасида статистик маълумотларни қайта ишлашни такомиллаштиришнинг бирламчи масалалари бўлиб қуйидагилар ҳисобланади:

ахборот алмашуви стандартлари ва маълумотларни қайта ишлашнинг намунавий технологияларини ишлаб чиқиш ва амалиётга жорий қилиш;

умумреспублика таснифлагичлари ва статистик кўрсаткичлар ягона каталогини ўз таркибига олувчи метамаълумотлар тизимидан кенг фойдаланиш.

**ФОЙДАЛАНИЛГАН АДАБИЁТЛАР РЎЙХАТИ:**

1. "Ўзбекистон Республикаси Давлат статистика қўмитаси фаолиятини такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида" Ўзбекистон Республикаси Президентининг Қарори, 2017 йил 31 июлда № 3165.

2. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 13 декабрдаги "Ўзбекистон Республикаси давлат бошқарувига рақамли иқтисодиёт, электрон ҳукумат ҳамда ахборот тизимларини жорий этиш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида"ги ПФ-5598-сон фармони.

3. "Давлат бошқарувининг очиқлиги ва шаффофлигини таъминлаш ҳамда мамлакатнинг статистика салоҳиятини ошириш юзасидан қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида"ги Ўзбекистон Республикаси Президентининг Қарори, 2019 йил 9 апрелда № ПҚ-4273.

4. "Ўзбекистон Республикасининг миллий статистика тизимини янада такомиллаштириш ва ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида" Ўзбекистон Республикаси Президентининг Қарори, 2020 йил 3 августида № 4796.

5. Ўзбекистон Республикаси Президентининг ""Рақамли Ўзбекистон – 2030 стратегиясини тасдиқлаш ва уни самарали амалга ошириш чора-тадбирлари тўғрисида" 2020 йил 5 октябрдаги ПФ-6079-сон фармони.

6. Laudon K.C., Laudon J.P. Management Information Systems. Managing the digital firm / 12th edition. New York: Prentice Hall. 2016. 677 p.

7. Kenneth C. Jane P. Menedjment information systems. Managing the Digital Firm. Printed and bound by Courier Kendalville in United States of America. Pearson Education Limited 2016.– P. 675.

8. Бегалов Б.А., Жуковская И.Е. Информационно-коммуникационные технологии формирования инновационной экономики и обеспечение ее конкурентоспособности. Монография. Ташкент: Фан ва технология. 2013. - 139 с.

9. Бегалов Б.А., Жуковская И.Е. Методологические аспекты влияния информационного общества на инновационное развитие экономики. Монография. Ташкент: Фан ва технологиялар. 2016. - 134 с.

10. Давлат статистика қўмитасининг йиллик ҳисоботлари асосида муаллиф томонидан ишлаб чиқилган маълумотлар.

УЎК 332.122

# ҲУДУД ИҚТИСОДИЙ ТИЗИМИНИ БАРҚАРОР РИВОЖЛАНТИРИШНИНГ НАЗАРИЙ ХУСУСИЯТЛАРИ

*Т.Ж.Рахимов, PhD, Урганч Давлат Университети, Урганч*

***Аннотация.*** *Ушбу мақолада ҳудуд иқтисодий тизимини барқарор ривожлантиришнинг моҳияти ва вазифаларининг назарий хусусиятлари ёритилиб, ушбу жиҳатларни амалга оширишнинг имкониятлари таклиф этилган.*

***Калит сўзлар:*** *Тизим, иқтисодий тизим, очиқ тизим, ёпиқ тизим, иқтисодий тизим фаолияти, иқтисодий тизим таркиби, иқтисодий тизимни барқарор ривожлантириш.*

***Аннотация.*** *В данной статье выделены сущность и теоретические особенности устойчивого развития экономической системы региона, а также предложены возможности реализации этих аспектов.*

***Ключевые слова:*** *Система, экономическая система, открытая система, закрытая система, деятельность экономической системы, структура экономической системы, устойчивое развитие экономической системы.*

***Abstract.*** *In this article, the essence and theoretical features of the sustainable development of the economic system of the region are highlighted, and the possibilities of implementing these aspects are offered.*

***Keywords****: System, economic system, open system, closed system, activity of economic system, structure of economic system, sustainable development of economic system.*

Бугунги кунга келиб, мамлакатимизда иқтисодий салоҳиятини ривожлантириш масаласига жиддий эътибор қаратилмоқда. Бу борада ҳудудларни мувозанатли ривожлантириш учун ҳудудда иқтисодий тизим фаолиятини барқарор ривожлантириш механизмини такомиллаштириш зарурати туғилмоқда.

Тизим умумий қисмлардан таркиб топиб, мамлакатнинг ривожланиш қонуниятлари ва ўзига хос хусусиятларига эга бўлган умумхўжалик тузилмасидир.

Иқтисодий тизим иқтисодий муносабатларнинг жуда мураккаб йиғиндисидан иборат бўлади. Иқтисодий тизим инсоният ўзининг моддий таъминотини амалга оширувчи ҳар қандай йўлидир. Турли хил маданий меъёрларга мос ҳолда жамиятни ифодаловчи шундай тизимлар кўплаб мажмуаси мавжуд, деб ўйлаш мумкин. Аммо, бундай тизим мавжуд эмас.

Жамиятни иқтисодий фаолияти ижтимоий анъана ва институтлар доираси билан боғлиқ. Шу муносабат билан ушбу жиҳат таъминотнинг жуда кам сонли асосий усулларини юзага чиқариш имконини беради. Бугунги кунгача марказдан режалаштириш ва буйруққа асосан ташкил қилинувчи, тарихий жиҳатдан таққослагандан кам сонли марказий ташкилий шакли бозор ҳисобланган иқтисодий тизим яратилган [6].

Иқтисодий тизим ишлаб чиқариш муносабатлари ва ишлаб чиқариш кучлари йиғиндиси шаклидаги ижтимоий ишлаб чиқариш тизимидир. Бироқ, иқтисодий тизим тушунчаси кенг тушунчадир. Иқтисодий тизимнинг фаолияти моддий неъматларга бўлган ижтимоий эҳтиёжларни қондириш ва маҳсулот ишлаб чиқаришда табиий ресурсларни қайта ишлаш жараёнлари орқали амалга оширилади.

Иқтисодий тизим фаолияти даврида ўзгаришлар юз беради. Яъни, иқтисодий тизимлар очиқ ва ёпиқ шаклда бир-биридан фарқ қилади.

Очиқ иқтисодий тизим - дунё иқтисодиёти имкониятларига мўлжалланган, ўзининг эҳтиёжларини қондириш учун бошқа мамлакатларнинг эришган ютуқларидан фаол фойдаланадиган ва дунё мамлакатларига самарали интеграциялашган тизимдир.

Ёпиқ иқтисодий тизим - тўлиқ ички имкониятларга мўлжалланган тизимдир. Бундай тизим доирасида барча жараён, молиявий ҳисоб-китоблар ва хўжалик фаолияти мамлакат ичида бажарилади.

Иқтисодий жараёнлардаги қўйилган вазифаларни амалга оширишда иқтисодий тизимни такомиллаштириш орқали эришилган. Хусусан, 1960-1970 йилларда иқтисодий тизимни

назарий таҳлилига қизиқиш ўсиб, турли хил иқтисодий мактаб ва оқимлар вакиллари томонидан ушбу муаммо бўйича кўплаб янги тадқиқот ҳамда иқтисодий тизимнинг турли таърифлари ишлаб чиқилган. Бундай таърифларни қуйидаги, яъни иқтисодий ва ижтимоий-иқтисодий (ижтимоий йўналтирилган) каби асосий йўналишлари ажратилади. Улар иқтисодий тизимни атроф-муҳитдан ажралиш тамойили асосида фарқланади.

Дастлабки йўналиш тарафдорлари иқтисодий тизимни таърифлашда иқтисодий муносабатларга таянадилар. Ноиқтисодий муносабатлар ҳисобга олинмайди ёки иқтисодий муносабатларни амалга оширишга иккиламчи таъсир кўрсатади, деб ҳисоблайдилар. Бундай ҳолатда иқтисодий тизим ишлаб чиқариш муносабатлари мажмуаси сифатида қараб чиқилади. Бу борада Р.Нуреевнинг иқтисодий тизимга берган қуйидаги таърифини келтириш мумкин: "Моддий неъматларни ишлаб чиқариш, тақсимлаш, айирбошлаш ва истеъмол қилиш бўйича тўпланадиган муносабатлар бирлиги, иқтисодий тузилманинг умумийлигини ифодалайдиган иқтисодий элементлар йиғиндисидир" [4].

Мазкур таъриф асосида иқтисодий тизим қўйилган мақсадларга эришиш воситаси сифатида уларнинг мақсад функцияларини ифодалаш, ташқи шароитлар билан муносабат ўрнатувчи ва ташқи омилларга қарши тура оладиган гуруҳдир.

Иқтисодий тизимда бошқарув объектларига таъсир ўтказиш усулларини иқтисодчи олим, профессор И.С.Абдуллаев турларга ажратиб, қуйидагича талқин қилади: "Иқтисодий омиллар ёрдамида минтақа муаммоларига рағбатлантирувчи ва чекловчи таъсир ўтказади. Уларга тўғридан-тўғри ёки бевосита (давлат хариди, мақсадли молиялаштириш, субсидиялар бериш); билвосита (солиқ, пул-кредит, бюджет, институционал, инвеститицион, ижтимоий сиёсат); меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатлар тизими орқали табдиқ қилинувчи маъмурий тўғридан-тўғри таъқиқлардир [8].

Тизим амал қилишининг энг муҳим имконияти сифатида бозор шароитида иқтисодий муносабатлар ва ўзини-ўзи тартибга солиш жараёнларига алоҳида эътибор қаратилади. Шундан келиб чиқиб, иқтисодий тизим мамлакатнинг кўп босқичли хўжалик тизими сифатида миллий иқтисодиётнинг кредит, молия ва бошқа тизим ости турларига ажратилган субъектларнинг бозор муносабатлари шароитидаги ўзаро муносабатлари йиғиндиси сифатида ифодаланади.

Иқтисодий тизим тушунчаси мукаммал шаклда иқтисодиёт назариясининг неоклассик йўналишида акс эттирилган. Хусусий ҳолда иқтисодий тизим тушунчасининг энг кенг тарқалган варианти "Экономикс" китобида акс эттирилган.

Юқоридаги ёндашувларнинг турли-туманлигига кўра, иқтисодий тизим қарор қабул қилиш ва уни бажарилишини таъминлайдиган ташкилий тузилмадир, деб ҳам талқин қилинади. Бу борада иқтисодчи олимлар А.Линдбека [5], П.Грегори ва Р.Стьюарт фикрларига кўра, иқтисодий тизим - аниқ географик ҳудуд чегараларида қарор қабул қилувчи ва моддий неъматларни ишлаб чиқариш, тақсимлаш ҳамда истеъмол қилиш бўйича фаолиятни амалга оширувчи ташкилий тузилмадир [3].

Н.Атанов эса иқтисодий тизимни "функционал ва горизонтал муносабатларини ўзида акс эттирувчи тизим ости ва элементлар йиғиндиси" [1], деб ҳисоблайди.

Шулар билан бир қаторда, замонавий иқтисодчилар иқтисодий тизимни қуйидаги йўналишларда изоҳлайдилар:

- товар ишлаб чиқариш, тақсимлаш, айирбошлаш ва истеъмол жараёнида пайдо бўладиган, асосий иқтисодий муносабатлар шакли ва таркибини аниқлайдиган мамлакатда амалда бўлган, тарихий жиҳатдан пайдо бўлган ёки ташкил этилган тамойиллар, қоидалар ва қонуний нормалар;
- умумий барқарорликни ифодалайдиган ўзаро ички боғлиқлиги мавжуд бўлган иқтисодий унсурлар йиғиндиси;
- табиий ресурсларни моддий неъматларга айлантириш имкониятларини тартибга солувчи "табиат ва жамият" оқимининг ўзига хос регулятори;
- ишлаб чиқариш омилларини бирлаштирадиган технологик усулни ифодалашни ижтимоий шакли;

- қуйи органлар ва мансабдор шахсларнинг юқори органларга қатъий белгиланган босқичларда бўйсуниш тартиби;

- мавжуд ташкилий шакл ва мулкчилик муносабатлари асосида жамиятда юз берадиган барча иқтисодий жараёнлар йиғиндиси;

- табиат тизимлари ва жамият тизимларини бир-бирига боғловчи бўлим.

Иқтисодий тизим тизим ости сифатида унинг алоҳида қисмлари умумий тизимга бўйсунадиган мураккаб таркибга эга бўлади. Мураккаблиги туфайли ҳар бир тизим унинг барча жиҳатларини ўрганиш мақсадида турли моделларни яратишни талаб қилади ва ҳар бир тизимнинг турли ҳолатидан биттасини тавсифлайди. Шунингдек, иқтисодиётда сифат жиҳатдан бир хил бўлмаган муносабатлар, инновацион технологияларни пайдо бўлиши, умумиқтисодий қонунлар фаолиятининг натижалари ишлаб чиқариш кучларининг ривожланиш даражаси ва ишлаб чиқариш муносабатларига мос келишини ифодалайдиган тизим томонидан белгиланган турли-туман муносабатлар амал қилади. Яъни, ҳар қандай иқтисодий ҳаракатлар доимо ўзига алоқадор оқибатларни келтириб чиқаради. Масалан, пул эмиссияси нархларнинг ошишига ва инфляцияни келтириб чиқаради, инфляция аҳоли турмуш даражасининг пасайиши ва бошқа салбий оқибатларга олиб келиши мумкин. Импортнинг кенгайиши маҳаллий ишлаб чиқарувчилар вазиятининг сустлашувини келтириб чиқаради ва ҳ.к.

Умуман олганда, иқтисодиёт ва бизнесни бошқаришга тизимли ёндашув иқтисодий жараёнларга билвосита ва тўғридан-тўғри таъсир этувчи барча жабҳалардаги омилларни ҳисобга олиб, уларни механизмини такомиллаштиришни талаб этади. Ушбу чора-тадбирларни амалга ошириш жараёни қуйидаги 1-расмда келтирилган.




**1-расм. Иқтисодий тизимдаги чора-тадбирлар фаолияти (Муаллиф ишланмаси)**

Ушбу расмга асосан, иқтисодий тизимнинг фаолияти моддий неъматларга бўлган ижтимоий эҳтиёжларни қондириш маҳсулот ишлаб чиқаришда табиий ресурсларни қайта ишлаш жараёни орқали амалга оширилади. Ҳамда иқтисодий тизим таркиби қуйидаги унсурларни ўз ичига қамраб олади:

- жамиятнинг иқтисодий имкониятлари асосларни ифодалайдиган ишлаб чиқариш ресурслари;
- муомаладаги иқтисодий қонунлар йиғиндиси;
- иқтисодиётда субъектив-объектив муносабатларини мураккаблашуви;
- мулкчилик муносабатлари ва мол-мулкни хусусияти;
- хўжалик фаолиятини ташкил қилишнинг шакл ва усуллари;
- қарор қабул қилиш тартиби ва иқтисодий субъектларнинг хатти-ҳаракатлари;
- иқтисодий тартибга солиш ёки мувофиқлаштириш механизмлари.

Иқтисодий тизимнинг асосий унсурлари умумий шаклда қуйидаги турларга ажратилади:

- мулк шакллари, иқтисодий ресурслар ва хўжалик фаолиятининг натижаларига асосланадиган ижтимоий-иқтисодий муносабатларга;
- хўжалик фаолиятининг ташкилий шаклларига;
- иқтисодий фаолиятни тартибга солиш усуллари, яъни хўжалик механизмларига;
- хўжалик субъектлари ўртасидаги иқтисодий муносабатларга.

Иқтисодий тизимнинг тарихий ривожланиши турли муаллиф ва иқтисодий мактаблар вакиллари томонидан талқин қилинган. Шунга асосан, фикримизча, ҳудуд иқтисодий тизимини

мувозанатли ривожланишида “барқарор ривожланиш” тушунчаси муҳим ўринни эгаллайди. Яъни, барқарор ривожланиш -жамиятнинг узлуксиз ўсишини таъминловчи, келгуси авлодларнинг манфаатларини ҳисобга олиб, иқтисодий кўтарилишга эришиш ва бир вақтнинг ўзида ресурс манбааларини ва атроф-муҳитни ҳимоя қилишга қаратилган мақсадларга эришиш учун мўлжалланган ижтимоий-иқтисодий ривожланишдир.

“Барқарор ривожланиш” атамасининг талқини бўйича илмий адабиётлар таҳлилига кўра, кенг тарқалган таъриф Г.Брундтланд томонидан берилган. Унинг таъбирича, барқарор ривожланиш - шундай ривожланишки, бугунги кундаги эҳтиёжларни қондириш ҳамда келгуси авлодларнинг шахсий эҳтиёжларини қондирилишни хавф остида қолдирмасликни кўзда тутади. У қуйидаги иккита асосий тушунчани ўз ичига олади:

- эҳтиёж тушунчаси, бу бирламчи устуворлик берилган аҳолининг кам таъминланган қатламининг йўқолиб кетмаслиги учун зарурий неъматлар;

- чекловлар тушунчаси, бу технология ҳолати ва жамият ташкилотларига асосланган, атроф-муҳитга юклатилган бугунги ва келгусидаги эҳтиёжларни қондириш [2].

Барқарор ривожланиш муҳим тушунча сифатида қуйидаги иккита асосий белгини ўзида мужассамлаштиради: бу биринчидан, мавҳум бўлган узоқ муддатли цивилизация ва омон қолиш, иккинчидан, табиий атроф-муҳитни, биринчи навбатда биосферани сақлашдир. Шунга кўра, барқарор ривожланиш – бу жамият ва уни ўраб турган табиий муҳит билан мувозанатли ривожланишидир [7].

Барқарор ривожланиш тизими маркази сифатли ресурсларни такрор ишлаб чиқариш қуйи тизими бўлиб, уларнинг ичида энг муҳим инсон салоҳиятидир. Агар умумий жиҳатларни эътиборга оладиган бўлсак, барқарор ривожланишни бугунги ва келгуси авлод манфаатларининг мувозанатини ҳисобга олувчи ривожланшини тушуниш мумкин. Аммо, барқарор ривожланиш концепциясини шакллантиришнинг мезонлари умумжамият ривожланишининг иқтисодий, ижтимоий ва экологик соҳаларининг динамик мувозанатлашган таъсири ғоясидан ташкил топиши лозим.

Шу билан бирга, барқарор ривожланишнинг ижтимоий-иқтисодий асослари, истеъмол таркибининг ўзгариши, аҳоли ўсишини тартибга солиниши, инсонларнинг саломатликларини сақлаш, камбағаллик ва қашшоқликка қарши курашга қаратилган глобал миқёсдаги чора-тадбирлар мажмуасини яратишни олдиндан белгилаб беради.

Барқарор ривожланиш концепцияси эволюциясининг ҳозирги кундаги босқичи иқтисодий, ижтимоий ва экологик тизимнинг бир бутунликни ташкил этиши ҳамда ушбу учта таркибий қисмнинг уйғунлашувига асосланган “барқарор ривожланишнинг уч яхлит концепцияси” сифатида тавсифланади. Айниқса, ҳудудларнинг иқтисодий, ижтимоий ва экологик ҳолатларидаги фарқлар бўйича энг устувор муаммолар ва уларни самарали ечимларини излаш заруриятини уйғотади. Иқтисодий тизимни барқарор ривожлантириш ишлаб чиқариш, ижтимоий ва иқтисодий кўрсаткичларнинг якуний натижаларини қўллаб-қувватловчи иқтисодиёт ҳолатини акс эттиради.

Иқтисодий тизимни барқарор ривожлантириш тушунчасида икки хил ёндашув мавжуд: биринчидан, бу ҳар қандай якуний иқтисодий кўрсаткичларнинг белгиланган даражасини қўллаб-қувватлаш, иккинчидан, иқтисодий ўсиш кўрсаткичларининг энг юқори даражаларига эришиш. Ҳамда иқтисодий тизимнинг барқарор ривожланиши жуда чуқур ҳамда фундаментал иқтисодий тушунчадир. Барқарор ривожланиш иқтисодий тизимнинг асосий ижтимоий-иқтисодий ва экологик кўрсаткичларининг доимий сақланишини ифодалайди.

Хулоса шуки, барқарорлик асосини ҳар қандай иқтисодий тизим самарали фаолият юритиши ва ривожланишининг муҳим шарти бўлган иқтисодий мувозанат ташкил қилади. Хусусан, талаб ва таклифнинг бозор мувозанатига эришиш кўплаб омилларга боғлиқ. Аммо, тизимда ҳар қандай ҳолда талаб пайдо бўлишини аниқлаш учун механизми ва талаб ҳолатининг ўзгаришларига ишлаб чиқаришнинг таъсири бўлиши лозим. Нархлар, иш ҳақи даражаси, кредитни фоиз ставкаси, солиқлар ҳамда тегишли ресурслар ҳажмида мувозанатнинг бузилиши пайдо бўлиши оқибатида иқтисодий тизим етарли даражада барқарор ҳолатга қайтиши учун ўзгартирилиши зарур.

**ФОЙДАЛАНИЛГАН АДАБИЁТЛАР РЎЙХАТИ:**

1. Атанов Н.И., Лапинскас А.А. Экономическая система: особенности функционирования. Улан-Удэ: БГУ, 1998. С.116.
2. Брундтланд Г.Х. и др. Наше общее будущее. Доклад Всемирной комиссии по вопросам окружающей среды и развития. - ООН, 1987. - 412 с.
3. Gregory Paul P., Stuart Robert S Comparative economic systems Boston, 1995. Ch 1,2. - p.3-36.
4. Нуреев Р. Курс микроэкономики. - М.: Academia, 2000. С.54.
5. Lindbeck Assar. European Social Model: Lessons for Developing Countries, Asian development bank, 2002.
6. Peter J. Boettke, Robert L. Heilbroner. Economic system Encyclopædia Britannica, inc. January 09, 2019. https://www.britannica.com/topic/economic-system
7. Урсул А.Д. Модель устойчивого развития для России. - М., 1994.
8. Абдуллаев И.С. Минтақавий иқтисодий тизимни оптимал тартибга солишнинг механизмларини такомиллаштириш. Иқт.фан.бўйича докт. (DSc) диссертацияси.- Т., 2017. - 34 б.

**УЎК 33**

## ҚИШЛОҚ ХЎЖАЛИГИ МАҲСУЛОТЛАРИ ИШЛАБ ЧИҚАРИШ ЖАРАЁНИДА РЕСУРСЛАРДАН САМАРАЛИ ФОЙДАЛАНИШ КЎРСАТКИЧЛАРИНИ БАҲОЛАШ

***О.Б.Раҳимов, катта ўқитувчи, Тошкент ахборот технологиялари университети Қарши филиали, Қарши***

***Аннотация.*** *Қашқадарё вилояти қишлоқ хўжалик маҳсулотларини ишлаб чиқаришда кластерлаш механизми тадбиқ этилган. Кластерлашда иқтисодий математик усуллардан фойдаланиб кластерли таҳлил ва прогноз вариантлари ишлаб чиқилган.*

***Калит сўзлар**: Кластер, хўжалик юритувчи субъектлар, ҳудудлараро кластерлаш, эконометрик моделлаштириш, рақамли технология, эмпирик модел, эконометрик модел, потенциал, нисбий модел, прогноз натижалари, ахборот тизими, эндоген ўзгарувчилар, экзоген ўзгарувчилар.*

***Аннотация.*** *В производстве сельскохозяйственной продукции Кашкадарьинской области внедрен механизм кластеризации. При кластеризации варианты кластерного анализа и прогнозирования были разработаны с использованием экономико-математических методов.*

***Ключевые слова:*** *Кластер, хозяйствующие субъекты, межрегиональная кластеризация, эконометрическое моделирование, цифровые технологии, эмпирическая модель, эконометрическая модель, потенциал, относительная модель, результаты прогноза, информационная система, эндогенные переменные, экзогенные переменные.*

***Abstract.*** *A clustering mechanism has been introduced in the production of agricultural products in Kashkadarya region. In clustering, variants of cluster analysis and forecasting were developed using economic and mathematical methods.*

***Keywords:*** *Cluster, economic entities, interregional clustering, econometric modeling, digital technologies, empirical model, econometric model, potential, relative model, forecast results, information system, endogenous variables, exogenous variables.*

**Кириш.** Янги Ўзбекистонни барпо этишда қишлоқ хўжалигига бошқарувнинг замонавий усуллари, маҳсулот ишлаб чиқариш босқичларига янги технологияларни жорий қилган ҳолда озиқ-овқат хавфсизлигини таъминлаш, қишлоқ аҳолисини турмуш фаравонлиги масалаларига алоҳида эътибор берилмоқда. 2017–2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегиясида "қишлоқ хўжалигини модернизация қилиш ва жадал ривожлантириш, хусусан, таркибий ўзгартиришларни чуқурлаштириш ва қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқаришини изчил ривожлантириш, мамлакат озиқ-овқат хавфсизлигини янада мустаҳкамлаш, экологик тоза маҳсулотлар ишлаб чиқаришни кенгайтириш, аграр секторнинг экспорт салоҳиятини сезиларли даражада ошириш"[1] каби қатор вазифалар белгиланган.

Ҳозирги вақтда қишлоқ хўжалигининг истиқболли лойиҳалари кластерлаш тизимида кўпроқ амалга оширилмоқда. Кластерлар мамлакатимиз қишлоқ хўжалигини ривожлантирувчи асосий ишлаб чиқариш субъектларига айланиб бормоқда. Бу янги

Ўзбекистонда қишлоқ хўжалигини ислоҳ қилишда жиддий қадамлардан бири сифатида баҳоланмоқда. Шу ўринда рақамларга эътибор қаратилса, бугунги кунга келиб барча йўналишларда 651 та агрокластер фаолият олиб боримоқда. Қишлоқ хўжалигининг асосий йўналишларидан ҳисобланган пахтачилик ва ғаллачилик ишлаб чиқаришининг 100 фоизи, мева-сабзавотчиликда эса 40 фоизидан ортиғи кластер корхоналари улушига тўғри келмоқда. Кластерларнинг ишлаб чиқариш фаолияти 2,2 миллион гектар қишлоқ хўжалиги ерлари қамровида амалга оширилмоқда.

**Тадқиқот методлари**. Қишлоқ хўжалигида ердан ва ишлаб чиқаришнинг бошқа ресурсларидан самарали фойдаланишнинг назарий-амалий масалалари бир неча соҳавий билимларга таянади. Бунда фақатгина аграр нуқтаий назаридан ёндашиш ҳеч қандай ечимни таклиф этмайди. Аграр соҳа бўйича илмий изланишлар олиб борган тадқиқотчи олим Max Weber[2] нинг фикрича келажакда фақатгина ер ресурсини сифатини яхшилаш, меҳнат ресурслари самарадорлигини ошириш билан натижага эришиб бўлмайди, балки ишлаб чиқариш ҳажмини оширишга интеллектуал технологияларини қўллаш билангина эришиш мумкин бўлади.

Недерландиялик тадқиқотчи Jaap Jan Schröder[3] қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқаришда кимё саноатининг роли ортишини таъкидлайди. Тадқиқотчи Dunstan Gabriel Msuya[4] Канада қишлоқ хўжалиги тизими бўйича олиб борган илмий тадқиқотларида экологик мухитга чидамли навларни яратиш, генитика муҳандислигининг ривожи қишлоқ хўжалиги тараққиётини белгилаб берувчи асосий омиллардан бирига айланишини келтиради.

Юқорида келтириб ўтилган барча тадқиқотлардан ягона мақсад, қишлоқ хўжалик маҳсулотлари ишлаб чиқаришни сифат ва миқдор жиҳатдан ошириш, республикамиз аҳолисини озиқ-овқат маҳсулотларига бўлган талабини қондириш, озиқ-овқат ресурсини асосан ички имкониятлар ҳисобига тўлдириш ҳисобланади. Шуни айтиш мумкинки, бугунги кунда фуқароларнинг илмий асосланган истеъмол меъёри даражасида озиқ-овқат маҳсулотлари билан таъминлаш тўлиқ амалга оширилаяпти, деб бўлмайди. Бундан ташқари одамларнинг кунлик рационининг таркиби ҳам талабга тўлиқ жавоб бермайди.[5]

**Натижа ва муҳокама.** Натижада, ошиб бораётган эҳтиёжни қондириш, белгиланган меъёрлар даражасида озиқ-овқат билан таъминлаш ўз ечимини кутаётган муҳим муаммолардан бўлиб қолмоқда. Айниқса, қишлоқ жойларда истиқомат қилувчи кам даромадли аҳоли тўқнаш келадиган муаммолардан ҳисобланади.

Бунинг асосий сабаби сифатида аграр секторда ишлаб чиқариш кучлари ривожланиш даражасининг пастлиги, соҳалар ўртасидаги номутаносиблик, қишлоқ хўжалигида ишлаб чиқариш самарадорлигининг пастлиги, молиявий ресурслар, ишлаб чиқариш воситалари ва қуролларининг етарли эмаслигини[6] келтириб ўтилади.

Фикримизча, рақамли технологияларга асосланган қишлоқ хўжалигини шакллантириш муаммоларни ечимини таъминлайди. Бундан ташқари хўжаликларининг тўлиқ иқтисодий ва молиявий мустақиллигини таъминлайдиган ва узоқ муддатли ижарага берилган қишлоқ хўжалиги ер ресурсларидан мақсадли, оқилона ва самарали фойдаланишни рағбатлантирадиган ҳуқуқий шарт-шароитларни яратиш мақсадга мувофиқдир.

Қурилган моделлар бўйича қуйидагиларни айтиш мумкин:

- қишлоқ хўжалиги ерларининг ўзгариши билан ялпи маҳсулот ишлаб чиқариш ҳажми орасида боғлиқлик аниқланмади, бунинг сабаби сифатида кейинги даврда маҳсулот ҳажмини ўзгаришининг интенсив омиллар ҳисобига таъминланаётганлигидир;

- ишчилар сонининг 1 фоизга ошиши, ялпи маҳсулот ишлаб чиқариш ҳажмининг 2,32 фоизга ошишига олиб келади;

- асосий фондлар миқдорининг 1 фоизга ошиши, ялпи маҳсулот ишлаб чиқариш ҳажмининг 1 фоиз қонуният билан ўзгаришига олиб келади;

- айланма маблағлар миқдорининг 1 фоизга ошиши, ялпи маҳсулот ишлаб чиқариш ҳажмининг 0,99 қонуният билан ўзгаришига олиб келади.

Бу ерда энг юқори эластиклик кўрсаткичи $x_2$ ресурсга тегишли бўлиб, айнан қишлоқ хўжалигида ишчи кучидан кўп фойдаланилаётганлигини асослайди. Бошқа томондан эса

қишлоқ хўжалиги бандликни таъминлашдаги муҳим соҳа эканлигини инобатга оладиган бўлсак, ушбу ҳолатни табиий деб қабул қилиш мумкин.

1-кластерни ташкил этувчи туманлар бўйича ресурсларнинг 2011-2020 йиллардаги умумий статистик маълумотлари асосида кўрсаткичларнинг ўртачасини олиб **(1-жадвал)** 1-кластер бўйича ишлаб чиқариш функциясини аниқлаймиз.

**1-жадвал.**

**1-кластер кинетик ишлаб чиқариш функцияси учун омиллар кўрсаткичи**

| X1 | X2 | X3 | X4 | ln(x1) | ln(x2) | ln(x3) | ln(x4) | ln(y) |
|---|---|---|---|---|---|---|---|---|
| 176,92 | 16,44 | 953,2862 | 88,757 | 5,175698 | 2,799717 | 6,859915 | 4,485902 | 5,792526 |
| 173,86 | 17 | 1184,814 | 108,3618 | 5,15825 | 2,833213 | 7,077341 | 4,685476 | 6,016547 |
| 175,66 | 17,88 | 1395,544 | 129,3882 | 5,16855 | 2,883683 | 7,24104 | 4,862817 | 6,173119 |
| 176,9 | 18,54 | 1660,385 | 155,0036 | 5,175585 | 2,919931 | 7,414805 | 5,043448 | 6,343775 |
| 177,74 | 19,2 | 1900,137 | 177,7286 | 5,180322 | 2,95491 | 7,549681 | 5,180258 | 6,481608 |
| 178,66 | 19,64 | 2138,75 | 206,9842 | 5,185485 | 2,977568 | 7,667977 | 5,332642 | 6,635448 |
| 180,48 | 19,972 | 2912,834 | 270,3215 | 5,19562 | 2,994331 | 7,976882 | 5,599612 | 6,908855 |
| 181,78 | 20,298 | 3358,418 | 311,1083 | 5,202797 | 3,010522 | 8,119225 | 5,740141 | 7,055572 |
| 183,24 | 20,642 | 3913,206 | 366,3513 | 5,210797 | 3,027328 | 8,272112 | 5,903593 | 7,209444 |
| 184,36 | 20,898 | 4715,272 | 436,6 | 5,21689 | 3,039653 | 8,458562 | 6,079017 | 7,382187 |

**2-жадвал**

**1-кластер бўйича ресурсларнинг ишлаб чиқариш ҳажмига таъсирини баҳолаш учун ишлаб чиқилган функциялар**

| № | модел | Стьюдент мезони | Детерминация коэффициенти |
|---|---|---|---|
| 1 | $lnY = 1{,}27 * lnX_1$ | $b_1$ =41,03 | 0.99 |
| 2 | $lnY = 2{,}24 * lnX_2$ | $b_1$ =59,07 | 0.99 |
| 3 | $lnY = -1.05 + 0{,}99 * lnX_3$ | $b_0$=-17.41<br>$b_1$ =217,3 | 0.99 |
| 4 | $lnY = 1.33 + 0{,}99 * lnX_4$ | $b_0$=43.44<br>$b_1$ =172,1 | 0.99 |

Жадвал маълуомтларидан кўришимиз мумкинки модел келтирилган мезонлар бўйича адекват, детерминация коэффициентлари юқори қийматга эга. Ушбу моделлардан фойдаланган ҳолда таҳлилларни амалга ошириш хулосалар чиқариш мумкинлигини асосланмоқда. Буни ҳисобга олган ҳолда ишлаб чиқилган моделлар натижаларига таяниб қуйидаги хулосаларни чиқариш мумкин:

- Биринчи кластердан фарқли равишда ер майдони билан ялпи маҳсулот ишлаб чиқариш ҳажми орасида юқори корреляцион боғлиқлик мавжуд, бундан ташқари иккала кўрсаткич орасидаги эластиктик коэффициенти ҳам юқори қийматга эга бўлмоқда. Яъни ер майдонини бир фоизга ошиши ялпи маҳсулот ҳажмини 1,27 фоизга ошишини таъминлайди;
- ялпи маҳсулот ишлаб чиқариш ҳажмининг ишчи кучи сони бўйича эластиклик коэффициенти деярли биринчи кластердаги кўрсаткич билан бир хил қийматга эга бўлмоқда ва энг юқори кўрсаткичлигича қолмоқда;
- асосий фондлар ва айланма маблағлар миқдори бўйича эластиклик коэффициенти ҳам деярли биринчи кластердаги қиймат билан тенглигича қолмоқда.

Шундай қилиб, барча кластерлар бўйича ишлаб чиқариш функциялари ҳамда эластиклик коэффициентлари бўйича ўтказилган таҳлил натижалари қуйидагилардан иборат.

1) Қишлоқ хўжалиги ер майдонларидан фойдаланиш самарадорлиги ўртача кўрсаткичга эга бўлиб, фақат 4-кластерда ер ресурсининг оптимал миқдори 281 минг гектарни ташкил этиб, самарадорлик ўртачадан паст.

2) Меҳнат ресурсларидан фойдаланиш самарадорлиги ўртача кўрсаткичга эга бўлиб, барча ҳолатларда эластиклик коэффициенти 2 дан катта қийматга эга бўлмоқда. Бундан кўринадики барча кластерларда ишчи кучидан фойдаланиш капиталга нисбатан самаралироқ бўлиб қолмоқда. Бунинг асосий сабаби ишчи кучини нисбатан арзонлигидир.

3) Асосий ишлаб чиқариш фонди ресурсидан самарали фойдаланиш кўрсаткичи барча кластерларда ўртача қийматга эга бўлгани ҳолда эластиклик коэффициенти бирни ташкил

қилади, бундан кўринадики фондлар ҳажмини бир фоизга ошириш ялпи маҳсулот ҳажмини ҳам бир фоизга ошиши олиб келади.

4) Йиллик айланма маблағлардан фойдаланиш самарадорлиги бўйича ҳам шу ҳолатни кузатиш мумкин, яъни эластиклик коэффициенти 0,99 ни ташкил қилади. Олинган натижаларга асосланган ҳолда вилоят қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари ишлаб чиқариш жараёнида ресурслардан самарали фойдаланиш кўрсаткичларини баҳолаб ўтамиз.

**3-жадвал.**

**Вилоят қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари ишлаб чиқариш жараёнида ресурслардан самарали фойдаланиш кўрсаткичларини баҳолаш**

| Кўрсаткичлар | Кластерлар | | | |
|---|---|---|---|---|
| | 1-кластер | 2-кластер | 3-кластер | 4-кластер |
| $X_1$ | боғлиқлик аниқланмади | юқори | юқори | Ўртача |
| $X_2$ | юқори | юқори | юқори | Юқори |
| $X_3$ | ўртача | ўртача | ўртача | Ўртача |
| $X_4$ | ўртача | ўртача | ўртача | Ўртача |

Барча кластерлар бўйича ишлаб чиқариш функциялари бўйича ўтказилган таҳлил натижаларидан қуйидагича хулосаларга келиш мумкин.

- ер ресурсларидан фойдаланиш самарадорлиги биринчи кластерни ҳисобга олмаганда ўрта даражада;
- меҳнат ресурсларидан фойдаланиш самарадорлиги юқори даражада бўлиб, маҳсулот ишлаб чиқариш ҳажмига таъсири катта;
- асосий ишлаб чиқариш фондларидан фойдаланиш самарадорлиги ўрта даражада;
- айланма маблағлардан фойдаланиш самарадорлиги ўрта даражада;

**Хулоса.** Вилоятда мавжуд ишлаб чиқариш салоҳиятидан фойдаланиш даражасини олинган натижалар асосида таҳли қиладиган бўлсак, етарли даражада фойдаланилмаётганлиги аниқланди. Бунда айнан ер ресурслари, айланма капиталдан фойдаланиш самарадорлигини ошириш лозим.

Вилоят қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари ишлаб чиқариш ҳудудий кўламдан катталигини ҳисобга олганда, ҳудуднинг ишлаб чиқариш потенциалидан фойдаланиш самарадорлигини баҳолаш учун кластерли таҳлил усулидан фойдаланиш самарали эканлиги аниқланди. Кластерли таҳлиллаш натижаларига асосланиб, амалий натижаларни ифодаловчи ишлаб чиқилган моделлар Қашқадарё вилоят мисолида таклиф этилди.

**ФОЙДАЛАНИЛГАН АДАБИЁТЛАР РЎЙХАТИ:**

1. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги "Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида"ги ПФ-4947-сонли фармони.
2. Weber M., The Agrarian History of the Ancient World / Weber. - Moscow: Canon C-Press, 2001. S. 429
3. Jaap Jan Schröder. The Position of Mineral Nitrogen Fertilizer in EfficientUse of Nitrogen and Land: A Review // Natural Resources Vol.05 No.15(2014), 12 pages
4. Dunstan Gabriel Msuya.Farming systems and crop-livestock land use consensus. // Open Journal of Ecology. Vol.3 No.7 (2013), 9 p
5. Афанасьев В.Н. Развитие системы методов статистического исследования временных рядов // Вестник НГУЭУ. 2012. №1. С.10–24.
6. Clayton Christensen "Что дальше? Теория инноваций инструмерт предсказания отраслевых изменений", Нью-Йорк, 2004 г.

**УЎК: 339.5**

## КИЧИК БИЗНЕС МУҲИТИ: ТУЗИЛИШИ ВА УНИНГ ЎЗГАРИШИ ОМИЛЛАРИ

***Р.А.Рашидов, PhD, доц., Наманган муҳандислик-технология институти, Наманган***

***Аннотация.*** *Кичик бизнес ривожланишининг ўзига хослигини ўрганиш унинг иқтисодий фаолиятини тизимлаштириш хусусиятларини аниқлашга имкон берадиган маълум бир методологиядан фойдаланишни ўз ичига олади ва ушбу тизимлаштириш механизмларининг ўзига хос хусусиятларини тавсифлайди, уларни ўзига хос маданий, тарихий ва иқтисодий муносабатлар билан боғлайди. У кичик бизнеснинг ривожланиш жараёнини ушбу жараёнга яширин таъсир кўрсатадиган тузилмани ташкил этувчи омилларнинг таъсиридан келиб чиққан ҳолда кўриб чиқиши керак.*

***Калит сўзлар**: кичик бизнес, тадбиркорлик, кичик бизнес муҳити, тизимли-динамик ёндашув, миллий иқтимодиёт.*

***Аннотация**. Изучение специфики развития малого предпринимательства предполагает использование определенной методики, позволяющей определить особенности систематизации его хозяйственной деятельности и описывающей специфические черты этих механизмов систематизации, связывая их с конкретными культурно-историческими и экономическими отношениями. Он должен рассматривать процесс развития малого бизнеса на основе влияния факторов, входящих в структуру, оказывающих скрытое влияние на этот процесс.*

***Ключевые слова**: малый бизнес, предпринимательство, среда малого бизнеса, системно-динамический подход, национальная экономика.*

***Abstract.** The study of the specificity of small business development involves the use of a certain methodology that allows to determine the features of the systematization of its economic activity and describes the specific features of these systematization mechanisms, connecting them with specific cultural, historical and economic relations. He should consider the development process of small business based on the influence of the factors that make up the structure that have a hidden influence on this process.*

***Key words:** small business, entrepreneurship, small business environment, system-dynamic approach, national economy.*

**Кириш.** Кичик бизнес муҳити кўплаб объектларни ўз ичига олади. Кенг маънода кичик бизнеснинг ишбилармонлик муҳити ташқи ва ички муҳитнинг бирикмасидир. Сўзнинг тор маъносида бизнес муҳитини ташқи муҳит билан бирлаштириш мумкин. Кичик бизнеснинг ташқи муҳити у ёки бу тарзда унга ("умумий муҳит") ёки асосан якка тартибдаги корхоналарга ёки якка тартибдаги тадбиркорларга ("маҳаллий муҳит") таъсир қилувчи кенг кўламли ўзгарувчиларни ўз ичига олади. А.Шулус тадбиркорлик фаолиятининг ташқи муҳитига қуйидаги хусусиятларни беради: "Ташқи муҳит - бу ... бизнеснинг шаклланиши ва фаолиятига бевосита таъсир кўрсатадиган ва унинг элементларини ажратувчи элементлар (бозорлар, бозор институтлари, муносабатлар жараёнлари) йиғиндисидир. Ташқи муҳит беш гуруҳга: жамоатчилик билан алоқалар, бозор институтлари, тегишли ижтимоий-иқтисодий жараёнлар, ресурс ва сотиш бозорлари, кичик, ўрта ва йирик бизнес вакилларидан иборат бозор агентларидпн иборат (1-расм).

Замонавий иқтисодиётда рўй бераётган сифат ўзгаришлари технологик ва бозор ўзгаришларининг динамиклиги ва мураккаблиги, глобаллашувнинг фаол ривожланаётган жараёнлари ва рақобатнинг инновацион моделига ўтиш натижасида юзага келган бизнес парадигмасининг ўзгариши билан тавсифланади.

Улар тадбиркорлик хулқ-атворидаги ўзгаришларни белгиловчи ўзаро боғлиқ бўлган ҳайдовчиларнинг янги тизимини шакллантириш билан бирга келади. Шу муносабат билан кичик бизнесни инновацион фаолиятнинг ўзига хос тури сифатида ўрганишга, уни ривожлантириш имкониятларини излаш ва амалга оширишга йўналтирилган ёндашувларни ишлаб чиқишнинг аҳамияти ана шу ўзига хос тарихий шароитларда ишбилармонлик муҳитининг ҳозирги ҳолатидан келиб чиқиб, ортиб бормоқда [1].

Тадқиқотчилар тадбиркорлик амалиётини тушуниш уларни маданий, институционал, ижтимоий, ҳудудий, тарихий, вақтинчалик ва бошқа муҳим жиҳатларда кўриб чиқишда янада мазмунли бўлиши мумкин деган фикрга тобора кўпроқ қўшилмоқда, чунки бу жиҳатлар тадбиркорлар ҳаракатларининг имкониятлари ва чегараларини белгилайди. Ҳозирги вақтда тадбиркорликнинг индивидуал контекстларини кўриб чиқишга кўплаб ишлар бағишланган, аммо кўп контекстли ёндашув муаммосига етарлича эътибор берилмаган.

Мақсадга йўналтирилган ёндашувдан фойдаланиш институционал тадбиркорликнинг православ концепциясини ишлаб чиқишга имкон берди, бу методологик индивидуализмнинг зарурий шартларига асосланади ва институционал ўзгаришларнинг субъекти институционал тадбиркорликка хос бўлган рағбатларга жавоб берадиган якка тартибдаги тадбиркор

эканлигини кўрсатади. Иқтисодиёт ва сиёсат соҳасидаги тадбиркорлар қоидаларни ўзгартириш учун ресурсларни тақсимлаш харажатлари ва фойдаларини тортиш орқали тўғридан-тўғри ёки билвосита имкониятларни топишга ўзларининг истеъдодлари ёки билимларини йўналтирадилар. Ушбу концепция нео-институционал назария, шунингдек, социология ва нео-австрия мактаби доирасида ишлаб чиқилмоқда [2]. У институтларни тадбиркорларнинг хулқ-атвори, таъсир кўрсатишнинг асосий механизмларини эътибордан четда қолдирадиган ижтимоий-маданий ва таркибий шароитлари нуқтаи назаридан тушунтиради ва шунинг учун тадбиркорларнинг мақсадлари ва имтиёзлари берилгандек қабул қилинади. Ушбу ёндашув доирасида ташкилотларни институционал ўзгаришларнинг асосий агентлари деб ҳисобловчи Д.Норт [3] ғояларига кўра, М.Олсоннинг тақсимловчи коалициялар назариясига асосланиб ўзгариш ролини ўйнаш ҳам таклиф этилади [4].




**1-расм. Ташқи бизнес муҳити**

Когнитив компонентнинг аҳамияти сезиларли даражада ошиши муносабати билан, бугунги кунда оқилона танлашнинг институционал назарияси ғояларнинг алоҳида ролини ва қизиқишларнинг ўзгарувчанлигини ҳисобга олмаслигига тобора кўпроқ эътибор қаратилмоқда. Конструктивистик ёндашув билан улар экзоген тарзда эмас, балки эндоген тарзда нормалар, мафкура ва тасодифий томошалардан келиб чиқади. Д.Родрик [5] таъкидлаганидек, рационал танлашнинг ҳар қандай модели шахсларнинг мақсадли хулқ-атворига асосланади ва одатда индивидлар объектив функцияни ўз ичига олган оптималлаштириш масаласини ҳал қилишлари ҳақидаги асос билан белгиланади; чекловлар тўплами ва танлов амалга ошириладиган ўзгарувчилар тўплами.

Кичик бизнеснинг иқтисодиётда алоҳида тизимли-яхлит шаклланиш сифатида мавжудлигини эътироф этиш уни таҳлил қилишда мавжуд ёндашувларни қайта кўриб чиқишни ўз ичига олади, бунда ушбу ҳолат қайта баҳоланади ва эътибор микро жиҳатга қаратилади. Кичик бизнес бошқарувнинг мураккаб тузилмавий шартлари мажмуи билан тавсифланади ва шундай кўп қирралилиги билан ажралиб туради, бу эса унинг интеграцион хусусиятларини яхлит тарзда ўрганишни ниҳоятда қийинлаштиради. Шунинг учун ҳам унинг алоҳида жиҳатларига: иқтисодий-географик, техник-иқтисодий, сиёсий-иқтисодий, иқтисодий-маданий ва бошқаларга кўплаб тадқиқотлар бағишланган. Миллий иқтисодиётда

кичик бизнес ривожланишининг ушбу хусусий прогнозларининг ҳар бири унинг ўзига хос сифатини, унга хос бўлган иқтисодий тузилманинг қандайдир конфигурациясини ифодалайди.

Иқтисодий ва маданий парадигма асосида тадбиркорлик ҳақидаги билимларни чуқурлаштириш учун муқобил назарияларни таҳлил қилиш ва тизимлаштириш асосида тадбиркорлик фаолияти муаммосини ҳал қилишнинг яхлит кўринишини таклиф қилиш имконини берадиган таркибий-динамик ёндашувни ишлаб чиқиш мумкин бўлади. Шунингдек, ушбу маданий ва тарихий шароитларда тадбиркорлик фаолияти натижасида иқтисодиётдаги инновацион ўзгаришларнинг механизмларини тегишли тавсифлашга йўналтирилган усулларни белгилаш мумкин.

Таклиф этилаётган тизимли-динамик ёндашув тадбиркорлик хулқ-атворининг икки томонлама табиатидан келиб чиқади, бу уларнинг қиймат-рационал фаолиятининг умумий тизим ва индивидуал параметрларининг ўзига хос комбинацияси билан тавсифланади. Шу билан бирга, иқтисодий тузилмалар ва тадбиркорларнинг хатти-ҳаракатларидаги ўзгаришлар ирсият ва ўзгарувчанлик жараёнларининг қарама-қарши бирлигини ифодалайди. Уларни тавсифлаш учун нафақат бизнес тадбиркорлиги ва институционал тадбиркорлик билан боғлиқ бўлган контекстларни, балки турли позицияларни эгаллаган иштирокчилар ўзаро таъсир қиладиган, маҳаллий ва макро ҳодисаларни ўзгартирадиган маданий ва қиймат маконининг мавжудлигини ҳам ҳисобга олиш мухимдир. Маданий ва қадрият йўналишларининг янгиланиши таъсирида, когнитив ва меъёрий компонентларни ўз ичига олади.

Бугунги кунда кичик бизнесни ривожлантиришда маданий, институционал ва номоддий омилларнинг аҳамияти ортиб бораётган бир шароитда тадбиркорларнинг иқтисодий жараёнларда иштирок этиши, хулқ-атворининг кенг доирасига эга эканлигидан келиб чиққан ҳолда тадқиқотнинг муаммоли соҳасини кенгайтириш зарур. Уларнинг ўзаро муносабатлари ақлий хусусиятга эга ва қийматга йўналтирилган бўлиб, натижада мавжуд шароитларни ҳисобга олган ҳолда истаклар филтрланади, хатти-ҳаракатларнинг муқобил вариантлари изланади, улар синовдан ўтказилади ва танланади. Тадбиркорлик фаолиятининг турли контекстларини шакллантириш хусусиятларини, уларнинг ўзаро муносабатлари ва бўйсуниш хусусиятларини аниқлаш учун автономияни мутлақлаштириш ва инсон хулқ-атворининг турли соҳалари сифатида қадриятлар-маданий йўналишлар ва иқтисодиёт муносабатлари асосида ўрнатилган ғояларни қайта кўриб чиқиш таклиф этилади.

**Хулоса.** Шуни ҳисобга олиш керакки, тадбиркорлик фаолиятининг моделлари ва шаклларидаги мамлакат, ҳудудий ва бошқа контекстуал фарқлар тизимли шароитлар ва одамларнинг қобилиятлари ўртасидаги қарама-қарши муносабатни ифодалайди, маданий ва қадрият ғояларини қўллаш асосида атроф-муҳитдан келаётган сигналларга уларнинг муносабатини баҳолаш натижаларини тавсифлайди. Иқтисодий ўзаро таъсирлар натижасида институционал тизим шаклланади, у одамларнинг ўзаро муносабатларини тартибга солиб, меҳнат тақсимоти, кооперация ва тармоқ тузилмалари ва шу асосда хусусий манфаатларни шакллантириш орқали тизим-синергетик самарани олишга ёрдам беради. Ушбу шароитларда пайдо бўладиган институционал матрица қисман мос келадиган, аммо маълум даражада қарама-қарши бўлган тадбиркорларнинг шахсий ва умумий манфаатларини мувофиқлаштириш натижаси бўлиб, олинган ўзаро манфаатларга қараб, у маданий ва қадрият йўналишларининг белгиланган тўпламини қўллаб-қувватлайди.

**ФОЙДАЛАНИЛГАН АДАБИЁТЛАР РЎЙХАТИ:**

1. Романенко, Е.В. Формирование благоприятной институциональной среды для развития малого предпринимательства в России / Е.В. Романенко // Региональная экономика: теория и практика. 2008. № 32 (89). С. 28–33.

2. Австрийская школа в политической экономии / К. Менгер, Е. БѐмБаверк, Ф. Визер; пер. с нем.; предисл. сост. В.С. Автономов. М.: Экономика, 1992. 494 с

3. Норт, Д. Институты, институциональные изменения и функционирование экономики / Д. Норт. М.: Начало, 1997. 127 с.

4. Олсон, М. Возвышение и упадок народов. Экономический рост стагфляции, социальный склероз / М. Олсон. Новосибирск: ЭКОР, 1998. 432.

5. Rodrik, D. When ideas are more important than interests: preferences, worldviews and innovations in economic policy Innovation. American Economic Association. 2014. 28. pp. 189–208.

**УЎК 338.46**

# ЎЗБЕКИСТОНДА ХИЗМАТ КЎРСАТИШ СОҲАСИНИНГ ИЖТИМОИЙ-ИҚТИСОДИЙ САМАРАДОРЛИГИНИ ҲУДУДЛАР КЕСИМИДА БАҲОЛАШ ЙЎЛЛАРИ

***Ф.А.Сафаров, PhD, Самарқанд иқтисодиёт ва сервис институти, Самарқанд***

***Аннотация.*** *Мақолада Ўзбекистон Республикасининг ҳудудлари кесимида хизмат кўрсатиш соҳасининг ижтимоий-иқтисодий самарадорлигини баҳолаш масалалари ўрганилган. Унда хизмат кўрсатиш соҳасининг ижтимоий-иқтисодий самарадорлиги кўрсаткичлари келтирилган ва бу кўрсаткичлар ҳамда тегишли статистик маълумотлар ёрдамида республика ҳудудларининг таҳлили амалга оширилган. Олинган натижалар юзасидан тегишли хулоса ва таклифлар шакллантирилган.*

***Калит сўзлар:*** *хизматлар соҳаси, ижтимоий-иқтисодий самарадорлик, интенсив коэффициент, экстенсив коэффициент, интеграл коэффициент.*

***Аннотация.*** *В статье рассматриваются вопросы оценки социально-экономической эффективности сферы услуг в регионах Республики Узбекистан. В ней приведены показатели социально-экономической эффективности сферы услуг, проведен анализ регионов республики с использованием этих показателей и соответствующих статистических данных. На основании полученных результатов были сформированы соответствующие выводы и предложения.*

***Ключевые слова:*** *сфера услуг, социально-экономическая эффективность, интенсивный коэффициент, экстенсивный коэффициент, интегральный коэффициент.*

***Abstract.*** *The article deals with the assessment of socio-economic effectiveness of the service sector in the regions of the Republic of Uzbekistan. It presents indicators of socio-economic efficiency of the service sector, analyzes the regions of the republic using these indicators and relevant statistical data. On the basis of the results obtained the relevant conclusions and suggestions have been formed.*

***Keywords:*** *service sector, socio-economic efficiency, intensive coefficient, extensive coefficient, integral coefficient.*

**Кириш.** Аксарият мамлакатларда хизмат кўрсатиш соҳаси давлатнинг ижтимоий-иқтисодий ривожланишида асосий ўрин эгаллайди. Масалан, ЯИМда хизматлар улуши юқори бўлган мамлакатлар қаторига АҚШ – 80%, Буюк Британия – 73%, Франция – 71%, Япония – 69%, шу билан бир қаторда, ЯИМ таркибда хизматлар улуши 50% дан 69% гачани ташкил қилувчи Канада, Испания, Италия, Бразилия, Германия, Мексика, Таиланд, Эрон, Туркия, Россия, Хитой, Миср каби мамлакатларни киритишимиз мумкин [1]. Албатта Ўзбекистон ҳам бундан мустасно эмас. Мамлакатимизда хизматлар соҳаси кейинги йилларда изчил ривожланиш тенденциясини кўрсатиб келмоқда. Шундан келиб чиқиб, бугунги кунда хизмат кўрсатиш соҳасини ривожлантириш кўлами мамлакатнинг ижтимоий-иқтисодий ҳолатини баҳолашда асосий йўналишлардан бири саналади.

Хизматлар соҳасининг ривожланишига баҳо бериш муайян кўрсаткичлардан фойдаланишни тақозо этади. Бу эса, ўз навбатида, соҳанинг ривожланиши самарадорлигини миқдорий жиҳатдан ифодалаш ва олинган натижалар асосида тегишли чора-тадбирларни амалга ошириш имкониятини яратади. Тадқиқот доирасида шундай кўрсаткичларни аниқлаш бўйича ёндашувлар, таснифлар ва мулоҳазаларни шакллантириш ва тегишли натижалар ҳисоб-китобини амалга ошириш мақсад қилинган.

**Мавзуга доир адабиётлар таҳлили.** Самарадорлик иқтисодий тушунча сифатида ҳар қандай хўжалик юритувчи субъект фаолиятида, ҳудуд, инсонлар ва жамиятда содир бўлаётган бошқа ижтимоий-иқтисодий жараёнларни бошқаришда муҳим ўрин тутади. У. Петти, Ф. Кенэ, Д. Рикардо, Ф. Тейлор, Г. Эмерсон ва шу каби бошқа кўплаб тадқиқотчиларнинг ишларида "самарадорлик" тушунчасига алоҳида тўхталиб ўтилган. Бугунги кунда замонавий илмий адабиётларда самарадорликни баҳолаш борасидаги турли хил ёндашувларга дуч келамиз. Р.

Стирз самарадорликни баҳолаш борасида кўрсаткичларни кумулятив таҳлил қилиш ва баҳолашни ўз ичига олувчи интегратив ёндашувдан фойдаланишни таклиф қилади. Шуни ҳам таъкидлаш лозимки, бир қатор замонавий ғарб тадқиқотчилари хизматлар бозори иштирокчилари эҳтиёжларини қондиришга қаратилган самарадорликни баҳолашга урғу берадилар (Ч. Барнард, Г. Георгиу, Д. Роулс, Т. Стирс, Р. Нортон, Д. Каплан) [2-4]. М.Дж. Уэйтс қўшилган қийматнинг интеграциялашган кўрсаткичи орқали субъект самарадорлигини миқдорий ва сифат жиҳатдан баҳолашни таклиф қилади [5]. Кўрсаткичлар турлича бўлсада, аммо улар айни чоғда, хизмат кўрсатиш соҳасига жалб қилинган бозор иштирокчиларининг ҳамкорлиги натижасида синергетик таъсир самарасига эга бўлади.

**Таҳлил ва натижалар.** Хизматларнинг ижтимоий-иқтисодий самарадорлигини баҳолаш кўрсаткичлари таркибига уларнинг пировард истеъмолчиларига ҳам, маҳсулот ишлаб чиқаришнинг оралиқ босқичида хизматларни истеъмол қилувчи корхона ва ташкилотларга ҳам тақдим этиш сифати киритилиши лозим.

Хизмат кўрсатиш соҳасининг ижтимоий-иқтисодий самарадорлик кўрсаткичлари уч даражада: макро, мезо ва микродаражада баҳоланади. Макродаража мамлакат ЯИМнинг шаклланишига таъсир қилувчи кўрсаткичлар билан ифодаланса, микродаража хизмат кўрсатувчи корхона ва ташкилотлар даражасидаги кўрсаткичлар билан ифодаланади. Мезодаража алоҳида тармоқлар ва ҳудудлар даражасидаги кўрсаткичлар тўпламидан ташкил топади (1-расмга қаранг). Тармоқлар даражасида кўрсатиладиган хизматларнинг самарадорлиги моддий капиталнинг ўсиши, соҳага инвестицияларнинг кўпайиши ва қўшимча иш ўринларининг яратилиши билан баҳоланади. Ҳудудий даражада саноатнинг ривожланиши ялпи ҳудудий маҳсулотнинг ўсишига ва умумий ҳолатда аҳоли турмуш даражасининг яхшиланишига таъсир кўрсатиши лозим.




**1-расм. Хизматлар соҳаси ижтимоий-иқтисодий самарадорлигининг кўрсаткичлари**

*Манба: муаллиф ишланмаси*

Ҳудуд иқтисодиётининг ривожланишига хизматлар соҳасининг таъсир кўрсатиш механизмини тадқиқ қилиш муҳим аҳамият касб этади [6]. Ҳудудий даражада хизмат кўрсатиш соҳасини ривожлантириш самарадорлиги ЯИМ (ЯҲМ)нинг ўсиши, хизмат кўрсатиш соҳасидан олинадиган солиқ тушумлари ҳисобига бюджетни тўлдириш, кичик ва ўрта бизнеснинг ўсиши, қўшимча иш ўринлари яратиш каби кўрсаткичлар билан баҳоланади. Аҳолига хизмат кўрсатиш соҳасининг самарадорлигини баҳолаш учун аҳолининг ҳаёт сифатини яхшилаш, хизмат кўрсатиш корхоналарида иш билан таъминлаш ва аҳолининг кўрсатилаётган хизматлар сифатидан қониқишини баҳолаш таклиф этилади.

Хизмат кўрсатиш соҳасидаги корхоналарнинг ижтимоий-иқтисодий самарадорлигини ҳар томонлама баҳолаш учун интеграл коэффициентни ҳисоблаш усули таклиф этилади.

Дастлабки босқичда ҳисоблаш учун зарур бўлган маълумотлар мамлакат ёки ҳудуд даражасида жамланади: ҳудуддаги корхоналар, шу жумладан хизмат кўрсатиш

корхоналарининг умумий сони, ЯҲМнинг умумий ҳажми, шу жумладан хизмат кўрсатиш соҳасидаги корхоналар фойдаси.

Иккинчи босқичда мамлакат (ҳудудлар)ни таҳлил қилинган кўрсаткичлар бўйича гуруҳлашни амалга ошириш талаб қилинади.

Самарадорликнинг экстенсив коэффициентини ҳисоблаймиз:

$$K_{экс} = \frac{T_{хс} \cdot 100\%}{T_{ум}}, \qquad (1)$$

бунда $K_{экс}$ – умумий корхоналар сонида хизматлар соҳаси корхоналарининг улуши;

$T_{хс}$ – хизматлар соҳаси корхоналари сони;

$T_{ум}$ – умумий корхоналар сони.

Хизмат кўрсатувчи корхоналар ижтимоий-иқтисодий самарадорлигининг интенсив коэффициенти қуйидагича ҳисобланади:

$$K_{инт} = \frac{Q_{ф} \cdot 100\%}{Q_{ялпи}}, \qquad (2)$$

бунда $K_{инт}$ – умумий ишлаб чиқариш ҳажмида хизматлар соҳаси корхоналарининг улуши;

$Q_{ф}$ – хизмат кўрсатиш соҳаси корхоналарининг фойда ҳажми;

$Q_{ялпи}$ – ҳудуд (тармоқ)нинг ялпи ишлаб чиқариш ҳажми, ЯҲМ.

Хизмат кўрсатиш соҳаси ижтимоий-иқтисодий самарадорлигининг умумлаштирувчи кўрсаткичи сифатида қуйидаги формула бўйича ҳисобланувчи интеграл коэффициентдан фойдаланиш таклиф этилади:

$$\overline{K} = \sqrt{K_{экс} \cdot K_{инт}}, \qquad (3)$$

Ушбу услубиётнинг асосий афзаллиги – бу катта миқдордаги маълумотларни тўплашнинг соддалигида намоён бўлади, бу ўз навбатида мамлакат ва унинг ҳудудлари кесимида хизмат кўрсатиш корхоналарининг ижтимоий-иқтисодий самарадорлигини баҳолашга, қўшимча тадқиқот ва маълумотларни талаб қилмайдиган статистик маълумотлардан фойдаланган ҳолда ҳисоб-китобларни амалга оширишга имкон беради.

Хизмат кўрсатиш соҳасини тармоқ ривожланишининг ижтимоий-иқтисодий самарадорлигини республика ва унинг алоҳида ҳудудлари шароитида мавжуд статистик маълумотлар асосида атрофлича баҳолашга ҳаракат қиламиз.

Хизмат кўрсатиш соҳасини ривожлантиришнинг ижтимоий-иқтисодий самарадорлигини комплекс баҳолаш асносида, мамлакатимизда хизмат кўрсатиш соҳаси йил сайин ўсиб бораётганлиги, хизматлар соҳаси мамлакат иқтисодиётини ривожлантиришда муҳим аҳамият касб этиши, мамлакат ЯИМ таркибида хизматлар тахминан 36% ни ташкил этиши борасида тегишли хулосаларга келишимиз мумкин. Барча фаолият соҳаларини рақамлаштириш ҳам хизматлар соҳасининг ривожига катта туртки бермоқда. Ахборот технологиялари ва инновациялардан бир ўринда самарали фойдаланиш ҳар қандай мамлакат иқтисодиётини тубдан ислоҳ қилиш ва ривожланишнинг янги босқичига олиб чиқишга хизмат қилади. Шу боис, тадқиқот иши доирасида Ўзбекистонда хизмат кўрсатиш соҳасида инновацияларнинг самарадорлигини аниқлашга доир масалаларни кўриб чиқамиз.

Кейинги босқичда интеграл кўрсаткич ёрдамида хизмат кўрсатиш соҳасининг ижтимоий-иқтисодий самарадорлиги кўрсаткичи таҳлил қилинди. Бунда биринчи навбатда Ўзбекистон Республикаси ҳудудлари бўйича хизмат кўрсатиш соҳаси ижтимоий-иқтисодий самарадорлигининг экстенсив коэффициенти 1-формуладан фойдаланилган ҳолда ҳисобланди. Олинган натижалар таҳлили Ўзбекистоннинг 14 та ҳудуди орасида хизмат кўрсатиш соҳаси ижтимоий-иқтисодий самарадорлигининг интеграл коэффициентининг энг юқори кўрсаткичи Тошкент шаҳрида кузатилиши ва мазкур ҳудуд рейтингда етакчи ўринни эгаллаши, хизматлар соҳаси республиканинг бошқа ҳудудларига нисбатан бирмунча суст ривожланган Наманган вилояти бу борда энг ёмон кўрсаткичга эга эканлиги борасида хулосага келиш имконини беради.

Мамлакатимиз ҳудудлари кесимида хизматлар соҳаси ижтимоий-иқтисодий самарадорлигининг интенсив коэффициентини 2-формуладан фойдаланган ҳолда ҳисоб-китоб қиламиз. Олинган маълумотларни таҳлил қилиш мамлакат ҳудудлари кесимида хизматлар

соҳаси ижтимоий-иқтисодий самарадорлиги интенсив коэффициентининг энг юқори қиймати Тошкент шаҳрига тегишли эканлигини, ушбу ҳудудга мамлакат барча ҳудудлари бўйича кўрсатиладиган хизматларнинг энг катта улуши тўғри келишини кўрсатади.

3-формула асосида мамлакат ҳудудлари кесимида хизматлар соҳаси ижтимоий-иқтисодий самарадорлигининг интеграл коэффициентини ҳисоблаймиз. Ҳисоб-китоблар натижаси 1-жадвалда келтириб ўтилган.

**1-жадвал.**

**Ўзбекистон Республикаси ҳудудлари кесимида хизматлар соҳаси ижтимоий-иқтисодий самарадорлиги интеграл коэффициентини ҳисоблаш**

| Ҳудудлар | Йил | | | Фарқ | Рейтинг |
|---|---|---|---|---|---|
| | 2018 | 2019 | 2020 | | |
| 1 | 2 | 3 | 4 | 5 | 6 |
| Андижон | 0,76 | 0,76 | 0,77 | +0,01 | 6 |
| Бухоро | 0,77 | 0,76 | 0,77 | 0 | 6 |
| Жиззах | 0,78 | 0,77 | 0,79 | +0,01 | 4 |
| Қашқадарё | 0,72 | 0,73 | 0,74 | +0,02 | 8 |
| Навоий | 0,73 | 0,74 | 0,76 | +0,03 | 7 |
| Наманган | 0,59 | 0,53 | 0,49 | -0,10 | 11 |
| Самарқанд | 0,80 | 0,80 | 0,80 | 0 | 3 |
| Сурхондарё | 0,78 | 0,81 | 0,80 | +0,02 | 3 |
| Сирдарё | 0,81 | 0,79 | 0,80 | -0,01 | 3 |
| Тошкент | 0,69 | 0,68 | 0,72 | +0,03 | 9 |
| Фарғона | 0,75 | 0,72 | 0,71 | -0,04 | 10 |
| Хоразм | 0,81 | 0,85 | 0,85 | +0,04 | 2 |
| Қорақалпоғистон Республикаси | 0,76 | 0,77 | 0,78 | +0,02 | 5 |
| Тошкент шаҳри | 1,25 | 1,23 | 1,28 | +0,03 | 1 |

*Манба: муаллиф томонидан тузилган.*

Олинган натижалар таҳлилига кўра, мамлакат ҳудудлари кесимида Тошкент шаҳрида хизмат кўрсатиш соҳаси ижтимоий-иқтисодий самарадорлигининг интеграл коэффициенти энг юқори кўрсаткични ташкил этгани ҳолда, ҳудуд рейтингда етакчилик қилади, бу борада мамлакат ҳудудлари орасида энг ёмон кўрсаткич Наманган вилоятига тўғри келади.

**Хулоса ва таклифлар.** Тадқиқот доирасида олинган натижалар шундан далолат берадики, хизмат кўрсатувчи компанияларнинг ижтимоий-иқтисодий самарадорлигини баҳолаш усулларини таҳлил қилиш хизматлар бозоридаги мавжуд шароитларни ҳисобга олган ҳолда уларни қўллаш мақсадли тавсифга эга деган хулосага келиш имконини беради.

Ҳудудлар кесимида хизмат кўрсатиш соҳаси ривожланишининг ижтимоий-иқтисодий самарадорлигини баҳолашда экстенсив, интенсив ва интеграл кўрсаткичларни қўллаш натижасида баъзи хулосаларга келиш мумкин.

Ҳududдаги хизмат кўрсатиш корхоналарининг сони ва улар кўрсатган хизматларнинг ҳажми мос равишда экстенсив ва интенсив ривожланиш кўрсаткичининг ўсишига ижобий таъсир қилади. Ҳудуддаги умумий хўжалик юритувчи субъектлари ва ялпи ҳудудий маҳсулоти эса бу кўрсаткичларнинг пасайишини белгилаб берувчи омиллардир. Натижада интеграл кўрсаткич ҳам ушбу омилларнинг таъсир йўналишларини сақлаб қолган ҳолда ўзгаради.

Юқоридаги кўрсаткичларнинг қийматларини ошириш учун ҳудудда фаолият юритаётган хизмат кўрсатиш корхоналари сонини, уларнинг маҳсулдорлигини ошириш мақсадга мувофиқ. Интеграл кўрсаткич натижаларидан келиб чиққан ҳолда, тегишли ҳудудларга бу борада эътиборни кучайтириш зарур.

**ФОЙДАЛАНИЛГАН АДАБИЁТЛАР РЎЙХАТИ:**

1. Жаҳон банки маълумотлари, 2020 (databank.worldbank.org).
2. Barnard C. Organization and Management: Selected Papers. Cambridge, Mass. :Harvard University Press, 1938. P. 42.
3. Smith P. C., Kendall L. M., Hulin C. L. The measurement of satisfaction in work and retirement: a strategy for the study of attitudes. Chicago, Rand McNally, 1969.
4. Каплан Р., Нортон Д. Сбалансированная система показателей. От стратегии к действию. М.: «Олимп-Бизнес», 2003. - 304 с.

5. Waits M. J. The added value of the industry cluster approach to economic analysis, strategy development and service delivery. Economic development quarterly, February 2000, vol. 14, no 3, pp. 35–50.

6. Абрамов, С.С. Оценка социально-экономической эффективности сферы услуг региона. Научно-технические ведомости СПбГПУ 3' 2011. Экономические науки, с. 41-44.

**УЎК 332**

## ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ТЎҚИМАЧИЛИК КОРХОНАЛАРИГА ИННОВАЦИОН ТЕХНОЛОГИЯЛАРНИ ЖАЛБ ҚИЛИШ МУАММОЛАРИ

Ш.А.Сулейманова, таянч докторант, ТДТУ, Тошкент

***Аннотация.*** *Бугунги кунда тўқимачилик саноати мамлакатимизнинг муҳим саноати ҳисобланади. Жахон бозорида ўз мавқеини мустаҳкамлашида халқаро стандартларга жавоб бера оладиган маҳсулот ишлаб чиқариши лозим. Бунда албатта маҳсулот инновацион технологиялар орқали юқори сифатга эга бўлган ҳолда ишлаб чиқарилиши даркор. Ушбу мақолада тўқимачилик саноатида ишлаб чиқариш жараёнини инновацион теехнологиялар орқали модернизация қилишинишида вужудга келаётган муаммолар кўриб чиқилади. Ҳамда кўрсатиб ўтилган муаммоларни бартараф этиш ечимлари келтириб ўтилади.*

***Калит сўзлар:*** *инновация, инновацион технология, модернизация, тўқимачилик саноати.*

***Аннотация.*** *Сегодня текстильная промышленность является важной отраслью нашей страны. Чтобы укрепить свои позиции на мировом рынке, она должна производить продукцию, соответствующую международным стандартам. При этом продукт должен производиться качественно по инновационным технологиям. В данной статье рассматриваются проблемы, возникающие при модернизации производственного процесса в текстильной промышленности за счет инновационных технологий. Он также предоставляет решения по устранению неполадок, которые были выявлены.*

***Ключевые слова:*** *инновации, инновационные технологии, модернизация, текстильная промышленность.*

***Abstract.*** *Today, the textile industry is an important industry of our country. In order to strengthen its position in the global market, it should produce products that meet international standards. In this case, the product must be produced with high quality through innovative technologies. This article examines the problems arising in the modernization of the production process in the textile industry through innovative technologies. It also provides troubleshooting solutions for the problems that have been identified.*

***Key words:*** *innovation, innovative technology, modernization, textile industry.*

Глобализм концепцияси доирасида жаҳон иқтисодиётини ривожлантириш имкониятларининг ҳозирги кўринишда тугаши жаҳон иқтисодиётининг янги моделга ўтишини олдиндан белгилаб беради. Ушбу режимнинг ўзига хос хусусияти миллий манфаатларни, биринчи навбатда, миллий ишлаб чиқарувчиларни ҳимоя қилишдир. Ушбу концепция доирасида ҳар бир мамлакат нафақат ички бозорни тўлдириш, балки иш ўринларини сақлаб қолиш ва тадбиркорлик субъектларини жалб қилиш асосида ўзининг иқтисодий ва саноат сиёсатини шакллантиришга мажбур бўлади. Инновациялар орқали диверсификация ва тузилмавий муаммоларни ҳал қилиш қулай бизнес муҳитини яратиш, бозор рақобатини кучайтириш ва фирмаларни бошқа мамлакатлар ёки тармоқларда ҳаётийлиги исботланган ғоялар, бизнес моделлари ва технологияларни тизимли равишда ўзлаштириш ва мослаштириш учун қўллаб-қувватлашни талаб қилади[1].

Тўқимачилик саноатида ишлаб чиқариш жараёнларини ўз вақтида модернизация қилиш, технологияларни янгилаш ҳамда корхоналарнинг ўз ва жалб қилинган маблағлари ҳисобидан инновацион технологияларни қўллаш орқали ишлаб чиқаришни ташкил этиш масалалари юзасидан бир қатор вазифалар бажарилмоқда. Ривожланган мамлакатларда ускунани янгилашнинг ўртача даражаси йилига 15-17 фоизни ташкил қилади, яъни уларнинг эскириш муддати 10 йилдан анча кам[2]. Ускуналарни модернизация қилишнинг паст даражаси ишлаб чиқариш қувватларининг қисқаришига таъсир қилади. Янгиланишдан мақсад харажатларни

камайтириш, саноат корхоналарининг рентабеллиги ва рақобатбардошлигини оширишдан иборат. Тўқимачилик саноати корхоналарининг ишлаб чиқариш технологик базасининг эскирганлиги маҳсулот сотиш ҳажмининг камайишига ва натижада бозор улушини йўқотишига олиб келади. UNCTAD халқаро ташкилотининг “2021 йилда технологиялар ва инновациялар ҳисоботи”да қайд этилишича, ривожланаётган мамлакатлар унумдорликни ошириш, иқтисодиётни диверсификация қилиш ва иш ўринларини яратиш учун автоматлаштиришни онгли равишда мослаштириш ва ундан фойдаланиш керак. Бу борада ривожланаётган мамлакатлар бир қатор муаммоларга ечимларини ишлаб чиқишлари зарур:

-паст технологик ва инновацион салоҳият. Даромади паст мамлакатларда малакали ишчилар кам ва иқтисодиёти асосан қишлоқ хўжалигига таянади, янги технологиялар имкониятларидан сустроқ фойдаланилади.

-диверсификациянинг сустлиги. Ривожланаётган мамлакатлар миллий иқтисодиётни диверсификация қилиш учун инновацияларни ўзлаштириш ва мослаштириш орқали саноати ривожланган мамлакатларга тақлид қилган ҳолда инновацияларга интилади.

-молиялаштириш механизмининг заифлиги. Ривожланаётган мамлакатларнинг аксарияти илмий-тадқиқот ишларига молиявий маблағларни кам йўналтиради. Ишлаб чиқариш жараёнига инновацион технологияларни жалб қилишда хусусий маблағ қиймати пастлигича қолмоқда.

-интеллектуал мулк хуқуқлари ва технологиялар трансфери. Интеллектуал мулкни қатъий ҳимоя қилиш қишлоқ хўжалиги, соғлиқни сақлаш ва энергетика каби соҳаларда фойдали бўлиши мумкин бўлган янги технологиялардан фойдаланиш динамикаси суст даражада[3].

Юқоридаги хулосаларни миллий инновацион тизимни баҳолашда қўлланилувчи GII (Global Innovation Index) ҳисботини солиштирма таҳлил натижасида ҳам кўришимиз мумкин.

**1-жадвал**

**Тўқимачилик маҳсулотларини экспорт қилувчи етакчи давлатлар билан солиштирма таҳлили**

| | Германия | Хитой | Ҳиндистон | Вьетнам | Ўзбекистон |
|---|---|---|---|---|---|
| GII 2022 даражаси | 8 | 15 | 40 | 48 | 82 |
| Даромад даражаси | Юқори | Ўртадан юқори | Ўртадан паст | Ўртадан паст | Ўртадан паст |
| Институтлар | 76.5 | 80.4 | 60.1 | 60.6 | 57.3 |
| Инсон капитали ва тадқиқотлар | 64.1 | 57.7 | 38.3 | 27.2 | 30.8 |
| Инфратизим | 57.7 | 57.0 | 40.7 | 42.5 | 41.7 |
| Бозор мураккаблиги | 53.7 | 65.1 | 50.3 | 38.4 | 33.9 |
| Бизнес мураккаблиги | 52.7 | 52.3 | 30.9 | 31.6 | 25.3 |
| Билим ва технология натижалари | 54.8 | 39.3 | 33.8 | 26.0 | 17.9 |
| Ижодий натижалар | 52.3 | 38.7 | 24.3 | 30.8 | 7.7 |

Глобал тўқимачилик экспортер давлатлари билан солиштирганда умумий аҳвол ижобий тенденцияни кўрсатади, аммо “Билим ва технология натижалари” ва “Ижодий натижалар” субиндекслари юқоридаги давлатларга нисбатан аҳамиятли даражада эмаслигини гувоҳи бўлишимиз мумкин. Ушбу индекслар эса айнан саноатда инновация ҳамда инновацион технологияларнинг ишлаб чиқаришга жорий этилиши тенденциясини кўрсатади. Умумий хулоса қилиб шуни таъкидлаш мумкинки, ривожланган мамлкатларга нисбатан ривожланаётган мамлакатлари иқтисодиётида инновацияларни жорий қилиш бир мунча орқадалиги аён бўлмоқда. Айниқса , меҳнат унумдорлигининг таълимга боғлиқлигини ўрганиш шуни кўрсатадики, таълим даражаси 10 фоизга ошгани ҳолда меҳнат унумдорлиги 8,6 фоизга ошади. Устав капиталининг бир хил ўсиши билан ҳосилдорлик 3-4 фоизга ошади[4]. Яъни, кадрлар билим даражасини ошириш иқтисодий самарадорликни ошишига олиб келади. Аммо ҳозирги кунда халқ таълим тизими миллий иқтисодиётнинг инновацион динамик ривожланаётган тизимнинг талаблари ҳамда халқаро бозорнинг ўзгарувчанлиги шароитида мукаммаллик даражаси нисбатан пастроқ. Кўпгина олий ўқув юртларида реал ишлаб чиқариш билан амалда алоқа яхши йўлга қўйилмаган, натижада илмий изланишлар даражаси паст. Хорижий тажрибадан кўришимиз мумкинки, талабалар учун векторли инновацион

тренингларнинг мунтазам ўтказилиб турилиши университетларнинг юқори салоҳиятдан дарак беради. Қолаверса, таълим тизимининг инновацонлиги ҳамда замонавий лабаратория шароитлари хорижий университетларни баҳолашда асосий мезонлардан бири бўлиб келган. Замонавий Америка университетлари асбоб-ускуналар, илмий-техника базасини ривожлантириш ва кенгайтириш, талабалар ва ходимларга ўқиш ва илмий изланишлар учун энг яхши имкониятларни яратишга йилига икки миллиард доллардан ортиқ маблағ сарфлайди[5]. Мамлакатимизда тўқимачилик саноати инновацияларини жорий қилишда OEM (асл ускуна ишлаб чиқарувчи)[6] мамлакатлари устунлик қилмоқда. Шу билан бирга тўқимачилик корхоналарини бошқаришни стандартлаштириш амалиёти секин ривожланмоқда, бу эса фойда нормаларини янада пасайтиради.

Мамлакатимиз ақлли ишлаб чиқариш технологиясини қўллашда кечикмоқда ва интеллектуал салоҳият нисбатан орқада. Ривожланишнинг ҳозирги ҳолатига келсак, корхоналар ҳали хам давлат идоралари томонидан маблағлар, истеъдодлар ва платформа яратиш бўйича кучли ёрдамга муҳтождир. Корхонада инновацион технологияни қўллашни ривожлантиришнинг асосий вазифаси маҳсулотнинг юқори сифатини таъминлашдан иборат. Ишлаб чиқаришдаги инновацион технологиялар - бу ишлаб чиқаришни такомиллаштириш жараёнига йўналтирилган, тижорат, молиявий, ишлаб чиқариш, бошқарув хусусиятларига эга бўлган истиқболли маҳсулот кўринишидаги инновацион технологияларни самарали жорий этишдир. Ушбу мақсадларга эришиш учун қуйидаги вазифалар амалга оширилиши мақсадга мувофиқдир:

- корхонада инновацион технологияларни жорий этишнинг мақсадли дастурини ишлаб чиқиш;
- инновацион технологияларни қўллашнинг ҳуқуқий тартибга солишни такомиллаштириш;
- корхонада инновацион технологияларни ривожлантиришни инновацион усулини илмий-услубий таъминлашни ишлаб чиқиш;
- корхонада инновацион технологияларни қўллашни молиялаштириш механизмини ривожлантириш;
- инвесторларни корхонадаги инновацион жараёнлар ҳақида хабардор қилиш ва инновацион лойиҳаларни илгари суриш;
- инновацион лойиҳаларни амалга ошириш учун кадрлар тайёрлаш.

Йирик компаниялар ва илмий-тадқиқот институтлари ва хусусий фирмаларнинг консорциумларини самарали шакллантириш учун механизмлар зарур, уларнинг функциялари ишлаб чиқариш жараёнларини автоматлаштириши ҳамда ишлаб чиқаришнинг тўлиқ циклини-фундаментал ривожланишдан тортиб саноат ишлаб чиқаришигача бўлган даврни ўз ичига олади. Бу нафақат ишлаб чиқариш схемасини бозор талабларига мос равишда мослашувчан тарзда қайта қуриш, балки ишлаб чиқиш жараёнини тўлиқ назорат қилиш имконини беради.

**Хулоса.** Олиб борилган тадқиқот асосида шундай шундай хулоса қилиш мумкин, яъни тўқимачилик саноати корхоналари жаҳоннинг етакчи ишлаб чиқарувчилари билан боғлаш имкониятларига алоҳида эътибор қаратиши лозим. Жахон бозорида мустаҳкам мавқега эга бўлиш мақсадида хорижий тўқимачилик маҳсулотлари учун муносиб рақобат муҳитини ярата оладиган мавжуд инновацион инфратузилмани бошқаришнинг самарали механизмини шакллантириш зарур. Корхоналарда инновацион технологияларни қўллаш механизми ишлаб чиқариш фаолиятини ривожлантиришга ҳисса қўшадиган, фаолиятни комплекс бошқариш имконини берадиган ҳамда инновацион режимнинг юқори даражасига ўтишни ташкил қилувчи кетма-кет босқичлар ва воситалар мажмуидан иборат бўлиши керак.

**ФОЙДАЛАНИЛГАН АДАБИЁТЛАР РЎЙХАТИ:**

1. United nations economic commission for Europe. Innovation for Sustainable Development. Review of Uzbekistan. Geneva, 2022 © United Nations 14 бет

2. Юань, Л.Н. Никитина, «К вопросу о системе управления в легкой промышленности КНР», Экономика и управление системами управления. 4.2 (18), стр. 230-234, 2015.

3. fashinza.com/textile/fashion-industry/reasons-why-these-countries-rank-in-the-top-5-global-textile-leaders-list

4. Артюшина Е. В. Исследование прогнозного новшества на наличие стратегического соответствия в диверсифицированной организации // Менеджмент в России и за рубежом. – 2013. – № 2. – с. 48-53
5. Omarini Anna. Private Banking and Wealth Management: Customer Segmentation a Way for Selecting, Getting and Keeping Customers. – VDM Verlag Dr. Müller, 2011. – 52 p.
6. Wikipedia. 2022. "OEM." Wikimedia Foundation. Last modified January 3, 2022. https://ru.wikipedia.org/wiki/OEM.
7. www.stat.uz

**УЎК 338.486.4**

## КЛАСТЕР ЁНДАШУВИ АСОСИДА ТУРИЗМ СОҲАСИНИНГ ИННОВАЦИОН РИВОЖЛАНИШ ШАРТ-ШАРОИТЛАРИ ВА ЧЕКЛОВЧИ ТЎСИҚЛАР

***А.Қ.Тўхтамишов, мустақил изланувчи, "Ипак йўли" туризм ва маданий мерос халқаро университети, Самарқанд***

***Аннотация.*** *Ушбу мақолада республикамизда хорижий туристик кластер моделларини қўллаш, туризм индустриясини кластер ривожланишининг асосий қарама-қаршиликлари, туризм индустриясини кластерли ривожлантириш шарт-шароитлари, туристик кластер ривожланишининг қарама-қаршиликлари бўйича ёндашувлар, туризмда кластер ёндашувининг туристик ҳудуд рақобатбардошлигини оширишдаги аҳамияти ва йўналишлари тадқиқ қилинган.*

***Калит сўзлар:*** *туризм кластери, кластер моделлари, туризм индустрияси, қарама-қаршиликлар, туристик ҳудуд, рақобатбардошлик.*

***Аннотация.*** *В данной статье рассмотрены основные противоречия и условия кластерного развития туристической отрасли, использование кластерных моделей зарубежного туризма, подходы к противоречиям кластерного развития туристической отрасли, значение и исследование направления кластерного подхода в туризме, в повышении конкурентоспособности туристичесской территории.*

***Ключевые слова:*** *туристический кластер, кластерные модели, индустрия туризма, противоречия, туристическая территория, конкурентоспособность.*

***Abstract.*** *This article discusses the use of cluster models of foreign tourism, the main contradictions of the cluster development of the tourism industry, the conditions for the cluster development of the tourism industry, approaches to the contradictions of the cluster development of the tourism industry, the significance and directions of the cluster approach in tourism in increasing the competitiveness of the tourist territory.*

***Key words:*** *tourism cluster, cluster models, tourism industry, contradictions, tourism territory, competitiveness.*

Ҳозирги вақтда мамлакатимиз иқтисодиётининг туризм соҳасини кластер ривожланиши бўйича мавжуд чекловчи тўсиқлар ва қарама-қаршиликларни тадқиқ қилиш ҳамда уларни глобаллашув шароитида ва инновацион контекстда ҳал қилишнинг вектор сценарийларини аниқлаш зарур. Биз, хорижий ва ватанимиз илмий адабиётларида етарлича батафсил ўрганилган энг долзарб муаммоларни ажратиб кўрсатишдан бошлаймиз. Бу туристик кластерларни яратишни тармоқ тамойилининг ҳудудий тамойилга номувофиқлиги билан боғлиқ бўлиб, у шу билан ифодаланадики, туристик кластерларнинг пайдо бўлиши одатда Портер модели бўйича, яъни географик яқинлик асосида ривожланади, кластерлаш эса тармоқ тамойилига асосланади. Муайян кичик давлатлар ва минтақалар учун туристик ташкилотларнинг ҳудудий ва тармоқ тамойиллари бўйича бирлаштириш ҳеч қандай мураккабликни юзага келтирмайди. Йирик минтақалар учун эса туризм соҳасида кластерлаш юқоридаги икки тамойилни бир вақтнинг ўзида ҳисобга олган ҳолда амалга ошириш жуда жиддий муаммога айланади.

Республикамизда хорижий туристик кластер моделларини қўллаш муҳим ҳисобланади. Бунда тармоқ ва ҳудудий кластер тамойиллари ўртасидаги зиддиятни бартараф этиш учун қуйидагилар зарур: а) туризм кластерининг ташкилий-бошқарув тузилмасига кўпроқ эътибор қаратиш; б) туризм кластерининг ахборот-коммуникация тизимини ривожлантириш; в)

кластер аъзоларини бирлаштириш ва кооперация даражасини ошириш; г) кластер аъзоларининг тадбиркорлик ва корпоратив маданият даражасини ошириш; д) туризм кластерларининг инновацион ва интеллектуал компонентини ҳар томонлама ривожлантириш ва қўллаб-қувватлаш ва ҳ.к.

Туризм индустриясида кластер ривожланишининг асосий қарама-қаршилиги тармоқ рақобати ва ҳамкорлик ўртасидаги қарама-қаршилик бўлиб, у ягона туризм кластерида иштирок этувчи ташкилотлар даражасида ҳам, маълум бир ҳудуд ёки минтақа доирасида ўзаро таъсирга эга бўлган бир нечта тармоқ кластерлари даражасида ҳам юзага келади. Бундай қарама-қаршилик аллақачон диалектик жиҳатдан кластерлашнинг моҳиятига хосдир ва “рақобатлашиш, ҳамкорлик қилиш” ибораси билан аниқ тавсифланади, бу эса ушбу қарама-қаршиликни бартараф этишни эмас, балки интеграция ва рақобатдош таркибий қисмлар ўртасидаги зарур мувозанат ҳолатига эришишни талаб қилади.

Ушбу қарама-қаршилик дастлаб туристик кластер маълум бир туристик ҳудуд ёки умуман мамлакатнинг талаб қилинадиган рақобатбардошлиги даражасига эришишнинг энг самарали ва муваффақиятли шакли бўлиб, турли ташкилотлар (хизмат кўрсатиш соҳаси, сувенир ва озиқ-овқат саноати, молия институтлари, ҳокимият ва бошқарув органлари, таълим ва илмий ташкилотлар, нотижорат ташкилотлар) ўртасидаги корпоратив ҳамкорликнинг ваколатли ташкилий шакли эканлигига асосланади. Туризм кластери барча иштирокчилари фаолиятнинг кўлами, унинг қамров даражаси, синергия ва пайдо бўлишининг биргаликдаги таъсири остида қўшимча рақобатдош устунликларга эга бўлиш имкониятини беради.

Юқоридаги ёндашувлар шунга асосланадики, туризм индустриясини кластерли ривожлантириш нуқтаи назаридан кластер ичидаги ва улар орасидаги вертикал ва горизонтал алоқаларни изоляция қилишга эмас, балки бундай алоқаларни бирлаштиришга интилиш зарур. Туризм кластерининг асосий ҳаракатлантирувчи кучи тармоқ ва ҳудудий бирлик эмас, балки инновацион таркибий қисм эканлигини таъкидлаб, биз, туризм кластерининг инновацияси мавжуд алоқаларнинг барча турларини ҳисобга олмасдан ва таҳлил қилмасдан мумкин эмаслигини таъкидлаймиз. Тадбиркорларнинг инновацияларни тахминан тенг идрок этишини ва туризм соҳасида тегишли давлат сиёсатини қабул қилишини таъминлайдиган горизонтал алоқаларсиз кластерни ривожлантириш мумкин эмас.

О.В.Лавров ўз асарларидан бирида [1] кластер ривожланишининг қарама-қаршиликларининг бутун тизимини белгилайди.

**Биринчидан,** ҳудудий ҳокимиятлар туризм соҳасидаги тадбиркорлик фаолиятини қўллаб-қувватлашда фаол иштирок этади. Шунинг учун кластер ёндашуви ташкилотлар ўртасидаги рақобатбардош муносабатларни ривожлантириш ва инновацион тизимни шакллантириш ҳамда туризм сиёсати даражасида давлат ҳокимияти органлари томонидан энг қулай шарт-шароитларни яратиш назарда тутилади.

**Иккинчидан,** туризм соҳасидаги алоҳида ташкилотлар ва маҳаллий тузилмалар ўртасида инвестиция ресурслари учун ҳудудлараро рақобат мавжудлигини инкор этмаслик керак, бу эса туризм кластери иштирокчилари ва ҳокимият органлари ўртасида ҳудудий туризмни ривожлантириш мақсадлари ва йўналишларида қарама-қаршиликларни келтириб чиқаради.

**Учинчидан,** ҳудудда жойлашган алоҳида туристик ташкилотлар моддий ва бошқа ресурслар учун турли шаклларда тўғридан-тўғри рақобатлашадилар: капитал қўйилмалар, ссудалар ва қарзлар, устав капиталига инвестициялар, лизинг ва бошқалар. Рақобат нафақат бошқа ҳудудлардаги ташкилотлар билан, балки ички – бир ҳудуд ёки кластернинг туристик ташкилотлари билан содир бўлади. Шунга кўра, туризм ташкилотчилари манфаатларининг қарама-қаршилиги жиддий низоларга олиб келади ҳамда туризм кластери лойиҳалари доирасида тадбиркорларнинг интеграциялашувига тўсқинлик қилади.

**Тўртинчидан,** ташқи ресурслар учун рақобат кураши ҳар доим ҳудуднинг ижтимоий-иқтисодий ривожланишига салбий таъсир кўрсатади ва давлат ҳокимияти ва бошқаруви органлари учун номақбул ҳисобланади. Рақобатнинг ижобий роли (айниқса, маҳаллий тузилмалар ўртасида) айрим ҳолларда ҳудуддаги айрим хўжалик юритувчи субъектларнинг

бошқаларига зарар етказишига олиб келади, бу эса туризмни ривожлантириш нуқтаи назаридан ҳududнинг аҳамияти ва иқтисодий салоҳиятини заифлаштиради. Бу ерда қарама-қаршилик туризм бозорида кучли ўйинчилар лоббисининг мавжудлиги ва уни ҳудудий ҳокимият ва маҳаллий ташкилотлар томонидан туризм кластерининг ривожланишини орқага тортаётган заиф туризм ташкилотлари зарарига қўллаб-қувватлашидадир.

**Бешинчидан,** туристик кластерларни ташкил этиш аниқ ҳудудий асосда амалга оширилиши керак. Бу ерда асосий ролни вертикал интеграциялашган минтақавий туризм ташкилотлари ўйнаши мумкин. Кластерларнинг мақсадлари бундай интеграциялашган корпоратив тузилмалар миссиясига зид келмаслиги учун самарали давлат ва ҳудудий туризм сиёсати зарур. Кластер ёндашувидан фойдаланиб, кластернинг ўзини ҳам, унинг алоҳида корхоналарини ҳам янада ривожлантириш нуқтаи назаридан ҳам кўламини, ҳам мослашувчанликни таъминлаш мумкин.

"Туристик кластерларни яратиш ва рағбатлантириш асосида ҳудудларни иқтисодий ривожлантириш тадбиркорлик субъектларининг ташаббуси ва фаоллигини, шунингдек, бизнес субъектлари ва ҳукуматнинг биргаликдаги саъй-ҳаракатларини назарда тутади. Кластерларни яратиш ва ривожлантиришда тадбиркорлик ва ҳокимиятнинг роли турли соҳаларда турлича, лекин моҳиятан бир-бирини тўлдиради. Горизонтал тузилишга эга бўлган саноат кластери ҳеч қачон вертикал интеграциялашган бизнес билан зиддиятга тушмайди" [2]. Ушбу нуқтаи назарни давлат ва ҳудудий даражадаги туризм кластерларини ривожлантириш билан боғлиқ яна иккита қарама-қаршилик мавжудлигини кўрсатиш билан тўлдириш керак.

Улардан бири "туризмда кластер ёндашуви туристик ҳудуднинг рақобатбардошлигини ошириш билан бевосита боғлиқлиги билан алоқадор бўлган қарама-қаршилик нафақат унумдорлик ва бандликка бир вақтда таъсир кўрсатиши, балки улар ўртасидаги қарама-қаршиликларни бартараф этиши билан узвий боғлиқдир. Туризм кластерида меҳнат унумдорлиги даражаси асосий бўлмаган туризм фаолиятини ихтисослаштириш ва аутсорсинг қилиш ҳисобига, аҳоли бандлиги даражаси эса туризм соҳасида янги тадбиркорлик субъектларини жалб этиш ва шакллантириш ҳисобига ошиб бормоқда" [3].

Республикамиз ва хорижда мавжуд туризм кластерлари бўйича назарияларни таҳлил қилиш асосида туризм кластери ташаббусларининг инновацион салоҳиятидан самарали фойдаланиш бўйича хулосалар қуйидагилардан иборат бўлиши керак:

1. туристик кластерларни режалаштириш ва яратиш ташаббуслари маҳаллий тузилмалар ва вилоятлар ҳамда давлат ҳокимияти ва бошқаруви органлари вакиллари томонидан илгари сурилганда "юқоридан пастга" тартибга солиш моделидан "пастдан юқорига" тартибга солиш моделига ўтиш орқали давлат томонидан тартибга солиш тизимини қайта йўналтириш;
2. ҳар қандай туристик кластер доирасида асосий элементлардан бири таълим ва илмий сектор бўладиган ўзига хос алоқалар тизимига эга бўлган тегишли ҳудудий-функционал тузилмани шакллантиришни амалга ошириш зарур;
3. туризм соҳасидаги корхоналарнинг инновацион фаоллигини ошириш ҳамда бунинг учун "бизнес-давлат-таълим-фан" шаклидаги шериклик асосида протокластер тузилмаларини ташкил этиш;
4. туризмни кластерли ривожлантиришнинг инновацион хусусиятга эгалиги маркетинг (бозор) жиҳатларини ҳам ҳисобга олиши, хусусан, биринчи навбатда ҳудудий ва миллий туризм бозорларининг реал эҳтиёжларига эътибор қаратиши ҳамда ички ва кириш туризми туризмини ривожлантириш мақсадларидан бири бўлиши керак;
5. кластер тузилмаларининг инновацион фаоллигини ошириш учун ҳудудий ва тармоқ парадигмасидан ташкилий-бошқарув ва маркетинг парадигмасига ўтиш орқали, биринчи навбатда, ҳудуднинг географик хусусиятлари ва мавжуд туристик ресурсларни ҳисобга олган ҳолда кластерларни лойиҳалаш ва режалаштириш методологиясини қайта кўриб чиқиш зарур.

Трансчегаравий ҳудудларда мақсадли ҳудудий туристик кластер асосида нафақат аниқ ҳудуддаги ресурслар ва шарт-шароитлар, балки қўшни мамлакатлардаги истеъмолчиларнинг хоҳиш ва талабларини ҳисобга олган ҳолда туристик салоҳиятнинг эътибор билан танланган

элементлари назарда тутилади. Мазкур туристик кластернинг шаклланиши муайян босқичлар доирасида вазифаларни бажариш кетма-кетлигини назарда тутади, унинг таркибини базавий асоси бўлиб, потенциал истеъмолчиларнинг талабини аниқлаш ҳисобланади (1-расм).




**1-расм. Ҳудудий туристик кластернинг мақсадли таркиби (Муаллиф томонидан ишлаб чиқилган)**

Республикамиз ҳудудларида кластер ёндашувини жорий этишнинг асосий афзалликлари қуйидагилардан иборат:

I.туризмнинг ривожланишига йўналтирилаётган маблағларнинг аниқ ҳудудларда концентрациялашиши;

II. туризм соҳасида интеграциялашган маҳсулотларни яратиш ва таклиф этишда синергетик самарага эга бўлиш имкониятларининг шаклланиши;

III. туристик кластернинг асосини шакллантирувчи рекреацион ресурслардан самарали фойдаланиш бўйича фаолиятни фаоллаштириш имкониятининг вужудга келиши.

Рекреациянинг ривожланишида кластер ёндашувини амалий жиҳатдан реализация қилиш учун қулай ташқи муҳит потенциал иштирокчиларнинг кластерга бирлашишига қизиқишларини таъминлаши зарур. Ҳам иқтисодий, ҳам ташкилий-бошқарув нуқтаи назаридан қулай инвестиция муҳитини яратиш, ҳудуднинг ижро этувчи ҳокимияти томонидан фаол (имтиёзли) кредит сиёсатини юритиш, давлат томонидан хорижий давлатлар ва ҳудуднинг кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектлари ўртасида ташқи алоқаларни ривожлантиришга кўмаклашиши, ҳудуд ва унинг марказларида “туристик имиж” жозибадорликни яратиш бўйича имкониятлардан тўлиқ фойдаланишга кўмаклашиш муҳим ҳисобланади.

**ФОЙДАЛАНИЛГАН АДАБИЁТЛАР РЎЙХАТИ:**

1. Андреянова С.И. Кластерный подход и территориальные рекреационные системы / С. И. Андреянова, А. А. Нифантова, Д.Ю. Андреянов // Сервис в России и за рубежом. – 2016. – Т. 10, № 7. – С. 72-79.
2. Боброва С.Я. Актуальные вопросы формирования кластеров как инструмента повышения конкурентоспособности региона / С.Я.Боброва, Н.В.Жукова, В.В.Яровова // Фундаментальные исследования. – 2007. – № 12. – С. 508-509.
3. Бойкова Н.А. Теоретические подходы к дефиниции – региональный энергосбытовой кластер / Н.А.Бойкова // Политематический сетевой электронный научный журнал Кубанского государственного аграрного университета. – 2011. – № 74. – С. 368-377.
4. Лавров, О. В. Формирование кластерноориентированной экономической стратегии / О. В. Лавров // Экономика и эффективность организации производства-2007: материалы VII Международной научно-технической конференции. – Брянск: БГИТА, 2007. – С. 28.

**УЎК 343.37**

## САНОАТ КОРХОНАЛАРИНИНГ ИҚТИСОДИЙ ХАВФСИЗЛИГИНИ БАҲОЛАШНИНГ ЎЗИГА ХОС ХУСУСИЯТЛАРИ

***Х.Ф.Уктамов, доц., Тошкент давлат иқтисодиёт университети, Тошкент***

***Аннотация.*** *Ушбу мақолада саноат корхоналарининг иқтисодий хавфсизлигини баҳолашнинг ўзига хос хусусиятларини такомиллаштириш масалалари ўрганилган. Бундан ташқари, корхонанинг ҳаётий таъминотини математик нуқтаи назардан баҳолаш ва корхоналарининг иқтисодий хавфсизлигини баҳолашн бўйича бир қатор кўрсаткичлар таклиф этилди.*

***Калит сўзлар:*** *корхоналарининг иқтисодий хавфсизлиги, иқтисодий хавфсизлик кўрсаткичлари, корхонанинг ҳаётий таъминоти.*

***Аннотация.*** *В данной статье рассматриваются вопросы совершенствования особенностей оценки экономической безопасности промышленных предприятий. Кроме того, предложен ряд показателей для оценки жизнеобеспечения предприятия с математической точки зрения и оценки экономической безопасности его предприятий.*

***Ключевые слова:*** *экономическая безопасность предприятий, показатели экономической безопасности, жизнеобеспечение предприятия.*

***Abstract.*** *This article examines the issues of improving the specific features of economic security assessment of industrial enterprises. In addition, a number of indicators were proposed to assess the life support of the enterprise from a mathematical point of view and to assess the economic security of its enterprises.*

***Keywords:*** *economic security of enterprises, indicators of economic security, life support of the enterprise.*

**Кириш.** Ўзбекистон миллий иқтисодиёти, жумладан саноати корхоналарининг жаҳондаги рақобатбардошлигини ошириш юзасидан кенг қамровли чора-тадбирлар амалга оширилмоқда. Мамлакатимизда амалга ошириладиган ислоҳотларнинг зарур сиёсий-ҳуқуқий, ижтимоий-иқтисодий ва илмий-маърифий асосларини яратиб беришга қаратилган Янги Ўзбекистоннинг 2022–2026 йилларга мўлжалланган тараққиёт стратегиясида “.....миллий иқтисодиётни ривожлантириш, унинг ўсиш суръатларини замон талаблари даражасида таъминлаш” [1] вазифалари белгилаб берилган. Шундан келиб чиққан ҳолда саноат корхоналарининг молиявий-иқтисодий барқарорлигини ошириш юзасидан ички имкониятини комплекс ривожлантириш, моддий-техник базасини тубдан янгилаш ва мавжуд ресурслардан самарали фойдаланиш бўйича тадқиқотларни амалга ошириш муҳим масала бўлиб қолмоқда.

Таҳдидларни аниқлаш корхонага таъсир кўрсатиши мумкин бўлган ҳалокатли омилларни аниқлаш имконини беради. Муайян салбий омиллар таъсирини олдини олиш бўйича турли чора-тадбирларни амалга оширишдан олдин, таҳдидларни этарлича аниқлик билан тавсифлаш керак (амалга ошириш эҳтимоли, вақт муддати, кутилаётган зарар миқдори ва бошқа кўплаб хусусиятлар), сўнгра мавжуд бўлган хавфларни баҳолаш керак.Бунинг учун эса зарур хавфсизлик ресурси: хавфсизлик мақсадларга эришиш учун ички ва ташқи

шароитларга эга бўлган корхоналарни, шунингдек, корхонанинг бир хил мақсадга эришиш учун зарур бўлган ташқи муҳит шароитлари (параметрлари) тўпламини баҳолашга боғлиқ бўлади.

**Адабиётлар шарҳи.** Корхонанинг иқтисодий хавфсизлик ресурсини баҳолаш учун асосан молиявий барқарорлик, зарар кўрмаслик, корхона ликвидлиги, ишбилармонлик фаоллиги, самарадорлиги ва бошқа кўрсаткичлар қўлланилади. Шундай қилиб, М.А. Бендиков учта гуруҳ кўрсаткичларидан фойдаланишни таклиф қилади:

а) ишлаб чиқариш;

б) молиявий;

в) ижтимоий.

Н.А. Журавлев ва А.В. Костйлев, шунингдек, кўрсаткичларни яна иккита гуруҳга ажратишни таклиф қилади[3]:

1) бизнеснинг тўлов қобилиятини йўқотиш хавфини аниқлайдиган кўрсаткичлар;

2) инқироздан чиқишда рақобатбардошликни йўқотиш хавфини башорат қилувчи кўрсаткичлар.

И.Т. Балабановнинг сўзларига кўра (таъкидлашича), бу ҳолда автономия коэффициенти (капитал ва мажбуриятлар нисбати) ва молиявий барқарорлик коэффициенти (ўз маблағлари миқдори ва қарз маблағлари ва кредиторлик қарзлари миқдори нисбати) [4].

А.Д. Шеремет ва Р.С.Саифулин асосий воситалар қиймати ва уларни шакллантиришнинг ўз ва қарз манбалари қийматининг нисбати билан белгиланадиган кўрсаткичдан фойдаланишни таклиф қилади[5].

Шу билан бирга, заҳиралар ва харажатларни шакллантириш манбалари билан таъминлаш молиявий барқарорлик ва хавфсизликнинг моҳиятини ташкил этади, тўлов қобилияти эса фақат унинг кўринишидир. В.В. Ковалёвнинг фикрича, иқтисодий хавфсизлик даражасини аниқлаш учун корхонанинг барча активлари баланси натижасида ўз капиталининг умумий миқдоридаги улуш кўрсаткичидан фойдаланиш керак (ўз капиталининг умумий миқдори ва корхона баланси нисбати) [6].

И.А. Бланк фойдаланилган молиявий ресурсларнинг умумий ҳажмида ўз капиталининг юқори улушига эътиборни қаратади, аммо шу билан бирга барқарорлик ва хавфсизлик даражасини баҳолаш кенг кўламли кўрсаткичлар тизимидан фойдаланган ҳолда амалга оширилиши керак. М.С. Абрютин ва А.В. Грачевнинг таъкидлашича, корхонанинг барқарорлиги ва хавфсизлиги унинг кафолатланган тўлов қобилиятидир, уни баҳолаш учун ликвидлик коэффициенти, жорий ликвидлик коэффициенти ва оралиқ қоплаш коэффициентидан фойдаланиш керак[7].

Ғарб илмий адабиётларида корхона фаолияти самарадорлигини, унинг иқтисодий хавфсизлиги билан бевосита боғлиқ бўлган ривожланиш стратегиясини баҳолашда М.Фридман ва Б.Трегоу томонидан таклиф қилинган қуйидаги кўрсаткичлардан фойдаланилади[8]:

1) молиявий кўрсаткичлар;

2) товар ва бозор кўрсаткичлари;

3) рақобатбардошлик кўрсаткичлари;

4) ташқи вазиятни баҳолаш;

5) ички вазиятни баҳолаш.

Р.Каплан ва Д.Нортон томонидан бир оз бошқача вариант таклиф қилинган бўлиб, улар иқтисодий хавфсизлик ҳолатини акс эттирувчи кўрсаткичларнинг тўртта гуруҳини ажратиб кўрсатишган:

1) молия;

2) мижозлар;

3) ички бизнес жараёнлари;

4) ўрганиш ва ривожлантириш.

Корхона хавфсизлигини баҳолашда комплекс кўрсаткич бўлган ва корхона фаолиятининг турли томонларини тавсифловчи кўрсаткичлар гуруҳини ўз ичига олган Алтман

коэффициенти (кредитга лаёқатлиликнинг беш омилли индекси) кенг қўлланилган; актив ва пассивлар таркиби, рентабеллик ва айланма.

Шундай қилиб, корхонанинг иқтисодий хавфсизлиги даражасини баҳолашда индикаторли ёндашув кенг тарқалган деган хулосага келишимиз мумкин. Кўрсаткичлар сифатида корхона фаолияти ва ҳолатининг ҳар қандай кўрсаткичлари ҳисобга олинади. Корхонанинг иқтисодий хавфсизлигини тўғридан-тўғри баҳолаш юқори даражадаги хавфсизликни тавсифловчи корхонанинг ҳақиқий кўрсаткичларини меъёрий кўрсаткичлар билан солиштириш орқали берилади. Шу билан бирга, баҳолаш нафақат фоизларда (улушларда), балки сифат жиҳатидан ҳам ифодаланиши мумкин. Шундай қилиб, С.Й.Буланов кўрсаткичларнинг қийматларини баҳолашни ва кўрсаткичларнинг чегара қийматларини аниқлаш орқали танқидий зоналар аниқланадиган шкалаларда шарҳлашни таклиф қилади - барқарор, инқироздан олдинги, инқироз. Иқтисодий хавфсизлик тўғрисидаги хулоса барча асосий кўрсаткичлар бўйича балларни бирлаштириш асосида амалга оширилади[9]. Инқироз шкаласига кўра, ҳар бир кўрсаткичнинг жойлашуви унинг рақамли қийматини интервалларни ажратувчи қийматлар билан солиштириш орқали аниқланади. Қарор қабул қилиш учун индикаторнинг аниқ қиймати талаб қилинмаса, бундай шкаладан фойдаланиш қулайдир. Корхона хавфсизлиги кўрсаткичларини талқин қилишга ўхшаш ёндашув В.С.Гусев, корхонанинг нормал ва инқироз ҳолатини ажратиб турадиган барча тўсиқлар бузилган ва потенциалнинг қисман (эҳтимол тўлиқ) йўқолиши муқаррар ва муқаррар бўладиган танқидий ҳолатни тўлдиради.

В.К.Сенчагов, шунингдек, ушбу ёндашув тарафдори бўлиб, "... бу иқтисодий хавфсизликка таҳдидларнинг жиддийлигини ва уларни бартараф этиш кетма-кетлигини кўрсатадиган ҳақиқий ва прогноз параметрларининг чегара қийматларидан четга чиқишидир". Шу билан бирга, И.Я. Богданов, иқтисодиётнинг қайси ҳолатини хавфсиз деб ҳисоблаш кераклиги ҳақидаги саволга ягона жавоб йўқ[10].

Ресурс-функционал ёндашув, унинг кенглиги туфайли, мураккаб, чунки иқтисодий фаолият хавфсизлигининг барча функционал компонентларини ҳисобга олиш ва баҳолаш зарур. А.А Одинтсов, томонидан таклиф қилинганидек, корхона хавфсизлигининг функционал таркибий қисмлари ҳолатининг ўзгаришининг умумий мезон қийматининг ўзгаришига таъсирининг улушларини ажратиш керак, шундан сўнг функционал компонентларнинг зарур даражасини таъминлаш чоралари таҳлил қилинади[11].

**Тадқиқот методологияси.** Мақолада илмий мушоҳада, тизимли ёндашув ва корхоналарининг иқтисодий хавфсизлигини баҳолаш тадқиқот усулларидан фойдлаланилди. Жаҳондаги мавжуд усул ва ёндашувлар таҳлилларига асосланиб, корхоналари хавфсизлигини баҳолаш фаолиятининг ўзига хос хусусиятларини инобатга олган ҳолда саноати корхоналари иқтисодий хавфсизлик тизмини ифодаловчи кўрсаткичларни такомиллаштириш таклиф этилган.

**Таҳлил ва натижалар.** Ушбу мақолада биз корхонанинг таркибий қисмлари ва унинг бизнес-жараёнлари таҳдидлар ва хавфсизлик объекти сифатида ҳаракат қилишлари кераклигини аниқладик, натижада "киришлар", "жараёнлар" ва "чиқишлар" “Бизнес разведкаси”ни тақсимлаш билан баҳолаш мақсадга муаофиқ ҳисобланади. Шунингдек, биз иқтисодий хавфсизликнинг қийматини корхонанинг ташқи ва ички муҳити ҳақидаги маълумотлар асосида аниқланишини аниқладик, бу эса иқтисодий хавфсизлик ресурсини баҳолаш интеграл (комплекс) характерга эга бўлиши кераклигини таклиф қилиш имконини беради. Бундан ташқари, иқтисодий хавфсизлик даражаси корхонанинг тизим сифатида ҳаётийлиги ўлчовини акс эттириши керак. Корхонанинг турли хил ресурсларни олиш билан ифодаланган "киришини" ҳисобга оладиган бўлсак, энг катта қизиқиш олинган ресурслар миқдори эмас, балки уни олиш учун зарур бўлган шарт-шароитлардир. Яъни, корхонанинг ташқи муҳит шароитлари баҳоланиши керак.

Бизнес-жараёнларнинг самарадорлигини аниқлашнинг яна бир усули - бу жараёнларнинг натижаларини ва уларнинг стандарт кўрсаткичларини солиштириш, уларга эришиш мақсадларга эришиш учун зарурдир. Ушбу усулдан фойдаланиш учун кўрсаткичлар

тизимини яратиш керак, унинг асосида якуний ва оралиқ мақсадларга эришиш даражаси баҳоланади. Корхонанинг стратегик мақсадга эришиши муҳим муваффақият омилларидан (ММО) фойдаланиш орқали амалга оширилади, бу эса танланган мақсадларга эришиш учун асосий самарадорлик кўрсаткичлари (АСК) мақсадни баҳолашнинг асосий параметрларини (БАП) ҳисобга олган ҳолда танланган мақсадларга эришилади (1-расм).




**1-расм. Стратегик мақсадга эришишдаги ҳаракатлар кетма-кетлиги**

Муваффақиятнинг муҳим омиллари (ССФ) - бу стратегик мақсад даражасидан паст бўлган мақсадлар, уларга эришиш асосий мақсадга эришиш учун зарурий шартдир. Муваффақият омиллари:

- хўжалик юритувчи субъект ёки унинг жараёнларининг ўлчанадиган хусусиятлари ҳам стратегик, ҳам тактик бўлиши мумкин;

- билим ва кўникмалардан фойдаланишни шакллантириш ва ривожлантиришга эътибор қаратиш.

Шундай қилиб, корхонанинг иқтисодий хавфсизлигини унинг хавфсизлиги, ишлаш самарадорлиги ва ўз миссиясини амалга оширишда манфаатларни ҳурмат қилиш асосида таъминланиши сифатида кўриб чиқсак, уни баҳолаш тузилмаси схематик тарзда 1-расмда кўрсатилиши мумкин.

Корхонанинг ҳаётий таъминотини математик нуқтаи назардан баҳолаш қуйидагича:

$$S = K_{tmm} * K_{bjs} * K_{xav,} \qquad (1)$$

бу эрда $K_{tmm}$ - ташқи муҳитга мувофиқлик коеффициенти; $K_{bjs}$ - бизнес жараёнлари самарадорлиги коеффициенти; $K_{xavf,}$ - хавфсизлик коэффициенти.




**1-Расм. Корхонанинг иктисодий хавфсизлигини баҳолаш компонентлари**

Ҳаётни таъминлаш коеффициенти (даражаси) қийматларини олдинги даврлардаги қийматлари билан даврий таққослаш иқтисодий хавфсизликни таъминлашдаги ёмон ёки яхши томонга ўзгаришларни акс эттиради.

Ўтган ҳисобот давридаги корхонанинг ҳаётийлик даражасини S деб ҳисоблаган ҳолда, ушбу коеффициентнинг жорий ҳисобот давридаги қиймати ΔS орқали ифодаланади. Ушбу қийматлар орасидаги фарқ корхонанинг иқтисодий хавфсизлик ресурси ҳажмида содир бўлган ўзгаришларни кўрсатади.

$$\Delta S = S' - S \qquad (2)$$

Агар фарқ (ΔС) ижобий қийматга эга бўлса, у ҳолда хавфсизлик ресурси миқдори ошди. Акс ҳолда, агар фарқ салбий бўлса, иқтисодий хавфсизлик масаласи янада долзарб бўлиб қолади.

Корхонанинг доимий ривожланиши, унинг иқтисодий хавфсизлигини мустаҳкамлаш билан бирга, унинг атрофида ва унинг ичидаги воқеаларни ривожлантиришнинг энг яхши вариантидир. Математик жиҳатдан доимий хавфсизликни яхшилаш қуйидагича кўриниши мумкин:

$$0 < \Delta S \rightarrow \max \qquad (3)$$

Хавфсизликни таъминлашда (унинг ресурс ҳажмини оширишда) муҳим нуқта - бу корхонанинг молиявий имкониятлари билан ифодаланган чеклаш (доимий E билан кўрсатилган), яъни: бизнес юритиш учун қулай ташқи ва ички шароитларни таъминлаш бўйича чора-тадбирлар харажатлари. ($F_i$) (E) дан ошмаслиги керак:

$$F = \sum_{i=1}^{n} F_i \leq E \qquad (4)$$

Бу тенгсизлик бевосита (3) ифода билан боғлиқ бўлиб, унга чекловлар қўяди.

Ишда қўлланиладиган корхонага тизимли ёндашув, унга кўра у нафақат турли хил элементларнинг тўплами, балки ўзининг "киришлари", "ўзгартириш жараёнлари" ва "чиқишлари" га эга бўлган тизимдир. Тизимнинг (корхонанинг) ҳаётийлиги шарти:

$$P_{kir} \geq P_{chiq} \qquad (5)$$

бу ерда $P_{kir}$ - "кирувчи оқим", $P_{chiq}$ - пул кўринишида ресурсларнинг "чиқиш оқими".

Бу шарт нафақат яшаш учун, балки ривожланиш учун ҳам зарур ва иқтисодий хавфсизликни аниқлашнинг муқобил усули сифатида фойдаланиш мумкин. Агар кирувчи оқимлар ҳажми корхона ресурсларининг чиқувчи оқимлари ҳажмига ($P_{kir} = P_{chiq}$) тенг бўлса, у ҳолда корхона барқарор, аммо ривожланмасдан ишлаши мумкин. Шу билан бирга шуни таъкидлаш керакки, чиқувчи ресурс оқимларида ускуналарнинг амортизацияси ҳисобга олинади. $P_{kir} < P_{chiq}$ билан барқарор ишлаш ҳам мумкин, лекин фақат чекланган вақт учун, чунки меҳнатнинг эскириши ва заҳираларнинг тугаши (корхона ишлаб чиқариш учун зарур бўлган турли хил ресурслар захиралари ҳисобидан ишлайди - моддий, молиявий ва бошқалар). Учинчи ҳолат ҳам бўлиши мумкин, бунда кирувчи ресурслар оқими чиқувчидан ошиб кетади: $P_{kir} > P_{chiq}$- Шубҳасиз, ресурсларнинг бир қисми корхона ичида қолиши ва захираларни шакллантиришга ёки корхонани ривожлантиришга кетиши керак. Ушбу шарт билан боғлиқ ҳолда, кирувчи ресурслар оқимининг чиқувчига нисбатан ортиқча даражасини акс эттирадиган кўрсаткичга эҳтиёж бор.

Белгиланган шартнинг бажарилишини баҳолашнинг энг оддий усули барча кирувчи ва чиқувчи ресурслар харажатларининг нисбати сифатида ифодаланади. Амалда ўзини-ўзи таъминлаш, ўз маблағлари рентабеллиги, активлар рентабеллиги, харажатлар ва бошқаларнинг кўплаб кўрсаткичлари қўлланилади.

**Хулоса ва таклифлар:** Бизнинг нуқтаи назаримиздан: бизнес жараёнларининг хавфсизлиги ва корхонанинг таркибий элементлари ўзаро боғлиқ ва бир-бирини истисно қила олмайди. Яъни, бизнес жараёнларининг узлуксизлиги ва сифати ишлаб чиқариш омилларининг ҳолатига боғлиқ бўлса, ишлаб чиқариш омилларининг ҳолати бизнес жараёнлари томонидан таъминланади. Шу муносабат билан, кириш ресурслари нафақат фаолиятни (ишлаб чиқаришни) амалга ошириш учун, балки меҳнат воситаларини қониқарли ҳолатда сақлаш учун ҳам етарли бўлиши керак, яъни, такрор ишлаб чиқаришни таъминлаш; энг яхши ҳолатда, тижорат корхонаси учун кенгайтирилган кўпайиш содир бўлиши керак. Одатда фойда кўринишида ифодаланган зарур миқдордаги ресурсларни олиш корхонанинг ташқи муҳитга этарли даражада мувофиқлиги, ҳам бизнес жараёнлари самарадорлиги ва хавфсизликнинг натижасидир.

Капитални кенгайтирилган такрор ишлаб чиқариш учун зарур бўлган фойда миқдори корхонанинг тармоққа мансублиги, ишлаб чиқариш тури ва кўлами, давлат томонидан қўллаб-қувватланиши даражаси билан белгиланади.

**ФОЙДАЛАНИЛГАН АДАБИЁТЛАР РЎЙХАТИ:**

1. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2022 йил 28 январдаги “2022-2026 йилларга мўлжалланган янги Ўзбекистоннинг Тараққиёт стратегияси тўғрисида”ги ПФ-60-сон фармони. https://lex.uz/uz/docs/5841063.
2. Донова Е.В. Механизмы трансформации социальных конфликтов на предприятии // Известия Саратовского университета. - 2009. - Том 9. - №3. - С. 35-38.
3. Дропов Р. Подходы к обеспечению экономической безопасности // Экономист. - 2001. - № 2. - С.42.
4. Дружелаускайте Е.В. Искусство правильного принятия решений / Е.В. Дружелаус кайте. - М.: ФОРУМ, 2011. - 176 с.
5. Дубовик Н.В. Функциональные составляющие экономической безопасности предприятий морского транс-порта // Розвиток метод в управленния та господарювання на транспорт!. - 2009. - №30. - С.5-22.
6. Егорова Е.Н. Экологическая безопасность как фактор устойчивости эколого-экономической системы РФ // Вестник КГФЭИ. — 2009. — №3 (16). С.74-77.
7. Журавлев А.Л. Психология совместной деятельности. М.: Изд-во «Институт психологии РАН», 2005. - 640 с.

**УЎК 338.48**

# ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИДА ТУРИСТИК-РЕКРЕАЦИОН САЛОҲИЯТ ВА УНДАН САМАРАЛИ ФОЙДАЛАНИШ МАСАЛАЛАРИ

***З.И.Усманова, доц., Самарқанд иқтисодиёт ва сервис институти, Самарқанд***

***Аннотация.*** *Мақолада замонавий шароитда Ўзбекистон туристик-рекреацион хизматлар бозорининг ривожланиш тенденциялари ўрганилган ҳамда вилоятлар кесимида туризм бозорида рекреацион хизматларга талаб ва таклиф таҳлили ўтказилган.*

***Калит сўзлар:*** *рекреация, рекреацион туризм, туристик-рекреацион хизматлар, жойлаштириш воситалари, санатор-курорт муассасалари, ихтисослаштирилган жойлаштириш воситалари, дам олиш ташкилотлари, талаб, таҳлил, ривожланиш тенденциялари.*

***Аннотация.*** *В статье рассматриваются тенденции развития рынка туристско-рекреационных услуг Узбекистана в современных условиях, а также анализируется спрос и предложение рекреационных услуг на рынке туризма в регионах.*

***Ключевые слова:*** *рекреация, рекреационный туризм, туристско-рекреационные услуги, средства размещения, санаторно-курортные учреждения, специализированные средства размещения, дома отдыха, спрос, анализ, тенденции развития.*

***b***
***o***
***f***
***r***
***a***
***e***
***t***

Ўзбекистон Ўрта Осиё республиклари ўртасида энг йирик сайёҳлик салоҳиятига эга. Юртимиз ўзининг тарихий масканлари, Буюк Ипак йўлининг ривожланишини ўзига акс эттирадиган кўп асрлик тарихий, маданий ва тарихий-архитектура ёдгорликлари бўлган бой меросга эгалиги жиҳатидан дунёда етакчи ўрин эгалламоқда. Ўзбекистоннинг 2030 йилгача туризмни ривожлантириш стратегиясида мақсадли вазифалар қаторида “...туризмнинг ижтимоий ролини ошириш ва жорий қилиш, шу жумладан, ижтимоий, даволаш-соғломлаштириш (рекреацион), болалар ва ёшлар туризмини ривожлантириш...” йуллари белгиланган.

Туризм соҳасида улкан салоҳиятга эга бўлган Ўзбекистон Республикаси мавжуд бўлган салоҳиятидан етарли даражада фойдаланилмаяпти. Президентимиз мамлакатимизда 8 минг 200 дан зиёд маданий мерос объекти мавжуд бўлиб, туризм маршрутларига уларнинг атиги 500 таси киритилганлигини таъкидлаб ўтди [2]· Ушбу вазифаларнинг бажарилиши рекреациядан фойдаланишнинг механизмларини такомиллаштириш, туристик-рекреацион минтақалар, кластерлар барпо этиш, аҳолини янги иш ўринлари билан таъминлаш мақсадида Ўзбекистонда туристик-рекреацион хизматлар бозордаги ҳозирги ҳолатини ўрганиш зарурати пайдо бўлмоқда.

Мутахассислар таъкидлашича, рекреацион туризм ёки соғлиқни сақлаш хизматлар бозорининг шаклланиши бир неча омиллар таъсирида амалга оширилади. Асосийлари таркибига қуйидагиларни келтиришимиз мумкин: ижтимоий-иқтисодий омиллар

(туристларни қабул қиладиган ҳududнинг ижтимоий-иқтисодий ривожланиш даражаси, сиёсий ва молиявий барқарорлик, аҳоли даромадларининг ўсиши), рекреацион ва ресурс салоҳияти (табиий ва техноген омиллар); мазкур минтақанинг туризм инфратузилмаси ва экологиянинг ҳолати; географик жойлашув омили, айниқса, асосий минтақаларга нисбатан туристик талабни қондиришнинг ҳолати; ижтимоий-маданий (ишлаш вақтнинг ортиши, бўш вақтининг кўпайиши, сайёҳлар менталитетининг ўзгариши, маънавий ҳамда маданий қадриятлар тизимидаги устуворликлар ва бошқалар). Ушбу омиллар гуруҳининг макон ва вақт комбинатсияси (амалга оширилиши) нисбатан барқарор туристик оқимларнинг шаклланишини белгилайди. Бу эса ўз навбатида рекреацион фаолиятнинг интенсивлиги билан ажралиб турадиган курорт ҳудудларини шакллантириш ва ривожланишига олиб келади. Умуман олганда, Ўзбекистонда туризмни ривожлантириш учун энг муҳим уч шартни талаб қиладиган яъни тарихий ва маданий диққатга сазовор обидалар, табиий муҳит ва транспорт қулайликларни ўз ичида мужассамлаштирадиган имкониятлар мавжуд. Дам олиш ҳудудининг туристик жозибаси, асосан, табиий туристик ресурслар, тарихий ва маданий манбалар, атроф-муҳитнинг қониқарли ҳолати, ҳудуднинг ижтимоий-иқтисодий ривожланиш даражаси ҳисобига шаклланади.

Ўзбекистон табиати бой ва ранг-баранг бўлиб, мамлакатнинг турли ҳудудларида 200 дан ортиқ шифобахш ер ости маъданли суви ва балчиқ манбалари аниқланган. Ер ости сувлари кимёвий таркиби, тибиий-биологик ва бошқа хусусиятларига кўра турли-тумандир. Республикадаги машҳур санаторийлар: Турон, Чинобод, Ботаника, Бўстон, Оқ-тош, Косонсой, Чортоқ, Зомин, Абу Али ибн Сино, Ситораи Моҳи Хосса, Хонқа ва бошқалар. Кўпчилик санаторийлар яхши ташкил этилган даволаш ва диагностика учун зарур инфратузилма ҳамда табиий шароитларга эга бўлиб, уларда юрак-қон томир, неврологик, гинекологик-урологик ва бошқа касалликлар даволанади. Даволаниш жараёнида бальнеотерапия, лой терапияси, физиотерапия машқлари, электротерапия, магнитотерапия, массаж, акупунктур, пархез терапияси ва шарқ терапияси элементлари қўлланилади.

Ўзбекистонда соғломлаштириш ёки рекреацион туризмнинг моддий-техник салоҳиятининг асосини жойлаштириш воситалари, жумладан санаторий-курорт муассасалари, туристик базалари ҳамда дам олиш уйлари ташкил этади (1-жадвал).

**1-жадвал**

**Ўзбекистон рекреацион туризм соҳасидаги жойлаштириш воситалари**

| **Кўрсаткичлар** | **Жойлаштириш воситаларининг сони** | **Жойлар сони** | **Жойлаштирилганлар сони , нафар** | **Шулардан Ўзбекистон Республикаси фуқаролари** | **Умумий улуши, %** | **Ётовлар сони** | **Shulardan Ўзбекистон Республикаси фукаролари** | **Умумий улуши, %** |
|---|---|---|---|---|---|---|---|---|
| Коллектив жойлаштирув воситалари | **1698** | **114468** | **3120366** | **2402291** | **77** | **13107453** | **9460411** | **72** |
| Меҳмонхоналари ва шунга ўхшаш жойлаштириш - воситалари | **1013** | **46671** | **2193394** | **1099163** | **50** | **4838910** | **2482259** | **51** |
| Меҳмонхона | 893 | 42771 | 2137837 | 1053039 | 49 | 4472184 | 2139754 | 48 |
| Пансионат (меҳмонхона кўринишидаги) | 12 | 489 | 9376 | 9106 | 97 | 71086 | 69116 | 97 |
| Бошқа вақтинчалик жойлаштириш воситалари | 107 | 3411 | 46181 | 37018 | 80 | 295640 | 273389 | 92 |
| Ихтисослашган жойлаштириш воситалари | **460** | **61584** | **807128** | **772269** | **96** | **6537564** | **6369286** | **97** |
| Дам олиш пансионатлари | 26 | 3104 | 43354 | 43136 | 99 | 164545 | 163212 | 99 |
| Дам олиш базалари ва уйлари | 73 | 5322 | 86265 | 80275 | 93 | 231378 | 219013 | 95 |
| Кемпинглар | 10 | 407 | 2840 | 2790 | 98 | 10310 | 10160 | 99 |
| Катта ёшдагилар учун санаторийлар | 61 | 9744 | 223950 | 211598 | 94 | 2310051 | 2202441 | 95 |
| Болалар учун санаторийлар | 34 | 5468 | 34219 | 34213 | 100 | 969658 | 969658 | 100 |

| | | | | | | | | |
|---|---|---|---|---|---|---|---|---|
| Болалар ва уларнинг ота-оналари учун санаторийлар | 1 | 120 | 2931 | 2931 | 100 | 40108 | 40108 | 100 |
| Йил давомида фаолият кўрсатувчи соғломлаштириш санаторийлари | 27 | 3657 | 40427 | 40326 | 100 | 297363 | 296603 | 100 |
| Санаторий профилакторийлар | 69 | 7922 | 214511 | 202860 | 95 | 1419225 | 1381931 | 97 |
| Бошқа кўринишдаги санатор – курорт ташкилотлари | 9 | 1162 | 12276 | 11875 | 97 | 103293 | 101121 | 98 |
| Туристик базалар | 8 | 382 | 4365 | 579 | 13 | 5249 | 1308 | 25 |
| Бошка кўринишдаги жойлаштириш воситалари | 142 | 24296 | 141996 | 141686 | 100 | 986384 | 983640 | 100 |
| Бир кишини жойлаштиришга ихтисослашган жойлаштириш воситалари | **150** | **2279** | **52203** | **26446** | **51** | **1071141** | **60133** | **6** |
| Меҳмон уйи | 126 | 1841 | 45719 | 24895 | 54 | 99611 | 57573 | 58 |
| Дача | 13 | 133 | 432 | 432 | 100 | 1203 | 1203 | 100 |
| Ўтовлар | 4 | 205 | 4936 | 38 | 1 | 4966 | 38 | 1 |
| Бошқа кўринишдаги бир кишини жойлаштиришга мўлжалланган жойлаштириш воситалари | 7 | 100 | 1116 | 1081 | 97 | 1361 | 1319 | 97 |
| Бошқа жойлаштириш воситалари | **76** | **3934** | **67641** | **504413** | **746** | **659838** | **548733** | **83** |
| Хостеллар (ёшлар меҳмонхоналари) | 54 | 1530 | 52115 | 38282 | 73 | 124009 | 72126 | 58 |
| Ётоқхоналар | 22 | 2404 | 15526 | 12131 | 78 | 535829 | 476607 | 89 |

Бугунги кунда Ўзбекистон Республикасида жойлаштириш қувватини 114468 жой фондига эга 1698 та жойлаштириш воситалари (жумладан: 1013 та меҳмонхоналар; 460 ихтисослаштирилган жойлаштириш воситалари; 150 та индивидуал жойлаштириш воситалари ва ҳ.к.) намоён этмоқда. Мамлакатимизда туристлар учун қулай шароит яратиш борасида ҳукумат доирасида ишлаб чиқилган тадбирларга асосан жойларда меҳмон уйлари ташкил этилиб, уларнинг тузилмасини пухта шакллантиришга эришилмоқда, айниқса Тошкент, Самарқанд, Бухоро, Хоразм, Жиззах вилоятларида бу борада кенг миқёсда иш олиб борилаётганига қарамай, жойларда меҳмон уйларини шакллантириш воситаларнинг кенг тақсимланмаганлигини кузатиш мумкин. 2020 йил январ ҳолатига олиб қарайдиган бўлсак, республика бўйича 7503 ўринга эга бўлган фақат 886та оилавий меҳмон уйлари маҳаллий ва хорижий туристларини қабул қилишга ҳозирланган. Бу эса туристик маҳсулотлар дифференциациясини сусайишига олиб келиб, даромадларнинг етарли даражада самарали бўлишини таъминламайди.

Олиб борилган тадқиқотлар шуни англатадики, мамлакатимиздаги туризм бозорида иш олиб бораётган соҳага алоқадор корхоналар моддий техник базаси ривожланиш даражасида деб бўлмайди. Ваҳоланки, ушбу туристларга хизмат кўрсатадиган ташкилотлар томонидан тақдим этилаётган хизматларнинг ўсиш даражаси рекреацион туризм истеъмолининг ривожланиш даражасидан юқори эканлигини кўрсатмоқда.

Ўзбекистон Республикаси Статистика Кўмитасидан олинган маълумотлари асосида қилинган таҳлилга кура, 2005-2019 йиллар давомида Ўзбекистон туризм хизматлар бозорида рекреацион хизматлар талаби ва таклифи ўзгаришида қуйидаги ижобий тенденцияларни, шу жумладан: санатор-курорт ташкилотлари сонининг 26 % фоизга; улардаги койка фондининг 27 фоизга; хизмат кўрсатилган туристлар сонининг эса 2,15 маротабага кўпайганлигини кузатиш мумкин (2-жадвал).

**2-жадвал**

**Ўзбекистон туризм бозорида рекреацион хизматлар: талаб ва таклиф таҳлили**
**(Ўзбекистон Республикаси Давлат статистика қўмитаси маълумотлари асосида ҳисобланган)**

| **Кўрсаткичлар** | | **2005** | **2010** | **2015** | **2019** | **2019/ 2015,%** | **2020** |
|---|---|---|---|---|---|---|---|
| **Санатор-курорт ташкилотлари** | сони, бир. | 159 | 144 | 157 | 201 | 128,0 | 203 |
| | койка фонди (жойлар сони), бир. | т.у. | т.у. | 22098 | 28073 | 127,0 | 28209 |
| | жами жойлаштирилганлар сони, бир. | 187662 | 237297 | 310241 | 528308 | 170,3 | 219902 |
| | шулардан Ўзбекистон фуқаролари, киши | т.у. | 235333 | 305575 | 503803 | 164,9 | 214113 |
| | тунашлар сони, бир. | т.у. | т.у. | 4214597 | 5139698 | 121,9 | 2656701 |
| | Ўзбекистон фуқаролари тунашлари сони, бир. | т.у. | т.у. | 4205206 | 4991953 | 118,7 | 2612101 |
| | ички туризмнинг улуши, % | | | 99,8 | 97,1 | 97,3 | 98,3 |
| **Дам олиш ташкилотлари** | сони, бир. | 113 | 129 | 209 | 86 | 41,1 | 106 |
| | койка фонди (жойлар сони), бир. | 20360 | 17318 | 35734 | 4742 | 13,3 | 8000 |
| | жами жойлаштирилганлар сони, бир. | 185534 | 142157 | 260413 | 75075 | 28,8 | 47108 |
| | шулардан Ўзбекистон фуқаролари, киши | т.у. | 140557 | 258569 | 69813 | 27,0 | 45692 |
| | тунашлар сони, бир. | 915100 | 774050 | 1588425 | 196373 | 12,4 | 151374 |
| | Ўзбекистон фуқаролари тунашлари сони, бир. | 116949 | 769963 | 1585257 | 187635 | 11,8 | 146243 |
| | ички туризмнинг улуши, % | 12,8 | 99,5 | 99,8 | 96 | 95,7 | 96,6 |
| **Туристик базалар** | сони, бир. | 9 | 5 | 4 | 8 | 200,0 | 8 |
| | койка фонди (жойлар сони), бир. | 2107 | 540 | 318 | 382 | 120,1 | 997 |
| | жами жойлаштирилганлар сони, бир. | 42514 | 3565 | 4568 | 4365 | 95,6 | 956 |
| | шулардан Ўзбекистон фуқаролари, киши | т.у. | т.у. | 2190 | 579 | 26,4 | 955 |
| | тунашлар сони, бир. | 89251 | 4722 | 15499 | 5249 | 33,9 | 3331 |
| | Ўзбекистон фуқаролари тунашлари сони, бир. | 52896 | 2875 | 13110 | 1308 | 10,0 | 3323 |

Таҳлил натижаларидан келиб чиқиб, рекреацион хизматлар туризмнинг энг истиқболли сегментлари сифатида эътироф этилмоқда.

**3-жадвал**

**Ўзбекистон туризм бозорида ташкиллаштириш хизматлари: талаб ва таклиф таҳлили**
**(**Ўзбекистон Республикаси Давлат статистика қўмитаси маълумотлари асосида ҳисобланган)

| **Кўрсаткичлар** | | **2005** | **2010** | **2015** | **2019** | **2019/ 2015,%** | **2020** |
|---|---|---|---|---|---|---|---|
| **Туризм ташкилотлари** | жами хизмат кўрсатилган сони, киши | 582703 | 332449 | 560406 | 941990 | 168,1 | 212349 |
| | туристик ташкилотлар сони, бир. | 258 | 313 | 398 | 517 | 129,9 | 337 |
| | қабул қилинган туристлар сони, киши. | 247868 | 134563 | 230177 | 440055 | 191,2 | 164481 |
| | Ўзбекистон Республикасининг бошқа ҳудудларига жўнатилган туристлар сони, киши | 102578 | 15670 | 57048 | 92489 | 162,1 | 12165 |
| | хизмат кўрсатилган ички ташриф буюрувчилар,киши | 350446 | 150233 | 287225 | 532544 | 185,4 | 176646 |

Бугунги кунда Ўзбекистонда ихтисослаштирилган жойлаштириш воситалари қувватини 61584 жой фондига эга 460та ташкилот намоён этиб, республика миқёсида ихтисослаштирилган жойлаштириш муассасаларининг асосий қуввати бешта ҳудудга: Тошкент вилояти (31%) ҳамда Тошкент ш. (16%), Қашқадарё (11%), Фарғона (8%), Наманган (7%), Самарқанд (6%); вилоятларига тўғри келмоқда.

Ҳозирги пайтда кўпчилик янги дам олиш уйлари, бу қайта қурилган кемпинг ва дам олиш базалардан иборат бўлиб, инвестиция киритиш нуқтаи назаридан мавжуд пансионатларни қайта таъмирлаш арзонроқ кечади янгисини курганга нисбатан, чунки унинг коммуникациясига тегишли пойдеври қурилган бўлиб, шунингдек, эски пансионатлар дам олиш учун қулай бўлган жойларда жойлашганлиги билан белгиланади.

**4-жадвал**

**Ўзбекистон туризм бозорида жойлаштириш хизматлари: талаб ва таклиф таҳлили**
(Ўзбекистон Республикаси Давлат статистика қўмитаси маълумотлари асосида ҳисобланган)

| Кўрсаткичлар | | 2005 | 2010 | 2015 | 2019 | 2019/ 2015,% | 2020 |
|---|---|---|---|---|---|---|---|
| Меҳмонхоналар ва шунга ўхшаш ж.в. | сони, бир. | 239 | 434 | 615 | 1013 | 164,7 | 1109 |
| | койка фонди (жойлар сони), бир. | 17152 | 22600 | 34898 | 46671 | 133,7 | 50112 |
| | жами жойлаштирилганлар сони, бир. | 577231 | 947302 | 1325240 | 2193394 | 165,5 | 702788 |
| | шулардан Ўзбекистон фуқаролари, киши | | | 900595 | 1099163 | 122,0 | 560305 |
| | тунашлар сони, бир. | 1321209 | 2591491 | 3324754 | 4838910 | 145,5 | 1758779 |
| | Ўзбекистон фуқаролари тунашлари сони, бир. | 751921 | 1615659 | 2277513 | 2482259 | 109,0 | 1340496 |

Ўзбекистон Республикаси беқиёс туристик-рекреацион салоҳиятга эга бўлгани билан улардан самарали фойдаланиш борасида 2020-2021 йилларда бошқа даврларда нисбатан пасайиш тенденцияси кузатилган. Бунинг асосий сабабларидан бири республикада ёши катталар учун мўлжалланган соғломлаштириш санаторий ва санаторий-профилакторийлар камлиги бўлса, иккинчидан, ҳозирги талабга жавоб берадиган замонавий бошқа турдаги санаторий-курорт масканларининг йўқлигидир. Бу турдаги хусусий санаторий-курорт объектларини қуриш учун етарли даражада маблағга эга бўлган тадбиркор инвесторлар салоҳияти мавжуд бўлиб, уларни туристик-рекреацион бизнесига жалб қилиш орқали ушбу масалани ҳал қилиш мумкин.

Ўзбекистонда рекреация объектлари етарли даражада бўлишига қарамай, аҳоли сонининг ортиб бориши, хорижий фуқароларнинг дам олиш ва даволаниш мақсадида келишини ҳисобга олганда, мавжуд объектлар барча рекреантлар талабини қондира олмаслиги аён бўлмоқда. Жумладан, Сурхондарё, Навоий, Андижон, Бухоро, Самарқанд ва Жиззах вилоятларида жуда кўплаб санаторий, дам олиш ташкилотлари, пансионат, болалар оромгоҳлари бунёд этиш учун имкониятлар мавжуд. Бу минтақаларда тегишли рекреация инфратузилмалари ташкил этилса, мамлакатимиз аҳолисининг соғлиғини тиклашга катта ҳисса қўшилган бўлиб хорижий туристлар оқимининг ошишига имконият яратиларди.

Бизнингча, ушбу масалани ҳал қилишда рекреацион фаолиятда Туризм ва маданий мерос вазирлиги томонидан янги имтиёзлар тизими ишлаб чиқилса, мамлакатимиз аҳолиси ва чет элликларда қизиқиш янада кучаяди. Бу, ўз навбатида, мавжуд санаторий ва соғломлаштириш масканларидан самарали фойдаланиш ва натижасида туристик-рекреацион хизматлар соҳасининг жадал ривожланишига олиб келишига кенг йўл очган бўларди.

**ФОЙДАЛАНИЛГАН АДАБИЁТЛАР РЎЙҲАТИ:**

1. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 5 январдаги ПФ-5611-сонли “Ўзбекистон Республикасида туризмни жадал ривожлантиришга оид қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги Фармони.
Ўзбекистон Республикаси Президенти Ш.М.Мирзиёевнинг Олий Мажлисга Мурожаатномаси // Халқ сўзи. 2020 йил 25 январ, 19 (7521).
3. Тухлиев И.С., Ҳайитбоев Р., Сафаров Б.Ш., Турсунова Г.Р. Туризм асослари. Дарслик.-Т.: Фан ватехнология. 2014 й.332- б.
4. Усманова З.И., Алимова М.Т., Матякубов У.Р. Туризм маркетинги. Дарслик.-Самарқанд.STEP-SEL MCh нашриёт-матбаа бўлими, 2022й. 340-б.
5. 2019 йилда Ўзбекистон Республикасида туризм ва дам олиш ривожланишининг асосий кўрсаткичлари: статистик бюллетень
6. 2020 йилда Ўзбекистон Республикасида туризм ва дам олиш ривожланишининг асосий кўрсаткичлари: статистик бюллетень

**УЎК 330**

# МАМЛАКАТ ИЖТИМОИЙ-ИҚТИСОДИЙ МУАММОЛАРНИ САМАРАЛИ ҲАЛ ЭТИШДА СУҒУРТАНИНГ АҲАМИЯТИ

***Г.Т.Халикулова, PhD, Тошкент молия институти, Тошкент***

***Аннотация.*** *Мақолада мамлакат ижтимоий-иқтисодий муаммоларни самарали ҳал этишда суғуртанинг аҳамияти кўриб чиқилган. Суғурта соҳасида бозор муносабатларини ривожлантириш билан бирга суғурта тизимини шакллантириш ва ривожлантириш масалалари ўрганилган, суғурта муносабатларининг замонавий амалиёти таҳлил қилинган ва унинг муваффақиятли фаолият юритишини такомиллаштириш бўйича таклиф ва тавсиялар ишлаб чиқилган.*

***Калит сўзлар:*** *суғурта, суғурта бозори, суғурта тизими, суғурта муносабатлари, суғурта компаниялари.*

***Аннотация.*** *В статье рассматривается значение страхования в эффективном решении социально-экономических проблем страны. Наряду с развитием рыночных отношений в сфере страхования изучались вопросы формирования и развития страховой системы, анализировалась современная практика страховых отношений, вырабатывались предложения и рекомендации по совершенствованию ее успешного функционирования.*

***Ключевые слова:*** *страхование, страховой рынок, страховая система, страховые отношения, страховые организации.*

***Abstract.*** *The article discusses the importance of insurance in the effective solution of the country's socio-economic problems. Along with the development of market relations in the field of insurance, the issues of the formation and development of the insurance system were studied, the modern practice of insurance relations was analyzed, proposals and recommendations were developed to improve its successful functioning.*

***Key words:*** *insurance, insurance market, insurance system, insurance relations, insurance companies.*

Мамлакат иктисодиёти ва ишлаб чиқариш жараёнларини узлуксиз ривожланиши шароитида суғурта тизими ва унинг асосий компоненти, суғурта бозорининг аҳамияти ортиб бормоқда. Суғурталанган шахснинг мулкий манфаатларини ҳимоя қилишни таъминлаш доимий равишда такрор ишлаб чиқариш жараёнини юзага келтиради, бу эса иқтисодий ва молиявий барқарорликни таъминлашга ёрдам беради. Ривожланган давлатлар тажрибаси ижтимоий-иқтисодий муаммоларни самарали ҳал этишда суғуртанинг ролини ортиб бораётганлигидан далолат беради. Ҳусусан, "...суғурталашнинг янги механизмларини амалга ошириш"[1] устувор вазифалардан бири этиб белгиланган. Мазкур вазифаларнинг бажарилишини таъминлашда суғурта амалиётини сифат кўрсаткичлари тизимини замон талаблари асосида шакллантириш ва суғурта ташкилотларининг самарадорлигини оширишни тақозо этади.

Суғурта маълум воқеалар (суғурта ҳодисалари) юзага келганда, жисмоний ва юридик шахсларнинг мулкий манфаатларини улар томонидан тўланадиган суғурта бадаллари (суғурта мукофотлари) ҳисобидан шакллантириладиган пул жамғармалари ҳисобидан ҳимоялашдан ташкил топган иқтисодий муносабатлардан иборат. Суғурта шартномаларини тузиш ва суғурта операцияларининг самарадорлигига эришишдан манфаатдор бўлган томонларнинг ўзаро муносабати суғурта бозорида юз беради. Суғурта ўзининг узоқ тарихига эга, ривожланиши давомида у нотижорат туридан тижорат турига айланган. Суғурта инсонлар ўртасида ижтимоий-иқтисодий муносабатларнинг энг қадимги тури бўлиб, ишлаб чиқариш муносабатларининг ажралмас қисмидир. Суғуртанинг бирламчи маъноси "қўрқув" сўзи билан боғлиқ. Хусусан, "суғурта" атамаси баъзан қўллаб-қувватлаш, кафолат ва ҳоказо маъноларда қўлланади. Ҳозирги пайтда ушбу атама борган сари жисмоний ва юридик шахсларнинг мулкий манфаатларини ҳимоялаш механизми маъносида қўлланилади. Суғурта тизими амалга оширилишининг асосий шарти, суғурта хизматларига бўлган талабнинг мавжуд бўлиши ва суғурталовчилар бу талабни қондириш имкониятига эга бўлишлари билан тавсифланади. Суғурта тизимини назарий жиҳатдан тадқиқ этишда суғурта ва суғурта фаолиятига алоҳида эътибор қаратиш мақсадга мувофиқ. Маълумки, суғурта жисмоний ва юридик шахсларнинг мулкий манфаатларини ҳимоя қилувчи самарали восита сифатида инсоният тараққиётининг барча босқичларида мавжуд бўлган. Суғурта муносабатларини ривожлантириш замонавий

иқтисодий тизимлар фаолиятини олиб боришда стратегик муҳим вазифа ҳисобланади. Барқарор суғурта тизими миллий иқтисодиётнинг ривожланишини рағбатлантиради.

Шу муносабат билан, авваламбор, миллий иқтисодиётдаги молиявий хизматлар бозорининг ривожланишига қўшимча инвестиция ресурсларини жалб қилиш, суғурта соҳасида бозор муносабатларини ривожлантириш билан бирга суғурта тизимини шакллантириш ва ривожлантириш масалаларини ўрганиш бўйича методологик тамойилларни аниқлаб олиш зарурати туғилади. Суғурта тизими узлуксиз такрор ишлаб чиқариш жараёнини таъминлашда қулай шарт-шароитлар яратиш, иқтисодий агентлар мулкий манфаатларини суғуртавий ҳимоя қилиш учун суғурта фондини шакллантириш ва тақсимлаш бўйича иқтисодий муносабатларнинг мураккаб мажмуи ҳисобланади.




**1-расм. Ўзбекистон суғурта бозорида жами суғурта мукофотлари суммаси**




**2-расм. Ўзбекистон суғурта бозорида жами суғурта тўловлари суммаси**

Юқоридаги расмда жами суғурта бозоридаги суғурта мукофотлар суммаси келтирилган, унда Суғурта муносабатлари ривожланишининг замонавий амалиётини ҳисобга олиб, суғурта маҳсулотини суғурта компаниялари бозорда мижозларга таклиф этадиган суғурта хизматларининг мажмуи каби таърифлашни таклиф этамиз. Суғурта рискларининг рўйхати суғурта маҳсулотининг умумий концепциясига жавоб бериши лозим. Суғурта маҳсулотининг бозорнинг рақобат муҳитига таъсири даражаси унинг тузилмаси билан белгиланади. Суғурта маҳсулотининг тузилмаси сотиш режалаштирилаётган ҳудуднинг иқтисодий, молиявий, ижтимоий вазиятига қанчалик жавоб берса, суғурта маҳсулотининг суғурта хизматлари бозоридаги роли ва аҳамияти шунчалик юқори бўлади.




**3-расм. Ўзбекистон суғурта тизимининг амал қилишидаги муаммолар ва уларнинг ечимлари (Муаллиф ишланмаси)**

Шундай қилиб, суғурта бозори суғурта тизимининг базавий компонентидир. Суғурта бозорининг фаолият юритиши шаклланган бозор инфратузилмаси, рақобатбардош суғурта маҳсулотлари мавжудлиги, суғурта муносабатларининг ўзини-ўзи ташкил этиши механизми билан таъминланади.

Ўзбекистон суғурта бозори ва унда мулкий суғурталашни таҳлил қиладиган бўлсак, Ўзбекистон суғурта бозорида оҳирги йилларда кескин ўзгаришларни гувоҳи бўламиз.

2021 йил 2020 йилга нисбатан 1,5 трлн. сўмга ошганлигини кўрамиз.

Суғуртанинг иқтисодий моҳияти суғурта ходисаси рўй берганда суғурта тўловларини тўлаб бериш билан белгиланади. 2021 йил 2020 йилга нисбатан суғурта тўловлари 0,5 трлн. сўмга кўпайиб, 1,2 трлн. сўмни ташкил этган (2-расм).

Замонавий суғурта тизими охирги йилларда ривожланиш кўрсаткичларини намоён қилди. Ўзбекистон суғурта бозорининг асосий кўрсаткичларини таҳлил қилишда молиявий хизматлар бозорининг ушбу сегментида жисмоний шахслар ўртасида тадбиркорлик фаоллигини ошириш, суғурта тўловларининг ўсиши, суғурта компаниялари капиталлашув даражасининг ошиши ва суғурта компаниялари фаолиятига давлат томонидан назоратни кучайтириш масалалари кўриб чиқилган. Шунга қарамай, миллий суғурта тизимини ривожлантиришни фаоллаштириш имконини берадиган бир қатор муаммолар мавжуд.

Суғурта бозори ривожланишининг истиқболларини баҳолаш унинг кучли ва заиф жиҳатлари, имкониятлари ва таҳдидларини аниқлашни талаб қилади. Миллий суғурта тизимининг муваффақиятли ривожланишида асосий омил замонавий бозор инфратузилмасини шакллантириш ҳисобланади. Шу муносабат билан суғурта компаниясида бизнес жараёнларининг молиявий инжинирингини амалга ошириш муҳимдир.

Шундай қилиб, рақамли иқтисодиёт шароитида суғурта муносабатлари соҳасида ўзини-ўзи бошқариш механизмларининг жорий қилиниши мақсадга мувофиқ ва зарур бўлади. Ўзини-ўзи тартибга солиш институтлари фаолияти миллий суғурта бозорининг ривожланишини рағбатлантириш ҳамда суғурта муносабатларининг давлат томонидан тартибга солишни монополиядан чиқариш имконини беради. Ўзбекистон суғурта бозори ривожланишининг мақсади жисмоний ва юридик шахсларнинг мулкий манфаатларини суғурта ҳимоялаш даражасини ошириш, халқаро тажрибани ҳисобга олган ҳолда, суғурта хизматлари бозорининг самарали фаолият юритишни таъминлаш ҳисобига инвестицион ресурсларни миллий иқтисодиётга жалб қилишнинг самарали бозор механизмларини шакллантиришдир.

**ФОЙДАЛАНИЛГАН АДАБИЁТЛАР РЎЙХАТИ:**


1. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2022 йил 22 январда тасдиқланган "2022–2026 йилларга мўлжалланган Янги Ўзбекистоннинг тараққиёт стратегияси тўғрисида"ги ПФ-60 сонли Фармони.
2. Гомеля В.Б., Гуленты Д.С. Страховой маркетинг (Актуальные вопросы методологии, теории и практики). Второе издание. – М.: Анкил, 2000. – 128 с.
3. Юлдашев Р.Т. Страховой бизнес. Словарь - справочник. – М.: Анкил, 2000. – 272 с.
4. Шеннаев Х.М., Халикулова Г.Т. Суғурта маркетинги. Ўқув қўлланма – Т.: Янги нашр, 2012. – 212 б.
5. Загорордний А.Г., Вознюк Г.Л. Страхование: Терминологический словарь. – 2-е доп. издание. – Львов: Видавництво "Бескид Біт", 2002. – 104 с.;
6. Шихов А.К. Страхование: Учеб. пособие для студентов вузов. - М.: ЮНИТИ, 2000. - 431 с.;
7. Коломин Е.В. Проблемы развития страховых исследований. "Нет ничего практичнее хорошей теории" // Финансы. - 2003. - №6. - С.40-44.
8. Шахов В.В. Страхование: Учебник для вузов. -М., ЮНИТИ, 2001.-с.311
9. Базилевич В.Д., Базилевич К.С. Страхова справа. – 4-те вид., перероб. і доп. - К.: Знання, 2005. – 351 с.;
10. Юлдашев Р.Т. Страховой бизнес. Словарь - справочник. – М.: Анкил, 2000. – 272 с.;
11. Плис В.И. Страхованне: Учебное пособие – К.: Каравела, 2005. – 392с.
12. https://www.mf.uz - Ўзбекистон Республикаси молия вазирлиги Суғурта бозорини ривожлантириш агентлиги


**УЎК 338.4:330.115(045)**

# МИНТАҚА САНОАТИДА ТРАНСФОРМАЦИЯЛАШНИНГ ЎЗИГА ХОС ҲУСУСИЯТЛАРИ ВА АҲАМИЯТИ

***Ж.Халимов, ўқитувчи, Қарши давлат университети, Қарши***

***Аннотация.*** *Минтақада саноатини трансформациялаш жараёнларини эмпирик моделини қуриш ва прогноз қилиш механизмларининг назарий асослари такомиллаштирилган.*

***Калит сўзлар***: *рақамли технология, тарнсформациялаш жараёнлари, эконометрик модел, прогноз натижалари, ахборот тизими, эндоген ўзгарувчилар, экзоген ўзгарувчилар.*

***Аннотация.*** *Усовершенствованы теоретические основы механизмов построения и прогнозирования эмпирических моделей процессов промышленной трансформации региона.*

***Ключевые слова:*** *цифровые технологии, трансформационные процессы, эконометрическая модель, результаты прогнозирования, информационная система, эндогенные переменные, экзогенные переменные.*
***Abstract.*** *The theoretical foundations of the mechanisms for building and forecasting empirical models of industrial transformation processes in the region have been improved.*
***Keywords:*** *digital technology, transformation processes, econometric model, forecast results, information system, endogenous variables, exogenous variables.*

Рақамли трансформация жараёнларининг ривожланиши ҳозирги босқичда иқтисодий фаолиятнинг деярли барча соҳаларига таъсир кўрсатмоқда. Мақолада минтақа саноат ишлаб чиқаришни, рақамли трансформациялашни эмпирик моделлар асосида ўрганиш ва прогноз натижалари таъкидланган.

Тадқиқотнинг мақсади "минтақа саноатини ривожлантиришни трансформациялашда рақамли ахборот тизимидан" фойдаланиш самарадорлигини ошириш ва прогноз қилишнинг эмпирик моделини ишлаб чиқиш.

Тадқиқот муаммоли минтақа чегараларини аниқлаш ва таснифлаш учун таҳлил ва умумлаштириш воситаларидан фойдаланган ҳолда ўтказилган. Трансформациялашнинг эмпирик моделини шакллантиришда ва унинг индивидуал элементларини тавсифлашда тизимли ёндашув ва рақамли ахборот технологияларидан фойдаланилган.

Рақамли технологияларнинг бугунги кунда Ўзбекистонда тарқалиши Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2020 йил 5-октябрдаги 6079- сонли «Рақамли Ўзбекистон — 2030» стратегиясини тасдиқлаш ва уни самарали амалга ошириш чора-тадбирлари тўғрисида фармони муҳим хужжат бўлиб ҳизмат қилмоқда. Ушбу хужжатга кўра - мамлакатимизда рақамли иқтисодиётни фаол ривожлантириш, барча тармоқлар ва соҳаларда, энг аввало, давлат бошқаруви, таълим, соғлиқни сақлаш ва қишлоқ хўжалигида замонавий ахборот-коммуникация технологияларини кенг жорий этиш бўйича комплекс чора-тадбирлар амалга оширилмоқда.

Хусусан, электрон ҳукумат тизимини такомиллаштириш, дастурий маҳсулотлар ва ахборот технологияларининг маҳаллий бозорини янада ривожлантириш, республиканинг барча ҳудудларида IT-паркларни ташкил этиш, шунингдек, соҳани малакали кадрлар билан таъминлашни кўзда тутувчи 220 дан ортиқ устувор лойиҳаларни амалга ошириш бошланган.

**Тадқиқот методлари** Статистик кузатувга эга бўлган регрессив комплекс сонли эконометрик моделларга ва комплекс сон ўзгарувчили функцияларга қизиқиш XX асрнинг 50–60 йилларида пайдо бўлган. Таварэс Г.Н., Таварэс Л.М. тадқиқотларида ҳам бу йўналишга эътибор қаратилган. Фақат 2007 йилда россиялик иқтисодчи олим С.Г.Светуньков биринчи марта комплекс сонли эпирик моделлар тузиш назариясини яратган. Бу эса, комплекс сонли иқтисодиёт шаклланишига асос бўлган. Афанасьева А.А., Пономарева О.С. ҳамда Клейнер Г.Б.ларнинг тадқиқотларида таъкидланганидек, «бундай ишлаб чиқариш функциялари, ишлаб чиқариш ресурсларини ишлаб чиқариш натижасига таъсирини тавсифлаш кўплаб амалий масалаларни ечишга ёрдам беради». Меркулов Т.В. ва Приходко Ф.И.ларнинг илмий – тадқиқотларида «Комплекс сонли эконометрик моделлаштиришнинг афзалликлари шундаки, улар ёрдамида ҳақиқий ўзгарувчили функциялар билан ечими топилмаган мураккаб масалаларни ечиш имкониятлари вужудга келади». Ҳудуд тизимининг муҳим омили оптимал тартибга солиш назарияси ҳисобланади.

Унинг фарқли хусусияти таҳлил қилиниб, минтақадаги иқтисодий жараённи тартибга солиш ва бошқариш муаммоларининг ҳамма мураккаб комплексини ҳал қилишда оптималлик принципини изчиллик билан қўллаш зарурлиги юзасидан тегишли илмий хулосалар берилган.

Унутмаслик лозимки, ҳозирги кунда минтақада саноат тармоқлари ишлаб чиқариш воситаларига ижтимоий мулкчилик, иқтисодий ҳаракатнинг якка марказлаштирилган тизими, корхоналар иқтисодий мустақиллиги шерикчилик асосида шаклланган.

Бозор иқтисодиёти шароитида саноат корхоналари турли мулк шакллари, тўлиқ хўжалик мустақиллиги ва рақобатли фаолият юритадилар. Бу бозор хўжалик юритишнинг турли

усулларидан эгилувчан фойдаланишни ва ишлаб чиқаришнинг шундай эконометрик моделларини танлашни кўзда тутадики, унда рақобат шароитида ташқи муҳитдаги ўзгаришларга тез мослашувга имконият яратади.

Мақсадимиз вилоятда саноат тармоқларини трансформация қилиш ва унинг эмпирик моделларини такомиллаштиришдан иборат.

I. Аввало, моделлаштириш катта ва мураккаб тизимни оддий модель ёрдамида ифодалашга имконият беради. Аҳолига хизмат кўрсатиш жараёни ўта мураккаб тизимдир. Уни тизимли таҳлил схемаси орқали ифодалаш мумкин.

Минтақа саноатини трансформациялаш механизмини график усулда тасвирлаш мумкин. Албатта, бунда кўп муаммолар туғилади.

II. Минтақа саноат тармоқларининг эмпирик модели тузилиши билан тажрибалар қилиш учун кенг майдон туғилади. Моделнинг параметрларини бир неча марта ўзгартириб, саноат корхоналари фаолиятининг энг оптимал ҳолатини аниқлаб олишимиз мумкин. Бу модель орқали ЭҲМ да тажриба ўтказишимиз, ундан кейин ҳаётда қўллаш мумкин.

Реал объектлар устида тажриба қилиш кўплаб хатоларга ва катта ҳаражатларга олиб келиши мумкин.

III. Модель ҳосил қилиш учун саноат тармоқлари ҳар томонлама ўрганилади, таҳлил қилинади. Модель тузилганидан сўнг, унинг ёрдамида саноат тармоқ жараёнлари тўғрисида янги маълумотлар олиш мумкин. Шундай қилиб, саноат тармоқ трансформациялаш жараёни тўхтовсиз жараёнга айланади.

Минтақа саноат тармоқларидаги мураккаб муаммоларнинг тизимли методологияси тизимли ёндашув ва умумий концепцияларга таянган ҳолда ишлаб чиқилади. Таҳлил вақтида тармоқларининг ички ва ташқи муҳитини ҳисобга оламиз. Бу фақатгина ички омилларнигина эмас, балки ташқи-иқтисодий, геосиёсий, ижтимоий, демографик, экологик ва бошқа омилларни ҳам ҳисобга олиш кераклигини англатади.

Минтақа саноат тармоқларининг ҳар бир тизими ўзининг трансформациялаш жараёнларининг элементларини ўз ичига олади, шу вақтни ўзида паст даражадаги тизим ости элементларини ўзида акс эттиради. Бошқача қилиб айтганда, минтақа саноат тармоқларининг элементлари бир-бирига халақит қилмаган ҳолда, кўп томонлама турли тизимлар билан ҳам боғлиқ бўлади.

Минтақа саноат тармоқларининг трансформациялашда унинг таркибий тузилмаси ҳар бир элементи учун тизимли ёндашув мақсадга мувофиқдир.

Бунинг учун минтақа саноат тармоқларини мураккаб тизим деб қаралиб, унинг ифодаловчи қонуниятлари миқдорий ва сифат томонлари ўрганилади. Мураккаб иқтисодий жараён сифатида қараладиган минтақа саноат тармоқларини трансформациялаш жараёнида имитация қилиш муҳим аҳамият касб этади.

- минтақа саноат тармоқлари ва унга таъсир этувчи омилларнинг маълумотлар базасини шакллантириш;
- ҳар бир саноат тармоғи ва унга таъсир этувчи омиллар ўртасидаги боғлиқликни, таъсир этувчи омилларини аниқлаш;
- ҳар бир саноат тармоғи учун алоҳида модель ишлаб чиқиш;
- ишлаб чиқилган моделларни баҳолаш мезонлари бўйича текшириш;
- аҳамиятли ҳисобланган моделлар орқали башоратлашда таъсир этувчи омилларнинг маълум қонуниятлар асосида маълумотлар базаси прогнозини шакллантириш;
- маълумотлар базаси ва моделлар асосида натижавий омилларга эришиш.

Бунда алоҳида функциялар кўриб чиқилади, тизим фаолиятининг алгоритмларига эътибор қаратилади. Функция деганда, мақсадга етакловчи хоссалар назарга тутилади. Бунда функционал ёндашув асосида тизимнинг бажариладиган функциялари баҳоланади. Тизим фаолиятини аниқлаш, унинг ҳолатини, тизимларни бошқариш қонуниятларини белгилаб олиш учун имконият яратади. Бунинг муҳим жиҳати ушбу қисмлар орасида поғанали буйсунишнинг юзага келиши ҳамда бу қисмларнинг нисбий мустақиллигида акс этишидир. Бу эса аҳолига бир тизим асосида унинг хизмат кўрсатиш соҳаси барча элементларининг интеграциялашган

тизимли имитацион моделини ишлаб чиқишга ёрдам беради.

Минтақа саноат тармоқларини трансформациялаш жараёнларга таъсир этувчи омилларга бир хил эмас, балки ҳар хил қийматлар мос келишини, уларнинг ўзаро боғлиқлиги корреляцион боғланишини ўрганиш мақсадга мувофиқ. Чунки саноат тармоқларининг характерли хусусияти шундан иборатки, бу соҳага таъсир қилувчи барча омилларнинг тўлиқ рўйхатини (кучини) аниқлаш мумкин эмас.

**Хулоса.** Минтақада саноат тармоқларини ҳар бир тармоғини алоҳида эконометрик моделлаштириш мақсадага мувофиқдир. Чунки, саноат тармоқларининг бир тармоғи ривожланиши бошқа бир тармоғи ривожланишига ижобий таъсир кўрсатади. Шу боис саноат тармоқларини ривожлантиришда ўзаро боғланган тенгламалар тизими кўринишдаги эконометрик моделлардан фойдаланиш алоҳида аҳамият касб этади. Шу билан бир қаторда, саноат тармоқлари фаолиятини ривожлантиришнинг ташкилий - иқтисодий механзми бир-бири билан ўзаро боғланган элементлар ва гуруҳларининг (субеъктлар, обеъктлар, тамойиллар, шакллар, усуллар ва воситалар) турли даражадаги иерархик тизимини ифода этади, бундан ташқари, уларнинг ўзаро муносабатлари, инновацион инфратузилма, бозор субеъктлари билан алоқаларни шакллантириб беради.

**ФОЙДАЛАНИЛГАН АДАБИЁТЛАР РЎЙХАТИ:**

1. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 6079-сонли |Фармони «Рақамли Ўзбекистон — 2030» стратегиясини тасдиқлаш ва уни самарали амалга ошириш чора-тадбирлари тўғрисида

2. Введение в «цифровую» экономику / подобщ. ред. А. В. Кешелава. М.: ВНИИ Геосистем,2017. 28 с.

3. Кейнс Дж. Избранные произведение. Пер. с анг. - М.: Экономика, 1993. -436 с. Портер М. Международная

4. Гранберг А.Г. Основы региональной экономики.- М.: «Экономика», 2000. -346 с.

5. Mukhitdinov Kh. S., Axmedova B.A. Econometric modeling and forecasting of educational services to the population of the region. International Journal for Innovative Enginering and Management Research. Vol 10 Issue01, Jan2021 ISSN 2456 – 5083 www.ijiemr.org

6. Халимов, Жавлонбек Шахриёрович. "Программа социально-экономического развития экономического потенциала и промышленности региона в целом." E Conference Zone. 2022.

7. Suyunovich, Mukhitdinov Khudayar, and Khalimov Javlonbek Shakhriyorovich. "Innovative Development Mechanism Of Digital Transformation Processes In Regional Industry." Journal of Pharmaceutical Negative Results (2022): 492-502.

**УЎК: 338.22**

# ТАДБИРКОРЛИК ФАОЛИЯТИ ИННОВАЦИОН МУҲИТИНИ РИВОЖЛАНТИРИШДА ЯНГИЧА ЁНДАШУВ

***О.А.Худайбердиев, ўқитувчи, Наманган муҳандислик-технология институти, Наманган***

***Аннотация.*** *Жаҳон бозорида маҳаллий юқори технологияли маҳсулотлар улушини ошириш, инновацион маҳсулотлар яратишнинг глобал занжирларига қўшилиш, фақат инновацион муҳит ривожланган, глобал ва ички муаммолар шароитида ўз ривожланишини адекват ва изчил давом еттираётган мамлакатларгина амалга ошира олади. Ушбу маколада юкоридаги мулохазалар ериш йулларига таклиф ва тафсиялар берилган.*

***Калит сўзлар.*** *кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик, катта маълумотлар таҳлили, иқтисодий таҳлил, иқтисодий ўсиш, халқаро инвестиция позицияси, инновацион иқтисодиёт.*

***Аннотация.*** *Увеличение доли локальной высокотехнологичной продукции на мировом рынке, включение в глобальные цепочки создания инновационной продукции могут реализовать только страны с развитой инновационной средой, адекватно и последовательно продолжающие свое развитие перед лицом глобальных и внутренних проблем. В данной статье даны предложения и разъяснения путей решения вышеизложенных соображений.*

***Ключевые слова:*** *малый бизнес и частное предпринимательство, анализ больших данных, экономический анализ, экономический рост, международная инвестиционная позиция, инновационная экономика.*

***Abstract.*** *An increase in the share of local high-tech products in the world market, inclusion in global chains of innovative products can only be realized by countries with a developed innovation environment that adequately and consistently continue their development in the face of global and*

*domestic problems. This article provides suggestions and clarifications on how to solve the above considerations.*

***Keywords:*** *small business and private entrepreneurship, big data analysis, economic analysis, economic growth, international investment position, innovation economy.*

**Кириш**. Янги иқтисодий даврнинг асосий хусусиятларини таҳлил қилиш асосида ривожланаётган мамлакатлар орасида инновацион ривожланиш бўйича Хитой йетакчисининг хусусиятлари, макро ва мезо даражада инновацион муҳитни ривожлантиришга концептуал ёндашувни таклиф қилиб келинмоқда. Илмий янгилик ва инновацион муҳитни ривожлантиришга узлуксиз екотизим ёндашувининг концептуал назарий қоидаларини ишлаб чиқишда ётади, бу мавжуд ёндашувлардан фарқли равишда янги иқтисодий даврнинг энг муҳим объектив тузилмаларига билимлар иқтисодиёти, тармоқ, рақамли ва барқарор иқтисодиёт киради.

Тадқиқот гипотезаси инновацион ривожланиш суръатларини тезлаштириш учун тадбиркорлик субъектлари алоқа ва ресурслар алмашинуви учун емас, балки замонавий илм-фан ва жамият томонидан таклиф етилаётган механизмлардан (платформалар, тармоқлар, алмашиш) фойдаланиши мумкин бўлган адекват инновацион муҳитни талаб қилади.

Чен янги иқтисодий даврнинг намоён бўлишини билим иқтисодиёти, виртуал ва тармоқ иқтисодиёти билан боғлайди [1]. Янги иқтисодий даврни билимлар иқтисодиёти, рақамли ва тармоқ иқтисодиёти таъсирида ўзгариб бораётган иқтисодиётнинг транспорт, машинасозлик ва бошқалар каби анъанавий тармоқларисиз тасаввур етиб бўлмайди. Електрон тижорат анъанавий саноат корхоналарига ўз фаолият соҳаларини кенгайтириш, ҳажмларни ошириш ва харажатларни камайтириш имконини беради. Давлат бошқаруви ва ижтимоий соҳани рақамлаштириш жараёнлари ҳам ҳаммага маълум. Янги иқтисодий даврнинг яна бир хусусияти жамиятнинг келажак авлодлар манфаати учун барқарор ривожланишга интилишидир. Янги иқтисодий даврнинг муҳим хусусияти глобаллашув бўлиб, унинг афзалликлари ковид чекловлари шароитида синовдан ўтган, аммо фаолиятнинг ажралмас қисми бўлиб қолмоқда. Шундай қилиб, 20 йил ичида янги иқтисодий даврни тушуниш жуда кенгайди ва чуқур ўзгаришларга дуч келди. Ҳозирги вақтда янги иқтисодий давр билим иқтисодиёти, тармоқ, рақамли ва барқарор иқтисодиётнинг иқтисодий фаолият ва бошқарувга умумий кириб бориши билан тавсифланади. Амалга оширилаётган ўзгаришлар инновацион муҳитга таъсир қилмай қолмайди, бу аслида технологияларни яратиш ва иқтисодиётга ўтказиш механизмидир.

Инновацион фаолиятни ривожлантиришнинг илмий ёндашувлари объектив ижтимоий-иқтисодий шароитлар таъсирида олимларнинг қарашларида бир неча бор ўзгаришларга дуч келди. Дастлаб таклиф қилинган тизимли ёндашув кейинчалик жараён, кейин еса екотизим ёндашуви билан тўлдирилди. Екотизим инновацион фаолият иштирокчилари ўртасидаги ўзаро таъсир шакли сифатида тизимли ёндашув тарафдорлари ва жараён ёндошуви тарафдорлари ўртасидаги муросага мисол бўла олади, чунки у енг яхши нарсаларни ўз ичига олади. Екотизимга мўлжалланган инновацион муҳит корхона инновацион маҳсулот ва хизматлар бозорига кирганида тизимли муҳитни яратишга имкон беради. Г.Б. Клеинер ҳақли равишда екотизим ёндашуви инновацион фаолият инновацион жараёнда иштирок етувчи ўзаро таъсир қилувчи иқтисодий агентлар мажмуи нуқтаи назаридан кўриб чиқиладиган оддий механик тизимли ёндашувдан воз кечишга имкон беради, деб ҳисоблайди [2].

Қатъий маънода макро, мезо ва микродаражаларда бошқарув субъектлари ва инновацион фаолиятни бошқариш объектларини ажратиб кўрсатиш мумкин. Бундан ташқари, макро ва мезо-даражаларда инновацион фаолиятни ривожлантиришни тартибга солиш нуқтаи назаридан менежментни тушуниш тўғрироқ бўлади, чунки ҳокимият хусусий компанияларга бевосита таъсир қила олмайди. Ҳокимият вакиллари бўлган давлат шартнома моделига амал қилади, компанияларни тўғри йўналишда ҳаракат қилишга ундаш учун турли воситаларни ишлаб чиқади.

Шу маънода, микро, мезо- ва макроиқтисодий даражаларда кенг қўлланилишини топган энг яхши бошқарув концепцияларидан бири сифатида жараён ёндашуви кўпроқ мос келади. Ушбу концепцияга кўра, бошқарув объекти ўлчаш, баҳолаш ва такомиллаштириш тартиб-қоидаларига боғлиқ бўлган жараёнлар мажмуи сифатида қаралади [3].

**Жадвал 1.**

**Экотизимнинг қиёсий тавсифлари ва узлуксиз экотизим ёндашуви**

| Мезонлар | Экотизим | Узлуксиз экотизим |
|---|---|---|
| Инновацион муҳитнинг мақсади | Инновацион фаолият иштирокчилари учун қулай шароитлар яратиш (давлат, бизнес, университетлар) | Инновацион фаолият субъектлари учун қиймат яратиш (давлат, бизнес, университетлар,истеъмолчи) |
| Инновацион фаолият омиллари | Бизнес, университетлар, ҳукумат | Бизнес, университетлар, давлат, жамият |
| Инновацион экотизимнинг таркибий қисмлари (атроф-муҳит) | Бизнес муҳити, тартибга солиш муҳит, инновациялар муҳити сиёсатчилар | Бизнес муҳити, тартибга солиш муҳити, инновацион сиёсат муҳити, рақамли платформа, "инноватор-жамият" муҳити |
| Инновацион ривожланиш парадигмаси | Айрим ташкилотларнинг инновациялар қилиш қобилияти | Бутун инновацион муҳитнинг қобилияти Ўз-ўзини ривожлантириш |
| Бошқарув | Тизимли ёндашув | Тизим ва жараён ёндашувлари |
| Ташкилий тузилиш | Иерархик боғлиқ қуйи тизимлар | Горизонтал тузилиш масъулиятли ҳар бир жараён учун |
| Ўзаро таъсир асослари | Ёпиқ имтиёзлар жараёни | Инноваторларни қўллаб-қувватлаш бўйича “ақлли” ва шаффоф чора-тадбирлар тизими |
| Тизим, Мотивациялар | Шахсий қизиқиш корхоналар фойдада, бошқарув тузилмалари – эришишда бўлиниш кўрсаткичлари | Айрим корхоналарнинг узоқ муддатли барқарор ривожланишдан, фойдадан манфаатдорлиги. Бошқарув тузилмалари бутун жараённинг натижаларидан манфаатдор |
| Даража мослашиш ўзгартиришда шароитлар | Ташқи муҳитдаги ўзгаришларга реакция секин, ички атроф-муҳит деярли ўзгаришсиз қолмоқда | Доимий такомиллаштириш орқали, мавжуд ички ўзгаришларнинг юқори даражаси атроф-муҳит, ташқи ўзгаришларга реакциялар муҳитлар |

Таъкидлаш жоизки, жараён ёндашуви асосий миллий стандартлардан бирига киритилган инновацион муҳитни тушунишга тўлиқ мос келади, унда инновацион муҳит "иштирокчининг ички ва ташқи муҳити" комбинацияси призмаси орқали кўриб чиқилади. Бу шуни англатадики, микро ёки ички муҳит инновацион жараён иштирокчиларига бевосита таъсир қилади. Ички муҳит инновациялар бозори, инновацияларга инвестиция имкониятлари, маъмурий тизим ва инновацияларни қўллаб-қувватлаш инфратузилмаси каби стратегик бизнес зоналари елементлари билан ифодаланади. Иқтисодий, маданий, технологик ва ижтимоий шароитлар билан шаклланган ташқи муҳит, гарчи у тўғридан-тўғри таъсир кўрсатмаса ҳам, инновациялар учун шароитларга ҳам таъсир қилади. Бизнинг фикримизча, хозирги шароитда бу фикрга тўлиқ қўшилиб бўлмайди, чунки технологиялар, маданият, ижтимоий шароитлар ва иқтисодий шароитлар инновацион фаолиятни ривожлантириш учун қулай ёки ноқулай шароитларни ташкил қилади. Дунёнинг йетакчи компаниялари (Amazon, Google, Яндех) тажрибаси шуни кўрсатадики, улар ўз муваффақиятларининг калитини қулай екотизим яратиш ва мижозлар билан узлуксиз муносабатлар ўрнатишда кўришади. Муваффақиятга мижозлар манфаатларига (мижозларга йўналтирилган бизнес моделлари) эътибор қаратадиган ва бунинг учун мижоз ва бизнес ўртасида узлуксиз ўзаро таъсир ўтказиш имконини берувчи экотизимларни яратадиган компаниялар эришади [4]. Бу тенденцияга давлат бошқарувида ва бизнесда тўлиқ рақамлаштириш ёрдам беради. Рақамли технологиялар янги шароитда ҳукумат ва бизнес ўртасидаги ўзаро ҳамкорликнинг асосий йўлидир. Бундан ташқари, технологиялар тез ўзгариб бормоқда, ўзаро таъсирнинг муайян жиҳатларини, функциялар ва операцияларни бажаришни яхшилашга мўлжалланган янги, такомиллаштирилган рақамли технологиялар пайдо бўлмоқда. Бу шуни англатадики, бошқарувнинг ҳозирги босқичида инновацион фаолият субъектлари ўртасидаги самарали

ҳамкорликнинг асосий шарти мослашувчанлик ва инноваторларнинг еҳтиёжларига мослашишдир. Тармоқлар орасидаги чегаралар хиралашган, юқори малакали ресурслар учун рақобат кучаймоқда. Бу имконият платформа ёндашуви билан таъминланади, замонавий технологиялар мижоз ва ташкилот ўртасидаги барча соҳаларда давлат бошқарувидан тортиб кичик ва йирик бизнесгача бўлган алоқа турини ўзгартирмоқда. Янги рақамли дунёда муваффақият муносабатларга ега бўлиш ва мижоз ҳақида маълумотга ега бўлишдан келиб чиқади.

Шундай қилиб, екотизимдан узлуксиз экотизим ёндашувига ўтиш рақамли платформа ёрдамида амалга оширилиши керак. Рақамлаштириш ва платформалаштириш жараёнларини ҳисобга олган ҳолда инновацияларни ривожлантиришда екотизим ёндашуви ўрнини узлуксиз жараёнли ёндашув егаллайди, бу еса янги иқтисодий давр консепсиясининг мазмуни билан боғлиқ.

Инновацион муҳит макро-, мезо- ва микроиқтисодий тизимларнинг ривожланишига миллий мақсадларга изчил еришиш йўлида самарали таъсир кўрсатиш учун яхши воситадир. Рақобатбардошликни таъминлаш учун давлат, бизнес, олий ўқув юртлари ва аҳолини бирлаштирадиган, корхоналар, ҳудудлар ва бутун мамлакатни ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш учун ўсиш нуқтаси бўлиб хизмат қиладиган ғоя керак.

Узлуксиз экотизим ёндашувига асосланган инновацион муҳитни ривожлантиришнинг асосий тамойиллари.

2-жадвалда иқтисодиёт, бизнес ва жамиятни узоқ муддатли барқарор ривожлантириш мақсадида инновацион муҳитни ривожлантиришнинг асосий қоидаларини шакллантириш тамойиллари келтирилган.

Шундай қилиб, ахборот технологияларини ривожлантиришни жадаллаштириш ва кенг қўллаш тамойили технологияни янгилаш тезлигини таъминлаш ва технологияни қўллашда тараққиётни таъминлаш имконини беради. Рақобат афзалликларини уйғунлаштириш ва илғор тенденциялар ва технологияларга устуворлик бериш тамойили шуни англатадики, янги технологияларни ишлаб чиқиш ва жорий етишда инновацион фаолият иштирокчилари ҳам мавжуд рақобатдош устунликларга, ҳам замонавий технология устуворликларига таянади.

Хусусан, ковид чекловлари шароитида электрон тижорат, платформали бизнес моделлари ривожланишининг кучайиши муносабати билан анъанавий транспорт индустриясининг ривожланиши кузатилмоқда, аммо янги асосда. Тезюрар автомобил йўллари, тезюрар темир йўллар тармоғи ривожланмоқда, ҳаво транспорти муҳимлигича қолмоқда. Бироқ, жисмоний ҳаракат тезлиги ва кўламини ошириш ва харажатларни пасайтириш тенденцияси аниқ. Яна бир муҳим тенденция - энергетика инқилобининг жадал ривожланиши. Устуворликлар қайта тикланадиган энергия манбалари ва энергия тежовчи технологияларга ўтмоқда, сўнгги йилларда уларнинг нархи сезиларли даражада пасайган. Бизнес жараёнларини рақамлаштириш ва интеллектуаллаштириш аллақачон фаолиятнинг айрим турлари бўйича ходимларни бўшатишга олиб келмокда [5]. Меҳнат бозоридаги таркибий ўзгаришларнинг қопланишига янги ишлаб чиқаришларнинг пайдо бўлиши, ижодий салоҳият ва ўз-ўзини иш билан таъминлаш механизмларини ривожлантириш орқали еришиш мумкин.

Бундай шароитда инновацияларга инвестицияларнинг мақсадга мувофиқлигини таҳлил қилиш жараёнларига екологик, ижтимоий ва бошқарув масалаларини киритишга қаратилган ЕСГ тамойилининг аҳамияти янгиланади.

Узлуксиз экотизим ёндашувига асосланган инновацион муҳитни ривожлантириш тамойиллари:

| Принциплар | Таркиби |
|---|---|
| Технологик ривожланишни жадаллаштириш ва ахборот технологияларидан кенг фойдаланиш | Бизнес ва хукумат томонидан қабул қилинган қарорлар технологик тараққиётни жадаллаштириш ва ахборот технологияларидан кенг фойдаланишга қаратилган. |

| | |
|---|---|
| Рақобат устунликлари ва илғор тенденциялар ва технологияларнинг устуворлиги комбинацияси | Янги технологияларни ишлаб чиқиш ва жорий етишда мавжуд рақобатдош устунликларни ва замонавий технология устуворликларини ҳисобга олиш керак. |
| ESG | Инновацияларга сармоя киритиш учун техник-иқтисодий асосларни ишлаб чиқиш жараёнларига екологик, ижтимоий ва бошқарув масалаларини киритиш. |
| Ёшларнинг фаоллиги | Ёшларни инновацион тадбиркорликка кенг жалб етиш |
| Ҳамкорлик ва шериклик | Бизнес, университетлар, ҳукуматнинг фаол ҳамкорлиги ва ҳамкорлиги |
| Глобаллашув ва ресурсларни тақсимлаш | Инновацион муҳит иштирокчилари, агар бу бизнес моделлари самарадорлиги ва жамият учун фойданинг ошишига олиб келадиган бўлса, ресурсларни глобал миқёсда алмашишга тайёр. |
| Ўз-ўзини такомиллаштириш ва ривожлантириш | Инновацион муҳитнинг барча елементлари ташқи муҳит ва ўзгарувчан технологияларнинг қийинчиликларини ўз зиммасига олган ҳолда доимий ўзини-ўзи такомиллаштириш ҳолатидадир. |
| Инноваторлар учун узлуксиз ёрдам | Қўллаб-қувватлаш чораларини кўриш тизими шаффоф, етарли ва ўз вақтида |
| Фикр-мулоҳаза | Инвестициялар олувчилардан ЕСГ ва инновацион тараққиётни етарли даражада ошкор қилиш учун қўллаб-қувватлаш чораларини талаб қилиш |

Инновацион фаолиятни ривожлантиришда аҳолининг енг ижодкор қисми сифатида ёшларни инновацион фаолиятга жалб этишга алоҳида эътибор қаратиш лозим.

**Хулоса.** Янги иқтисодий даврда инновацион муҳитни бошқаришнинг илмий ёндашувларини ишлаб чиқиш зарурати ортиб бормоқда. Инновацион экотизим инновацион муҳит учун марказий ўринни эгаллайди, аммо етарли эмас. Инновацион муҳит инновацион экотизимни инновацион фаолиятнинг бир иштирокчисидан иккинчисига жонли ҳаракати билан тўлдиради. Инновацион муҳит ўзгариб, янги иқтисодий давр хусусиятларига жавоб берсагина юксалади.

**ФОЙДАЛАНИЛГАН АДАБИЁТЛАР РЎЙХАТИ:**

1. Noelia, F. L., & Rosalia, D. C. (2020). A dynamic analysis of the role of entrepreneurial ecosystems in reducing innovation obstacles for startups. *Journal of Business Venturing Insights*, *14*, e00192.

2. Andersen, M. M. (2010). Eco-innovation dynamics-creative destruction and creative accumulation in green economic evolution. In *Innovation, Organization, Sustainability and Crises. Presented at the Schumpeter Conference 2010* (pp. 21-24).

3. Gibb, A. (2002). In pursuit of a new 'enterprise'and 'entrepreneurship'paradigm for learning: creative destruction, new values, new ways of doing things and new combinations of knowledge. *International journal of management reviews*, *4*(3), 233-269.

4. García-Jurado, A., Pérez-Barea, J. J., & Nova, R. J. (2021). A new approach to social entrepreneurship: A systematic review and meta-analysis. *Sustainability*, *13*(5), 2754.

5. Héraud, J. A. (2021). A new approach of innovation: from the knowledge economy to the theory of creativity applied to territorial development. *Journal of the Knowledge Economy*, *12*(1), 201-217.

**УЎК 330.342**

# САНОАТДА ЭЛЕКТРОН ТИЖОРАТНИ ТАКОМИЛЛАШТИРИШДА ИНСТИТУЦИОНАЛ ИҚТИСОДИЁТНИНГ АҲАМИЯТИ

***Ғ.Шарипов, мустақил изланувчи, Қарши мухандислик-иқтисодиёти институти, Қарши***

***Аннотация.*** *Мақолада электрон тижоратни ташкил қилишда акт технологиялардан фойдаланиш ва ахборот коммуника-ция тизимларидан фойдаланган ҳолда рақамли технологияларни жорий этиш ва улар-дан фойдаланиш соҳасидаги муносабатлар урганилган.*

***Калит сўзлар:*** *Электрон тижорат, ахборот тизими, корхона бошқаруви, автоматлаштириш, тизим самарадорлиги, комплекслашган ахборот тизими, ахборот коммуникация тахнологиялари.*

***Аннотация.*** *В статье подчеркивается использование ИКТ-технологий в организации электронной коммерции и внедрение цифровых технологий с использованием информационно-коммуникационных систем и взаимосвязи в области их использования.*

***Ключевые слова:*** *Электронная коммерция, Информационная система, управление предприятием, автоматизация, эффективность системы, Интегрированная информационная система, Информационно-коммуникационные технологии.*

***Abstract.*** *The article emphasizes the use of ICT technologies in the organization of e-commerce and the introduction of digital technologies using information and communication systems and the relationship in the field of their use.*

***Keywords:*** *e-commerce, Information System, enterprise management, automation, system efficiency, Integrated Information System, Information Communication Technologies.*

Саноатда электрон тижоратни ривожлантиришида олиб борган тадқиқотимизда, АКТ дан фойдаланиб зарурий билимларни жалб қилиш, рақамли трансформация жараёнлари орқали саноат электрон тижоратни такомиллаштириш ва инсонларни хаётини янада яхшилаш мақсадида янгидан-янги инновацион технологиялар жорий қилиш учун институционал билимлар иқтисодиётига эга бўлишни талаб қилади.

Дунёда биз билган илғор мамлакатлар АҚШ, Германия, Буюк Британия, Жанубий Корея ва Япония мамлакатлари ҳозирги босқичда билимлар иқтисодиётидан кенг фойдаланаётган мамлакатлардир. Бу мамлакатларда инсон капиталига инвестицияларга эътибор юқори, илм-фан ва юқори технологиялар ишлаб чиқариш ва электрон тижорат кенг жорий этилган.

Таъкидлаш керакки, институционал иқтисодиётининг инновацион иқтисодиётдан фарқи шундан иборатки, агар биринчисида билим бўлса, у бозорга қўйилиши мумкин бўлган қимматли маҳсулотга айланади. Иккинчидан, билим инновацияларни яратиш учун зарур шартдир, аммо у иқтисодиётнинг ушбу турининг асосий ҳаракатлантирувчи кучи, учинчидан, у иқтисодиётга инновацион ишлаб чиқариш усулларини доимий равишда жорий этиш, инновациялар, технологияларни сотиш ва сотиб олишнинг электрон бизнесидир.

Замонавий иқтисодий муносабатлар тизимида билим ва ахборот маҳсулот ҳам, ишлаб чиқариш воситаси ҳамдир. "Илм ва таълим, дейди В.Л.Иноземцев, - тўғридан-тўғри ишлаб чиқарувчи кучга айланди, уларнинг ташувчилари эса жамиятда мавжуд бўлган энг юқори кучлардир. Таълим ва интеллектуал капитал билан боғлиқ муносабатлар инсон қадр-қимматининг шубҳасиз асл кўринишидир". Шунинг учун ушбу билимлар иқтисодиётнинг асоси бўлган илм ва таълимни иложи борича тўлиқ ва ҳар томонлама ўрганиш керак, чунки у ҳар қандай мамлакат ривожланиши учун аҳамияти юқорилиги шубҳасиздир.

М.В.Ченцова фикрига кўра билимларга асосланган иқтисодиёт ўз ичига тўртта иқтисодиётни жамлайди:

- постиндустриал иқтисодиёт. Билимлар иқтисодиётида постиндустриал иқтисодиётга хос хизматлар соҳаси устунлик қилади;
- ахборотлар иқтисодиёти. Билимлар иқтисодиёти ахборотсиз ишлай олмайди, у асосий ролни эгаллайди;
- инновацион иқтисодиёт. Инновацион иқтисодиёт билимларсиз бўлмагани каби, билимлар иқтисодиёти ҳам у сиз яшолмади, чунки жамиятнинг ўсиб бораётган эхтиёжларини қондириш инновацияларни қўллаган ҳолда амалга оширилади;
- глобал тармоқ иқтисодиёти. Бугунги кунда билимлар иқтисодиёти глобал интернет тармоғисиз яшай олмайди. Чунки у масофавий иқтисодий муносабатларни таъминлаб туради.

Хасанхонова Н. И. Ўз тадқиқотларида Ўзбекистонда билимлар иқтисодиёти ривожланишининг шарт-шароитларини кўрсатиб берган**.**

Рақамли иқтисодиёт янги технологиялар, платформалар ва бизнес моделлари яратиш ҳамда уларни кундалик ҳаётга жорий этиш орқали мавжуд иқтисодиётни янгича тизимга кўчиришдир. Рақамли иқтисодиёт — иқтисодий, ижтимоий ва маданий алоқаларнинг рақамли технологияларини қўллаш асосида амалга ошириш мумкин бўлган тизимдир. Рақамли иқтисодиёт инсонларсиз бошқарув тизимини йўлга қўйиш орқали коррупцияни камайтиради, солиқ тушумларини «ақлли» шартномалар тузиш орқали кўпайтиради, бюджет харажатларининг очиқлигини оширади, ягона электрон платформа орқали давлат хизматларини кўрсатиш имкониятини беради. Шу нуқтаи назардан, рақамли иқтисодиёт

ишлаб чиқаришнинг иқтисодий ривожланишида ажралмас омилидир. Рақамли маконнинг шаклланиш даражаси моддий -технологик базанинг етуклиги билан боғлиқ.

Иқтисодий ривожланишнинг ушбу босқичи ўзига хос хусусиятларга эга бўлиб, у нафақат иқтисодиётнинг барча олдинги шаклларидан, балки постиндустриал иқтисодиётдан илм-фан янгиликларининг тез ривожланиши, ахборотнинг ҳозирги рақамли глобаллашуви даврида электрон ресурсларнинг кўплиги ва асосан ақлий меҳнат кадрланиши билан ажралиб турадиган постиндустриал рақамли-ахборотлашган иқтисодиёт сифатида чиқди. У бўйича тўлиқ тасаввурга эга бўлиш учун қуйидаги чизмани келтирамиз (1-расм).




**1-расм. Минтақа саноат тузилмасини институционал иқтисодиётини шакллантириш механизми**

1-расмдан кўриб турганмиздек институционал иқтисодиётни шакллантиришда қуйидагиларга таянилишини очиб бера оламиз

1. Билим (таълим, илм-фан) капитал, ер, ишчи кучи ва бошқа классик омиллар билан бирга ишлаб чиқаришнинг янги омилига айланган. Билим ишлаб чиқаришнинг яна бир омили.

2. Янги билимлар авлоди ишлаб чиқаришнинг мутлақо янги тармоғига айланди. Ҳозирда билим (таълим, илм-фан) товар кўринишини олди.

3. Интеллектуал мулк кўринишини олган билимлар иқтисодий муносабатларнинг муҳим таркибий қисмига айланди. Интеллектуал мулк кўринишидаги билимлар асосида замонавий

олимлар аниқ мақсадга эгаллайди ва ишлаб чиқаришнинг муайян соҳасида қўлланилиши мумкин. Интеллектуал мулк кўринишидаги билим маҳсулот сифатида анча қимматга тушади, чунки у маълум бир ҳодиса тўғрисида маълумотларнинг оддий тўплами сифатида эмас, балки турли хил жараёнларни оптималлаштириш учун амалда қўлланилиши мумкин бўлган фактлар тўплами сифатида пайдо бўлади.

4. Ахборот ва коммуникация технологияларининг ривожланиши билимлар учун қулай муҳитни яратади. Билимлар иқтисодиётининг ривожланиши ахборот жамиятининг ривожланиши билан боғлиқ.

Бу шуни кўрсатадики, саноат тармоқларида қўлланиладиган технологиялар даражаси, биринчи навбатда, рақамлаштириш ва автоматлаштириш даражасини белгилайди. Ҳамда рақамли технологиялар билан жиҳозланган ва рақамли ўзаро манфаатдор бўлган тармоқлар охир-оқибат энг кенг ва иқтисодий жиҳатдан самарали бўлиб, тез ривожланишни намойиш этади. Бу соҳада узоқ йиллардан буён самарали ишлар олиб борилмагани, коррупциянинг мавжудлиги ташқи савдо амалиётида муайян қийинчиликлар туғдирмоқда. Жаҳон банкининг «Бизнес юритиш» рейтингида «Халқаро савдо» йўналиши бўйича мамлакатимиз 190 та давлат орасида 152-ўринда қайд этилгани ҳам шундан далолат беради.

Хулоса қилиб айтганда мутасаддиларга рухсатнома ва лаборатория текширувлари ҳужжатларини тўлиқ рақамлаштириш, автоматлаштирилган «риск-анализ» тизимини жорий этиш бўйича топшириқлар берилди. Айтиш жоиз, рақамли иқтисодиётга ўтиш тадбирлари доирасида 143 та давлат хизмати электрон шаклга ўтказилиб, 35 та идорада талаб қилинадиган ҳужжатлар сони ҳамда хизмат кўрсатиш вақти икки ҳисса қисқарди. Бюджет харажатлари, давлат харидлари, ер, бино ва иншоотлар олди-сотдиси жараёнларига ошкоралик ҳамда очиқлик тамойиллари жорий этилди. Айни пайтда қишлоқ хўжалиги, соғлиқни сақлаш, қурилиш, давлат хизматлари кўрсатиш, хуллас, ижтимоий ҳаётнинг барча соҳасида рақамли иқтисодиётга ўтиш сари салмоқли қадамлар ташланмоқда.

**ФОЙДАЛАНИЛГАН АДАБИЁТЛАР РЎЙХАТИ:**

1. Mukhitdinov, H. S., and F. A. Norkobilova. "Prospects for Development of Digital Economy in Entrepreneurship." *Academic Journal of Digital Economics and Stability* (2021): 27-36.

2. Madina Bozorova Xudayar Muxitdinov, Farrux Qodirov "The role and importance of telemedicine in the provision of medical services to the population". International Conference on Information Science and Communications Technologies ICISCT 2022.

3. Suyunovich, Mukhitdinov Khudoyar, and Norqobilova Feruza Abdihamidovna. "Prospects Of Digitalization Of Craftsmanship Development In The Region." Journal of Pharmaceutical Negative Results (2022): 345-352.

4. Норқобилова, Ф. А. "Хизмат кўрсатиш тармоқларини моделлаштиришда тизимли таҳлил қилиш, синтезлаш ва оптималлаштириш." International journal of conference series on education and social sciences (Online). Vol. 1. No. 2. 2021.

5. Abdihamidovna, Norqobilova Feruza. "Financial Services to the Residents of the Region in the Field of Crafts." International Journal of Innovative Analyses and Emerging Technology 1.5 (2021): 225-230.

6. Qodirov, F. E., O. D. Doniyorov, and Sh H. Shokirov. "Basic concepts of information security in information systems. wide threats and their consequences." Концепции устойчивого развития науки в современных условиях. 2021.

**УЎК 332**

# ОЗИҚ-ОВҚАТ ХАВФСИЗЛИГИНИ ТАЪМИНЛАШНИНГ КОНЦЕПТУАЛ АСОСЛАРИ

***К.А.Шарипов, проф., Тошкент Давлат Иқтисодиёт Универстети, Тошкент***
***Зайнутдинова У.Дж., доц., Тошкент Молия Институти, Тошкент***

***Аннотация.*** *Мақолада озиқ-овқат хавфсизлигини таъминлашнинг мезонлари, қишлоқ хўжалиги озиқ-овқат маҳсулотларини етиштиришни ривожлантиришни тартибга солиш усуллари, аҳолининг озиқ-овқат хавфсизлиги ҳолатини баҳолаш кўрсаткичлари, мамлакатнинг озиқ-овқат хавфсизлиги борасидаги салоҳият даражасини баҳоловчи йўналишлар борасида мулоҳазалар келтирилган.*

***Калит сўзлар:*** *Озиқ-овқат хавфсизлиги, кўрсаткичлар, мезонлар, йўналишлар, баҳолаш, таъминлаш, ишлаб чиқариш, етиштириш.*

***Аннотация.*** *В статье приводятся отзывы о критериях продовольственной безопасности, методах регулирования развития сельскохозяйственного производства продуктов питания, показателях оценки продовольственной безопасности населения, областях оценки уровня потенциала продовольственной безопасности страны.*

***Ключевые слова:*** *продовольственная безопасность, показатели, критерии, направления, оценка, снабжение, производство, выращивание.*

***Abstract.*** *The article provides feedback on the criteria for food security, methods of regulating the development of agricultural food production, indicators for assessing the food security of the population, areas for assessing the level of food security potential of the country.*

***Key words:*** *Food safety, indicators, criteria, directions, evaluation, supply, production, cultivation.*

Бугунги кунда сайёрамизда тобора хавф туғдириб бораётган **COVID-19 пандемияси** фонида дунё ҳамжамиятида кузатилаётган глобал молиявий-иқтисодий инқироз, турли давлатларда намоён бўлаётган демографик вазият иқтисодиётнинг барча тармоқларига, айниқса дунё аҳолисини озиқ-овқат маҳсулотлари билан таъминлаш масалаларига ўзининг сезиларли таъсирини кўрсатмоқда. Мамлакат аҳолисининг маҳаллий шароитда ишлаб чиқарилган сифатли ва арзон маҳсулотларга бўлган эҳтиёжини тўларoқ қондириш асосан фермер хўжаликлари ва деҳқон хўжаликларини ривожлантириш тадбирларига бевосита боғлиқ бўлиб, бу ўз навбатида соҳага замонавий ва инновацион услубларни жорий этишни тақозо этади.

Ўзбекистон индустриал-аграр мамлакат бўлиб, қишлоқ хўжалиги соҳаси мамлакат ялпи ички маҳсулотининг 17 % ини ишлаб чиқаради ва меҳнатга яроқли аҳолининг 34 %ни иш билан таъминлайди. Бугун 16 миллиондан ортиқ қишлоқ аҳолисининг даромадлари қишлоқ хўжалиги билан боғлиқ. Қишлоқ хўжалиги маҳсулотларининг 98 % суғорма деҳқончилик ҳисобига тўғри келади. Бугунги кунда Ўзбекистонда суғориладиган ерлар майдони 4,3 млн.га бўлиб, уларнинг 55 % (2,3 млн.га) насослар ёрдамида сув билан таъминланади. Бу эса суғориш сувининг таннархини янада оширади. Мавжуд шароитларда фермер, деҳқон хўжалиги ва томорқа ерларидан самарали фойдаланиш, маҳсулотлар ишлаб чиқариш самарадорлиги ва рақобатдошлигини ошириш, республикамиз озиқ-овқат хавфсизлигини таъминлаш ва экспорт салоҳиятини юксалтириш энг муҳим устувор вазифалардан бирига айланмоқда.

Озиқ-овқат хавфсизлиги миллий хавфсизликнинг муҳим таркибий қисмидир, чунки у асосий озиқ-овқат маҳсулотларининг барқарор ишлаб чиқарилиши ва аҳолининг ундан фойдалана олишини таъминлайди. (1-расм)

| Т/р | Мезонлар | Тавсифи |
|---|---|---|
| 1 | Юқори даражада таъминланган озиқовқат хавфсизлиги | Озиқ-овқат маҳсулотлари билан тўлиқ таъминланиш, халқаро озиқ-овқат бозорларига олиб чиқишда захира ва қувватларининг етарлилиги |
| 2 | Барқаророзиқ-овқат хавфсизлиги | Асосий озиқ-овқат маҳсулотлари билан тўлиқ таъминланиш, халқаро озиқ-овқат бозорларига олиб чиқиш |
| 3 | Озиқ-овқат хавфсизлиги | Озиқ-овқат маҳсулотлари билан таъминланиш, чегаравий меъёрлар даражасида, ундан ортиқчаси қўшни мамлакатлардан олиб кирилади |
| 4 | Озиқ-овқат хавфсизлигига таҳдид | Инқироз ҳолатининг мавжудлиги, озиқ-овқат хавфсизлиги таъминланмаган |
| 5 | Озиқ-овқат таъминотининг ҳалокатли бўсағаси | Мамлакат озиқ-овқат таъминотида тўлиқ четдан олиб киришга боғланиб қолган |
| 6 | Озиқ-овқат таъминотида ҳалокат | Очарчилик ҳолати, аҳолининг табиий ва эмиграцион қисқариши |

**1-расм. Озиқ-овқат хавфсизлиги мезонлари**

Давлат томонидан ҳудудларни ривожлантиришни тартибга солиш мақсадида қишлоқ хўжалигини ривожлантиришни тартибга солиш дастурлари ишлаб чиқилиб, амалга оширилмоқда. Бунда қуйидаги тартиблаш усулларидан фойдаланилмоқда (2-расм):

| Т/р | Тартибга солиш усуллари |
|---|---|

| | |
|---|---|
| 1 | ҳудудларда маҳсулот ҳажми, қишлоқ хўжалиги экин майдонлари ва ҳудудларнинг ихтисослашувини тартибга солиш |
| 2 | қишлоқда ижтимоий ва бозор инфратузилмасини вужудга келтириш |
| 3 | қишлоқ хўжалиги ерларининг мелиоратив аҳволини яхшилаш |
| 4 | қишлоқ хўжалиги корхоналари моддий-техника базасини яхшилаш ва мустаҳкамлаш, ишлаб чиқаришга хизмат кўрсатиш бўйича корхоналар тармоғини яратиш |
| 5 | табиатни муҳофаза қилувчи ва гидротехник қурилмаларни қуриш |
| 6 | зарар кўриб ишловчи ва паст рентабелли қишлоқ хўжалиги корхоналарини молиявий қўллабқувватлаш |

**2-расм.Қишлоқ хўжалиги озиқ-овқат маҳсулотларини етиштиришни ривожлантиришни тартибга солиш усуллари**

Аҳолининг озиқ-овқат хавфсизлиги ҳолатини **баҳолаш** қуйидаги **кўрсаткичлар** ёрдамида амалгаоширилади (3-расм):

| Т/р | Кўрсаткичлар |
|---|---|
| 1 | Мамлакатнинг барча ҳудудида тўловга қобил талабга мос келадиган миқдорда ва ассортиментда озиқ-овқат маҳсулотларининг доимий равишда мавжудлиги |
| 2 | Барча истеъмолчилар учун унинг ижтимоий мақоми ва яшаш жойидан қатъий назар озиқ-овқат маҳсулотларини минимал даражада истеъмол қилиш имкониятининг мавжудлиги |
| 3 | Озиқ-овқат маҳсулотларининг хавфсизлиги – инсон учун ушбу маҳсулотни яроқсиз ҳолга келтирувчи ёки хавфли бўлган моддаларнинг мавжуд эмаслиги |
| 4 | Озиқ-овқат маҳсулотларининг сифати, яъни ҳар куни инсон томонидан унга зарур бўлган миқдордаги калория ва озуқавий компонентларнинг унинг ёши ва фаолият соҳасига боғлиқ равишда истеъмол қилиниши |

**3-расм. Аҳолининг озиқ-овқат хавфсизлиги ҳолатини баҳолаш кўрсаткичлари**

Озиқ-овқат хавфсизлигини баҳолашнинг халқаро ташкилотларнинг ҳужжатларида таклиф этилган асосий бўсағавий қиймат ва кўрсаткичларидан ташқари мамлакатнинг озиқ-овқат хавфсизлиги борасидаги салоҳият даражасини қуйидаги йўналиши ва мезонлар бўйича инобатга олиш ҳамда баҳолаш лозим (4-расм):

| Т/р | Йўналишлар |
|---|---|
| 1 | Қишлоқ хўжалигининг ишлаб чиқариш салоҳияти, мавжуд ишлаб чиқариш қувватлари, ерлар ва меҳнат ресурслари бўйича баҳоланади |
| 2 | қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқаришининг тараққиёт ва барқарорлик даражаси, бунда мавжуд техника ва технологияларнинг амалдаги сифати, АСМ тармоқлари ва ташкилотларининг молиявий-иқтисодий ҳолатини баҳолаш натижалари инобатга олинади |
| 3 | Мамлакатимиздаги ишлаб чиқариш ресурслари билан таъминланганлик даражаси, бунга бюджетдан молиялаштириш ва бошқа манбалар ҳам киритилади |
| 4 | Мамлакатимиздаги ташкилотлар томонидан ишлаб чиқарилаётган аграр маҳсулотлар ва озиқ-овқат маҳсулотларининг сифати |
| 5 | Импортнинг кўлами, жумладан мамлакатдаги ишлаб чиқариш билан аҳолининг озиқ-овқат маҳсулотларига бўлган эҳтиёжлари билан таққосланган ҳолда |
| 6 | Озиқ-овқат маҳсулотларининг очиқлик дваражаси билан импот интервенциясига қарши таъсир кўрсатиш механизми |
| 7 | Атроф-муҳитнинг ифлосланиши ва таъқиқланган препаратлар, технологиялар, жумладан генмодификациялашган организм (ГМО), ўсишни рағбатлантириш воситалари, антибиотиклар ва бошқалардан фойдаланиш нуқтаи-назаридан тармоқнинг экологиялашганлик даражаси |
| 8 | Озиқ-овқат хавфсизлигига қўйилган талабларнинг ҳуқуқий қонунчиликка, меъёрий ҳужжатлар тизимига, давлат аграрсиёсатининг йўналишларига ҳамда жаҳон тенденциялари ва меъёрларига мослиги |
| 9 | Озиқ-овқат хавфсизлигига таҳдид ва таҳликалар |

**4-расм. Мамлакатнинг озиқ-овқат хавфсизлиги борасидаги салоҳият даражасини баҳоловчи йўналишлар**

Шу стандартларга мувофиқ ҳолда қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини ишлаб чиқаришнинг уларни жон бошига истеъмол қилишининг етарли даражасини таъминлаш учун миқдор ва сифат таркибини тавсия этиш мумкин.

| Т/р | Кўрсаткичлар | Тавсифи |
|---|---|---|

| | | |
|---|---|---|
| 1 | **Асосий қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини ишлаб чиқаришнинг жон бошига тўғри келадиган миқдори** | Иқтисодиётнинг мазкур секторидаги такрор ишлаб чиқариш жараёнининг динамикасини кўриб чиқилаётган даврда аҳоли сонининг ўзгаришини инобатга олган ҳолда баҳолаш |
| 2 | **Қишлоқ хўжалиги маҳсулотларининг Ўзбекистон Республикасининг Соғлиқни сақлаш вазирлиги томонидан тавсия этилган стандартларига ва халқаро стандартларга мослиги** | Қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини ишлаб чиқаришнинг уларни жон бошига истеъмол қилишининг етарли даражасини таъминлаш учун миқдор ва сифат таркибини тавсия этиш |
| 3 | **Асосий молиявий-иқтисодий кўрсаткичлар** | ✓ қишлоқ хўжалиги корхоналарининг бутун фаолиятидан олинган қолдиқ натижа (фойда минус зарар);<br>✓ фойда олиб ёки зарар кўриб ишлаётган корхоналар сони. |

**5-расм. Қишлоқ хўжалигида озиқ-овқат хавфсизлигининг эришилган даражасини ифодаловчи кўрсаткичлар**

Минимал истеъмол саватининг товар ва хизматлар тўпламидан келиб чиққан ҳолда яшаш минимуми аниқланади, у бир киши учун инсоннинг минимал биоижтимоий эҳтиёжларининг қондирилишини таъминлайдиган минимал истеъмол саватининг қийматига тенг бўлган минимал даромаддан иборат. Шуни инобатга олган ҳолда яшаш минимуми қуйидагилар учун мўлжалланган (6-расм):

| Т/р | Омиллар |
|---|---|
| 1 | Аҳоли турмуш даражаси |
| 2 | Аҳоли камбағаллик даражаси |
| 3 | Ижтимоий сиёсий вазият |
| 4 | Аҳолини ижтимоий қўллаб-қувватлаш бўйича тадбирлар |
| 5 | Иш ҳақи, пенсия, нафақа ва бошқа ижтимоий тўловларнинг энг кам миқдорлари |

**6-расм. Яшаш минумини белгиловчи омиллар**

Хулоса қилиб айтганда, кўрсатиб ўтилган омилларнинг озиқ-овқат хавфсизлигига таъсирини озиқ-овқат маҳсулотларини истеъмол қилишнинг қуйидаги кўрсаткичлари асосида баҳолаш мумкин:

- аҳоли даромадларининг харид қобилиятини баҳолаш: минимал ва ўртача ойлик иш ҳақининг, минимал пенсиянинг яшаш минимумига нисбати:
- агар ушбу нисбатнинг қиймати 1 га тенг бўлса, озиқ-овқат товарларини истеъмол қилиш даражаси минимал истеъмол саватига мос бўлади.
- Агар нисбатнинг қиймати 1 дан ката бўлса, озиқ-овқат маҳсулотларини истеъмол қилиш даражаси истеъмол саватидан каттароқ бўлади.
- Асосий озиқ-овқат маҳсулотларини амалда жон бошига истеъмол қилиниши миқдори.

**ФОЙДАЛАНИЛГАН АДАБИЁТЛАР РЎЙҲАТИ:**


1. Қишлоқ хўжалиги вазирлиги расмий веб сайти.
2. Ўзбекистон Республикаси Тикланиш ва тараққиёт жамғармасининг расмий ахборот сайти.
3. Интернет сайти: - http://www.elibrary.ru -http://www. moluch.ru


**УЎК 339.9**

# КЎЧМАС МУЛКНИ ДАВЛАТ ТОМОНИДАН БОШҚАРИШНИНГ ХОРИЖИЙ ТАЖРИБАСИ

***К.А.Шарипов, проф., Тошкент Давлат Иқтисодиёт Университети, Тошкент***
***М.К.Валиев, тадқиқотчи, ДИУ, Тошкент***

***Аннотация.*** *Мақолада кўчмас мулк жамиятнинг иқтисодий ҳаётидаги ўрни, унинг иқтисодиё категория сифатидаги таснифи, бошқарув тамойиллари ва ўзига хос хусусиятлари ёритилган. Кўчмас мулкни бошқарув методларини солиштирма таҳлили амалга оширилган. Кўчмас мулкни бошқаришнинг хориж тажрибаси, хорижий давлатларда кадастр хизматларининг тартиб-тамойиллари ва мамлакатимизда хорижий тажрибани қўллаш имкониятлари кўриб чиқилган.*

***Калит сўзлар:*** *кўчмас мулк, бошқарув, кадастр, кўчмас мулк объектлари, хизматлар.*

***Аннотация.*** *В статье описывается роль недвижимого имущества в экономической жизни общества, его классификация как экономическая категория, принципы управления и особенности. Проведен сравнительный анализ методов управления недвижимостью. Рассмотрен зарубежный опыт управления недвижимостью, принципы кадастровой службы в зарубежных странах, возможность использования зарубежного опыта в нашей стране.*

***Ключевые слова:*** *недвижимость, управление, кадастр, объекты недвижимости, услуги.*

Abstract. The article describes the role of real estate in the economic life of society, its classification as an economic category, management principles and features. A comparative analysis of real estate management methods has been carried out. Foreign experience in real estate management, the principles of cadastral service in foreign countries, the possibility of using foreign experience in our country are considered.

Key words: real estate, management, cadastre, real estate objects, services.

Кўчмас мулк жамиятнинг иқтисодий ҳаётида алоҳида ўринга эга. Кўчмас мулк дунёдаги ҳар қандай мамлакат миллий бойлигининг муҳим таркибий қисмидир. Кўчмас мулк аҳолини уй-жой билан таъминлаш воситаси сифатида, ҳамда ахолига турли хил ижтимоий хизматлардан фойдаланиш имкониятини яратади. Ишлаб чиқариш жараёнини ҳам кўчмас мулксиз амалга ошириш мумкин эмас. Кўчмас мулк маълум бир тарзда репродуктив жараённинг, яъни ишлаб чиқариш, айирбошлаш, тақсимлаш ва истеъмол каби барча босқичларида фаол иштирок этади. Экологик муаммоларни хал қилиш нуқтаи назаридан қаралганда, кўчмас мулк ердан оқилона фойдаланиш, атроф-муҳит учун экологик хавфсизлик стандартлари билан боғлиқ равишда фаолият юритишини белгилайди.

Кўчмас мулк биринчи навбатда мулкий муносабатларнинг шаклланиши билан боғлиқ бўлганлиги учун бозор иқтисодиётининг асосий элементлари тизимида муҳим рол ўйнайди. Ўзбекистон Республикасида мулкчиликнинг хусусий шакли пайдо бўлиши билан кўчмас мулк боридаги муносабатлар бозор иқтисодиётининг тармоқларидан бирига айланди.

XX асрнинг машҳур америкалик иқтисодчиси, Холланд, "кўчмас мулк" ва "мулк" тушунчаларини ажратган ҳолда ўрганган. У кўчмас мулкни ўзига тегишли табиий ресурсларга эга бўлган ҳудуднинг бир қисми, яъни ажралмас қисми сифатида белгилайди. Холланд хусусий мулк институти негизида "кўчмас мулкнинг асосий хусусияти - бу ҳудуд сифатида ер, шу жумладан сув зоналари" деб ҳисоблайди. Дж. Розенбергнинг машҳур "инвестициялар" луғатидаги кўчмас мулк таърифи, ер билан боғлиқ ёки унга бириктирилган барча моддий мулк билан боғлиқ деб келтирилган. Кўчмас мулкка рўйхатдан ўтган кемалар ва самолётлар, дарё кемалари ва космик объектлар ҳам киради.

Кўчмас мулкни бошқариш билан боғлиқ қоидалар, мулк эгасининг ундан фойдаланиш шартлари, лизинг ёки бошқа шахсга сотиш каби механизмларни амалга ошириш билан боғлиқ ҳолда шаклланади.

"Кўчмас мулк бозорини бошқариш" категорияисининг моҳияти бўйича ҳали ҳам ягона келишув мавжуд эмас. Кўчмас мулк бозорини бошқариш мазмунини турлича тушуниш кўп жиҳатдан ушбу категорияни ҳам тарихий, ҳам динамик жиҳатдан кўриб чиқишга боғлиқ.

Кўчмас мулкни бошқаришда мавжуд бўлган муаммолар кўчмас мулк объектларининг хилма-хиллиги, уларнинг бошқарув таъсири жиҳатидан ўзига хос хусусиятлари, ўз вақтида ва мақбул бошқарув қарорларини қабул қилиш учун зарур бўлган кўчмас мулк объектининг ҳолати тўғрисида тегишли маълумотларни зудлик билан қайта ишлашга қодир эмаслиги билан боғлиқ.

Сўнгги йилларда республикамизда кўчмас мулк объектларига бўлган ҳуқуқий бошқарувни рўйхатдан ўтказиш соҳасидаги давлат хизматлари сифатини яхшилашга қаратилган бир қатор чора-тадбирлар амалга оширилди.

Шу билан бирга, ушбу соҳадаги давлат хизматлари кўрсатиш тизимини янада такомиллаштириш уларнинг тезкорлиги ва фойдаланиш имкониятларини оширишни, давлат органлари фаолиятининг шаффофлигига эришишни ва хизматлардан фойдаланувчиларга

ахборот хизмати кўрсатишни яхшилашни тақозо этмоқда. Ахборот-коммуникация технологияларини фаол жорий этиш, тегишли тизимларни давлат органларининг электрон маълумотлар базаларига интеграция қилиш кўчмас мулкка бўлган ҳуқуқларни давлат рўйхатидан ўтказиш жараёнини соддалаштиришнинг асосий устувор йўналишлари ҳисобланади.

Иқтисодий маънода кўчмас мулк ўзининг табиий хусусиятларига кўра инсон таъсирида ўзгартирилмайдиган объектлар сифатида тушунилиши лозим. Булар яхлит ажралмас объектлар сифатида, яъни ер, ер ости бойликлари, денгизлар, дарёлар, кўллар, ўрмон хщжаликларидир. Шу билан бирга, кўчмас мулк ўзининг табиий хусусиятларига кўра одамлар ҳаёти учун ортиб бораётган қийматга эга. Бу, биринчи навбатда, ушбу объектлардан жамиятнинг ҳаёт фаолиятини таъминлашга имкон берадиган истеъмол хусусиятларини ажратиб олиш қобилиятидир. Ушбу объектлар инсонлар учун қўшимча қийматга эга, чунки улар бир неча авлодлар ҳаёти давомида истеъмол хусусиятларини ўзгартирмаслиги мумкин. Кўчмас мулкнинг бундай хусусиятлари инсонлар ўртасидаги мавжуд муносабатларни барқарорлигини таъминлайди, иқтисодий фаолиятини режалаштиришга имкон беради, кўчмас мулкдан фойдаланиш билан боғлиқ ҳолда ривожланадиган ижтимоий муносабатлар иштирокчиларига кафолатлар беради. Шундай қилиб, кўчмас мулкнинг иқтисодий мазмуни ер юзасида жойлашган ёки унинг қисмлари бўлган моддий объектларни ўзлаштиришга оид ижтимоий ва ишлаб чиқариш муносабатларини назарда тутади. Ўз навбатида, кўчмас мулкка оид иқтисодий муносабатлар кўчмас мулкнинг ҳуқуқий тамойилларида мустаҳкамланган.

Хорижий мамлакатларда кўчмас мулк учун табақалаштирилган ҳуқуқий режимлар ўрнатилади. Ушбу табақалаштириш кўчмас мулкдан фойдаланиш мақсадини, шунингдек, фискал мақсадларни ҳисобга оладиган мезонлар асосида амалга оширилади. Шу муносабат билан яшаш учун фойдаланиладиган кўчмас мулк ва тижорат мақсадларида фойдаланиладиган кўчмас мулк ўртасида фарқ мавжуд. Бундай дифференциация турли хил мезонлар асосида хуқуқий режимларни қўллаш амадиётини келтириб чиқаради. Хорижий тажрибани кўриб чиқадиган бўлсак, режимларнинг турли туманлигига дуч келамиз. АҚШда кўчмас мулкнинг тўртта синфи мавжуд.

1) сотиш учун мўлжалланган кўчмас мулк;
2) савдода фойдаланиш ва бизнес учун мўлжалланган кўчмас мулк;
3) инвестиция мақсадларида қўлланиладиган кўчмас мулк;
4) шахсий фойдаланиш учун ишлатиладиган кўчмас мулк.

Кўчмас мулк билан боғлиқ операцияларни амалга ошириш давлат назоратининг ажралмас қисми бўлиб, у кўчмас мулкнинг мамлакат иқтисодиёти учун фуқаролик ҳуқуқи объекти сифатидаги аҳамияти билан изоҳланади. Бундай назоратнинг намоён бўлиши турли шаклларга эга бўлиб, улардан бири кўчмас мулкка бўлган ҳуқуқларни давлат рўйхатидан ўтказишдир. Хорижий мамлакатларнинг аксариятида lex rei sitae қоидаси амалга оширилади, унга кўра кўчмас мулкка нисбатан ушбу кўчмас мулк жойлашган давлатнинг ҳуқуқий нормалари қўлланилади.

Кўчмас мулкка бўлган ҳуқуқларни давлат рўйхатидан ўтказиш тизими бир нечта функцияларни бажаради. Биринчидан, унинг ёрдами билан кўчмас мулкка бўлган ҳуқуқлар мустаҳкамланади. Иккинчидан, ҳуқуқларни рўйхатга олиш институти кўчмас мулкка бўлган ҳуқуқларнинг оммавий ҳақиқийлигини таъминлаш учун мўлжалланган. Агар сотиб олувчи кўчмас мулк билан боғлиқ битим тузаётганда, кўчмас мулк билан тузилган рўйхатга олиш актига виждонан таянган бўлса, уни манфаатдор шахсларнинг (биринчи навбатда ўзини мулк эгаси деб ҳисоблайдиган шахслар) даъволаридан ҳимоя қилишни кафолатлайди. Кўчмас мулкка бўлган ҳуқуқларни рўйхатга олиш (мустаҳкамлаш) тизимлари ер участкаларини миллий кадастр рўйхатидан ўтказиш тизимлари билан бирга мавжуд ва ўзаро ҳамкорлик қилади. Кадастр институти асосан континентал хуқуқий нормаларга эга давлатларда амалга оширилади. Кадастр деганда давлат органлари томонидан амалга ошириладиган ер участкаларини ҳужжатлаштирилган ҳисобга олиш ва ушбу участкаларнинг реестрини юритиш

тизими тушунилади. Кадастр тизимини яратиш ер участкаларини фуқаролик муомаласига жалб қилишнинг зарурий шарти бўлиб хизмат қилади.

АҚШ да турли штатларда кўчмас мулкка бўлган ҳуқуқларни рўйхатга олиш функциялари турли органларга юкланган. Шундай қилиб, Германия, Латвия, Польша, Швеция, Эстонияда бу вазифани ер китобларини юритувчи қуйи судлар бажаради. Болгарияда, Венгрияда - нотариал органлар. Австралия, Италия, Швейцария, Францияда - махсус тузилган давлат органлари, уларнинг ваколатлари фақат кўчмас мулкка бўлган ҳуқуқларни рўйхатга олиш билан чекланган. Ҳуқуқларни рўйхатга олиш тизимини ташкил этиш, қоида тариқасида, давлат уни Адлия вазирлигининг юрисдикциясига беради. Японияда кўчмас мулкка бўлган ҳуқуқларни давлат рўйхатидан ўтказиш Адлия вазирлиги томонидан назорат қилинадиган адлия бўлимлари томонидан амалга оширилади.

Баъзи мамлакатларда (Литва, Швеция, Германия, АҚШ) кўчмас мулк кадастрлари марказлаштирилган. Шуни айтиб ўтиш лозимки, Швеция кадастр тизими Европадаги энг қадимги тизимлардан бири бўлса, Литва кадастр тизими дунёдаги энг ёш, аммо энг замонавийларидан биридир.

Хорижий мамлакатлар кадастр тизимларининг яна бир тенденцияси - объектнинг харажатлар параметрлари тўпламини алоҳида реестрга ажратиш. Хусусан, солиқ органлари солиқ солинадиган баъзани ҳисоблашнинг ўз алгоритмларига ва ҳар хил турдаги кўчмас мулк учун ҳисоб-китобларнинг тўғрилигига қўйиладиган талабларга эга бўлиши мумкин. Банклар, шунингдек, рухсат этилган кредит миқдорини аниқлашда ўз ҳисоб-китобларидан фойдаланишни афзал кўрадилар. Шу сабабли, кадастрга фақат оммавий баҳолаш натижаларига асосланган маълумотлар киритилади, кейинчалик у кўчмас мулк бозоридаги маълумотлар асосида аниқланиши мумкин. Кўп ҳолларда, кўчмас мулк объектлари тўғрисидаги маълумотларни ўз ичига олган давлат ва бошқа ахборот ресурсларини бирлаштириш тенденцияси устунлик қилади. Реестрларнинг интеграцияси, жумладан, уларнинг бирлашиши, масалан, маданият ёдгорликлари, боғлар ва бошқалар регистрлари туфайли содир бўлади. Кадастр ва кўчмас мулк реестрининг бир қисми сифатида киритилган.

Қоида тариқасида, ер муносабатлари, ердан фойдаланиш ва муҳофаза қилиш, геодезия ва картография соҳасидаги бошқарув ва ишлаб чиқариш функциялари давлат муассасаларига (Швеция, Финляндия, Испания, Данияда) юкланади. Айрим мамлакатларда кадастр давлат ташкилотлари томонидан миллий даражада эмас, балки алоҳида тизим сифатида (Германия) юритилади; кантонлар (Швейцария), вилоятлар (Канада), штатлар (Австралия).

Аксарият мамлакатларда давлат кўчмас мулк объектларини ҳисобга олиш ва тавсифлаш стратегиясини белгилайди, ишларни режалаштириш ва мувофиқлаштиришни таъминлайди, кадастр фаолиятини бошқаради ва назорат қилади. Кўчмас мулк тўғрисидаги маълумотларни аниқ ер участкалари билан боғлаш (ер тузиш) ишларни бажариш учун кўплаб мамлакатлар хусусий сектор хизматларидан фойдаланадилар.

Сўнгги йилларда кадастрни юритиш учун масъул бўлган айрим мамлакатларнинг давлат органларида ўзига хос ўзгаришлар рўй берди. Хусусан, бу уй-жой, режалаштириш ва атроф-муҳитни муҳофаза қилиш вазирлигининг худди шу номдаги бўлими негизида ташкил етилган Нидерландиянинг Кадастр ва ерларни рўйхатга олиш агентлигига тегишли. Кадастрни ташкил этиш тўғрисидаги махсус қабул қилинган қонунда Агентлик мустақил давлат органи бўлиб, асосий вазифаси давлат рўйхатидан ўтказишдан иборат эканлиги белгиланди. Бироқ, унинг иши хусусий компаниялар тамойилларига асосланади ва асосий вазифа тижорат сифатида амалга оширилади. Бунда хусусий сектор фақат Агентлик назорати ва унинг масъулияти остидаги айрим турдаги пудрат ишларини бажариш учун жалб этилади. Бошқа мамлакатлардан фарқли ўлароқ, Нидерландияда кадастр текширувларини ўтказиш ҳуқуқига эга бўлган лицензияга эга хусусий ер курувчилар тизими мавжуд эмас. Ушбу ишни Агентлик ходимлари бўлган тадқиқотчилар амалга оширадилар, яъни давлат хизматчилари.

Швецияда кўчмас мулк тўғрисидаги маълумотлар мавжуд Миллий ер тадқиқот институти ёки ушбу ваколатга эга 39 (жами 288) муниципалитетдан бирида жойлашган кадастр идоралари томонидан сақланади. Кўчмас мулк ҳақидаги маълумотлар ва ҳуқуқларни

рўйхатга олиш маълумотлари биргаликда тизимнинг асосини ташкил қилади ва кўчмас мулк реестрининг ўзини ташкил қилади. Бундан ташқари, кўчмас мулк объектлари реестрига жисмоний шахсларга тегишли объектларнинг тахминий қиймати тўғрисидаги маълумотлар, шунингдек, бинолар ва манзиллар тўғрисидаги маълумотлар киритилади. Реестрга молия бозори эҳтиёжларини қондирадиган қимматли қоғозлари тўғрисидаги маълумотлар ҳам киритилади. Кўчмас мулк реестри Швеция ахборот инфратузилмасининг жуда муҳим қисми бўлиб, у географик жиҳатдан кўчмас мулк тасвирланган рақамли кадастр харитасини ҳам ўз ичига олади. Тизимда хусусий сектордан жуда кўп фойдаланувчилар (тахминан 30 000) мавжуд кўчмас мулк объектлари реестрига онлайн кириш ҳуқуқига эга бўладилар. Асосан, бу тўлиқ ва ягона миллий географик маълумотлар базаси мавжудлигидан манфаатдор бўлган кредит ташкилотлари ёки йирик кўчмас мулк компаниялари ва бошқалар. Шу мақсадда Швецияда кўчмас мулк объектлари реестридаги маълумотлар билан боғланган ноёб идентификаторга эга объектларни ўз ичига олган географик маълумотлар базасини яратиш лойиҳаси ишга туширилди. Ушбу лойиҳанинг муҳим йўналишларидан бири муниципалитетлардан географик маълумотларни узатиш учун фойдаланувчи интерфейсини ишлаб чиқиш. Талаблардан бири шундаки, интерфейс рақамли кадастр хариталарида мавжуд бўлган барча маълумотлар билан ишлашни таъминлайди. Жорий фойдаланувчи интерфейси ахборот объектига йўналтирилган моделлардан, маълумотларни узатиш механизмларининг тавсифларидан ва уларни сақлаш ва бошқариш усулларидан иборат. Янги технологияларнинг ривожланиши туфайли Швециянинг интеграциялашган кадастр тизимига киришни осонлаштирадиган бир қатор электрон тижорат хизматларини таклиф қилувчи дунёдаги биринчи агентликлардан бири бўлди. Таклиф этилаётган хизматлар орасида энг асосийлари:

- мамлакатда жойлашган давлат ёки хусусий кўчмас мулк объекти тўғрисида маълумот излаш;
- Сизнинг харитангиз - хизмати орқали тўрт турдаги хариталарга буюртма бериш мумкин: рақамли кадастр хариталари, топографик хариталар, йўл хариталари ва умумий кўриниш хариталари;
- MapStore – электрон тижорат хизмати мижозларга Интернет орқали хариталарга буюртма бериш;
- Swedelmages - мижозларга Швециянинг исталган жойидаги рақамли ортофотоларни олиш хизматини таклиф қилади;
- тарихий хариталар - 1640- 1930 йиллардаги хариталарни олиш хизматини таклиф қилади;
- кўчмас мулк барометри - унда кўчмас мулк бозоридаги мавжуд вазият ҳақида маълумот берилган.

Яна бир муҳим тенденция сифатида давлат органлари томонидан аҳоли ва тадбиркорлик субъектларига геоахборот маълумотларини тақдим этиш бўйича комплекс хизматлар кўрсатилишини қайд этиш мумкин.

Шундай қилиб кўчмас мулкни рўйхатга олиш ва кадастр рўйхатидан ўтказиш жисмоний ва юридик шахсларга давлат хизматларини кўрсатиш, мулкдорлар ва кўчмас мулкка бошқа ҳуқуқлар эгаларининг конституциявий ҳуқуқларини ҳимоя қилишни таъминлаш, цивилизацияланган кўчмас мулкни шакллантиришда давлатнинг энг муҳим ижтимоий йўналтирилган функциясидир. Ўзбекистонда кўчмас мулк бозори хорижий тажрибани ҳисобга олган ҳолда, кўчмас мулк объектларининг идентификаторлари, уларнинг тавсифлари, ҳуқуқлар тўғрисидаги маълумотлар, физикавий хусусиятлар, харажат маълумотлари, картографик маълумотлар ва ер участкалари режалари, объектларнинг хусусиятлари билан боғлайдиган интеграциялашган ахборот тизимини яратиш масаласи хозирги замон талабидир. Капитал қурилиш объектлари, кўчмас мулк объектларининг бошқа миқдорий ва сифат кўрсаткичлари кўчмас мулк объектларини баҳолаш тартиб-таомилларини амалга оширишда ва солиқ соҳасида амалга ошириладиган кўчмас мулкка солиқ солишни бошқариш функцияларини ахборот билан таъминлашда юқори сифатли натижаларга эришишда ҳал қилувчи омил бўлади. Ҳокимият органлари ва пировардида мамлакат ижтимоий-иқтисодий

ривожланишининг ажралмас қисми сифатида кўчмас мулк айланмасини жадаллаштиришга ёрдам беради.

**ФОЙДАЛАНИЛГАН АДАБИЁТЛАР РЎЙХАТИ:**

1. International Institution for the History of Surveying and Measurement. – Electron. dan. – Access mode : http://www.new-sland.ru. – Title from the screen.
2. ACSM. American Congress on Surveying & Mapping. – Electron. dan. – Access mode : https:// web.archive.org/web/20040401154730/http:// www.acsm.net:80/index.html. – Title from the screen.
3. Сервейинг: организация, экспертиза и управление: практикум / П.Г.рабовый, Т. Ю. Овсянникова, Н. Ю. Яськова [и др.]. – М. : НИУ МГСУ, 2016. – 272 б.
4. Грабовый, П. Г. Сервейинг: системный анализ управления земельно-имущественным комплексом / П.Г.Грабовый // Строительство. – Электрон. дан.–М.:НИУМГСУ,2019.
5. Горбачевская, Е. Ю. Современные подходы к управлению жилыми объектами недвижимости /Е. Ю. Горбачевская, П. Г. Антонова // Жилищные стратегии. 2016. Т. 3. № 2. Б. 83–94.
6. Чудинов, С. А. Сервейинг как механизм управления муниципальной недвижимостью / С. А. Чудинов // Экономика и управление: анализ тенденций и перспектив развития. 2013. № 1. Б. 183–188.
7. Павлова, Л. Ю. Сервейинг и генетика города / Л.Ю. Павлова // Халқаро илмий-техникавий журнал. 2014. № 3. Б. 15–20.
8. Ломакина, С. А. Развитие сервейинговых услуг в управлении коммерческой недвижимостью: / С. А. Ломакина. – М., 2007. – 27 б.
9. Бизнес словарь: Сервейинг. – Электрон. дан. – [М. : НДП «Альянс Медиа»], [2003–2019]. : http://www.businessvoc.ru/content/ document_r CF50EC 59-3E94-421D-8CD7-EFB4-B9B19C87.html.

**УЎК 330.332**

# МИЛЛИЙ ИҚТИСОДИЁТДА ИНВЕСТИЦИЯ РИСКЛАРИ ВА УЛАРНИ ПАСАЙТИРИШ ЙЎЛЛАРИ

***Д.Ф.Шодибоева, ўқитувчи, Тошкент молия институти, Тошкент***

***Аннотация.*** *Мақолада миллий иқтисодиётда инвестиция рисклари тушунчаси, инвестиция рискларини турлари ҳамда аҳамиятига таянган ҳолда инвестицион рискларни пасайтириш йўллари баён этилган.*

***Калит сўзлар:*** *инвестиция, рискларни бошқариш, инвестиция рисклари, инвестицион потенциал, инвестиция лойиҳаларини баҳолаш ва таҳлил қилиш.*

***Аннотация.*** *В статье рассмотрено понятие инвестиционных рисков в национальной экономике, способы снижения инвестиционных рисков исходя из видов и значимости инвестиционных рисков.*

***Ключевые слова:*** *инвестиции, управление рисками, инвестиционные риски, инвестиционный потенциал, оценка и анализ инвестиционных проектов.*

***Abstract.*** *The article describes the concept of investment risks in the national economy, methods of reducing investment risks based on their types and significance.*

***Key words:*** *investments, risk management, investment risks, investment potential, evaluation and analysis of investment projects.*

Иқтисодиётни модернизациялаш, устувор тармоқларни техник-технологик қайта қуроллантириш, жаҳон бозорида рақобатбардош махсулот ишлаб чиқариш, мамлакат экспорт салоҳиятини ошириш бугунги кунда долзарб масалалардан бири ҳисобланади. Бу вазифаларни амалга оширишни инвестицияларсиз тасаввур этиб бўлмайди. Шунинг учун ҳам мамлакатимизда инвестиция жараёнини такомиллаштиришга жиддий эътибор қаратиб келмоқда. Чунки инвестициялар иқтисодиётнинг ўсишини, ишлаб чиқаришнинг ривожланишини таъминловчи муҳим омилдир. Барчамизга маълумки, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 28.01.2022 йилдаги ПФ-60-сонли Фармони билан "2022-2026 йилларга мўлжалланган Янги Ўзбекистоннинг Тараққиёт стратегиясининг" нинг қабул қилиниши шубҳасиз мамлакатимиз ижтимоий-иқтисодий ҳаётида муҳим воқеа бўлди. Тараққиёт стратегиясининг учинчи йўналиши Миллий иқтисодиётни жадал ривожлантириш ва юқори ўсиш суратларини таъминлашнинг устувор йўналишларига бағишланган бўлиб, макроиқтисодий барқарорликни янада мустаҳкамлаш ҳамда юқори иқтисодий ўсиш

суръатларини сақлаб қолиш, таркибий ўзгартиришларни чуқурлаштириш, миллий иқтисодиётнинг етакчи тармоқларини модернизация ва диверсификация қилиш ҳисобига унинг рақобатбардошлигини ошириш борасида кейинги 5 йилда амалга оширилиши зарур бўлган устувор вазифалар белгилаб берилган.

Ўзбекистон шароитида инвестиция лойиҳаларини амалга оширишда рискларни юзага келтирувчи омилларни аниқлаш, уларни сифат ва миқдор жиҳатдан баҳолаш, рискларни пасайтириш йўлларини аниқлаш ҳамда самарали бошқариш энг муҳим вазифалардан ҳисобланади. Инвестицион фаолиятда риск - бу инвестицияларни қисман ёки тўлиқ йўқотиш, кутилган даромаддан камроқ фойда олиш ва лойиҳада кўзланган мақсадларга эриша олмаслик хатаридир. Лойиҳадан қанчалик кўп миқдорда даромад кутилса, у шунчалик юқори рискли ҳисобланади. Ҳозирги кунда лойиҳа рисклари деганда лойиҳани амалга ошириш натижасида кўзланган даромадларнинг пасайишига сабаб бўладиган вазиятлар мажмуаси тушунилади. Шу билан бирга лойиҳа риски инвестицион лойиҳани амалга оширишга ҳалақит берадиган ёки лойиҳа самарадорлигини пасайтирадиган рискларнинг йиғиндисини ҳам англатади.




**1-расм.Рискларни бошқариш босқичлари**

Умуман олганда, рискларни бошқариш– компаниянинг фойда олиш мақсадларига таъсир этувчи рискларни ва уларнинг оқибатларини аниқлаш, баҳолаш, ҳисоблаш, назорат қилиш (мониторинг) ва камайтириш мақсадида мазкур компанияда доимий олиб бориладиган тузилмавий жараён ҳисобланади.Рискларни бошқариш ва баҳолашдан мақсад, инвесторга инвестиция лойиҳасини амалга оширишда қатнашишнинг мақсадга мувофиқлиги тўғрисидаги қарорларни қабул қилиш ва мумкин бўлган молиявий йўқотишлардан ҳимоялаш бўйича

чора-тадбирлар ишлаб чиқиш учун керакли маълумотларни тақдим қилишдан иборат. Бизнингча, рискларни бошқаришнинг асосий босқичларини 1-расмдагича ифодалаш мумкин.

Рискларнинг пайдо бўлиш сабаблари турличадир. Масалан, маълумотларнинг танқислиги ёки тўлиқ бўлмаслиги, ташқи ва ички муҳитдаги харакатлар (рақобатчилар, ишчилар ҳолати, хукумат ва бошқаларнинг харакатлари) ва ҳ.к. Инвестиция рискларини турли белгилар бўйича таснифлаш мумкин.




**2- расм.Инвестиция рискларини турли белгилар бўйича таснифлашини**

*1. Таркиби бўйича рисклар қуйидагиларга бўлинадилар*: иқтисодий риск; бозор риски; инфляция риски; валюта риски; сиёсий риск; ижтимоий риск; экологик риск; технологик риск; маркетинг риски; молиявий риск; кредит риски; банкротлик риски; илм-техника риски; информацион риск ва бошқалар.

*2. Муддати бўйича рисклар қуйидагиларга бўлинадилар*: қисқа муддатли рисклар; узоқ муддатли рисклар.

*3. Олинадиган натижага қараб рисклар:* спекулятив риск - улар таъсирида катта зарар ёки катта фойда олиш имконияти бор; соф рисклар - улар таъсирида нолга тенг бўлган зарар(фойда) кўриш мумкин.

*4. Лойиҳага таъсир этиш даражаси бўйича рисклар қуйидагиларга бўлинади:* мумкин бўлган рисклар - улар таъсирида кутилган фойдадан айрилиш мумкин; критик рисклар - лойиҳа пул тушумларидан айрилиш хатари; катастрофик рисклар - даромаддан ва киритилган инвестициялардан айрилиш хатари.

Инвестицион лойиҳаларни амалга ошириш жараёнида унинг ҳар бир босқичи (фазаси) ўзига хос рисклар билан боғлиқдир. Биринчи босқичда (инвестиция олди фазасида) кўпроқ лойиҳа ташаббускорлари маркетинг рискига, бозор рискига, информацион ва ижтимоий рискларга таъсирчан бўлади. Инвестиция босқичида кўпроқ илм-техника риски, молиявий рисклар, ташқи иқтисодий рисклар ва сиёсий рисклар ўз таъсирини кўрсатади. Эксплуатация босқичида эса лойиҳа иштирокчилари технологик, экологик, форс-мажор, ноликвидлик, иқтисодий ва молиявий рисклар билан юзма-юз бўлиш эҳтимоли мавжуд. Молиявий бозор энг юқори рискга эга бўлган соҳа деб ҳисобланади. Ундаги рисклар иккита катта гуруҳга бўлинади:

- тизимли рисклар;
- тизимсиз рисклар.

*Тизимли рисклар (инвестиция портфели рисклари)* - бу хатар таъсирига баъзи бир қимматли коғозлар эмас, балки бутун бозор, уни катта бир қисми рискларга учрайди. Бу ҳолда иқтисодий нобарқарорлик туфайли ёки бошқа сабабларга кўра кўпчилик эмитент ва қимматли қоғозлар эгалари зарар кўришлари мумкин. Тизимли рискларга қуйидагилар киради: фоиз риски; валюта риски; инфляция риски; сиёсий рисклар.

*Тизимсиз рисклар* - хатарга баъзи бир қимматли қоғозлар ёки уларни мажмуаси учрайди, яъни маълум бир корхонанинг қимматли қоғозлари ёки тармоқнинг қимматли қоғозлари киради. Тизимсиз рискларга қуйидагилар киради: тадбиркорлик риски; молиявий рисклар; ноликвидлик риски.

Юқорида келтирилган таснифлашларга асосланган ҳолда, лойиҳа фаолиятидаги рискларни қуйидаги гуруҳини келтириш мумкин: лойиҳа иштирокчилари риски; лойиҳа смета қийматининг ошиш риски; қурилишни ўз вақтида тугамаслик риски; иш ва объект сифатининг

пастлиги риски; конструкцион ва техник рисклар; ишлаб чиқариш риски; бошқарув риски; сотиш риски; молиявий риск; мамлакат риски; маъмурий риск; ҳуқуқий риск; форс-мажор риски.

Иқтисодиётнинг устувор тармоқларида инвестицияларнинг ўрни ва аҳамияти, лойиҳани таҳлил қилиш ва амалга оширишнинг ҳамда мониторинг қилишнинг махсус тизимига эга эканлиги, лойиҳа бўйича рискларнинг минималлаштирилиши, пировардида, инвестиция лойиҳаларининг муваффақиятли татбиқ этилишига имкон беради. Иқтисодиётнинг устувор тармоқларида инвестиция лойиҳаларини молиялаштиришни ташкил этиш ва инвестицион рискларни пасайтиришнинг хориж тажрибаларини умумлаштириш асосида қуйидагича хулоса қилиш мумкин:

- ривожланган мамлакатлар амалиётида йирик инвестиция лойиҳаларини молиялаштиришда тижорат банкларининг синдикатли кредитлаш амалиётидан кенг фойдаланилади;

- ўтиш иқтисодиёти мамлакатларида тижорат банкларининг кредитлари инвестицияалрни молиялаштириш манбаларининг умумий ҳажмида кичик салмоқни эгаллайди.

Ривожланган мамлакатлар тажрибаси шуни кўрсатадики, ҳар бир давлат мамлакат иқтисодиётига йирик миқдорда хорижий инвестицияларни жалб этиш учун ўз инвестиция сиёсатини ҳамда инвестиция иқлимини такомиллаштиришга ҳаракат қилиши ва бу борадаги ҳаракатларни энг аввало инвестиция муҳитининг ташкилий ҳуқуқий асосини яратишдан бошлаши лозимдир.

**ФОЙДАЛАНИЛГАН АДАБИЁТЛАР РЎЙХАТИ:**

1. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2022 йил 22 январда тасдиқланган "2022–2026 йилларга мўлжалланган Янги Ўзбекистоннинг тараққиёт стратегияси тўғрисида"ги ПФ-60 сонли Фармони.
2. Ўзбекистон Республикасининг 2019 йил 25 декабрдаги ЎРҚ-598-сонли «Инвестициялар ва инвестиция фаолияти тўғрисида»ги Қонуни.
3. Ҳайдаров Ў.А. "Миллий иқтисодиёт доирасида инвестиция фаолиятини молиялаштириш механизмини такомиллаштириш" – Т.:2020. и.ф.ф.д. (PhD) дисс. автореф. 14 б.
4. Ермасова Н.Б. Риск-менеджмент организации. - М.: Дашков и Ко, 2008.
5. Ермасова Н.Б. Инновационные походы к управлению рисками инвестиционной деятельности. - М.: Высшая школа, 2007.
6. Яшин С.Н., Кошелев Е.В., Макаров С.А. Метод разработки инвестиционных программ предприятий с учетом возможностей реинвестирования // Финансы и кредит. - 2011. - 5(437).
7. http://www.lex.uz (Ўзбекистон Республикаси Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси)

**УЎК:678 (34) 45.5**

## АУТСОРСИНГ ХИЗМАТЛАРИ БОЗОРИНИ БАҲОЛАШ

***Н.Р.Эргашева, ўқитувчи, ҚарМИИ, Қарши***

***Аннотация.*** *Ушбу мақолада аутсорсинг бозор иқтисодиёти шароитида аутсорсинг хизматларининг объектив шарт - шароитлари тизими, аутсорсинг хизматидан фойдаланишнинг асосий "сабаблари ёки мотивлари", корхоналарда харажатларни қисқартириш ва бозорда хизмат кўрсатувчи сифатида аутсорсингга қўйиладиган талабларни аниқлаш бўйича илмий асосланган таклиф ва тавсиялар келтирилган.*

***Калит сўзлар:*** *аутсорсинг, аутсорсер, аутсорсинг хизмат, бозор иқтисодиёти, объектив шарт-шароитлар, баҳолаш, аутсорсинг хизматлар бозори*

***Аннотация.*** *В данной статье представлены научно обоснованные предложения и рекомендации по системе объективных условий оказания аутсорсинговых услуг в условиях рыночной экономики, основные «причины или мотивы» использования аутсорсинговых услуг, снижение издержек на предприятиях, определение требований к аутсорсингу как поставщик услуг на рынке.*

***Ключевые слова***: *аутсорсинг, аутсорсер, аутсорсинговая услуга, рыночная экономика, объективные условия, оценка, рынок аутсорсинговых услуг*

***Abstract.*** *This article presents scientifically based suggestions and recommendations on the system of objective conditions of outsourcing services in the context of the market economy, the main "reasons or*

*motives" for using outsourcing services, reducing costs in enterprises, and determining requirements for outsourcing as a service provider in the market.*
***Keywords:*** *outsourcing, outsourcer, outsourcing service, market economy, objective conditions, assessment, outsourcing services market*

**Кириш.** Ўзбекистонда аутсорсинг хизматлари ривожланмаганлигининг муҳим муаммоси маҳаллий амалиётга нисбатан аутсорсинг хизматларини амалга оширишнинг батафсил механизми, шу жумладан шартномани бажаришнинг барча босқичларида аутсорсингга бўлган эҳтиёжни баҳолаш ва шериклик муносабатларини тартибга солишнинг аниқ иқтисодий усулларининг йўқлиги ҳисобланади. Белгиланган муаммолар тадқиқотнинг долзарблигини аниқлади ва мавзуни танлашга имкон берди.

"Аутсорсинг" сўзи инглиз тилидан олинган бўлиб, шартнома асосида ташқи манбалардан ёки ресурслардан, корхона ва ташкилот фаолияти хизмат кўрсатиш функциясининг бир қисмини бошқа бажарувчи корхона ёки кампаниясига бериш, яъни аутсорсинг хизматини кўрсатувчи корхона ва компаниялар хизматидан фойдаланиш мақсадга мувофиқлигини кўрсатади.

Аутсорсинг - бу харажатларни минималлаштириш, сифатни таъминлаш (яхшилаш) ва белгиланган муддатларга риоя қилиш мақсадида юқори ихтисослашган компаниялар ёки алоҳида мутахассисларни жалб қилиш орқали мижознинг асосий бўлмаган функцияларини бажаришни ўз ичига олган хизмат туридир.

Ушбу муаммонинг долзарблиги ҳозирги вақтда аутсорсинг хизматларининг назарий асослари етарли даражада ишлаб чиқилмаганлиги ва Ўзбекистон Республикаси корхоналари учун бизнесга йўналтирилган тузилмаларни яратиш зарурати контекстида аутсорсинг хизматларидан фойдаланишнинг келишилган механизмига тўғридан тўғри тарзда киритилган амалий услубий ишланмаларнинг ва баҳолаш механизмларининг йўқлигидадир.

Ҳозирги вақтдаги ҳолатни ҳисобга олган ҳолда, аутсорсинг хизматлар бозорини баҳолаш ва шакллантиришга оид жиҳатларини такомиллаштиришга қаратилган илмий таклиф ва амалий тавсиялар ишлаб чиқиш зарурлиги тадқиқот мавзусининг долзарблигини белгилайди.

**Мавзуга оид адабиётларнинг таҳлили.** Аутсорсинг хизматлари бозорини баҳолаш муаммоси ва уларни амалиётга жорий этишга бағишланган ишланмалар таҳлили, шунингдек, аутсорсинг хизматлари бозори муаммосини ўрганиш хорижий ва маҳалий иқтисодчи олимлар томонидан тақдим этилган: Гильмиярова М.Р.[2], Федорова Е.А.,Ермолов А.В.[3], Корнейчик М., Лясуская Н. [4], Васильев А.С., Миргородская Т.В. [5], Еськова Л.Ф., Дрозд А.М., Маневич А.В. [6], Пардаев М. Қ [7], Уразов Б.К. [8] ва бошқалар. Ушбу тадқиқот йўналишининг ўзига хос хусусияти шундаки, мавжуд хорижий ва маҳаллий илмий ишларнинг аксарияти фақат аутсорсинг хизматлари бозорининг айрим сегментларига қаратилган. Бу асосан аутсорсингнинг маълум бир туридан фойдаланиш ва у билан боғлиқ муаммоларга тегишли. Аутсорсинг соҳасида олиб борилаётган назарий тадқиқотлар ва Ўзбекистон Республикаси ташкилотлари томонидан тўпланган жуда кам амалий тажрибага қарамай, аутсорсинг хизматлари бозори аста секин ривожланмоқда. Ушбу масала бўйича илмий ишларнинг жуда кам мавжудлиги аутсорсинг хизматлари бозорининг шаклланиши ва фаолиятини ишлаб чиқадиган чуқур ва тизимли тадқиқотлар олиб боришни тақоза этмоқда.

**Тадқиқот услуби**. Аутсорсинг хизматлари бозорининг ўзига хос бўлган асосий хусусиятларини асослаб бериш, аутсорсинг хизматлари бозорини ташкил этиш ва амалиётга қўллашнинг услубий таъминотини яхшилашга қаратилган масалалар билан изоҳланади.

**Тадқиқот натижалари ва таҳлили**. Умуман олганда, хизматлар бозори товар бозори билан бир хил қонунларга бўйсинади, шунинг учун ушбу иқтисодий аутсорсинг хизматлар бозори икки томонлама ишлайди: хизмат кўрсатувчи провайдер (таклиф) ва мижозларнинг маълум сифатдаги аутсорсинг хизматларига бўлган эҳтиёжи ( талаб). Бу иқтисодиётнинг ҳозирги ҳолатини, унинг бундай хизматларга талабни ошириш тенденцияларини ҳисобга олган ҳолда " (таклиф)таъминот" томонини (аутсорсинг ташкилотларига қўйиладиган талабларни) кенг кўриб чиқиш муаммосини келтириб чиқаради.

Мамлакатимизда бизнес-жараёнларнинг ортиб бораётган мураккаблиги, ташкилот ва компаниялрларнинг ҳаддан ташқари иш билан бандлиги, бозор шароитларининг динамик ўзгариши, чекланган ресурсларга эга бўлган бозорга товарлар ёки хизматларнинг ортиб бораётган оқимини янада рағбатлантириш зарурати - буларнинг барчаси менежментнинг янги йўналишини ривожлантиришга ёрдам берди, яъни бу аутсорсингдир.

Аутсорсинг ташкилий схема сифатида бизга Ғарбдан келганига қарамай, тадқиқот натижалари шуни кўрсатадики, Ўзбекистон корхоналари учун Ғарб мамлакатлари тажрибасидан нусха олиш бизнинг ташкилотларга тўғри келмайди. Бизнинг тадқиқотимиз Ўзбекистон ва Ғарб мамлакатлари аутсорсингдан фойдаланишга ёндашувлардаги фарқлари мавжуд. Бу, биринчи навбатда, ихтисослашган ташкилотлар ва компаниялар хизматларидан фойдаланишнинг зарурий шартлари ва етказиб берувчиларини танлаш мезонларига боғлиқ.

Бизнинг фикримизча, мижоз - ташкилот ва мижоз-компания учун иқтисодий самара ихтисослашган ташкилот ва компаниялардан профессионал хизматларни излашнинг асосий сабабидир, чунки аутсорсинг ташкилотларда ва компанияларида тегишли сифат ва мақбул харажатлар билан муайян турдаги хизматларни тақдим этишга ихтисослашган.

Замонавий технологиялардан фойдаланиш ҳам аутсорсингнинг пайдо бўлишига ҳисса қўшади, чунки ҳар бир ташкилот илғор технологияларга катта маблағ сарфлашга қодир эмас, айниқса, уларга бўлган эҳтиёж доимий равишда пайдо бўлмаса-да, маблағлар сарфланади. Шундай қилиб, профессионал аутсорсинг ташкилотлар ва компанияларига хизмат кўрсатиш учун мурожаат қилиш мақсадга мувофиқдир.

Корхона фаолиятининг узлуксиз жараёни ва якуний натижаси маълум бошқарув функцияларининг ўз вақтида бажарилишига боғлиқ. Бу вақт омили компанияларни аутсорсерларнинг профессионаллигига мурожаат қилишга ундади.

Ресурсларнинг етишмаслиги ташкилот ва компания ходимларига тўғридан-тўғри ишларни бажаришга имкон берувчи бошқарувга сарфланган вақтнинг кўп қисмини бўшатиш имконини беради. Бундан ташқари, ноёб ресурслардан фойдаланиш қобилияти улардан фойдаланиш учун оптимал харажатлар билан яхшироқ ишлашни таъминлайди.

Бюджет устидан назорат қилиш ўз ички бўлинмаларнинг доимий молиялаштиришни эмас, балки аутсорсинг компанияларга мурожаат қилиш орқали молиявий ресурслардан фойдаланишни автоматик равишда чеклашни назарда тутади.

Мамлакат иқтисодиётининг барча тармоқларида хозирги вақтда аутсорсинг хизматидан кенг қўллаш тенденцияси кузатилмоқда.

Аутсорсингдан фойдаланишнинг асосий "сабаблари ёки мотивлари" харажатларни қисқартириш ва корхона фаолиятини унинг асосий шаклига жамлаш имкониятидир.

Шуни ҳам таъкидлаш керакки, кўп йиллар давомида ташқи етказиб берувчиларга мурожаат қилиш сабаблари рейтингида маълум кўникмаларга эга бўлган малакали мутахассисларнинг етишмаслиги муаммоси асосий эди. Шуни таъкидлаш керакки, аутсорсинг ушбу хизматлардан фойдаланувчиларга маълум имтиёзларга эга бўлиш имконини беради.

Шундай қилиб, биз харажатларни камайтириш ва ўз бизнесингиз учун вақтни бўшатиш (60-70%) аутсорсингни ривожлантиришнинг асосий омиллари эканлиги ҳақида хулоса қилишимиз мумкин.

Хорижий ва маҳаллий ташкилот ва компанияларнинг аутсорсингдан фойдаланиш тажрибасини таҳлил қилиб, бозорда хизмат кўрсатувчи (таъминот (таклиф)томони) сифатида аутсорсингга қўйиладиган талабларни аниқлаш мумкин.

1. Билимларни бирлаштириш ва узатиш. Буюртмачи компания билан муносабатларни ўрнатиш жараёнида аутсорсерлар у томонидан ишлаб чиқилган вазифадан билимларни узатиш имкониятини таъминлаши керак.

2. Лойиҳани амалга ошириш жараёни ва техник ҳужжатларни ҳужжатлаштириш. Бу, кутилмаган ҳолатларда ёки хизматлар мазмунига қўйилган талабларга риоя қилмаган тақдирда, узилишлар сабабларини аниқлаш ва маълумотлардан белгиланган вазифаларни кейинчалик амалга ошириш учун фойдаланиш имконини беради.

3. Мижоз компаниясининг бизнес муҳитида юзага келиши мумкин бўлган мижознинг бизнес моделларини адекват идрок этиш. Бунинг учун ўз вақтида сифатли хизмат кўрсатишнинг самарали амалга оширилишини ташкил этиш учун мижоз фаолиятининг ўзига хос жиҳатлари ва у ишлаётган соҳани ривожлантиришнинг асосий тенденцияларини билиш зарур.

4. Ишбилармонликнинг юқори динамикаси ҳолатини тушуниш аутсорсерларга "дам олиш" имконини бермайди, чунки улар доимий равишда ўз касбий даражасини оширишлари ва иқтисодиётнинг турли соҳаларида рўй бераётган ўзгаришлардан хабардор бўлишлари керак.

5. Компаниялар ўртасида самарали мулоқот муҳитини яратиш.

6. Кўпгина аутсорсинг лойиҳалари ўз мақсадларига эриша олмайди ёки аутсорсинг билан шуғулланувчи компаниялар раҳбарияти билан муносабатларни ўрнатиш бўйича тўғри сиёсат йўқлиги сабабли шунчаки тугайди. Бу жиҳат ҳам аутсорсинг компанияларининг диққат марказида бўлиши керак.

7. Ўз методологиясига, шунингдек, бундай лойиҳаларни амалга ошириш тажрибасига эга бўлган аутсорсерлар мижоз-компания учун нопрофессионал хизматлар кўрсатиш хавфини камайтиради, буюртманинг мақбул муддатларда юқори сифатли бажарилишига эришади.

**Хулоса.** Аутсорсингдан фойдаланишнинг қуйидаги шарт-шароитларини ажратиб кўрсатиш мумкин:

- ➢ муайян талаб қилинадиган хизматни бажариш учун танлов тартиб-қоидаларини (тендерларни) ўтказиш;
- ➢ ташкилот ва компания бошқарув органларининг ўтказилган ва улар билан боғлиқ технологик жараёнлар ишини тартибга солувчи меъёрий ҳужжатларига мувофиқлиги;
- ➢ ташкилот ва компания харажатларини оптималлаштириш;
- ➢ технологик ва экологик хавфсизлик стандартларига риоя қилиш;
- ➢ ташкилот ва компаниянинг иқтисодий хавфсизлигини таъминлаш ва унинг бозордаги ўрнини сақлаб қолиш;
- ➢ аутсорсерларнинг хизматлар ва ишларнинг сифати, ҳажми ва муддати учун молиявий жавобгарлиги;
- ➢ аутсорсинг ташкилот ва компанияларида юқори малакали мутахассисларининг мавжудлиги;
- ➢ тақдим этилаётган аутсорсинг хизматларнинг ишончлилиги ва юқори сифати кафолати;
- ➢ мижозларнинг манфаатлари ва манфаатларини максимал даражада ҳисобга олиш ва ҳ.к.

**ФОЙДАЛАНИЛГАН АДАБИЁТЛАР РЎЙХАТИ:**


1. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2020 йил 10 январдаги "Ўзбекистон Республикаси соғлиқни сақлаш вазирлиги тузилмасидаги ташкилотларда аутсорсинг хизматлари кўрсатиш тартиби" тўғрисидаги 16- сонли қарорига

2. Гильмиярова М.Р. Проблемы и перспективы развития бухгалтерского аутсорсинга // Вестник ВГУ. Серия: Экономика и управление, 2017. - № 2. - С. 76-80.

3. Федорова Е.А., Ермолов А.В. Анализ современных тенденций в аутсорсинге бухгалтерского учета // Финансовая аналитика: проблемы и решения. - 2016 . - № 27 - С. 4-14.

4. Корнейчик М., Лягуская Н. Развитие бухгалтерского аутсорсинга в Республике Беларусь [Электронный ресурс]. - Режим доступа : httD://soDhus.at.ua/publ/2016 03 31 Iviv/sekciia section 8 2016 03 31/razvitie bukhaaiterskoao autsorsinaa v respublike belarus/122-1-0-1848. - Дата доступа : 02.05.2018.

5. Васильев А.С., Миргородская Т.В. Проблемы и перспективы аутсорсинга бухгалтерского учета в России // Международный научно-исследовательский журнал, 2015. - Выпуск № 1. Часть 2. - С. 19-21.

6. Еськова Л.Ф., Дрозд А.М., Маневич А.В. Аутсорсинг в Республике Беларусь [Электронный ресурс]. - Режим доступа: http://eiib.bsu.by/bitstream/123456789/89793/1/drozd_manevich_ sbornik11Jom1.pdf. - Дата доступа: 12.03.2017.

7. Пардаев М.Қ. Хизмат кўрсатиш, сервис ва туризм соҳаларини ривожлантириш: муаммолар ва уларнинг ечимлари.–Т.: «Иқтисод–молия». 2008. – 260 б.

8. Урозов Б.К. ва бошқалар. Хизмат кўрсатиш соҳаси корхоналарида бухгалтерия ҳисоби ва аудитнинг долзарб масалалари. – Т.: "Иқтисодиёт" нашриёти, 2011. – 260 б.


## АРХИТЕКТУРА ФАНЛАРИ

**UDC 725.85**

# O'QUV BINOLARIDAGI SPORT INSHOOTLARI TURLARI

***B.I.Inog'omov, arx.f.n., prof., Toshkent arxitektura-qurilish universitetiti, Toshkent***

*X.A.Madirimov, stajyor-o'qituvchi, Urganch davlat universiteti, Urganch*

***Annotatsiya.*** *Ushbu maqolada o'quv binolaridagi sport inshootlarini loyihalash bo'yicha talablarning o'rganilish jarayoni aks etgan.*

***Kalit so'zlar:*** *O'quv-sport inshootlari, asosiy inshootlar, yordamchi xonalar.*

***Аннотация.*** *В данной статье отражен процесс изучения требований к проектированию спортивных сооружений в учебных помещениях.*

***Ключевые слова:*** *Учебно-спортивные сооружения, основные помещения, вспомогательные помещения.*

***Abstract.*** *This article reflects the process of studying the requirements for the design of sports facilities in educational buildings.*

***Keywords:*** *educational and sports facilities, main facilities, auxiliary rooms.*

**Kirish. O'quv-sport inshootlari** o'quv muassasasining majburiy elementi, shuning uchun ular, qoidaga asosan, me'yorlar va ilmiy tadqiqotlar, majmuaviy loyihalar asosida shakllangan bo'lishi kerak. Oxirgi yillarda vatanimizda o'quv muassasalari yangi loyihalarni ishlab chiqishda o'quv muassasalaridagi o'quv-sport inshootlarining funksional strukturasini, ularning ratsional joylashuvini va takomillashtirishga alohida e'tibor berilmoqda hamda shular asosida o'quv-sport komplekslarini o'quv muassasalarda shakllantirishda mikrorayon va mikrorayonga yondosh aholilar tomonidan foydalanish imkoniyatini hisobga olish kerak bo'ladi.

**Asosiy qism.** Turli xil va ahamiyatga ega sport inshootlari ham umumiy, ham inshootlar tipi, vazifasi va sport turiga ko'ra alohida funksional talablarga ham javob berishi kerak. Jismoniy tarbiya, sport yoki sport o'yinlarida yoki qandaydir jismoniy mashqlarda qatnashish bilan, faol dam olish mashg'ulotlari uchun asosiy inshootlar yoki xonalar (sport zali, futbol maydoni, suzish uchun basseyn vannasi, chang'ilarda sakrash uchun trampling va boshqalar) zarur [1].

Asosan, o'qitish va mashg'ulotlar o'tkazish uchun mo'ljallangan sport inshootlarini biz **o'quv-mashg'ulot inshootlari**, tomoshabinlar uchun musobaqalar o'tkazish uchun mo'ljallangan sport inshootlarini - **namoyish inshootlari**, faol dam olish va umumiy-jismoniy tayyorgarlik uchun mo'ljallangan sport inshootlarini esa - **faol dam olish inshootlari** deb ataymiz. Bunda biz inshootning asosiy vazifasini ko'zda tutamiz, lekin musobaqalardan bo'sh vaqtda namoyish inshootlaridan odatda o'quv-trenirovka mashg'ulotlari uchun yoki faol dam olish uchun, o'quv-trenirovka inshootlaridan esa, ayrim hollarda, musobaqalar uchun foydalaniladi [2].

**1-jadval**

**O'quv-sport zallarining tarkibi va yuzalari**

| Xonalar | Maktab binolarining turlari | | | | | | | |
|---|---|---|---|---|---|---|---|---|
| | Bosh-lan-g'ich | Boshlan-g'ich-o'rta | O'rta | | | | | |
| | | A tur | B tur | D tur | E tur | F tur | G tur | H tur |
| | 4 sinfli (80 o'q) | 9 sinfli (345-360) | 13 sinfli (489-504) | 18 sinfli (689-704) | 22 sinfli (834-864) | 33 sinfli (1251-1296) | 44 sinfli (1688-1728) | 33+33 sinfli (2502-2592) |
| O'quv-sport zallari, m: | Maydon, $m^2$ | | | | | | | |
| 24x12 | - | 288 | 288 | 288 | 288 | $\frac{576}{2\,x\,288}$ | 288 | $\frac{576}{2\,x\,288}$ |
| 18 x 9 | - | - | - | - | 162 | - | - | - |
| 30 x 18 | - | - | - | - | - | - | 540 | 540 |
| | Ularga quyidagilar kiradi: | | | | | | | |
| Razdevalka, dush, sanuzel xonalari | - | 42 | 42 | 42 | $\frac{84}{2\,x\,42}$ | $\frac{84}{2\,x\,42}$ | $\frac{126}{3\,x\,42}$ | $\frac{168}{4\,x42}$ |
| Snaryad | - | 16 | 16 | 16 | $\frac{32}{2\,x\,16}$ | $\frac{32}{2\,x\,16}$ | $\frac{48}{16+32}$ | $\frac{64}{(2\,x\,16)+}$ |

Sport inshootlari tarkibiga **asosiy, yordamchi** inshootlar va xonalar, sport namoyish inshootlari tarkibiga esa, bulardan tashqari, **tomoshabinlar uchun xonalar** va **inshootlar majmuasi** kiradi.

**Asosiy inshootlar** jismoniy-madaniy amaliy mashg'ulotlari, o'quv- trenirovka va sog'lomlashtirish ishlari yoki musobaqalar uchun mo'ljallangan.

**Yordamchi xonalar** inshootlar va hududlar sport bilan shug'ullanuvchilarga xizmat ko'rsatish uchun (yechinish xonalari, dushxonalar, massaj va b. xonalar), namoyish inshootlaridagi tomoshabinlar uchun hamda sport inshooti ekspluatatsiyasini ta'minlash uchun mo'ljallangan.

Sport inshootlari **funksional vazifasi** va **sport turiga ko'ra** (*suzish basseyni, suvga sakrash uchun basseynlar, futbol maydoni* va boshqalar) hamda **kimga tegishliligi bo'yicha** (*butun shahar yoki turar-joy hududi aholisi uchun inshootlar, maktab inshootlari* va boshqalar) sinflarga bo'linadi.

O'quv muassasalaridagi sport inshootlari: *ta'lim tizimi, sport yo'nalishi, loyihalash usuli, kompozitsion tuzilishi*, shuningdek, *sig'imiga* qarab bir qancha turlarga bo'linadi.

Umumta'lim maktablarini sig'imiga qarab sport zallari va unga tegishli bo'lgan funksional xonalar tarkibi ularning yuzalariga qarab belgilanadi.

Shu bilan birga, o'quv binolaridagi sport inshootlari turlarini o'rganish jarayonida bir qancha omillarni inobatga olish lozim. Ular quyidagilardan iborat:

**O'quv-trenirovka ishlari uchun mo'ljallangan inshootlarni rejalashning funksional asoslari -** trenirovkaning asosiy jarayoni va jismoniy tarbiyachilar dam olishini ta'minlash, trener tarkibi, ilmiy laboratoriyalar, xodimlar va ma'muriyatning norma ishlashi uchun sharoitlar yaratishni o'z ichiga oladi. Jismoniy tarbiyachilar oqimi kirish eshigi orqali taqsimlash hududi yoki vestibyulga kiradi, vestibyul garderoblar, ma'muriyat, trener, shifokorlar va ilmiy brigadalar xonalari, bufet, dam olish xonasi va sanitar bo'g'inlar bilan qulay bog'langan. So'ngra jismoniy tarbiyachilar yordamchi xonalar (yechinish va dush xonalari)ga va jismoniy madaniyatning nazariy yoki amaliy mashg'ulotlari joylariga yo'l oladilar.

Amaliy mashg'ulotlar uchun mo'ljallangan asosiy xonalar yoki inshootlar bilan qulay o'zaro bog'liqda dam olish, reabilitatsiya, ilmiy nazorat (funksional diagnostika, datchiklar ko'rsatmalari va boshqalar) xonalari va o'quv- mashg'ulot jarayonining (interval trenirovka, snaryadlardan navbatma-navbat foydalanish va boshqalar) qabul qilingan tizimi bilan bog'liq kutish xonalari joylashtirilishi kerak.

Amaliy mashg'ulotlar uchun mo'ljallangan hududlar yoki xonalardan avval va ulardan keyin guruhlarni yig'ish, darsning birlamchi va yakuniy qismini o'tkazish uchun hudud (xonalar)ni ko'zda tutish maqsadga muvofiqdir. Ma'muriyat, shifokor, navbatchi trener, ilmiy xodim va xizmatchilar xonalari kirish joyi hamda nazariy va amaliy mashg'ulotlar xonalari bilan qulay bog'langan bo'lishi kerak.

Maktablar va internat maktablar yer uchastkalarining joylashtirilishi va o'lchamlari SH.N.Q. 2.01.07ga muvofiq qabul qilinadi. Maktablar va internat maktablarining yer uchastkalari quyidagicha: jismoniy tarbiya-sport; o'quv-tajriba; dam olish va xo'jalik zonalari kabi asosiy funksional zonalarning ko'zda tutilishi taqozo etiladi. Maktablar va internat maktablarning ko'kalamzor uchastkalarining maydoni uchastka maydonining 30-40%ini tashkil qilib, ko'kalamzor maydonga dam olish, jismoniy tarbiya va o'quv-tajriba zonalarining ko'kalamzor maydonlari hamda himoyaviy polosalar va maktab uchastkasi atrofidagi yashil to'siqlar ham kiradi [3].

Daha va mavzelarda katta yoshli o'quvchilar va kattalar sport maydoni maktab sport maydonlariga biriktiriladi. Umumta'lim maktablari kichik tumanda maxsus ajratiladigan hududda joylashtiriladi (xizmat ko'rsatish radiusi – 500 m, yirik maktablar uchun – 1000 m.gacha) loyihalanadi. Maktab hududi qizil chiziqdan kamida 25 m uzoqda alohida joyga joylashtiriladi.

Maktab hududi chegarasidan turar uylar kirish tomonigacha – 10 m, devor tomondan - 5m.dan kam bo'lmasligi kerak. Maktab hududini tashkil etishda bino joylashishi katta ahamiyatga ega. Binoni hududning bir tomoniga joylashtirish maqsadga muvofiq. Bu sport va boshqa maydonlarni joylashtirish uchun qulay. Maktab hududi 4 asosiy funktsional hududlarga ajratiladi: kirish, sport, dam olish, o'quv-tajriba va xo'jalik hududi. Sport hududiga: futbol maydoni, kichik va katta yoshdagi maktab o'quvchilari uchun sport maydonchalari to'plami kiradi [4].

Sport hududini o'quv xonalarining oynalari tomondan joylashtirish mumkin emas. Dam olish hududini o'quv binosidan chiqish qismiga yaqin qilib joylashtirish maqsadga muvofiq. Jismoniy tarbiya va sport inshootlari turar-joy tumani ko'kalamzor tizimini to'ldirishi lozim.

Tuman sport inshootlariga sport yadrosi va suzish basseyni, sport maydonlaridan iborat sport majmuasi, sport zalini o'z ichiga oladi. Turar-joy tumanining ko'kalamzorlari va sport inshootlari odatda joyning landshaft xususiyatlarini hisobga oluvchi o'zaro bog'liq tizim sifatida loyihalanadi.

Maktab o'quv-sport inshootlari tarkibini faqat jismoniy tarbiya dasturidagi sport turi bo'yicha, balki bir vaqtning o'zida shug'ullanayotgan bolalar soniga ham bog'liq. Hisob birligiga ko'ra bir sinf yoki 20-25 kishidan iborat guruhda qabul qilinadi. Jismoniy tarbiya amaliy mashg'uloti bo'yicha haftalik yuklanish har xil turdagi maktablarda har xildir. Maktab sig'imining ko'payishi bilan keskin ravishda haftadagi jismoniy tarbiya amaliy darslari soni ko'payadi.

**Xulosa.** O'quv binolarining turi va sig'imidan kelib chiqib, ochiq va yopiq sport inshootlarini to'g'ri tanlay bilish, ta'lim sifatini oshirishga, shuningdek, jismoniy tarbiya bilan muntazam shug'ullanishlariga asos yaratgan hisoblanamiz. Shu bilan birga, o'quvchi yoshlar va talabalarning jismoniy barkamolligini tarbiyalash, iqtidorli sportchilarning mahoratini davr talablari va xalqaro andozalar asosida takomillashtirib boorish, ziyolilarning ish qobiliyatlarini va mehnat unumdorligini oshirish, eng muhimi, sog'lom turmush tarzini shakllantirishga, sog'lom avlodni tarbiyalashga alohida e'tibor beriladi.

**FOYDALANILGAN ADABIYOTLAR RO'YXATI:**

1. B.I.Inog'omov "Sport inshootlarini arxitekturaviy loyihalash", O'quv qo'llanma, TAQI-2016;
2. H.M.Ubaydullayev, M.M.Inog'omova "Turar joy va jamoat binolarini loyihalashning tipologik asoslari", Toshkent-2009;
3. Feldman-Babak Tamara Petrovna va Kiryanova Nina Nikolayevnalarning "Физкультурно-спортивные сооружения учебных зданий" kitobi, M., 1982;
4. D.U.Isamuxamedova, "Turar joy tumani loyihasi", o'quv qo'llanma, T-2005.

**UO'K 72**

## XIVA SAROYLARINING BUGUNGI DAVRDAGI FUNKTSIYAVIY FAOLIYATI

***M.M. Jumanazarova, stajyor o'qituvchi, Urganch davlat universiteti, Urganch***
***B.J. Radjapov, stajyor o'qituvchi, Urganch davlat universiteti, Urganch***

***Annotasiya.*** *Ushbu maqolada O'zbekistonning eng tarixiy shahri Xiva saroylarini me'moriy idrok etish muhokama qilinadi.*

***Kalit so'zlar:*** *arxitektura, qayta qurish, tiklash, me'moriy yodgorliklar.*

***Аннотация.*** *В статье рассмотрена архитектурное восприятие дворцов самого исторического города Узбекистана Хива.*

***Ключевые слова:*** *архитектура, реконструкция, реставрация, памятники архитектуры.*

***Abstract.*** *The article examines the architectural perception of the palaces of the most historic city of Uzbekistan Khiva.*

***Keywords:*** *architecture, reconstruction, restoration, architectural monuments.*

Moziyga sayohatni noma'lum bir olamni kashf etish bilan qiyoslash mumkin. Bunga qiziqqan kishilar uchun o'tmishning unut bo'lgan sahifalarini o'z ko'zi bilan ko'rishdan ortiq maroqli ish bo'lmasa kerak. O'zbekistonning qadimiy shaharlaridan biri -Xiva me'morchiligidagi saroylarning bugungi davr funktsiyaviy faoliyatining ko'rinishi.

Afsonalar shahri - Xivaning paydo bo'lishi Nuh payg'ambarning o'g'li Som nomi bilan boshlanadi. Jumladan Matrizo Qushbegi elatidagi "Xeyvaq" qudug'ining qazilishini uning nomi bilan bog'lashadi. X asr tarixchisi Maqdisiy bu shaxarni Gurganch va Marv shaxarlari orasidagi asosiylari, ya'ni karvon yo'li o'tgan shaxarlar sirasiga kiritadi. Arxeologik taqdiqotlar natijasi ham aynan X asrdan kech bo'lmagan davrda paydo bo'lganini ko'rsatadi.

Xiva XIX-XX asrlarga oid Xorazm me'morchiligining o'ziga xos ochiq osmon ostidagi muzeyi hisoblanadi. Ichan qal'a ichki shahar bo'lib, unda ajoyib monumental binolar, o'sha zamonning mavj urib turgan me'morchilik san'ati bilan yaratilgan ajoyib binolar ansambili o'rin olgan. Bu binolaring ko'pchiligi paxsa, yog'och va xom g'ishtdan qurilgan. Ichan qal'a me'morchilik yodgorligining

ko'pchiligi XIX asrning birinchi yarmida qurilgan. Ko'hna Ark hamda Toshxovli saroy ansamblari eng so'nggi me'morchilik obidalari hisoblanadi.

Xiva XIX asrning boshlarida, Olloqulixon qisqa vaqt ichida bir talay ta'mirlash ishlari olib borgan. Ichan qal'adagi Toshxovli saroy majmuasi qaytadan tiklandi, eski imoratlar o'rniga yangi saroy qad ko'tardi. Xiva me'morchilik ansambilining badiiy ifoda bezaklari saqlanib qolingan.

Shahar ichida quriladigan tuar joy binolari uchun sinch uylar, paxsa yoki pishiq g'shtdan ko'proq hususiyatlidir. Imoratlarni qalin paxsadan qurish juda qulay bo'lib, Xorzamda bu usul avvaldan mashhurdir. Shu sababli ham Xorazmlik binokorlar paxsachi usta sifatida dunyoga tanilgani ajablanarli emas. Paxsa devorlarning eng yaxshi namunlarini Xivadagi xovlilarda shuningdek Rofonoq, Nurillaboy, Toza bog' deb atalgan shahar atrofidagi saroy-xovlilarda uchratish mumkin.

Turarjoy xonalari ancha sodda ishlangan. Ba'zi uylarning ichiga ganchdan yasalgan soddagina o'ymakorlik namunalari uchrab turadi. O'ymakorlik san'atining eng yaxshi yutuqlari asosan saroy majmualari qurilishida o'z aksini topgan. Ko'hna Ark, Toshxovli va Nurillaboy saroyi qurilishida xalq ustalarining ajoyib mahoratlari o'z aksini topgan. Eng yaxshi tamomlangan majmua Ko'hna Ark hisoblanib, u Ichan qal'aning g'arbiy devoriga qo'shib qurilgan. Ko'hna Ark XIX asr davomida qurilgan xon rezidentsiyasi va boshqaruv qarorgohi hisoblandi.

**Ko'hna Ark** Avrangxon davrida (1686-1688) bu joyda yangi ko'rinishxona- qabulxona qurilgan bo'lib, Avaz Inoqxon davrida (1782-1804) juda eskirib qolganligi uchun buzib uning o'rniga yangi turar joy majmuasi qurilgan. Hozirgi Ark majmuasi, XIX asrning birinchi yarmida jadal qurilish faoliyatining natijasidir. Ko'hna ark 80x50 metrlik sahnani egallagan bu saroy paxsa devor bilan o'rab qo'yilgan. U g'arb tomondan Ichan qal'a devorlariga borib taqaladi. Uning qal'aga kiriladigan asosiy yo'li sharqiy devorning o'rtalariga to'g'ri kelgan bo'lib, odatdagi mahobatli darvozalari ark shaklida va hajmi bir biriga ulanib ketgan xovlilar orqali ko'rinishxonaga o'tiladi.



***Ko'xna ark majmuasining*** **Tangalar tayyorlanadigan zarbxona** ***inter'eri***

Xovlida qad ko'targan yog'och ustunlarga naqshlar o'yib ishlangan, shiflariga gul bosilgan. Devorlarga oq -havorang tusda sir-bezaklar berilgan. Bu bezaklar shunchalik chiroyli ishlanganki, ularni ko'rib XIX asrning birinchi yarmida yashab o'tgan Xiva me'morlarning mahoratiga qoyil qolasiz. Yozgi va qishgi masjidlar ham huddi shunday me'morchilik usulida bunyod etilgan bo'lib undagi yozuvlar ichida mazkur koshonani bunyod etgan Ibodulla va Abdulla ustalarning ismi shariflari bitilgan naqshin yozuvlar xozirgi kunga qadar saqlanib qolgan. Ayrim xovlilarda qo'rg'onning shimoliy qismida davlat mahkamalari, idoralar, oshxonasi, ustaxona, xo'jalik omborlari maqsadlarida foydalaniladigan katta kichik qurilishlar, imoartlar joylashgan. Tangalar

tayyorlanadigan zarbxona ham xuddi shu yerda joylashgan. Ko'hna Ark saroyi juda mustahkam qurilgan bo'lib, xozirgi kunda muzey sifatida xizmat ko'rsatib kelmoqda.

**Toshxovli**-(1833-1841) me'morchilk san'atining so'nggi mashur namunasi bo'lib, Xiva me'morchiligining o'ziga xos xususiyatlarini mujassamlashtirgan. Saroy inshooti- bu Xivaning markazidan biroz shimoliy sharqida joylashgan Allaqulixon saroyi yoki Tosh xovlidir.

Uning ikki darvozasi G'arb va Janubga qaragan bo'lib, saroy tarkibida Arz xovli, Tosh xovlida gulpardozli sopol ishlatilgan. Ammo ayvonlarning hashamdorligi, ustun, poyustun, devor va xonalardagi naqshlarning nafisligi jihatdan Tosh xovli 163 xona, 3 ta katta va 5 ta kichik xovlini o'z ichiga mujassamlashtirgan. Uning hashamdor tarzda qurilgan bir necha ayvonlari bor.



**Nurillaboy saroyi old ko’rinishi va Inter’er**

**Nurillaboy saroyi**. Dishan qal'ada joylashgan bo'lib unga 1906 yilda Muhammad Rahimxon II asos solgan. Saroy bir nechta xovlilar va bog'lardan tashkil topgan bo'lib, atrofi umumiy qal'a devori bilan o'rab olingan(185,6x143m) Mazkur majmua turarjoy uchun mo'jallangan bo'lib, sinch devor bilan qurilgan. Uning saroy qismida ko'rinishxona arzxona va ayrim xovlili turarjoy binolari joylashgan. Saroy mustahkam devor bilan qoplangan bo'lib, uning har joyiga yarim doira shaklidagi kubbalar tiklangan. Alohida bir xonaga Asfandiyorxonning rasmiy qabul marosimlari o'tkaziladigan uy joylashan.



***Xiva deshan (tashqi) qal’a. Nurullaboy saroyining umumiy ko’rinishi***

Bu uy alohida mahorat ko'rsatib ishlanga, badiiy naqsh va bezaklar bilan bezatilgan. Bu bino devorlarini g'isht teruvchi mohir usta Quryoz Babajonov tiklagan. Davlatimiz raxbari SH.M.Mirziyoyevning joriy yili yanvar oyida viloyatga qilgan tashrifi chog'ida mutassadilarga mazkur majmuani zamon talablari darajasida rekonstruksiya qilish bo'yicha topshiriqlar bergan edi.

Prezidentimiz tavsiyalariga ko'ra ishlab iqilgan loyihaga binoan bu yerda restoran, qabullar uyi, galleriya, amfiteatr, hunarmandlar ko'rgazmasi tashkil qilingan.

Xiva Dishon qal'asi va uning yaqinida yana Rofonak, Qibla toza bog', Chodra xovli kabi bir necha saroylar bo'lgan. Shularning eng yaxshi saqlangani va mahobatlisi Nurilllaboy saroyi hisoblandi.

Qibla toza bog'. Majmuasi 0.5 gektarli maydonda qurilgan, har biri bir-biriga teng bo'lmagan 3 ta xovlidan iborat bo'lgan va xovlilar uzunligi bo'ylab ikki qavatli turarjoy va xo'jalik binolaridan iborat.



*Xiva deshan (tashqi) qal'a. Nurullaboy saroyining Inter'eri*




*Xiva deshan (tashqi) qal'a. Qibla toza bog' saroyining old ko'rinishi*

Bu yerda Ko'hna Ark va Tosh xovlidagi kabi qurilish, loyihalash ishlari bajarilgan. Majmua asosiy xovlisida ustaxona va xovuz joylashgan bo'lib, unda evro oynali qabul zallari mavjud va eng katta g'ishtli portal orqali kiritiladi. Portal tarzi ko'k va oq mazaykalar bilan bezatilgan. Uning plafon qismi betakror xalq san'ati an'analariga rioya qilingan holda bezatilgan. Saroy zallari interiyerlari Xivadagi Nurillaboy qabulxonasi kabi tilla suvi yuritilgan, ganch o'ymakorligi bilan bezatilgan. Saroyda mukammal ta'mirlash ishlari olib borilib, 120 o'rinli choyxona sayyohlarga va aholiga xizmat ko'rsatib kelmoqda.




*Xiva deshan (tashqi) qal'a. Qibla toza bog' saroyining Inter'eri*

Ichan qal'aning tarixiy-madaniy ahamiyatga molik ekanligi loyihachilar va me'morlar oldiga alohida talablar qo'yadi shunga ko'ra eski binolar bilan butun holda olingan miqyosiy nisbatlari bir-biriga muvofiq kelishi kerak, hozirgi zamon arxetekturasi muzey-shahar qiyosi tarkibidan singib

ketishi, keskin farqlab bo'lmasligi lozim, eng ilg'or xalq an'analari hisobiga olinishi hamda rivojlantirilishi zarur.

**FOYDALANILGAN ADABIYOTLAR RO’YXATI:**

1.Axmedov M.Q O'rta Osiyo me'morchiligi tarixi.Toshkent. "O'zbekiston".1995
2.Zohidov P.Sh, Avanesov R.X. Xiva. Toshkent. "O'zbekiston" nashriyoti . 1994
3.Bo'latova B.A, Mankovskaya L.Yu. Памятники зодчество Хорезмаю Тошкент-1970.
4. https://yuz.uz/uz/news

**УЎК 721**

# “ДЕШОН ҚАЛЪА” ПАХСА ДЕВОРИНИ САҚЛАБ ҚОЛИШ БЎЙИЧА БАЖАРИЛГАН ТАДҚИҚОТ ИШЛАРИ

***Г.С.Дурдиева, арх.ф.д., Хоразм Маъмун академияси, Хива***
***Ф.Ж.Давлетова, магистрант, Урганч Давлат Университети, Урганч***

***Аннотация.*** *Ушбу мақолада Хива шаҳридаги Дешон Қалъа пахсадевор меъморий ёдгорлиги бўйича ўтказилган мониторинг кузатув ишлари ва обидани техник ҳолати ёритилган.*

***Калит сўзлар:*** *пахсадевор, меъморий ёдгорлик, техник ҳолат, намлик, шўрланиш, қалъа девори, сақлаш, таъмирлаш, лойиҳа.*

***Аннотация.*** *В статье приведены некоторые результаты мониторинговые натурные исследованиеи определение технического состояния глинобытное памятника архитектуры Дешон Калы города Хивы.*

***Ключевые слова:*** *глинабытгое, памятников архитектуры, техническое состояние, влажность, засоленность, стены, сохранение, реставрация.*

***Abstract.*** *The article presents some results of monitoring field studies and determination of the technical condition of the adobe architectural monument Dishan Kala of the city of Khiva.*

***Keywords:*** *Mud wall, architectural monuments, technical condition, humidity, salinity, walls, preservation, restoration.*

Хива шаҳридаги Дешон Қалъа пахсадевор меъморий ёдгорлигининг баъзи қисмлари (60%) асрлар давомида табиий ва инсон фаолияти билан боғлиқ бўлган техноген салбий таъсирлар натижасида йўқолиб кетган.

Ўзига хос ноёб ва ягоналиги билан машҳур бўлган, Хива шаҳридаги бир неча асрлардан бери сақланиб келаётган меъморий обида - Дешон Қалъани келгуси авлодларга сақлаб қолиш долзарб вазифалардан биттасидир.

Ичан Қалъа девори атрофида мудофаа учун тикланган Дешон Қалъа девори 1842 йилда Хива хони Оллақулихон томонидан қурилган. Қалъа деворининг узунлиги 6250 метр. Шоир ва таржимон Огаҳийнинг ёзишича – Оллоқулихон бу деворни қуриш учун уч йиллик муддатда (давлатга ҳар бир фуқаро йилига 12 кун бепул ишлаб бериши шарт бўлган), яъни 36 кунда қуриб битказилган ва қалъа девори қурилишида 200 мингдан зиёд киши қатнашган экан, Қалъа деворининг турли тарафида - 10 та дарвозаси бўлган.Ҳозирда ушбу дарвозалардан фақатгина иккитаси – Қўша Дарвоза ва Қўй Дарвоза сақланиб қолган.Дешон Қалъа пахса деворининг минора-буржлари орасидаги масофа – 15,0 ÷ 25,0 метрни ташкил этади. Бу кунгуралар атрофни назорат қилиш учун мўлжалланган бўлиб, қурилиш нуқтаи назаридан унинг асосий вазифаси деворнинг зилзилабардошлик хусусиятини оширган.

Ҳозирда кунгураларнинг кўпчилиги турли хил салбий таъсирлар натижасида йўқолиб кетган.“Дешон Қалъа” деворининг ғарбий қисмида Хоразм Маъмун академияси олимлари ва Франциянинг “CRA terre” илмий маркази мутахассислари билан ҳамкорликда 3 қисмдан иборат қуйидаги тадқиқот ишлари бажарилди:

Гуруҳ ишлаб чиқилган юқоридаги режа асосида Хива шаҳар Дешон Қалъа деворининг ғарбий қисмида Қибла тоза боғ маҳалласи, Тош дарвоза кўчасида жойлашган қисмида тадқиқот ишларини амалга оширилиши белгилаб олинди.Обидани диагностика қилиш бўйича дастлаб аудиторияда маслаҳатлашиб олинди ва жойига чиқиб бевосита кўздан кечирилди. Кўздан кечириш жараёнида қалъа деворининг кунгра қисми танлаб олинди.



**1-расм. Дешон Қалъанинг таъмирлаш учун танлаб олинган қисми**

1-расмда келтирилганидек Дешон Қалъа девор кунгурасининг сақланиш даражаси 30...40% даражада бўлиб, ўта носоз ҳолатда. Носозлик сабаблари қуйидагича изоҳланади:

- Вақт ўтиши билан девор конструкциясининг эскириш натижасида нураши;
- табиий факторлар; ёмғир қор ёғишидан, шамол, қуёш таъсиридан нураш, ер ости сизот сувларининг агрессив таъсиридан пойдевор қисмининг шўрланиши;
- антропоген факторлар; одамлар томонидан деворга яқин жойларда қурилиш ишларини олиб бориш, унинг деворларини бузиб олиш;
- обидага жуда яқин жойда автомобиль йўлларини қурилиш ишлари олиб борилаётганлиги, ҳамда ушбу автомобиль йўллардан жуда оғир юк машиналарини ўтишидан ҳосил бўлган микровибрациялар, шовқинлар.

Таъмирланиши режалаштирилган қалъа деворининг кунгра қисмининг 1,5 метр қисмида иш олиб бориш режалаштирилди (3-расм).

**Қалъанинг ушбу девор қисмида қуйидаги ишлар олиб борилди:**

1. Деворнинг асоси бўлган ерларининг ўсимлик ва устки қатлами кўчириб олиниб қаттиқ асосий қатламга борилди.
2. Деворнинг асоси қияликдан иборат бўлгани учун янгидан қилинадиган деворни мустаҳкам ва устивор жойлаштириш мақсадида уни токча кўринишига келтирилиб ишлов берилди.
3. Деворда ишлаш ва кейинчалик техник хавфсиз бўлиши учун унга ёғочдан тиргаклар қўйиш учун ва ер ости сизот сувларининг таъсирида ернинг шўрланиши туфайли юқорига кўтариладиган намликдан сақлаш мақсадида унинг биринчи ва иккинчи ғишт қаторлари пишиқ ғиштдан ишланди.
4. Пишиқ ғиштдан қилинган теримларга цементли қоришмадан фойдаланилди.
5. Эски пахса девор юзига сўндирилган оҳакли сув билан ишлов берилди. Бундан мақсад деворда янтоқ ва бошқа турли ўсимликларни ўсиб чиқиши натижасида ва турли ҳашаротларни ҳаёт фаолиятининг деворга салбий таъсирини бартараф қилади.
6. Пишиқ ғишт териб бўлгандан сўнг ёғоч тиргаклар мустаҳкам қилиб икки жойида ўрнатилди. Ушбу ёғоч тиргаклар янгидан қилинадиган деворнинг ичида қолиб кетишининг ҳисобга олган ҳолда ўрнатилди.
7. Пишиқ ғишт терими билан хом ғишт терими ўртасига гидроизоляция вазифасини бажарувчи рубероид қатлам қўйилиб, хом ғишт терими бажарилди. Терим ишлари давомида пишиқ ва хом ғиштларнинг сув шимувчанлиги аниқлаб борилди.
8. Ғишт терим ишлари бажариш баробарида 8 хил таркибдаги лой қоришмалари намуналари тайёрланди (3-расм, б). Қоришмаларнинг таркиблари қуйидагичадир:№ 1. Шакарли қоришма. №2. Алое қоришмаси. №3. Хоразмча сомонли қоришма. №4. Гилам жуни қоришмаси. №5. Ёғоч қириндили (опилка)қоришма. №6. Гўнгли қоришма. №7. Гуруч ушоқдан қоришма. №8. Шоли шелухасидан қоришма.

Мазкур қоришмалар тўлиқ сувини тортиб тобига келиш учун икки кунга қолдирилди. Бу вақт мобайнида ғишт терим ишлари тажриба объектида тўлиқ охирига етказилди. Лой қоришмаларини қалъа деворига тажриба мақсадида суваш учун ўлчами 30х30 участкалари белгилаб олинди.




а) б)

**2-расм. а) пахса деворга тиргак ўрнатиш жараёни; б) тайёрланган қоришмалар**

Семинар тренинг навбатдаги иш кунида олдинги куни тайёрланган лой қоришмаларини тобига келганлиги боис бевосита қалъа деворларига олдиндан белгилаб олинган участкаларга сувоқ чиқилди ва уларнинг ҳар қайсининг таркиби бўйича сувалган участкаларга белгилар қўйиб чиқилди. Шу билан бирга лой намуналаридан ўлчам 10х10х5см бўлган қолиплар тахтадан ишланиб, ушбу қолипларга қуйиб қуритишга қўйилди.

Қалъа деворига сувалган лой намуналар тўлиқ қуригандан сўнг уларнинг мустаҳкамлиги ва емирилишга чидамлилигини текшириш мақсадида сувалган участкаларни ҳар бирининг устки сирти темир шётка билан қириб кўрилди. Темир шётка ҳар бир сувоқ устидан 10 марта қириб кўрилди. Бундан мақсад сувоқларнинг ташқи таъсирларга чидамлилигини синашдан иборатдир.



**3-расм. Пахса деворга ишланган 8 хил қоришмаларнинг кўриниши**

Ушбу синаш давомида сомон чўплари, гилам жуни ва шакарли таркибли лойлар бошқа таркибли лойларга қараганда мустаҳкамроқ ва емирилишига чидамли эканлиги аниқланди.

Кейин сувоқ намуналарига 0,35...0,4 литр ҳажмдаги сув сепиб кўрилди. Бундан мақсад сувоқларнинг ёмғирлар таъсирига чидамлилигини текширишдан иборатдир. Бунда алоэ суви таркили лой намунаси тезда қуриб яхши натижа кўрсатди.

Тадқиқот натижаларига кўра айтиш жоизки, пахса девор меъморий ёдгорликларни сақлаш, таъмирлаш ва фойдаланиш амалиётида обидани ер остки ваер устки қисмларини тўлиқ мониторинг қилиб, сўнгра таъмирлаш лойиҳасини тайёрлаш лозим бўлади. Айнан, бебаҳо маданий меросимиз ҳисобланган “Дешон Қалъа” деворининг ҳолати худди шундай - илмий асосда Франциянинг Греноболь шахрида жойлашган миллий олий архитектура мактаби қошидаги CRAteree Лой архитектураси бўйича илмий маркази биланўрганилди ва ЮНЕСКО томонидан ҳам қўллаб қувватланиб таъмирлаш ишлари ўз вақтида бошланди.

Ўйлаймизки, келгусида мутасаддилар томонидан ушбу ноёб меъморий обида тўлақонли таъмирланади ва Ўрта Осиёда бетакрор деб ҳисобланган Дешон Қалъа девори дунёнинг етти иқлимидан оқиб келаётган хорижий сайёҳларни асрлар давомида ўзига жалб қилади.

**ФОЙДАЛАНИЛГАН АДАБИЁТЛАР РЎЙХАТИ:**

1. Абдурасулов А. Хива. Т.: “Ўзбекистон”, 1997.
2. Абдурашидов К.С. Ўзбекистондаги архитектура ёдгорликлари конструк-цияларининг холати ва келажаги. //Архитектура и строительство Узбекистана – 2001. № 1, С. 16-17.
3. Болтаев А. Хива архитектура қоидалари. Тошкент, 2013, 101 б.
4. Бобожонов Д., Абдурасулов М. Фирдавсмонанд шаҳар. Хоразм Маъмун академияси нашриёти, 2008, 98 б.
5. ЗасыпкинБ.Н. Памятники архитектуры Средней Азии и их реставрация.Сб. Вопросы реставрации, Москва. 1926,стр. 139,144.
6. Худойберганов К. Хива хонлари тарихидан. Урганч, “Хоразм”, 2008.

**УЎК 7.025.**

# ХИВАДАГИ АНЪАНАВИЙ УЙЛАРНИ АСЛ ҲОЛАТИДА САҚЛАШ МУАММОЛАРИ ВА ЕЧИМЛАРИ

***Г.С.Дурдиева, арх.ф.д., Хоразм Маъмун академияси, Хива***
***Н.К.Худайбергенова, магистрант, Урганч Давлат Университети, Урганч***

***Аннотация.*** *Ушбу мақолада Хива шаҳридаги Дешон Қалъа ҳудудидаги “Заргарлар” маҳалласида жойлашган анъанавий уй бўйича ўтказилган мониторинг кузатув ишлари ва уни сақлаб қолиш масалалаари ёритилган.*

***Калит сўзлар:*** *анъанавий уй, ёдгорлик, техник ҳолат, намлик, шўрланиш, девор, синч-нигирик, сақлаш, таъмирлаш, лойиҳа.*

***Аннотация.*** *В статье приведены некоторые результаты мониторинговые натурные исследование и определение технического состояния традиционный жилого дома, которые находится в территории Дешан Кале махалле “Заргарлар”, города Хивы.*

***Ключевые слова:*** *традиционный жилой дом, памятник, техническое состояние, влажность, засоленность , стены, синч-нигирик, сохранение, реставрация, проект.*

***Abstract.*** *The article presents some results of a monitoring field study and determination of the technical condition of a traditional residential building located in the territory of Dishan Kala mahalla “Zargarlar", the city of Khiva.*

***Keywords:*** *traditional residential building, monument, technical condition, humidity, salinity , walls, sinch-nigirik, preservation, restoration, project.*

Хива шаҳридаги уй-жой қурилиши соҳасида аждоддан-авлодга ўтиб келаётган анъаналари ва маросимларини ўрганиш ва таҳлил қилиш ҳозирги кунда архитектруа ва қурилиш фани олдида турган долзарб вазифалардан биттасидир. Чунки кейинги охирги бир неча ўн йилликлар давомида Хива шаҳридаги Дешон Қалъа ҳудудидаги қадимий маҳаллалар ва улардаги анъанавий тарихий уй-жолйар турли хил табиий таъсирлар ҳамда инсонлар фаолиятидан келиб чиқадиган техноген салбий таъсирлар натижасида бузилиб, емирилиб бормоқда.

Шу хусусда, ушбу мақолада Хива шаҳридаги Дешон Қалъа ҳудудидаги “Заргарлар” маҳалласида жойлашган анъанавий уй бўйича ўтказилган мониторинг кузатув ишлари ва уни сақлаб қолиш масалалари ёритилди. Қуйида анъанавий уй тўғрисида батафсил маълумот берилади:




**1-расм. Анъанавий уйни жойлашган ўрни**

**Анъанавий уй тўғрисида тарихий маълумот**

1959 йилда туғилган Ганжавой Хўжаевнинг айтишича, 1903 йилда туғилган отаси Тожибой Хўжаев ушбу уйни ўзи қурмаганлигини, яъни кимдандир сотиб олган экан. Демак, отаси уйни 1925-28 йилларда кимнидир яшаб турган уйини сотиб олган бўлса, ушбу уй тахминан 1890-1900 йиллар атрофида қурилган бўлиши мумкин. Демак, уйнинг “ёши” тахминан 130 йилга тенг бўлиб, уй қандай тарзда қурилган бўлса шундай ҳолида (2,3-расмлар) бизгача етиб келган (техник ҳолати қониқарсиз).

**Анъанавий уйнинг ўлчамлари тўғрисида қисқача маълумот:**

* Анъанавий уй 2 қаватдан иборат бўлиб, баландлиги – 5,80м;
* Уйнинг умумий ўлчами – 13,4 х 16,8 м;

1.Уй ёзги ҳовлисининг ўлчами – 10,20 х 6,40 м;
2. Шимолга қаратиб тикланган “терс айвон”нинг ўлчами - 6,0 х 5,5 м;
3. Умумий хонанинг ўлчами – 4,4 х 5,0 м;
4. Ётоқхонанинг ўлчами – 3,2 х 4,0 м;
5. Йўлакнинг ўлчами – 2,2 х 4,40 м;
6. Омборхонанинг ўлчами - 4,4 х 5,0 м;
7. Ошхонанинг ўлчами - 4,0 х 4,5 м;
8. Хожатхонанинг ўлчами – 2,0 х 2,0 м.



**а) б)**

**2-расм. а) Анъанавий уйни эгаси Г.Хўжаев билан суҳбат жараёни б) 130 йилдан бери асл ҳолида сақланган уйнинг айвон қисмидаги эшигини кўриниши**

**Анъанавий уйнинг қурилиш материаллари:**

Уйнинг деворлари “синч-нигирик” услубида тикланган бўлиб, пишган ғишт ишлатилган, мусулмон ғиштининг ўлчамлари - 26,5х26,5х5,5 см; Девор устидан сомон сувоқ қилинган; Ғишт теришда лой қоришмасидан фойдаланилган. Шип қисми – васса жуфт, ёғоч тўсин. Пол қисмига – мусулмон пишган ғишти терилган.

Эшиклари жуда яхши сақланган, ўтган асрга оид нақшлар билан безатилган ва «ошиқ-мошиқ» ўрнига ҳам, қадимий услуб, яъни ёғочни ўзи ишлатилган. Айвон қисмининг ҳам тепаси васса, болорлар ва капитель ёрдамида ёғоч ўймакори устунга ва мармардан ишланган устунтагга ўрнатилган.

**<u>Анъанавий уйнинг қайси ташкилот томонидан муҳофазага олинган:</u>** Барча уйлар қаторида фақатгина кадастр ҳужжатлари ишланган;

- “Снос-йиқиш” учун рўйхатга олинган ва огоҳлантирилган;
- Бошқа мутасаддилар томонидан “категорияли уй” сифатида давлат тасарруфида рўйхатга олинмаган.
- Ваҳоланки, ушбу уй қурилган вақтидан буён йиқитилмаган ҳам ва биронта меъморий элементлари алмаштирилмаган ҳам.

Ушбу анъанавий уйни мониторинг қилган вақтимизда яна бир мақтовга сазовар қадимий элементни кўрдикки, бу асрлар давомида ота-боболаримиз шимолга қаратиб қурадиган терс айвонларнинг зилзилабардошлик хусусиятини оширишга мўлжалланган ёғоч бруслар, яъни “сарвантлар”ни қўйилганлиги ҳамда уларнинг шу бугунги кунгача ўзининг эксплуатация ҳолатида турганлигини гувоҳи бўлдик.



**3-расм. Анъанавий уйнинг айвонидаги ёғоч устуни ва шип қисми**

**Анъанавий уйнинг техник ҳолати:**

• Том ёпмаси – 1-қаватдаги уйларнинг томи авария ҳолида, айвоннинг томи эса - қониқарли ҳолда;

• уйнинг ички девориларида 50 мм гача ёриқлар мавжуд бўлиб, ташқи кўча деворларининг барчаси – қониқарсиз;

• Цоколь қисмлари маданий қатлам эвазига - кўмилиб кетган;

• Пол қисми ғиштлари шўрланишдан зарарланган;

• Уйнинг 2-қаватидан умуман фойдаланилмаяпти - авария ҳолатида;

• Уйнинг ёғоч конструкциялари - термитдан зарарланган;

• Айвонда пол қисмида мавжуд бўлган “адан” – кўмилиб кетган;

• Айвоннинг ёғоч ўймакори устуни – яхши сақланган;

• Айвон шип қисмидаги ёғочлар ҳам – яхши сақланган;

• Эшиклар ва деразалар таъмирлаб яна фойдаланиш мумкин;

• **Уй техник ҳолати бўйича – қониқарсиз тоифага киради**.



**4-расм. Анъанавий уйнинг қайта таъмирлаш лойиҳасига доир**

Биз тадқиқотчилар ҳозирда йўқолиб бораётган қадимий маҳаллалардаги анъанавий уйларни қайта таъмирлаш лойиҳасини (4-расм) айнан ушбу уй режасига асосан ишлаб чиқдик. 4-расмга эътибор қилинса, албатта сиз уйнинг кўчага биронта деразаси қарамаганлигини кўрасиз. Чунки, Хиванинг қадимий уйларининг деразалари фақат айвонга қараган бўлиб, хотин-қизлар яшайдиган уйлар айвон атрофида жойлаштирилган.

Хулоса қилиб айтганда, туризм соҳасини ривожлантиришга хизмат қилувчи қадимий маҳаллалар ва улардаги тарихий уй-жойларни сақлаб қолиш долзарб вазифалардан биттасидир.

**ФОЙДАЛАНИЛГАН АДАБИЁТЛАР РЎЙХАТИ:**

1. Булатова В.А., Ноткин И.И.- Архитектурные памятники Хивы. Ташкент, «Узбекистан», 1965. 79 с. с ил. 6 л. ил.

2. Воронина В.Л.- Строительная техника древнего Хорезма. ТХАЭЭ. т.1. М., Наука, 1952. с.87-104

3. Гулямов Я.Г.- Памятники города Хивы. Труды УзФАН СССР. Серия 1. История, археология. Вып. Ш. Ташкент, Уз ФАН, 1941. 44 с.

# ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ФАНЛАР АКАДЕМИЯСИ МИНТАҚАВИЙ БЎЛИМИ
# ХОРАЗМ МАЪМУН АКАДЕМИЯСИ

# ХОРАЗМ МАЪМУН АКАДЕМИЯСИ АХБОРОТНОМАСИ

**№3/2 (99)**
**2023 й., март**

| | |
|---|---|
| Ўзбекча матн муҳаррири: | Рўзметов Дилшод |
| Русча матн муҳаррири: | Ҳасанов Шодлик |
| Инглизча матн муҳаррири: | Мадаминов Руслан, Ламерс Жон |
| Мусаҳҳиҳ: | Ўрозбоев Абдулла |
| Техник муҳаррир: | Шомуродов Журъат |

“Хоразм Маъмун академияси ахборотномаси” Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлиги Хоразм вилоят бошқармасида рўйхатдан ўтган. Гувохнома № 13-023

Теришга берилди: 06.03.2023
Босишга рухсат этилди: 14.03.2023.
Қоғоз бичими: 60х84 1/8. Адади 70.
Ҳажми 7,7 б.т. Буюртма: № 3-Т

Хоразм Маъмун академияси ноширлик бўлими
220900, Хива, Марказ-1
Тел/факс: (0 362) 226-20-28
E-mail: mamun-axborotnoma@academy.uz
xma_axborotnomasi@mail.ru
Telegram **(+998) 97-458-28-18**